

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
НИЗОМИЙ НОМ. ІДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

НАВОИЙГА АРМУГОН

(Олтинчи китоб)

ТОШКЕНТ-2010

“Навоийга армугон” тўпламиининг ушбу китобида республикамиз Олий ўкув юртларида фаолият кўрсатаётган олимларнинг Навоий ижодининг айрим жихатлари хусусидеки мақолалари жамланган. Унга таникли профессор-ўқитувчилар билан бирга ёш тадқиқотчилар ва аспирантларнинг мақолалари ҳам киритилган.

Китоб кенг илм-адаб ахлига мўлжалланган.

Тахрир хайъати:

Университет ректори: доцент Ф.И.Хайдаров, профессорлар
Х.Хомидий, Б.Тўхлиев, С.Аширов, И.Йўлдошев, педагогика фанлари
доктори, профессор С.Матчонов, доц. И.Азимов

Масъул муҳаррир:

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ

филология фанлари доктори,
профессор

Тўплаб, нашрга тайёрловчи:

Файзуллоҳон НАБИЕВ

филология фанлари номзоди

Сахифаловчи:

Сайдмурод ХОЛБЕКОВ

Нажмиддин КОМИЛОВ

АДОЛАТ – ДАВЛАТ ПОЙДОРЛИГИНИНГ АСОСИ

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг асарларида миллий давлатчиликимиз маърифатининг бутун бир концепцияси ўз ифодасини топган. Ушбу концепция, бир жихатдан, исломий манбаларда ифодаланган адолат хақидаги ғояларни, иккинчидан, қадимги юонон файласуфлари ва ҳазрат Форобий қарашларини, учинчидан, тасаввуфдаги шоху дарвеш киёсига курилган фикр-мулоҳазаларни уйгуналаштириб, қамраб олгандир.

Алишер Навоий она тилида улуғ адабий асарлар яратиб, ҳалқнинг маънавий оламини юксалтириш баробарида темурийлар давлатининг барқарорлиги, давомийлиги ва мустаҳкамланиши учун хам курашиб, бу ишда ўзини масъул деб билди. Шу боис, у наинки биродари Ҳусайн Бойкароға насиҳат килиш, уни огоҳлантириб туриш ва улуғ, эзгу ишларга йўллаш билан чекланди, балки Бойкаро фарзандлари – шаҳзодаларга давлатчилик асосларини, Амир Темур ўғитлари ва анъаналарини ўргатиш, танбех ва насиҳатлар орқали таъсир этиб туришни ўз бурчи деб билган. Ҳусайн Бойкаро ўғиллари орасида таҳт ва юрт талашиш хали оталари тириклигигидаёқ бошланган эди. Улар баъзан отага, шоҳга бўйсунмай, мустақил ҳаракат қилишга интилардилар. Бу ҳол Алишер Навоийни қаттиқ ташвишга солади. Шу боис у ҳар бир шаҳзодага алоҳида мурожаат килиб, ота измидан чикмасликка даъват этади, мамлакат яхлитлиги учун жон куйдиради. Айникса, шоир катта ўғил Бадиуззамон Мирзога умид боғлаб, анчайин аччикрок гапларни айтади: «Ота рози – худо рози, отага карши исён – Худога қарши исён билан баробар». Менинг сўзларим оғир ботса хам айтаман, деб давом этади Навоий, Бадиуззамонга ёзган бир мактубида, чунки насиҳатларим беғараз, ниятим эзгуликдир. «Ёшингиз узун бўлсун. Андоқ кам воеъ бўлубдурким, бу қулнинг сўзин рад қилмиш бўлғайсиз. Эмди дағи бу кулнинг жони куйганда, ўзгаларининг этаги куймас». Ушбу мактуб таъсирида

Бадиуззамон Мирзо отаси билан ярашиб, узр сўрайди – омонсиз, бехуда қон тўкилишининг олди олинади. Бадиуззамонга юборилган бошка бир мактубида муаллиф эндингина Ирок ва Курдистон ҳокимлигига тайинланган шахзодага давлат бошқарувининг дастури бўладиган ўттиз икки банддан иборат фикрларини баён этади. Мактуб анъанага кўра насиҳат усулида ёзилган бўлса-да, бироқ унинг замирида талаб ва огохлантириш оҳангидаги ётади. Навоий баён этган фикрларни агар умумлаштирасак, куйидаги уч жиҳатта эътибор қилингани аён бўлади:

1) шоҳнинг ўзи шариат талабларига (яъни мавжуд конунларга) амал килиши ва бошқалардан ҳам шуни қатъий талаб қилиш;

2) раиятнинг аҳволидан доимо хабардор бўлиб туриш, адолат истаб келгандарнинг арзини мунтазам равишда эшишиб, золимларни жазолаш; шоҳ ва фуқаро орасида ўзаро ишонч ва муҳаббатни қарор топтириш;

3) девонда иш юритишни қатъий интизом асосида йўлга қўйиш, тамагирлик, порахўрлик, сусткашликка йўл қўймаслик.

Навоий яна шуни таъкидлайдики, мамлакатнинг ҳалол, виждонли кишиларини, обрў-эътиборга эга уламолар, арбобларни кадрлаш ва уларга суюниш лозим.

Сиёsat адолат ва доддохолик асосига қурилгандагина давлат мустаҳкамланади. Мазлумлар химоя қилинса, ёмонлар, талончи ва фирибгар-фитначилар жазоланса, бу бошқаларга ибрат бўлади. Улуғ шоир насиҳат килиб ёзади: «Алассабоҳ ҳарамдан чиккач, девонда ўлтириб доддоҳ сўрулса, дағи доддоҳ сўрарда ўзлук била машғуллук қилинса, агар бир мазлумга бирорвдин зулме ўтган бўлса, золимга андок сиёsat қилсаним, ўзга золимларга мужиби интибоҳ бўлса» (14-жилд, 187-бет). Яъни, эрталаб нонуштадан кейин девонда ўтириб, арз билан келгандарни қабул қилиши керак, яна шуки ҳар бир арзининг арзи эшитилганда, диккат билан текширилиши, моҳиятига стиб бориб, агар ҳакикатдан ҳам бирор золимдан жабр кўрган бўлса, бу иш аниклангандан кейин, золим шундай жазоланиши лозимки, бу бошка золимларга танбех бўлсин.

Шундан сұнг, подшо аркони давлат (амирлар, вазирлар)ни йигиб, унда «мұлк ва мол иши» мухокама қилиниши керак. Навоий давлат ишида машшарат, яғни кенгашиб иш қилишни қайта-қайта таъкидлайды. Кенгашларда нафакат «аркони давлат», балқи нуғузли шахслар, донишманд ҳакимлар хам қатнашиши мүмкін. Аммо ҳар бирининг ўз ўрни, ўз мавриди бор. «Хайрат ул-аброр» достонининг йигирманчи мақолати шахзода Бадиuzzамонга бағищланған. Бунда хам улуғ мутафаккир давлатни бошқариш масалаларига кенг тұхталиб, кенгашиб, машварат билан иш юритиш зарурлигини таъкидлайды. Давлат бошлигининг азму қарори, фикр-қарашлари, шубҳасиз, етакчилік қилиши лозим.

Аммо бошқалар билан кенгашиб, умумий холосалар, қарорларға келиш жуда мұхим. Шу боис, бир ишни шошма-шошарлик билан амалға оширишдан кұра, уни обдон үйлаб, бошқалар фикри билан қиёслаб пишириб, кейин тадбиқ этмок фойдалы. Чунончы, шоир қайд этганидек:

*Раъйингга ҳар амереки келди сабоб,
Машваратсиз этта құлурға шитоб...
Айлама ўз раъйингга күп әထықод.
Мұттамад әл раъийидин иста күшод.
Шаұқи раъйини этти күп писанд,
Раъй күрар әл тиңига солди банд.*

Демек, давлат мікёсидеги мұхим ишларни айёнлар, аркони давлат, биринчи навбатда, хайрихох, покдил, ҳақгүй одамлар билан маслахатлашиб, кейин қарорлар қабул қилиш маъқұл. Албатта, давлат ишида таъжил (тез бажарилиши керак бўлган) ишлар хам бор. Бунда шоҳ ўзи қарор қабул қилиши шарт. Шунингдек, баъзи тадбирларни таваккал қилиб амалға оширишга тұғри келади, деб давом эттиради ўз фикрини Навоий. Аммо шунда хам энг яқин одамлар билан маслахатлашиб фойдалыроқ. Шу жиҳатдан шоирнинг мана бу фикри хам ибратли:

*Бўлма малул ўлса кенгашибда талош.
Асру узун доги керакмас кенгош.*

Яъни: кенгаш пайтида баҳсу мунозара қизиб кетса, сенга малол келмасин, одамлар фикрини эркин баён этишга изн бер, сабр-тоқат билан тингла. Бироқ, кенгашнинг ҳаддан ортиқ чўзилиши ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Булар Навоийннинг ўз кузатишлари, амалий фаолиятидан чиқарган хуносалари, албатта.

Алишер Навоий девон юргизиш тартиби, ҳар бир ишни ўз вактида пухта ва аниқ бажаришга катта аҳамият беради. Буни у давлат бошқарувининг асосий омили деб хисоблаган. «Ҳайрат ул-аброр»да Бадиуззамонга:

Айлар ишингга чу бўлур дастрас,

Вақтидин ўткарма ани бир нафас.

Чунончи, бир ишга қўл урдингми, уни бир дам кечиктирмай бажар, - дея, насиҳат қилса, «Муншаот»даги 57-мактубда бундай ёзади: «Аркони давлатка ҳар ишким буюрулур, агар бутмаги бир кун мұяссардур, агар икки ё уч кун. Андок мұкаррар бўлсаким бот бутгардек иш ҳамул кун арз қилиб жавоб олсалар. Кечрак бутур ишни тонгла (эртаси) ё индин ё миодидин (муддатидан) ўткармасалар...». Яъни, ҳар бир амру фармон белгиланган муддатда бажарилиши лозим. Бугунги ишни эртага колдириш мумкин эмас. Агар ғоғишлик ва сусткашлик оқибатида иш орқага суриладиган бўлса, бунинг сабабкорлари аникланиб, қаттиқ жазоланиши керак. Айникса, котиблар, нусха кўчирувчилар, муҳр босадиганларнинг ниҳоятда чакқон, пухтакор ва ҳалол бўлиши таъкидланади. Навоий дейдикни, девон иши (канцелярия) жуда мураккаб, аммо ниҳоятда зарур соҳадир. Юборилётган хатлар чиройли қилиб, дона-дона, аниқ иборалар билан ёзилсин, тавочи беклар (девон бошлиғи) ахлоқан пок бўлсин, парвоначи (хат ташувчи)лар чакқон ва мунтазам фаолият кўрсатсин.

Навоий девон иши ҳақида тўхтар экан, икки жиҳатга эътибор беради: бири – шоҳ амру фармонларини махаллий амирлар, ҳокимларга етказиш; иккинчиси – қуйидан келадиган хат-хабарларни шоҳга етказиш. Ҳар икки томон ишида ҳам пайсалга солиш бўлмасин, дейди шоир. Бундан ташҳари,

базъзи амиру амалдорлар «мусулмонларнинг нишонин (хужжатини) ортик тамаъ бирла кечга қўймасалар, шаръий ва қавлий нишонни (шартномани) бир чорсў мухри била хукм бўлғон кун-ўқ бутҳариб берсалар» (14-жилд. 189-бет).

Шу тарика, улуғ шоир чегаралар ва шаҳарлар дарвозаларига ишончли қўриқчиларни қўйиб, «мустаҳкам ва мазбут» (эгалик қилиш) этиш, меҳмонхоналар, корвонсаройларни озода ва саронжом саклаш, аскар ва зобитлар ахволидан доимо хабардор бўлиб туриш, «атрофдин келган бозургонлар (савдогорлар)нинг жонибин риоят қилиш», закот, солик ишларини тартибга солиб, вакф мулкларни қайта хисоб-китоб қилиб чиқиш, ортиқча жарима ва соликларга тортмасликка чакиради. Навоий ёзади: «Жузвий жарима қылғонни куллий сиёsat қилилса, бок йўктур, то овоза олам мамоликига ёйилса, тужжорнинг ружуи кўпрак бўлса» (14-жилд, 191-бет). Бу фикрнинг ҳамма замонлар учун долозарблиги кўриниб турибди. Гап нима устида бораяпти? Майдумки, хориждан келган савдогарлардан бож-хирож, закот ундирилади. Бу ҳамма мамлакатларда мавжуд бўлган тартиб. Аммо айрим амалдорлар яна алоҳида қўшимча соликлар соладилар. Натижада савдогарлар фойда кўрмаганлиги учун бундай жойларга мол олиб келмайдилар, окибатда қимматчилик юзага келади. Навоий бу ҳолни яхши кузатиб таҳлил килган шекилли, шахзодага насиҳат қилиб дейдик, шоҳ ана шундай қўшимча солик ундиришларни қатъий манъ қилиши лозим, токи бу гап бошқа мамлакатларга ёйилиб, тижорат ахлиинг қизиқиши ортсин, савдо-сотик ривожлансин.

Мактубда бозорлардаги нарх-наволарни тартибга солиб туриш, ҳаридорлар ҳаққига хиёнат килувчи товламачиларни жазолаш, йўлларни, кўприкларни тузатиш, таълим-тарбияни йўлга қўйиш ҳақида ҳам тавсиялар баён этилган. Пойтахтда ва вилоят шаҳарлари, туман, кентларда масжидлар кошида мактаблар бўлиши зарур, леб хисоблайди Навоий. Гап таълим-таксил хусусида борар экан, шуни қайд этмоқ жоизки, Алишер Навоий шахзодаларнинг ўзлари ҳам кенг маълумотли, билимли, маърифатдан

баҳраманд одамлар бўлишини талаб қилган. Шуниси аниқки, шахзодаларга ҳарбий билимлар, давлат ишларини юргизиш қондалари ёшлиқдан ўргатилган. Лекин шоир бунинг ўзи етарли элас, деб таъкидлайди. Шоҳ – давлат бошлиғи. У юксак маънавиятли, доно ва акли бўлмоғи даркор. Бунинг учун кўп ўқиш зарур.

Навоий «Ҳамса»да шахзодалар – Бадиуззамон, Шоҳғаріб Баҳодир, Султон Увайсга алоҳида боблар бағишилар экан, уларга диний ва дунёвий билимлар, айниқса, тарих, илми нужум (бунда у Улугбекни ибрат қилиб кўрстади), тиббиёт, адабиёт бўйича асарларни кўпроқ ўқишиларини, ўзидан аввал ўтган шоҳларнинг қилган ишларидан сабоқ олишларини таъкидлайди. Бадиуззамонга ёзган мактубида эса уни «Зафарнома»ни мутолаа килиб, улуғ бобокалони Амир Темур фаолияти, давлатчилик тадбирлари устида мулохаза юритишига чакиради. Шоҳ ҳамма вакт огоҳ бўлиши керак:

Эрурсен шоҳ – агар огоҳсен сен,

Агар огоҳсен – шоҳсен сен.

Огоҳлик деганда жуда кенг маъни назарда тутилади: Худодан огоҳлик, охиратни ўйлаб, савоб ишларга қўл уриш, нафсни тийиш, раият ва лашкар аҳволидан хабардорлик ва ҳоказо. Умуман, Навоий ҳазратлари тушунчаси бўйича, подшо – Худонинг танлаган одами, бу ҳар кимга ҳам насиб бўлмайди. Одил подшо эса Худонинг бандаларига юборган неъматидир (золим подшо, бунинг акси ўларок, Худонинг қаҳру ғазаби нишонаси). Шунинг учун ҳам подшо Худо олдида ва ҳалқ олдида масъул. Подшолик таҳтига ўтирган одам буни чуқур англаши ва шунга қараб сиёсат юргизиши лозим. Раият тинчлиги, юрт фаровонлиги кўп холларда давлат бошлиғи бўлган подшонинг шахсига боғлик, деб тушинтиради Навоий, асрий шаклланган қарашларни давом эттириб. Шу боис қадимул айёмдан бошлаб шоҳлар ахлокига, уларнинг шахсий сифатларига катта аҳамият берилган. Зоро, подшо жамият сардори ва пешвоси бўлиши лозим, деб хисобланган. У нафакат сиёсий ҳаётнинг, балки иқтисодий-ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётнинг ҳам марказида туради. У ҳамма тизимнинг пешвоси – сарвари. Шоҳ

ва раият, шоҳ ва лашкар бир-бири билан ўзаро ишонч ва содиклик ришталари орқали боғланган бўлиши керак. Буларсиз адолатли жамият куриш, салтанатни бошкариш мумкин эмас.

Шоҳ раиятга зулм қилса, аввало, ўзиға ўзи зулм қиласди, - дейди Навоий. Чунки раият шоҳдан юз ўгиради. Натижада шоҳ сиёсати инкиrozга учраб, давлат емирилади. Демак, шоҳ ҳар қанча якка хукмфармо бўлмасин, аммо давлатнинг пойдевори ҳалқдир. Шунинг учун ҳам «Ҳалқ рози – Ҳақ рози» деган шиор адолатпарвар подшоларнинг асосий мезони бўлган.

Адолат гояси Алишер Навоийнинг қарийб ҳамма асарларида турли йусинда ифодаланади. Буюк мураббий ва мутафаккир шоир Пайғамбар алайхиссалоту васалламнинг машҳур ва хукмдорлар учун дастур бўлган: «Бир соатлик адолат олтмиш йиллик ибодатдан афзал», – деган ҳадиси муборакларини тез-тез такрорлаб туради. Яъни, бошлиқ учун адолатли бўлиш энг катта фазилат, энг улуғ савоб. Шунга ҳамоҳанг «Зулмкор мусулмон подшодан кўра, одил коғир подшо яхшидир», деган ҳадис ҳам шоир юрагидан жой олган. Бунинг мисоли Нуширавони одилдирким, исломда эмас (зиммий, яъни, ғайридин. – Н.К.) эди, аммо адолатли ишлари туфайли жаннатий бўлди.

Албаттa, адолат ҳар бир инсоннинг фазилати бўлмоги лозим. Бироқ, давлат бошлиғидан бу кўпроқ талаб килинган. Чунки унинг фазилати ҳам, нуқсони ҳам жамиятга тез таъсир этади. «Подшо қандай бўлса, унинг аъёнлари ҳам шундайдир», деган ҳадиснинг маъноси шунга ишора. Аммо адолат аллақандай мавҳум тушунча эмас. Адолат қилиш, биринчи галда, ўртада туриб, ҳақ ва ноҳақни ажратиш, гуноҳкор, золимни жазолаш, мазлумни химоя килишдир. Шоҳ агар яхши-ёмонга бирдай муносабатда бўлса, бу одиллик эмас, балки золимнинг тарафини олишдир.

Навоий «Ҳайрат ул-аброр»ида бу ҳакда шундай ёзади:

Бўлса керак фикр ила шоҳи жаҳон,

Яхшига яхшию ёмонга-ёмон.

Иккисидин бир киби олса ҳисоб

Мамлакати ичра тушар инқилоб.

Чунончи, шоҳ яхши, софдил одамлар тарафида туриб, ёмонларга ва ёвузларга карши курашиши керак. Агар шундай қилмаса, раият норози бўлиб, мамлакатда инқилоб кўтарилиши мумкин. Демак, адолат мамлакат осойиштилиги, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, давлат пойдорлигининг гарови ҳисобланади.

Адолатли сиёsat деганда, Навоий кўп ҳолларда, нафси бузук, ҳалқ молига кўз тиккан амир-вазирлар ва бошқа мансабдор шахсларни назарда тутади. Агар «аркони давлат» соглом бўлмаса, давлат ишлари барорли бўлмайди. Золим амирлар, пораҳўр қози ва садрларни шоҳ жазолаб, мансабдан четлаштириши лозим. Шунда подшонинг обру-эътибори ортади, амру фармони зудлик билан бажарилади.

Навоий назарида подшонинг яширин айғокчилари, маҳрамлари, яқин масалаҳатчилари бўлиши зарур. Аммо улар хам ўз манфаатини эмас, балки давлат ва шоҳ манфаатини кўзлаб гапирсалар яхши. Агар улар ўз манфатини ўйладиган бўлсалар, унда фитна-фасодга берилиб, ёлғон хабарларни етказадилар, тухмат-бўхтонни ишга соладилар. Энг ёмон хислат – бу ёлғончилик:

Ҳар кишинингким сўзи ёлғон эса,

Айлама бовар нечаким чин деса.

Ростгўй одам қасддан ёлғон гапирмайди. Бирок, кazzоб, ёлғончи одамнинг табиати шундайки, у ёлғон гапирмай туролмайди. Шу боис, давлат хизматига энг ҳалол, ростгўй, садоқатли, муносиб одамлар тайинланиши лозим. Шу билан бирга, улар ишчан, омили кор бўлиши керак.

Навоий шу талаблардан келиб чиқиб, бир нечта амалий тавсияларни баён этган:

1) ҳар кишининг кобилиятига қараб иш бериш;

2) бир вазифани икки кишига бермаслик, шунингдек, бир одамга икки вазифани юклаш ҳам ножоиз. Ҳар икки ҳолда ҳам масъулиятсизлик юзага келади ва иш бажарilmай колади;

- 3) мансабдор шахсларнинг ишини назорат қилиб туриш, нопоклиги, хиёнати сезилган ходимнинг баҳридан ўтиш;
- 4) Бордию ходжим тухмат курбони бўлган бўлса, ишини тафтиш қилиб, аниқлаб, афв этиш ва керакли жойда ундан фойдаланиш;
- 5) итоат ҳалқасидан бош чиқармокчи бўлган маҳаллий хокимлар, амирларни хиёнаткор сифатида қаттиқ жазолаш.

Умуман, Алишер Навоий гарчи тасаввуфий ғояларни, мутлақ эзгулик, раҳм-шафқат ҳакидаги фикрларни куйласа-да, аммо давлатчилик масалаларида у амалиётдан келиб чикиб, Куръоний мағзлардан, ҳукмлардан ва ҳамда Низомулмулк, Фаззолий, Амир Темур ва бошқа буюк зотлар томонидан ҳаётга татбик этилган «хавфу ражо» (қўркиш ва умидворлик) тамойилини кўллаб-кувватлади. Унинг адолат ҳакидаги фикрлари ҳам шу тамойилга мувофиқдир.

Алишер Навоийнинг одил шоҳ тимсоли, адолат ҳакидаги ғоялари кўп тадқик этилган. Аммо бу мавзу давлат қурилиши, давлат ва жамият муносабатлари, давлат бошқаруви тажрибаси нуктаи назаридан ҳали батафсил ўрганилиши лозим. Бу миллий давлатчилигимиз тафаккурини ёритиш учунгина эмас, балки талай жиҳатлари ҳозир ҳам сабоқ бўлиши мумкинлиги нуктаи назаридан муҳим аҳамиятга эга.

Ҳамиджон ҲОМИДИЙ АТОҚЛИ НАВОИЙШУНОС

Илм-адаб ахли орасида шундай зоти киромийлар бўладики, улар бир умрга нина билан қудук қазигандай кўхна сарчашмаларни вараклаб, маънавият инжуларини ўрганиб, сайлаб-териб таҳлил этиб, билганларини ўзгаларга юктириб, шогирдларга ўргатиб юрадилар-у, аммо хирс, ҳою ҳавас, бойлик-сарватга, амал-марtabага бефарқ карайдилар, уни назарга илмайдилар, барча юмушларни хоксорлик ва фидойилик билан бетамъ бажарадилар. Машхур олим, Шарқ адабиётининг нуктасанж донишманди, замон мударрислари пешвоси филология фанлари доктори, профессор,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, ўта нуктадон олим, ушбу сатрлар муаллифининг устози Натан Муродович Маллаев ана шундай донишмандлардан эди.

Ўтган асрнинг 50-йилларида адабиётшунослик майдонига кириб келган Маллаев умр бўйи (1922 – 1996) ўзбек классик адабиётининг энг долзарб масалаларини тадқиқ этиш, кардош халклар адабиётининг муҳим жиҳатларини ўрганиш, таржима килиш, ўрта ва олий мактаблар учун дарслик, қўлланмалар, дастурлар ёзиш, мажмуалар тузиш, илмий ва илмий-оммабоп китоблар битиш, фан номзоди ҳамда докторларини тарбиялаб етишириш билан муттасил шуғулланган. Устоз томонидан университетларнинг филология ҳамда педагогика институтларининг ўзбек тили ва адабиёти факультетлари учун яратилган “Ўзбек адабиёти тарихи” (биринчи китоб) дарслиги уч марта (1963, 1967, 1976 йиллар) қайта нашр этилиб, яқин 40 йил давомида филолог мутахассисларнинг бир неча авлодини тарбиялашда барқарор китоб сифатида қўлланилиб келинди. Профессор Н.М.Маллаев ижодий бисотида Навоийнинг хаёт йўли ва мероси таҳлили ҳам алоҳида сахифаларни ташкил этади.

Юкорида таъкидланганидек, устоз 1963 йили олий ўкув юртлари учун Республикаизда биринчи бўлиб “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигини яратдилар. Ўша кезлари Навоий “Хамса”сининг устод Порсо Шамсиев томонидан танқидий матни яратилган бўлса ҳам шоирнинг кўпгина асарлари ҳали жiddий ўрганилмаган ва нашр этилмаган эди. Натижада муаллиф дарсликни ёзишда шоирнинг хаёти, фаолияти, ижодий меросини батафсил ёритишга киришар экан, биринчи – қўллэзма сарчашмаларга – асл нусхаларга мурожаат килишга мажбур бўлган. Навоийнинг насрий, илмий асарлари, “Хазойин ул-маоний” кулииётидан олинган мисоллар, намуналар илк бор илмий истеъмолга жалб этилган, кенг илм-адаб аҳли эътиборига биринчи дафъя изчил, теран илмий поэтик таҳлиллар асосида ҳавола килинган эди. Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтидаги бир илмий мажлисда академик Иззат Султонов “Девони Фоний”даги газалларнинг ўзбек

адабиётшунослигидаги том маънодаги илмий-назарий дастлабки таҳлили тўлалигича Натан Муродович Маллаев қаламига тааллуклидир” деб алоҳида таъкидлаган эдилар. Хуллас, Навоийнинг лирик мероси дарслик доирасида жанр, мавзу, гоявий йўналиши, образлар силсиласи, энг муҳими поэтик жиҳатдан жиддий таҳлил килинганди. Шунинг учун хам дарслик муайян даржада илмий кимматга молик эди.

Маълумки, 1965 йили юртимизда Навоий тавалудининг 525 йиллиги муносабати билан катта илмий ва амалий ишлар амалга оширилган эди. Профессор Ҳамид Сулаймон томонидан ва у кишининг бевосита раҳбарлигига шоирнинг “Хазойин ул-маоний” куллиёти, “Девони Фоний”си нашр эттирилди; ўзбек тилида 15 жилдлик танланган асарлари, рус тилида 10 жилдлик сайланмаси чоп этила бошланди; айрим асарларининг, шу жумладан, “Хамса” достонларининг танқидий матнларини тузишга киришилди. Машхур навоийшунос Олим Шарафиддиновнинг “Алишер Навоий” (1948) китобидан сўнг шу йиллари Н.М.Маллаевнинг “Гениал шоир ва мутафаккир” номли илмий-оммабоп рисоласи уч тилда – ўзбек, рус хамда корақалпок тилларида нашр этилди. Китобда муаллиф Навоийнинг хаёт йўли хамда давлат арбоби сифатидаги фаолиятини, бадиий, илмий меросини оммабоп бир тарзда мукаммал баён этган; уларнинг балоғат ва нафосатини, шоирнинг ижодий нияти – асарларида нафис бадиий пардаларда ифодаланган юксак гояларни лўнда шаклда теран таҳлил этиб кўрсатишга муваффак бўлган. Бундан ташқари, профессор Н.Маллаев Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейини ташкил этишда устоз Ҳамид Сулаймонга яқиндан кўмаклашган. У кишининг бевосита саъй-харакатлари билан ўзлари ишлайтган Низомий номидаги педагогика институтида (ҳозирги университет) Адабиёт музейи ташкил қилинди.

Ўтган асрнинг 70-йилларида Н.М.Маллаев “Ўзбек адабиётида газал ва унинг тараккиётида Навоийнинг ўрни” (1972), “Хамса” мукаддимоти ва наътларининг моҳияти ҳакида” (1974), “Навоий ижодининг халқчил негизи” (1977), “Навоий ва халқ оғзаки ижоди” (1976), “Асрлар эътирофи ва таъзими”

(1976) сингари бир силсила тадқиқотлар яратди, шоир асарларининг кўп жилдлик нашрларини яратишда иштирок этиб, айримларига сўзбоши ёзди, адид ижодънинг энг муҳим жихатлари хусусида кўплаб илмий маколалар битди. Коммунистик мағкура зуғуми авж олган, исломий аҳкомлар ҳақида гапириш мумкин бўлмаган бир пайтда Н.М.Маллаев “Ҳамса”даги ҳамд ва наътларни тахлил килиб, уларнинг ижтимоий-фалсафий, илмий, тарбиявий-маърифий қимматини дадил айта олган эди. Ўша йиллари бу олимнинг ўзига хос бир жасорати эди. “Асрлар эътирофи ва таъзими” рисоласида забардаст шарқшунос Навоий асарлари форс, араб, француз, немис, лотин, рус тилларига таржималари аннотацион библиографиясини яратган; дунё шарқшуносларининг ана шу таржималар асосида шоир ижоди ҳақида ёзган илмий асарларининг оммафаҳм, яхлит таҳлилларини берган; маърифий, амалий аҳамиятга молик хulosалар чиқарган. Бу рисола ҳам дунё навоийшунослиги тарихини ёритишга бағишлиланган дастлабки илмий-оммабоп китобдир. Зероки, ўша йиллари бирон олим бундай юмушни ўз зиммасига олмаган эди.

Олимнинг Навоий ижоди таҳлилига бағишлиланган асарлари орасида “Навоий ва ҳалқ оғзаки ижоди” деб номланган фундаментал монографияси алоҳида залворга эга. Зероки, тўрт боб ва бир неча ички фаслдан ташкил топган бу асарда Натан Муродович, бир томонидан, Шарқ кўлёзма манбалари, оғзаки ижод неъматларига суюнган, асосланган, ҳамкасларининг бу йўналишдаги тадқиқотларини эътибордан сокит қилмаган ҳолда Алишер Навоийнинг “Ҳамса”ни яратишда араб, форс, туркий ҳалқлар асотирлари, шифоҳий адабиётидан нечоғлик баҳраманд бўлганини, ижодий файз топғанлигини атрофлича, жиддий таҳлил этган; фольклор ва классик адабиёт муаммосининг назарий масалаларини ҳал қиласан. Масалан, шоирнинг Баҳром, Фарҳод, Искандар образларини яратишда ўнлаб энг қадимий ёдномалар, хроникалар, ҳатто, “Авесто”дек камёб сарчашмалардан қай даражада баҳраманд бўлганлиги аниқ далиллар билан таъкидланган. Буни “Ҳамса”нинг бир неча ўрнида Зардушт тилга олингани ҳам тасдиқлаб турибди.

Иккинчидан, “Хазойин ул-маоний”даги шеърларда оғзаки ижод анъанаси, хусусан, ғазаллар поэтикасида мақол, матал, ҳикматли сўзлар, ҳалқ иборалари, удумлари, фразеологик бирикмалар, этнографияси, этнологияга оид деталларнинг ўрни ва бошқалар юзлаб байтлар мисолида нуктасанжлик билан таҳлил қилиш оркали кўрсатилған ва улардан муҳим илмий-назарий хулосалар чиқарилган.

Учинчидан эса, олим бир томондан, туркман, тожик, ўзбек ҳалқлари нокиллари ҳамда ровийлари яратган Навоий ҳақидаги омиёна ҳикоятлар, латифалар ҳамда эртакларни ғоятда тадрижий такомилдаги илмий таҳлилини берган; фанда уларни илк бор аниқ илмий тасниф этган; айрим ҳикоятларнинг сюжетини тарихий ҳакикатга, Навоий асарларидаги мазмунга қанчалик мос келиши ёки келмаслигини қиёсий-типовологик усулда текширган. Шундан сўнг Навоий ижодининг ўзбек ҳалқ оғзаки адабиётига таъсири масаласини таҳлил этган олим, дастлаб ўзбек ва тожик ҳалқлари томонидан “Хамса” достонлари мазмунни, тимсоллари, ғоялари асосида яратилған эртаклар, достонларни Ўзбекистон Фанлар академияси Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлимида сакланаётган кўлёзма манбалар асосида ўрганган. Кейин эса, муаллиф “Навоий ва ўзбек ҳалқ китоблари” муаммосини кўзгаб, илмда ғоятда янги, долзарб масалани кенг илм-адаб аҳли эътиборига ҳавола этган; “Нусҳаи “Хамса”и беназир” сингари манба ҳақида илк бор маълумот берган. Монографияда XIX асрда яшаган ўзбек ёзувчиси Умар Бокийнинг хаёти ва ижодий мероси адабиётшуносликда дафъатан таҳлилга тортилган. Зероки, Умар Бокий Навоийнинг “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” достонларининг шу номдаги ҳалқ вариантини яратган бўлса-да, у ҳали илм-фанда маҳсус ўрганилмаган, ўз баҳосини олмаган эди. Устоз наср ва назм аралаш битилган ҳар икки китобнинг мазмуни, тузилиши, образлар силсиласи, Навоий асарларига қай жиҳатдан якинлиги-ю тафовутларини илмий нуқтаи назардан қиёслаб, текшириб умумлаштирган. Энг муҳими, Умар Бокий маҳорати, бу асарларнинг ўзига хос жозибаси муҳим лавҳаларнинг поэтик нуқтаи назардан

жиддий тахлили жараёнида асосли равищда уктирилган; халқ қитобларининг тили ва услуги хусусида мутлако янги илмий-назарий фикрлар изҳор этган. Н.М.Маллаевнинг ушбу тадқиқоти ўзбек адабиётшунослигига янги йўналиш – Ўзбек классик адабиёти ва фольклор муаммосини бошлаб берди. Ҳозир у кишининг ворислари, шогирдлари бу йўналишнинг турли кирраларини ўз тадқиқотларида кашф этмоқдалар. Устоз томонидан тайёрланган “Алишер Навоий. Лирика” деб номланган кўлланма неча бор кайта нашр этилди. Чунки, унда олим Навоийнинг шоҳ ғазалларидан бир туркумини тўплаб, уларни кандай ўкиш ва шархлаб тахлил этиш йўлини зукколик билан кўрсатиб берган эди. Ўша кезлари бундай кўлланма классик адабиёт ихлосмандлари учун жуда зарур эди. У ҳозир ҳам ўз таълимий ва маърифий кимматини йўқотган эмас.

Профессор Н.М.Маллаевнинг буюк шоир ижоди ҳакидаги сўнгги китоби “Сўз санъатининг гултожи” (1992) деб аталади. Навоий “Хамса”сига багишланган бошқа бир қанча тадқиқотлардан бу асарнинг фарқи шундаки, уни мутолаа қилган илм-адаб ахли Навоийнинг Шарқ ҳамсанавислигидаги ўзига хос ўрни, бу борада туркий адабиётда мактаб яратганилиги, ҳар бир достоннинг мундарижаси, образлар тизими, уларда ифодаланган юксак-илғор ғоялар, шоирнинг санъаткорлик маҳорати хусусида бир-бирига узвий боғланган йўсинда яхлит тасаввурга эга бўлади, маърифат олади, илм ўрганади.

Мустакиллик йилларида навоийшунослигимиз янги ўзанда янада жиддий ривожланмоқда. Шоир асарларининг 20 жилдлик нашри ниҳоясига етди, айрим рисолаларининг янги тақирий матнлари устида иш олиб борилмоқда; шоир асарларининг ижтимоий-фалсафий, диний, ирфоний, маърифий, ахлоқий, таълимий ва сиёсий жихатлари яхлит ўрганилмоқда. Ҳар гал соҳа нукгадонлари Навоий меросининг у ёки бу жихатига мурожаат этар эканлар, Н.М.Маллаев асарларини ҳам мамнуният билан эслайдилар, баъзиларига мурожаат этадилар. Демак, замонамизнинг забардаст олими,

поктийнат мураббийси Натан Муродович Маллаев ўз одамийлиги ва умрбоқий асарлари билан бизга ҳамиша ҳамрозу ҳамдам экан.

Рахмонкул ОРЗИБЕКОВ

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА УСТОЗЛАР МАДХИ

Дунёдаги ҳар бир ҳалқнинг, миллатнинг фахри, ғурури бўлиб колган донишманлари, олиму фузалолари, буюк ижодкорлари бор. Инглизларда Шекспир, русларда Пушкин, озарбайжонларда Низомий ва Фузулий, туркмандарда Махтумкули, ўзбекларда эса Мир Алишер Навоийдир. Биз, адолатпешалик ва инсонпарварликни, дин ва диёнатни, ватанпарварлик ва меҳр-муруватни, комиллик ва барча эзгуликларни ҳазрати Навоий сиймосида кўрамиз. У асрлар оша миллатимизнинг фахри, ифтихори бўлиб келди. Навоий ўзининг буюк инсонлиги, инсонпарварлиги, умумбашарий аҳамиятга молик ўлмас асарлари билан ўзбекнинг кадр-қимматини, нималарга кодир эканлигини, тил-нутқ бойлигини, маънавияти, адабиёти илдизларининг чукурлигини баланд мақомларга кўтарди, жаҳонга танидди. Ўзбек адабиёти, маданияти, тили Навоий фаолияти, адабий мероси туфайли ривожланиб келди.

Самода шоирларнинг юлдузлари кўп. Бироқ, шу юлдузларнинг энг нурлиларидан, бурждаги яркироқларидан бири ҳазрат Навоий юлдузидир. Бу юлдузга талпинмаган, унинг теграсида парвона бўлмаган, шуъласидан баҳра топмаган туркийгўй, форсийзабон шоиру ижодкор кам. Шу сабаб қанчадан қанча шоиру шуаролар, олиму фузалолар уни «Булбули хушнаво», «Комили босафо», «Маъни садафининг дурри яктоси», «Инсон чаманининг гули раъноси», «Назм аҳлининг масруру аълоси», «Сўз мулкининг сultonи», «Шоирларнинг пайғамбари» деб бежиз таърифламаганлар. Унинг барҳаёт сиймоси, маъно ва ҳикматларга тўла ижоди инсоншуносликнинг қомуси, битмас-туганмас ҳазинадир. Уни камоли эҳтиром билан ўрганиш, дилга жо килиб, амалий фаолиятда қўллаш ҳар бир акли расо, маърифатли ёшу қарининг чинакам бурчи саналади.

Биз, бу ўринда Навоий яратган жавохирлар хазинасининг бир жиҳати-унинг устозларга ҳурмат ўгитлари ҳакида сўз юритмоқчимиз. Ҳазрати Навоий умри давомида тарихий ўтмишга, ижодкор салафларию пиру устозларига, ота-оналарига ва барча карияларга баланд ҳурмат сақлаб, уларни эъзозлашга, қадрини тутишга даъват этган. Асарларида айни мавзуни ажойиб донолик билан ифодалаб қолдирган. Шунга ишора қилувчи хикматли байтлар шоир асарларида кўп учрайди. Навоий, умуман, акли расо, диёнатли инсон яхшиликни ўзининг ҳаётий шиори қилиб олиши, шундай эътиқод билан яшаши лозимлигини уқтиради. Зеро, инсон бу фоний дунёга меҳмон. Шу боис фарзандлари, навниҳол авлод учун сабоқ, ибрат бўларли амалларни қолдириши зарур:

*Қила олгунча ул бўлсин шиоринг,
Ки яхши от қолгай ёдгоринг...
Бу гулшан аро ўйқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур яхшилик бирла чиқса от, -*

дэя ўгит беради шоир. Ушбу фалсафий ақидадан келиб чикиб, ўтмишга, ундан мерос бўлиб қолган яхши анъаналарга ва уларни қолдирган сиймоларга нисбатан доим ҳурмат, эҳтиром саклаш зарурлигини уқтиради.

«Садди Искандарий» достонида (XIV фаслда) ўз ўқувчиларига мурожаат этиб, ўтмишда нимаики фойдали, тарақкиётта таянч, инсон камолотига омил бўладиган нарсалар яратилган бўлса, уларни камоли эҳтиром билан ўрганиш, ўзлаштириш ва бойитиш лозимлигини айтади. Шу йўлдан бормаган, ўтмиш авлод сабокларидан хулоса чиқариб, ўз истиқболини белгилай олмаган авлоднинг келажаги йўқлигига доир танбеҳлар келтиради:

*Кишилик будурким унутсанг ани,
Чу маркинг қилур марк қилсанг сани (Хамса. –Т.: 1960, 650-бет).*

Чиндан хам тарихий хотирасиз келажакни тасаввур килиш мумкин эмас. Ўз тарихини, ўтмишини, қадриятларини яхши билган, уларга ҳурмат билан қараган халқкина истиқболни кўра олади, тарақкий топади.

Навоий бу умумбашарий қараашларни тасдиқловчи жуда кўп тарихий фактлар, лавҳалар келтиради. Кўпдан-кўп, олимлар, машойихлар, тарихий шахслар, ўз устозлари ҳақида сўзлайди. «Ҳамса» достонларида, “Мажолис ун-нафойис” ва «Насойим ул-муҳаббат»да, «Тарихи анбиё ва ҳукамо»да келтирилган салаф ва замондош мўътабар зоти шарифлар-машойихлар, олиму фузалолар, ҳакимлар, башорат қилувчи соҳиби кароматлар ҳақидаги лавҳалар, ҳикоятлар, накллар, таъзиму таърифлар Навоийнинг улуғларга бўлған буюк эътиқоди ва эҳтиромини ифодалайди. Навоий устозларга, олим-ориф кишиларга нисбатан шундай сўзлар, сифатлашлар кўллайдики, улардан хайратланмай илож йўқ:

Бирорки қўлса олимларга таъзим,

Қўлур гўёки пайгамбарга таъзим.

Навоийнинг бу байти кўпчилик ўсмирлар, ўқитувчи ва толиби илмлар онигига, қалбига сингиб кетган:

Ҳак ўйлида ким сенга бир ҳарф ўқитди ранж ила,

Айламак бўлмас анинг ҳаққин адo юз ганж ила, -

хикматли байти ҳам яхши устозлар хотираси учун айтилган ҳаётий хуносадир.

Навоийнинг ўзи ибратли ҳаёти, ўлмас асарлари эл-юрт, мамлакат манфаатлари йўлида қилган ўта савобли, хайрли ишлари билан катта ҳурматга мушарраф бўлганлигига қарамай, пир-устозлари сиймосида кўрган нодир фазилатларни, уларга хос улуғворликни ўз асарларида буюк тавозе ва эҳтиром билан нақш этди. Абдураҳмон Жомий, Сайид Ҳасан Ардашер, Пахлавон Мухаммад каби қалбига нихоятда яқин устозлари ҳақида маҳсус мемуар – холот асарлар ёзди. У «Насойим ул-муҳаббат»да пир сифатида эътиқод қўйган ҳазрат Жомий ҳақида:

Ул яқин сози дастгир манга,

Қиблани устоду пир манга, -

дейди. «Ҳамсат ул-мутахайирин»даги марсия-таърихларнинг бирида эса Жомийни «Ҳақиқат конининг гавҳари маърифат дарёсининг инжуси» деб,

таърифлайди. Шундай марсияларнинг яна бирида Жомийнинг дағы маросими ҳақида буюк бир изтироб билан сўз очиб, Жомий жанозасини бир оламни бошқа бир оламга элтмоқликка, жасадини тупроқка бамисоли хазинани кўмиб кўйганликка қиёс қилади.

У яна бир пиру-отахони Сайид Ҳасан Ардашерга багишланган асарида бу зоти бобаракотни шундай улуғлайдики, уни фонийлик саркардасига ўхшатиб, жойи мангуд биҳишт бўлсин, дея Хўлодан илтижо қилади.

Навоийнинг ўз замони паҳлавони, буюк қалб эгаси Паҳлавон Мухаммад ҳақидаги:

Етти ўлка паҳлавони Мұхаммад,

Дунёда унинг мисли ва менги йўқдир, -

деган таърифи ҳам ўз устозларига нисбатан бир умр ҳурмат ва садоқатда бўлганлигини исботлайди. Шу ўринда Навоийнинг яна бир канча мўътабар сиймолар ҳақида турли асарларида фикрлар юритиб, уларни ҳам шарафлаганлигини уқдириб ўтиш жоиздир. Масалан, у Шарафиддин Али Яздий, Косими Анвор, Мавлоно Лутфий, Мухаммад Табодгоний ҳақида таъзиму тадорик билан сўзлайди. Мавлоно Қосим тўғрисида гапирап экан, «Ва Мавлоно ул нави фоний ва макбул киши эрдиларким, ани кўрган киши гирифтор бўлур эрди. Ул жумладин бири бу ҳакирдир (яъни, ўзи) (Насойим ул-муҳаббат, 141-бет) Мавлоно Шарафиддин Али Яздий тўғрисида эса «Донишманд ва соҳибкамол киши... Бу факир сиғарисияд (яъни болалигида) ул буқъада алар хизматларига мушарраф бўлиб, менинг борамда фотихалар ўқидилар», - деб ёзади. Шу ўринда Навоийнинг ота-оналарга, қарияларга нисбатан катта ҳурматини эҳтиромини ҳам уқтириб ўтиш жоиздир. Унинг «Арбаин» асарида келтирган:

Оналарнинг оёги остидаадур,

Равзаи жсаннату жинон боги.

Равза богин висолин истар эрсанг.

Бул онанинг оёги туфроги.

Ҳадис – қитъасида шоир она таъзимига илохий тус беради. Онанинг кадр-эътиборини жаннат бояидан, унинг гўзалилигига мушарраф бўлишдан ҳам афзалрок «ўради». Она ризолиги ва дуосининг фарзанд учун накадар улуғлигига ишонтириш максадида Навоий унга Мухаммад расулуллоҳ(сав) ҳадисларига мос мазмун бағишлайди. Бадиият илмида «Илм ўзлаштирумок» маъносини англатувчи иқтибос санъати бор. У бадиий ижодда панду хикматларни, ҳалқ мақол, матал ва сермаъно мажозий ибораларни келтириб сўзлаш санъати бўлмиш «Ирсоли масал» санъати билан ўхшац. Иқтибосда кўпроқ Куръони Карим ва пайғамбаримиз ҳадисларига ҳам мурожаат этилади. Ҳазрат Навоийнинг ота-оналар ҳакидаги юкоридаги ўта пурхикмат тўртлиги пайғамбаримизнинг «Ал-жаннату тахтул уммаҳати», яъни «Жаннат оналар оёғи остидадур» ҳадисининг Навоий назмидаги сайқал топган бадиий ифодасидир. Шундай ўгитлар Навоийнинг сермаъно рубонилари мажмуаси саналмиш «Назм ул-жавоҳир» асарида ҳам келтирилгандир. У исломиятдаги «Ота рози – худо рози, Она рози – пайғамбар рози» деган улуг эътиқоддан келиб чиқиб, ёшлардан комилликни, фаросатни, диёнатни ва садоқатни талаб киласди:

*"Иста ато йўлида фидо жсон қўймоқ,
Куллуқ аноға ҳам унча имкон қўймоқ.
Зуҳди абад истассанг фаровон қўймоқ,
Бил ани ато-аноға эҳсон қўймоқ."*

«Ҳайрат ул-аброр»да ҳам бу мавзуга алоҳида мақолот багишилаганлигини кўрамиз. Навоий ўғил-қизларга ўгитлар бераб, умрни ота-она хизматига бахшида этиб яшаш эзгуликнинг белгиси эканлигини яна бир бор таъкидлайди:

*Бошни фидо айла ато бошига,
Жисмни қил садқа ано қошига.
Икки жаҳонга тиларсан фазо,
Ҳосил эт, ушибу икисидин ризо.
Тун кунингга айлагали нур фош,*

Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

Алишер Навоий «Муножот» асаридаги насрый мактубларининг бири таркибида ҳам «Ҳибат ул-ҳақойик» дидактик-одобиома асарининг мұғалифи Адіб Ахмад Юғнакийнинг отага ҳурмат фарзанднинг бурчи эканлиги ҳақидаги қуйидаги тұртликни көлтирады, бу буюк шоирнинг ёшлигиданок улуғлар, үстозлар сабоқларини нечөнлик әхтиром билан ўрганиб борғанлыгини күрсатады:

*Атодин хато келса, құрма хато,
Савоб бил хато қылса дөғи ато.
Отанғнинг хатосини билгил савоб,
Сени юз балодин құткарғай Худо.*

Навоий ота-онага ҳурмат сақлаш ҳар бир солих фарзанднинг бурчи эканлигини уқтирганда, умуман, отахон, онахон кексаларни қадрлашни назарда тутады. Кобил ва ақли расо фарзандлар ота-она, кариялар, улуғлар дуоси билан саодатта, баҳтга эришгайлар. Бир күн унга ҳам фарзандидан бу яхшилик кайтажак – деб таъқидлайди улуғ шоир.

*Фарзанд ато құллигин чу одот қылғай,
Ул одат ила – қасби саодат қылғай.
Ҳар кимки атога құп риоят қылғай,
Үглидин анга бу иш сироят қылғай.*

«Ҳайрат ул-аброр»даги қуйидаги мисралар ҳам миллий қадриятларимизнинг эңг олижаноб фазилатлардан саналмиш карияларга муносабат, уларга хизмат қилиш, күнглини овлаш, дуосини олишга қаратылғандыр:

*Кимки улугроқ анга хизмат керак,
Үлкі кичик анга шафқат керак.
Хизмат ила айлама тавқири ҳам,
Шанъат ила айлама тауқири ҳам.*

Буюк мураббийнинг үгитича, ҳурмат ҳам, тавозе ҳам, шафқат ҳам ўз меъёрида бўлмоғи даркор. У миннатдан ҳам, хушомадгўйликдан ҳам узок

бўлиши лозим. Навоийнинг барча асарларида турли сабаблар билан кекса авлод ҳаёти тажрибаси уларнинг нурли, файзли сиймолари ифодаланади, улардан ўрганиш, сабок олиш лозимлиги уқтирилади. Истиклол Навоий меросидаги ана шу жихатларни янада чукуррок ўрганиш имкониятларини кенгайтирди. Унинг нигохимиздан четда колган асарлари ҳам ўрганила бошланди. Навоийнинг жаҳоний шухрати йилдан-йилга ошиб бормоқда. Унинг Аллоҳга илтижо қилиб айтган куйидаги орзулари амалга ошиб бормоқда:

*Дегонимни улусқа маргуб эт,
Ёзғонимни қўнгулга маҳбуб эт.
Халқقا зеби торак айла они,
Уқугонга муборак айла они.
Етти афлокни анга ёр эт,
Етти иқлим элин харидор эт.*

Навоий сабоклари, унинг улуғ асарлари ҳеч қачон бугунгидек қадр, мавқеъ топган эмас. Бу буюк ҳазина миллий мағкурамизнинг теран томирларидан бири сифатида истиклолга хизмат қилмоқда, қилаверади.

Дилором САЛОҲИЙ НАВОЙЙНИНГ ТУРКИЙ ШЕЪРИЯТДАГИ ИХТИРОЛАРИ

Марказий Осиёда мўгул истибододидан сўнг бошланган туркий юксалиш даврида туркий тилда бадиий асарлар яратишга бўлган экиёж кучайди. X-XII асрлар ўзбек диний адабиётиди, хусусан, Хожа Аҳмад Яссавий ижодида туркий шеъриятнинг асосий таркибий омилларидан бири бўлмиш ҳалқчиллик анъанаси - бадиий фикрнинг тил ва услуб жиҳатидан оддий ҳалқка тушунарли, таъсирчан шеърий ифодаси кўзга ташланса, XIV аср бошларидаги адабий ёдгорликларда нафақат мавзуу ва мазмун, балки шакл жиҳатидан ҳам ўзига хос туркоаликка интилиш, аниқроғи, туркий кўшиқ услуби ва вазнига мурожаат этиш ҳоллари кузатилади. Носириддин Бурхониддин ўғли Рабғузийнинг "Қисас ул-анбиё" (1310/11) асарида туркий

кўшиқнинг шоён вазнларидан бири **рамали мусаммани** мақсурда ёзилган шеърнинг учраши бунга бир мисол бўла олади:

Кун ҳамалга кирди эрса, келди олам наврўзи,

Кечди баҳман, замҳарир қиши, қолмади қори бўзи... (I., 4, 103-6.)

Ҳайдар Хоразмий Низомийнинг "Махзан ул-асор" достони таржимасига киришар экан, туркий тилда ёзилиши лозим бўлган назмий асарларнинг бадиий жиҳатдан юксак, яъни том маънода туркона бўлиши учун шеърнинг кўшиқ жанри билан уйғунлиги муҳим талаблардан бири эканлигини таъкидлаб, "Гулшан ул-асор" достонида ёзади:

Турк зуҳуридур ўчунда букун,

Бошли улуг йир била туркона ун.

Рост қиши оҳангни навоу ҳижоз,

Туз ётүгон бирла шудургуни соз.

Турк сурудини тузук бирла туз,

Яхши аёлгу била кўкли қубуз.

Туркий тилдаги халқчил шеъриятнинг туркий мумтоз шеърият даражасига етиш жараёни, маълум бўлганидек, XV асрнинг иккинчи яримларигача давом этди. Бу ижодий такомил жараёнига Алишер Навоий лирикаси якун ясади. Навоий қадимги ўзбек тилининг тақдирни юзасидан Султон Ҳусайн Бойқаро амалга оширган сиёsat ва амалий тадбирларни ўзига хос йўсинда қўллаб-қувватлади. Ҳар икки тилда (форсий ва туркий) ижод қилиш иктидорига эга бўлган Ҳусайн Бойқаро ўз асарларини, асосан, ўзбек тилида яратганлиги тасодифий эмас эди ва Навоий "Мухокамат ул-лугатайн"да ёзишича, унинг томонидан "... илтифот ва ихтимом юзидин баъзи маънилар топиб, назм қилюрга ҳукмлар ҳам жорий бўлди ва сўз услубига таъйинлар ва адосига таълимлар ҳам изҳори бўлди" (I., 1, 207-6.). Бинобарин у "Мажолис ун-нафоис"нинг 8-мажлисида Ҳусайний газалларининг кофия ва радифларидаги ихтиrolарини таъриф этади. Навоий туркийгўй шоирлар ижодида кофия масаласига жиддий эътибор бериб (Атоий байтини эсланг), кофиянинг оҳанг жиҳатидан мувофик бўғишини

туркона (яъни, содла, халқона, оғзаки ижод намуналарига яқин) деб баҳолайди. Бироқ, бу ходисани классик шарқ шеърияти бадиий қонуниятлари талаблари нұктай назаридан танқид ("Жібінасі") килади. Шоирнинг Ҳусайнний девонидан көлтирган байтлари мазмунан туркона, қофиянинг асоси бўлмиш равий нұктай назаридан эса классик адабиёт қофия назарияси талабларига жавоб берадиган бўлганлиги сабабли ҳам таҳсинга сазовор бўлади. Демак, шу муносабат билан Навоий Ҳусайннийнинг ижоди туркий шеъриятни мумтоз адабиёт поэтикаси қонун-қоидалари доирасига кириши учун катта аҳамиятга эга бўлганлигини билвосита таъкидлайди. Туркий шеъриятнинг бадиий қонуниятлар тизими талабларига яқин, табиий ривожини янада тезлатиш унинг адабий-эстетик ўзига хослиги ва ижтимоий фаоллигини ошириш учун нималарга эътибор қилмоқ кераклигини Навоий биринчи бўлиб англаб етди. Энг аввало, шоир туркона услугуби асослардаги шеъриятнинг классик услугуб даражасидаги такомили учун турконалик анъаналяридан катта маҳорат билан фойдаланиб ижод килди. Иккинчидан, туркий шеъриятни мустаъзод ва мусаммат каби янги жанрлар билан бойитди. Бундан сўнг, бетакрор бадиий тасвир усуллари ва фавқулодда таъсирчан бадиий лавҳалар яратиш билан бир каторда, татаббу ва тазмин санъатларининг ҳам янгича намойишини кўрсатди.

Шу ўринда Алишер Навоийнинг "туркона" атамасига бўлган муносабатини аниклаб олмоқ лозим кўринади. Навоий бу атамани ҳам ижобий, ҳам салбий маънода қўллайди. Таникли адабиётшунос Ё.Исҳоқов Навоийнинг туркона шеъриятга бўлган салбий муносабатини қўйидаги мулоҳазалар билан изоҳлайди: "...поэтик синтаксиснинг оддийлиги, енгил вазнларнинг (кўпроқ енгил вазнга эга рамал ва ҳазаж баҳри) қўлланилиши, қофия масаласида фольклорга яқинлик (яъни, аллитерацион-интонацион принципнинг сакланганлиги), жанр хукмронлиги (кўпроқ туюқ) поэтикаси (ғазалнинг ҳажми, композицияси, тематикаси) борасида ҳам ўзига хосликка эга. Лекин бундай характердаги шеърлар учун хилма-хил мураккаб фигурулар характерли бўлмаса-да, тажнис санъати мухим мавқеъга эга. (II.,

5, 5-6.). Шоирнинг "туркона"га бўлган ижобий муносабатини эса "туркий" деб аталмиш қўшик турига нисбатан айтилган мулоҳазаларидан англаб олиш мумкин: "Яна сурудедурким, ани "туркий" дебдурлар, бу лафз анга алам бўлубдур ва ул ғоятдин ташқари дилписанд ва руҳафзо ва нихоятдин мутажойиз айш аҳдиға судманд ва мажлисоро суруддур..." (I., 2, 131-6.). Кўринаётганидек, Навоий туркона шеъриятга⁵ шакл ва поэтика талаблари нуқтаи назаридан баҳо берганда салбий муносабат билдиради, мавзу, маънозамзун нуқтаи назаридан ёндашганда эса ижобий фикрлар баён этади. "Мезон ул-авзон" асарида шоир туркий тилдаги шеърларни "асосан, қўшиклар" вазнлари нуқтаи назаридан таҳлил этар экан, "туркий" деб аталмиш қўшик турига алоҳида тўхталади. Навоий юкорида келтирилган тавсифда "туркий"ни "суруд" деб атаган. Суруднинг бир маъноси – ашула, қўшик бўлса, иккинчи маъноси шеър – демакдир. Академик Б.Валихўжаев мулоҳазаларига кўра, Навоий "туркий"нинг ёзма адабиёт поэтикаси конуниятларини қабул килганлигига эътибор бериб, унинг шеърлик маъносига кўпроқ мойиллик кўрсатганлиги сезилиб туради. Шу нуқтаи назардан, "... шоир "туркий"га алоҳида шеър жанри сифатида қарайди ва унинг ўзига хос жанрий хусусиятларини ҳам кўрсатиб ўтади. Булардан биринчиси шундан иборатки, туркий эски ўзбек тилида ёзилиб, шу муносабатда туркий номи билан шуҳрат қозонган... Иккинчидан "туркий" "ғоятдин ташқари дилписанд ва руҳафзо ва мажлисоро суруддур", учинчидан, "туркий"да фикр равон тил ва бадиий жиҳатдан нозиклик билан ифодаланган, ва нихоят, тўртинчидан, у рамали мусаммани максур вазнида ёзилган" (II., 2, 57-6.). Шу тарзда олим Навоийнинг "Мезон ул-авзон"да берган маълумотларига асосланиб, "туркий"нинг бошқа шеърий жанрлардан фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятларини, қисқача бўлса-да, баён этади. Таъкидлаш жоизки, Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" ва "Мезон ул-авзон" асарларидаги бошқа маълумотлар ҳам "туркий"нинг жанр хусусиятларини аникроқ тасаввур этишга имкон беради.

Бобур ҳам ҳалқ құшикларидан тархоний ва туркий турлари ҳакида маълумот берар экан, "Султон Ҳусайн Мирзонинг замонида яна бир суруд чикдиким, "туркий"га-ўқ мавсум бўлди, анга ушбу вазни тақсим қилурлар, ул дағи икки даврда боғланибдур", - дейди. (I., 3, 155-6.). Демак, Алишер Навоий ва Бобурнинг илмий рисолаларида махсус қайд этилиб, муайян шакл ва мазмун ҳамда тематик жиҳатдан ўз қиёфасига эга бўлган "туркий" шеър бу даврда лирик жанр даражасига кўтарила борган.

Шеъриятда шакл ва мазмун муносабатлари масаласида мазмун етакчилигини доим таъкидлаган Навоий "туркий"ни янги мазмун ва ранг-баранг мавзулар билан бойитишни мақсад килди. Яъни, Алишер Навоий "туркий"си факат ишқ ва муҳаббат билан боғлиқ бўлган кайфият баёни ёки тасвиридан иборат бўлиб қолмай, унда фалсафий муносабат кучаяди, ишқ ва муҳаббат тушунчаси, ёр ва унинг тасвири тушунчаси янада кенгаяди. Шу нуктаи назардан, Навоийнинг "туркий" услубда муайян сюжет чизигига эга бўлган якпора ва тадрижли газалларни кўплаб яратганлиги эътиборлидир. Хоссатан, "Илк девон"дан "Кеча келгумдур дебон...", "Ул паривашким...", "Ёғлиғинг, эйким, тикарсен..." каби газалларининг ўрин олиши фикримизга ёрқин мисолдир.

Навоий "туркий"сининг яна бир хусусияти шундаки, шоир девонларида, бир томондан, ошиқона туркий шеърлар мавжуд бўлса, иккинчи томондан, "туркий"га хос вазн ва услубда битган ижтимоий, фалсафий ва сатирик газаллар ҳам учрайди.

Алишер Навоийга қадар яшаган ва унга замондош бўлган туркийгўй шоирлар ижоди, асосан, маълум маънода тематик жиҳатдан чегараланган "туркий" жанридаги шеърлар доирасида қолган бўлса (туюқ жанрини истисно этганда), Навоий бу жанр имкониятларидан, вазни ва бадиий тасвир услубидан фойдаланиб, янги мавзу ва шаклдаги газаллар яратди.

Алишер Навоий "Мезон ул-авzon"да қўшикларнинг бир неча турини тасвифлаб беради, яъни, "Бириси "туюғ"дурким, ...", "Яна "кўшук"дурким, ...", "Яна "чинга"дурким, ...", "Ва яна турк улусида бир суруддурким, ани

"муҳаббатнома" дерлар...", "Ва яна бу ҳалқ орасида бир суруд бор экандурким... ани "мустаъзод" дерлар эмиш...", "Яна Ироқ ахли тарокимасида суруде шоеъкин, ани "арузворий" дерлар...", "Яна сурудедурким, ани "туркий" дебдурлар" каби. Ана шу қўшик турларидан бўлмиш мустаъзоднинг Навоийга қадар ижод қилган шоирлардан фақат Гадой девонида ягона намунаси учрайди.

Навоий мустаъзод услубида шеърлар битиб, ўзининг биринчи расмий девони "Бадоेъ ул-бидоя"га унинг учта намунасини киритади. "Хазоин ул-маоний" девонларининг ҳар бирига биттадан шу навдаги асарни жойлаштирган. Шоирнинг девонлари дебочаларида батафсил асослаб берган гадвинчилик (девон тартиб бериш) соҳасидаги бадиий-эстетик тамойилларини назарда тутадиган бўлсақ, унинг бу ҳодисадан кўзда тутган мақсади аён бўлади. Буюк шоир девон тартиб берганда имкон қадар барча лирик жанрлардаги асарларни киритмоқ лозимлигини таъкидлар экан, мустаъзодни ўзбек мумтоз шеъриятининг лирик жанрларидан бири сифатида ўрнашиб колишини мақсад килади. Шу билан бирга, ўзидан кейин девон тартиб берувчиларга бу жанрда ҳам шеърлар ижод қилиш лозимлигини билвосита уқдиради.

Алишер Навоий ўзбек мумтоз поэзиясида мусаммат жанри тараққиётiga асос соглан ижодкордир. Навоийга қадар мусамматнинг фақат мустақил (табъи худ) шаклларидағи намуналаригина яратилган эди. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат тарихи ва ривожини муфассал тадқик этган олим Р.Орзибеков бу ҳақда шундай ёзади: "...Мусамматнинг тазмин усулидаги илк намуналарини яратиш билан Навоий ўз ғазали асосида мусамматлар яратиш анъянасини бошлаб берди. Алишер Навоий бошка катор лирик жанрларнинг реформатори бўлганидек, шарқ мусамматчилиги имкониятларини кенгайтирди. У ўз ижоди мисолида бу соҳада ҳам хаётбахш адабий мактаб яратди. Мусамматнинг мухаммас, мусаддас ва мусамман каби тазмин шаклларини кашф этди." (II., 3, 9-10-6). Олим кейинги йилларда Шайх Ахмад Тарозийчинг "Фунун ул-балоға" номли

асари топилиши ва илмий жамоатчиликка тақдим этилиши муносабати билан ёзган мақоласида гарчи Навоий ва Ҳусайнининг ижодида мусамматнинг ғазаллар асосидаги тазмин намуналарини яратиш усуллари кашф қилинган ва бадиий ижод тажрибасига жорий этилган бўлса-да, унинг мустакил (табъи худ) намуналари XV аср I-ярми туркий-ўзбек шеъриятида ҳам мавжудлиги аён бўлганлигини қайд этади. Яъни, таъкидланишича, Ҳофиз Ҳоразмийга замондош бошқа катор туркийгўй ҳамда форс-тожик тилида қалам тебратган шоирлар ҳам мустакил мухаммаслар яратганлар, аммо: "Шу заминда Алишер Навоий даври адабий ҳаётида мусамматнинг тазмин усулида яратилган намуналари ҳам кашф этилиб, туркий-ўзбек шеъриятининг жанр таркиби бойитилган". (И.,4, 50-6.).

Навоий "Бадоев ул-бидоя" девонига 5 та мухаммас киритган ва шулардан 3 таси Лутфий ғазалига, 2 таси ўз ғазалига битилган. Девондан жой олган 2 мусаддаснинг ҳар иккаласи ҳам Лутфий ғазалига ёзилган.

"Ғаройиб ус-сигар" девонига киритилган уч мухаммаснинг биттаси Лутфий ғазалига, иккитаси ўз ғазалига боғланган. Девонга кирган бир мусаддас Навоийнинг ўз ғазалига битилган. Шунингдек, "Наводир ушшабоб"даги уч мухаммасдан биттаси Лутфий, иккитаси ўз ғазалига, бир мусаддас ўз ғазалига боғланган.

"Бадоев ул-васат" девонига биттадан Лутфий ва ўз ғазалларига мухаммаслар, биттадан яна Лутфий ва Ҳусайний ғазалларига мусаддаслар жойлаштирилган.

"Фавойид ул-кибар" девонидан эса шоирнинг ўз ғазалларига боғланган икки мухаммаси, Лутфий газали олтилантирилган бир мусаддас ва яна шоирнинг ўз ғазали саккизлантирилган бир мусамман ўрин олган. Демак, Навоий хаммаси бўлиб Мавлоно Лутфий ғазалларига уч мухаммас ва икки мусаддас, Ҳусайний ғазалига битта мусаддас ва ўз ғазалларига етти мухаммас, икки мусаддас ва бир мусамман боғлаган. Навоийнинг ўз ғазалларидан ижодий фойдаланиб, янги лирик жанрлардаги асарлар яраттанилиги ҳакида навоийшунос А.Абдуғафуров ўз мулоҳазаларини шундай

баён этади: "Хазойин ул-маоний"даги қолган ўн мусаммат Навоийнинг ўз ғазаллари асосида яратилган. Навоий биринчи галда ўз замонасида шухрат козонган ғазалларини мухаммаслар шаклига келтирган.

Шоир мусамматларини девонларига бир хил тартибда жойлаштирган. Яъни, мустазоддан кейин, мухаммаслар, ундан кейин мусаддаслар, сўнгра мусамман ўрин олган. "Хазойин ул-маоний" девонларининг аввалги иккитасида учтадан мухаммас ва биттадан мусаддас, кейинги иккитасида иккитадан мухаммас ва иккита мусаддас ("Фавойид"да биттаси мусамман) киритилган. Шоир риоя қилган яна бир эстетик конунийт шуки, барча девонларда Мавлоно Лутфий ғазалларига боғланган мусамматлар биринчи ўринда келтирилади. Девон таҳлили соҳасида мукаммал бадиий-эстетик принципларни ишлаб чиқкан Навоий шу йўсинда мусаммат жанрларининг девон композицияси учун мухим таркибий унсурлардан бири эканлигини таъкидлаб, унинг туркий тиљдаги ажойиб намуналарини намойиш этади.

Навоий девонларида яна бир эътиборга молик жихат мавжуд. Бу ходисани бадиий усууллардан тазмин ва татаббу килиш санъатида шоирнинг тутган ўзига хос услуби, деб баҳоласак бўлади. Масалан, шоир "Наводир ун-нихоя"га кирган етти байтли 575-ғазал матлаъидан фойдаланиб, "Хазойин ул-маоний"га етти байтли янги ғазал ёзиб киритади. Буни Навоийнинг ўз ғазалига килган татаббуси дейиш лозим. Шоир ғазалнинг матлаъини айнан келтириб, унинг вазни ва учта қофиясини янги контекстда саклаб колади. Ғазаллар ишкий мавзуда бўлиб, мазмунан ҳам бир-бирига жуда яқинидир. Айни усуулни у "Наводир ун-нихоя"даги 546- ва "Хазойин ул-маоний"даги 433-ғазалларида ҳам кўллайди. Яъни, бу ғазалларнинг матлаълари айнан бир хил бўлганидек, ҳажм жиҳатидан ҳам улар бир хил, етти байтлидир.

Тазмин ва татаббу санъати ишлатилган "Хазойин ул-маоний"даги 433-ғазалда аввалги ғазалнинг вазни, радифи ва бешта қофияси сакланган. Иккала ғазал ҳам тасвир асосига қурилган бўлиб, семантик-эмоционал тасвир ғазаллар композицияси асосини ташкил этади. Ғазалларни байтмабайт текширадиган бўлсак, биринчи ғазалда тасвирланган бирор образ ёхуд

бадиий лавҳа иккинчи ғазалда ҳам худди шу тасвир объекти ёки у билан боғлиқ воеаларни янада ёрқинрок, кенгрок ифодалаб келади. Икки шеърда мазмунат мос бўлган байтларнинг кофиялари ҳам бир хил. Энди байтларни ёнма-ён қўйиб, мукояса қилиб кўрайлик.

Аввало, кўнгул образи билан боғлиқ лавҳа:

Теманг кўнглунг қаниким, ҳажардин бехуши эдим,

Қай сори борғонни ул бехонумоним билмадим.

(“Наводир ун-нихоя”, 3-байт)

Ул пари то жиљва қилди борди кўнглум, ваҳ, қаён,

Бўлди ул оввораи бехонумоним, билмадим.

(“Хазойин ул-маоний”, 5-байт)

Ёрнинг таъна қилиши билан боғлиқ лавҳа, “Наводир ун-нихоя”, тўртинчи байт:

Васлидин сўз деб бу янглиг таънига хуш келмасин,

Билмадим, эй қотили номеҳрибоним, билмадим.

“Хазойин ул-маоний”, учинчи байт:

Демадингму, дема рашкимники, боқтинг гайрима,

Билмадим, эй кофири номеҳрибоним, билмадим.

Мактабдан олдинги байт икки ғазалда ҳам ижтимоий-фалсафий фикрлар ўзанида, шоирнинг фоний бўлмок, ўзлигидан қутулмоқ хусусидаги мушоҳадалари асосига курилган.

“Наводир ун-нихоя”, олтинчи байт:

Ўзлукимдин ранжга эрдим ичкали жоми фано,

Бехуд ўлдум ўйлаким ному нишоним, билмадим.

“Наводир уш-шабоб”, олтинчи байт:

Дўстдин билдим нишон, то топмадим ўздин нишон,

Лек ўздин токи бор эрди нишоним, билмадим.

Ғазаллар мактаблирида мазмунан лирик қаҳрамон -- шоирнинг руҳий холати баёнида тафовут кўринади. Биринчи ғазал мактабида ошикнинг

тушкун, шикоятомуз холати тасвирланса, иккинчи ғазал мактағы оптимистик рух билан сүфорилган:

"Навөдир ун-ниҳоя", еттинчи байт:

Эй Навоий, ошиқ ўлғонда дедим қолгай ниҳон,
Бүйлаким оламни тутқай достоним, билмадим.

"Наводир уш-шабоб", еттинчи байт:

Эй Навоий, ёр күнгли меҳрму қилди аён,
Ё асар қилди анга ўтлуғ фигоним, билмадим.

шу ва бошқа жиҳатларига кўра биз, "Хазойин ул-маоний"га киритилган мазкур ғазални татаббу санъатининг ўзига хос гўзал намунаси деб баҳолаймиз.

Шунингдек, ғазалларига ўз байтларини тазмин қилиш ҳодисаси бошқачароқ шаклда шоирнинг яна бир ғазалида учрайди. "Наводир уш-шабоб"даги 468-, 469-ғазалларнинг иккинчи байтлари айнан ўхшаш, матлаълари эса мазмунан бир-бирига жуда яқин. Бу ғазаллар мисолида ҳам Навоий татаббуънинг ижодий намунасини, иқтизо санъати ва тазмин санъатининг салх шаклини намойиш этади. Яъни, 468-ғазалга татаббуъ қилиб яратилган 469-ғазалнинг иккинчи байти тазмин қилиниб, аввалги ғазал матнидан айнан олингандир. Тазминнинг салх шакли эса ғазалнинг матлаъи:

Ваҳки, ўтлуғ чеҳра очиб хонумоним ўртадинг,
Оташин лаълингдан айтиб нукта, жоним ўртадинг (468-ғ.).
Оташин руҳсори очиб хонумоним ўртадинг,
Хонумоним худ не бўлгай жисму жоним ўртадинг (469-ғ.).

Тўртинчи байти:

Ўт аро қил тўлғониб қуйғондек ул юз шавқидин,
Нечаким тоб урди жисми нотавоним ўртадинг (468-ғ.).
Тўлғониб қуйсам ажаб йўқ ўтқа тушган шўъладек,
Чун фироқ ўтида жисми нотавоним ўртадинг (469-ғ.)

ва мактаъида ишлатилган:

Эй Навоий, то белу оғзи хаёли айладинг.

Бору йўқ, яъники пайдову ниҳоним ўртадинг (468-ғ.).

To Навоийдек белу оғзинг хаёли бирла мен,

Ушбу йўқ савдода пайдову ниҳоним ўртадинг (469-ғ.).

Ғазалларнинг ҳар бири алохига ўз тасвир усули, ихчам, яхлит композициясига эга бўлган ғазаллар эканлигидан далолат беради. Ғазалларнинг бири (468) “Наводир ун-ниҳоя”га 354-ўринда, иккинчиси (469) “Бадоев ул-васат”га 358-ўринда ўзгартиришсиз киритилган. Демак, Навоий ғазалларини девонларига тартиб билан жойлаштирас экан, уларнинг семантик структураси, композицион тузилишига алохига эътибор берган. Бунинг натижасида ғазал композицияси билан боғлик бадиий санъат усуулларининг (татаббӯй, тазмин) ўз ғазалиётида ижодий ривожланишига ва бу соҳадаги анъаналарнинг янги-янги ўзанларда тараққий этишига имконият яратган.

Хулоса шуки, донишманд адабиёт назариётчиси ва мутафаккир шоир Алишер Навоий беназир лирикада ўзбек шеъриятининг қадимий анъаналари ва бадиий ўзига хосликларидан ижодий фойдаланиб улкан ижодий муваффакиятларга эришган ва бу ҳол авлодлар учун алохига ибрат ва хос мактаб вазифасини ўтайверади...

Муслихиддин МУҲИДДИНОВ

ИНСОН АХЛОҚИ ТАСВИРИДА АДАБИЙ АНЪАНА ВА ИЖОДИЙ ЎЗИГА ХОСЛИК

Инсоннинг ахлокий фазилатлари ҳамиша шарқ шоирларининг диккат марказида бўлиб келган. Адабиёт сўзининг “адаб” сўзидан олингани ҳам бунинг ёркин далили. Мусулмон Шаркида етишган кайси бир шоир ижодини олиб кўрмайлик, унда, албатта, панд-насихат оҳангидаги асарларга дуч келамиз. Зоро, адибларимиз адабиётни тарбия воситаси деб караганлар. Хоҳ соғ лирик асарлар бўлсин, ҳоҳ воқеа-ходисалар, афсона-саргузаштлардан иборат эпик асарлар бўлсин, уларда “маъвиза”, яъни ўгит-насихатлар характеристидаги кисмлар бўлган. Алишер Навоий “Бадоев ул-бидоя” девонига

ёзган сўзбошида бундай дейди: "... бу девонда ҳамду наът ва мавъизадан бошка ҳар шурандегез ғазалдинким, истимоъи мохвашларга мўжиби саркашлик ва ғамкашларга боиси мушаввашлиғ бўлгай, бирор-иккирор насиҳаторо ва маъвзатосо байт иртиқоб килиндиким, аларнинг ламъайи руҳкори ифрат бурқаидин кўп ташқари ломеъ бўлмағай, то буларнинг вужуди хирмани ул барқ иҳроқидин билкул зоеъ бўлмағай, йўқум бу ғазаллар ғазолалари жилвагарлик соз, балки пардадорлик оғоз қиласалар, бу байтларнинг насиҳатсоз воизлари ва мавъизалардоз носиҳлари монеъ бўлғайлар".

Навоий фикрини тушунтирадиган бўлсак, мазмуни шуки, одатда ғазал ошиқона мавзуга бағишлиланган бўлади, ошиқлик дардининг пўртаналари китобхонни ҳаяжонга солади. Лекин унинг ёнида битта-иккита насиҳатомуз байтлар келтирилса, ўқувчи ишк тўлқинлари билан бирга, муҳим тарбиявий ҳикматлар, насиҳатлардан ҳам баҳраманд бўлади. Шунинг учун дейди у, мен девонимда ҳамд-наътлардаги насиҳатли фикрлардан ташқари, ошиқона ғазалларимга ҳам насиҳат маъноли байтлар киритдим.

Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, ахлоқий мавзудаги адабиёт ўзи алоҳида бир йўналишdir. Буни шарқликлар "панднома" деб юритганлар. "Қобуснома" (Кайковус), "Қутадгу билиг" (Юсуф Ҳос Ҳожиб), "Хибат ул-ҳақойик" (Аҳмад Юғнакий), "Гулистон", "Бўстон" (Шайх Саъдий), "Маҳбуб ул-кулуб" (Алишер Навоий), "Баҳористон" (Абдураҳмон Жомий), "Ахлоқи Мухсиний", "Анвари Сухайлий" (Кошибий) шулар жумласидандир. Шунга монанд "Ҳамса"ларнинг биринчи достонлари ҳам "панднома"ларга мазмунан яқин.

Достонларнинг тузилиши ҳам ўзига хос. Шунга кўра, илмий адабиётда бу достонлар "фалсафий-ахлоқий" асарлар деб юритилади. Бизнингча, бу достонларни "сўфиёна-фалсафий асарлар" деб номлаш маъқулроқ. Чунки улардаги фалсафий қарашлар, асосан, сўфиёна дунёқарашни ифодалаб келган. Яна бир фикрни айтиш зарур. "Ахлоқий асар", "ахлоқий ғоя" деганда, одатда, кўпроқ уқтириш, ўғит оҳангидаги асарларни назарда тутамиз. Назаримда, бу – масалага тор қарашdir. Бутун адабиёт ахлоқий тарбия

воситасидир, бу ният баъзан уқтириш, баъзан лирик ҳиссиётларни тасвирлаш, баъзан публицистик кўтариинки, эхтиросли щеърият, баъзан тамсил-т.мсоллар қиёфасини кўтариш оркали амалга ошиғилган. "Махзан ул-асор", "Матлав ул-анвор", "Тўхфат ул-аҳрор" ва "Ҳайрат ул-аброр" достонларида бу восита-усулларнинг кўпидан фойдаланилган. Лекин ҳар бирида бу хусусият ўзга йўлда давом этган. Инсон ахлоқи ҳакидаги улуг шоирларнинг қарашлари уларнинг умумий фалсафий-сўфиёна фикрларидан хосил бўлган. Низомий, Хусрав Дехлавий, Жомий ва Навоий инсон ахлоқига ўрта аср кишиси нуктаи назаридан, ўзларигача жамланган илму хикмат асосида, сўфиёна маънолар талаби билан муносабатда бўлганлар.

Шоирлар, таъкидлаганимиздек, инсонни барча маҳлукотларнинг афзали, шарифи деб таърифлаб, уқтирадиларки, одам ўзига муносиб ишлар билан шуғулланиши, ўз номини ёмон, тубан хулк-атвор билан булғамаслиги керак. Ҳасад, хирс, пасткашлик каби одатлардан ҳазар этмоқ лозим, дейди Амир Хусрав. Шоир ўз замонасининг воеа-ходисаларини кузатган, одамларни ўргангандан шу холосага келганки, калби бўш, маънавий-ахлоқи нолойик одамлар кўпроқ амал, мансабга интиладилар. Аммо бу уларнинг пастлигини яшира олмайди:

*Паст нагардаад ба таманно баланд,
Гарчи ба ангушт по баланд.*

(Паст орзу билан улуғ одамга айланиш даргумон, бўйини баланд қилиб кўрсатиш учун ҳар қанча бармоқларига тирадиб чўзилса ҳам).

Одамнинг мартабаси унинг акли, шахсий қобилияти, химмати-ҳамияти ва иродасига қараб кўтарилиши керак. Ўз насли, ота-бобосининг обруси, кариндош-уруғ орқасидан манманлик қилиш гирт ахмоклик, дейди у:

*Одами аст аз пайи коре бузург,
Гар накунад инт – ҳиморе бузург.*

(Одам ўз хайрли ишлари билан улуғдир. Агар буни кильмаса – катта эшакдир).

Чинакам инсоний фазилатлар билан зийнатланган, инсонни севиши, уни шарафлаш "Хайрат ул-аброр"нинг ҳам туб мөхиятини ташкил этади. Чунончи:

*Кониу ҳайвони агар худ набот,
Ҳар бир бир гавҳари олий сифот.
Барчасини гарчи латиф айладинг,
Барчадин инсонни шариф айладинг.*

Алишер Навоий инсонга, унинг фаолияти ва кирду корига караб баҳо беради. Унингча, инсон жамиятта наф келтириши, фойдали ишлари билан кадрли, янада фазилатли. Кишиларга зиён етказадиган, жамият тинчлиги, осойишталигини бузадиган, сийратига номувофиқ кимсалар чин инсон эмас. "У жамиятнинг ҳар бир аъзосидан – шоҳми, гадоми – Инсон номига "муносиб" бўлишиликни талаб қиласди", деб ёзади истеъододли олим А.Абдугафуров, Навоий ҳакида. Навоий буни турли табакага мансуб шахсларнинг типик хусусиятларини ўзаро зид кўйиб очиб кўрсатган (одил ва золим шоҳ, тўғри йўл кўрсатувчи ва риёкор шайх, олим ва жоҳил, вафоли ва вафосиз кишилар ва ҳоказо). Яхшиликнинг, одамийликнинг мезони – ҳалқ манфаати учун хизмат қилиш, унинг ғами-ташвиши билан яшаш:

*Одами эрсанг, демагил одами,
Оники йўқ ҳалқ ғамидин ғами.*

Бундай хикматона фикрлар "Махбуб ул-кулуб"да ҳам анча.

Навоий ўзгалар ғами билан яшайдиган, химмати баланд, ҳожатбарор, адолатшиор, инсонларни шарафлайди. Бинобарин, шоир адолатли ва золим шоҳ, рост қавл ва риёкор шайх, карамли (саҳоватли) ва хасис одам, одобли ва беадаб киши, олим ва жоҳиллар хусусида тўхталар экан, уларнинг инсоният жамияти учун фойда ёки зарарини кўрсатиб беради. Масалан, ўн биринчи маколатда илмнинг фазилати ва нодонликнинг касофати ҳакида сўз боради. Аммо шоир бобни тўғридан-тўғри:

*Даҳр иши то ҳалқ ила бўлмиши ситеz,
Хордурур олиму жоҳил азиз, -*

деган байт билан бошлайди. Чунки замона – зулм маскани. У разил, жохилларга мансаб-мартаба беради, уларни юксакка күтаради. "Билик аҳли"га эса ранжу азоб беради.

*Феъл ёмон рафиъ айлабон,
Хўжига оламни мутеъ айлабон.*

Ёмон одам бошқаларни ўзига мутеъ этса, яхшилар, окил, донолар хор, латылдек қимматли, кўнгли пок одамлар "кўхи боло остида ғамнок" яшайдилар. Навоий хулки, рафтори даррандалик бўлган нокаслар шох саройида иззат-хурматда яшайдилар, дейди.

Шоир илм олишнинг машаккатли азобларини тасвирлайди. Қашшоқ, оч-ялонғоч муллаваччалар аянчли ахволда мадрасаларда куну тун таҳсил кўриб, илм ўрганадилар, мақсадга эришиш учун барча нарсадан, ҳатто ҳаёт неъматларидан ҳам воз кечадилар:

*Гурбат аро ҳоли ёмондин ёмон,
Ҳар не йўқ андин ёмон, андин ёмон.*

Илм – амал, мансаб воситаси эмас, балки ҳалққа хизмат килишининг энг тўғри ва самарали йўли. Навоийча, олим дунё молига меҳр кўймаслиги керак:

*Солмаса кўз жафои дунё сори,
Боқмаса туз дунёни фони сори.
Они шараф гавҳарининг кони бил,
Гавҳару кон ҳар не десанг, они бил.*

Шу тариқа Навоий билим ва билимдонликни инсоннинг муҳим фазилатларидан бири сифатида кўрсатади, тарғиб этади.

Илм хакидаги боб Ҳусрав Дехлавийда ҳам бор. "Матлаъ ул-анвор"нинг иккинчи маколати шу мавзуга бағишлиланган. Ҳусрав ҳам илмни улуғлаб, жаҳолатни танқид килади. Унингча, илм – коронғу кечада йўл кўрсатувчи чироқ, маёқ. Чироги – маёғи бўлмаган одам қудукқа тушиб кетади. Илмли одам зарру гавҳарга эътибор қилмайди, ҳам илм ва ҳам бойлиги бор одам камдир. Олим ўз илми билан улуғ, жохил агар шоху султон бўлса ҳам, дунёни эгалласа ҳам авомдир, пастир:

*Гарчи қашад гов жаволи гуҳар,
Бор зиёдат шавадаш, не ҳунар*

(Хўқизга гавхар копи ортилган билан, юки ортади, лекин ҳунари ортмайди).

Хусрав ўзини билимдон кўрсатишга уринган нодон кишилар, ясантусан қилиб юрадиган одамлар устидан кулади. Шоир олим билан жоҳилни турли кўринишларда солиштириб, ҳакиқий илм эгасининг фазилатларини бир-бир санаб ўтади. Илмда хийла, манманлик, ялковлик, мактанджолик зиён келтиради. Илм оламан деган одам майпарастлик, ишқбозликдан воз кечиши керак:

*Илм ҷунон ҳон, ки зи паси зиндагӣ,
Хоби ту бошад шарафи бандагӣ.*

(Илмни шу қадар ўргангинки, ўлганингдаи сўнг, сенинг уйқунг одамийлик шарафи бўлсин).

Хуллас, олимнинг аъмоли ҳам, хулки ҳам покиза бўлиши керак.

"Матлаъ ул-анвор"нинг учинчи маколати сўз фазилати таърифига бағишлиланган. Хусрав Дехлавий анъанага мувофиқ сўзнинг инсон камолоти учун аҳамиятини маҳсус таъкидлайди. Унингча, инсонни ҳайвондан ажратиб турган сифатлардан бири – бу унинг нутки, тили. Аммо шоир сўзи кенг маъниода олиб караган: сўз – алока воситаси бўлмиш тил, сўз – дунёни англаш воситаси, аклнинг иродаси, сўз – маънавий-бадиий етуклик, фаросат, заковат белгиси. Инсоннинг тили мўъжизалар яратишга қодир, у барча бунёдкорликларнинг, ижод ва истеъоддининг қалити.

Акл, билим сўз орқали ўз кудратини намоён қиласди. Акл сўз бир-бири билан опа-сингил, ўз навбатида иккаласи жонга кўкалдош:

*Ин ҳираду нутқ, ки з-они туанд,
Ҳар ду ду ҳамшираи жони туанд.*

(Бу акл ва нутким, сенинг мулкингидирлар. Иккаласи жонингнинг сингиллари дидирлар).

Акл – инсоннинг буюк қудрати, ҳазинаси. Аммо бу ҳазинанинг қалити тил, нуткдир. Дехлавий сўзни илохий неъмат, мутлак рухнинг файзи деб таърифлайди. Сўз кишининг дилига гулғула солади, бардамлик бағишлиайди, хаётга муҳаббатни оширади. Ишқ розининг изҳори, кўнгилдаги яширин сирлар, буюк ҳикматлар ҳам сўз воситасида дунё юзини кўриб, ажиб савдолар

кўзгата олади. Бас, сўз инсон безаги, камолоти нишонаси экан, бошқа ҳамма нарсадан уни азиз ва мукаррам тутиш керак.

Бадий сўзнинг кадрини кўтариб лозим. Зеро, сўз хар қандай кимматбаҳо ганжинадан ҳам қимматлирек:

Чанд зи поси дирам афти ба ранж,

Поси сухан дор, ки он сат ганж.

Аблаҳи ар сурфаи зар мекуни,

Сурфаи гуфтор қун ар мекуни.

Гарчи туро риштаи гавҳар басест,

Гар ба маҳал сарф магардад хасест.

Мард, ки у тажрибаи кор кард

Ҳарчи ҳамма чиз ба ҳинжор кард.

(Дирам – олтин кетидан қувиб, бунча азоб чекасан. Сўзни йиг, сўзни эҳтиёт қил, чунки ганж шудир. Зардан ҳамён тўлдирсанг – аблахсан, ҳамён тўлдирмокчи бўлсанг, сўздан ҳамён қил. Ўзингга бор шода гавҳар етарли бўлса ҳам, агар уни ўз вақтида сарфламасанг, хас билан баробардир. Тажрибали эрлар, ҳамма нарсанинг харажатини меъёри билан киладилар).

Шундай килиб, шоир ҳазинани эҳтиётлаб сарфлаш қандай фойдали бўлса, сўзни ўз ўрнида эҳтиёт қилиб қўллашни, бўлар-бўлмасга вайсамасликни маслаҳат беради. Шоир беҳуда гапириш кишининг обўсини тўқади, бебурд қилиб кўяди, дейди. Шунинг учун сўзни ҳам маънодор қилиб сўзлашга интилиш яхши. Маъноли, нозиксўзни эса тушунадиган, қадрига етадиган фаҳмли, идрокли одамлар тушуниб завқланадилар. Бундай сухбатларнинг тарбиявий аҳамияти катта.

Дехлавий рост сўзлашни, сўз билан ишнинг (амалнинг) мувофиқ келишини таъкидлар экан, ёлғончиликни қаттиқ танқид килади.

Лаъл, ки он рост кунанд аз дуруғ,

Қадр надорад ки надорад фуруғ.

(Агар лаъл ҳам ёлғондан ясалган бўлса, яъни сунъий, сохта бўлса қадрланмайди. Чунки ясама лаълининг товланиши ҳам йўқ).

Ёлғончининг ишида барака бўлмайди, халқни алдаш билан ёмон йўлга бошлайди. Хуяллас, ёлғончи жамият учун заарли одам. Қизиги шундаки, шоир ўзи шоир бўлгани ҳолда шоирларни ҳам ёлғончилар сирасига қўшган.

Кавли се кас нест ба даҳр устувор,

Шоиру, қуръазану ахтаршумор.

(Дунёда уч кишининг сўзига эътиmod йўқ, шоир, фолбин ва мунахжим).

Афтидан, Дехлавий бунда маддохлик билан кун кўрадиган золим хонларни адолатни оларни мактаб мукофот оладиган касидагўй шоирларни назарда тутади. Чунки улар хақикатан ҳам йўқ сифатларни қаторлаштириб, баландпарвоз ташбеҳлар билан шоҳу вазирларни таъриф-тавсиф этиб, эвазига мукофотлар оладилар. Шу маънода Амир Ҳусрав адабиётни аслзодалар эрмагига айлантирган, унинг обрў-эътиборини тўккан таъмагир шоирларга нисбатан салбий муносабат билдиради. Шунингдек, у фолбинлар ва мунахжимларни ҳам, фирибгар кишилар сифатида тилға олади, қаттиқ танқид килади.

"Хайрат ул-аброр"да ҳам сўз ҳақида алоҳида фасллар бор. Навоий ўн тўртинчи ва ўн бешинчи бобларни маҳсус сўз таърифига бағишланганидан ташқари, ўнинчи мақолатда (ростлик таърифидаким, вужуд уйи бу туз стун била барпой) ҳам ростлик ва ёлғончилик хусусида фикр баён этади, "Шер ва Дуррож" хикоясини келтириш орқали ёлғоннинг кулфатини, мусибатини кўрсатиб беради. Ўн тўртинчи фаслда эса сўз қадри, унинг аҳамияти, инсонни улуғлаши хусусиятини баён этади:

Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,

Руҳ даги тан аро сўздин ҳалок.

Тиргузуб ўлганни каломи фасиҳ,

Ўзига жонбахш лақаб деб Масиҳ.

Боис ўлуб ман сўзи бедоддга.

Туҳмат ўлуб ўртада жаллодга.

Сўз ўликни тиргизиши ҳам, аксинча, одам ўлдириши ҳам мумкин. Шохларнинг бир оғиз сўзи зулмни авж олдиради ёки адолатни баркарор этади.

Навоий бадиий сўз устида тўхталиб, шундай ёзди:

*Дафтари назмида чу шерозадур,
Гул варақи гўлшан аро тозадур.
Узди чу шерозасини дафтари,
Ел учурур ҳар варақин бир сари.
Назм анга гулишанда очилмоғилиги
Наср қаро ерга сочилмоғилиги.*

Бу ўринда шеърий асарнинг прозадан устунлиги таъкидланган. Сўзда маъно бирламчи аҳамият касб этиши керак. Шунингдек, сўзниг хусни, чиройли шаклга солинган бўлиши ҳам мухим аҳамиятга эга.

"Матлаъ ул-анвор"нинг навбатдаги мақолати такво ва унинг фазилатига бағишлиланган. Унда шахвоний нафсни тийиш ва қаноат ҳақида гап боради, шаробхўрликнинг хунук оқибатлари қораланади. Боб қуидаги байтлар билан бошланади:

*Эй шуда бозичаи дасти ҳаво,
Карда равое ба раҳи нораво.
Жаҳли вубол-инчи паришионияст,
Тарки худо-инчй мусулмонияст.*

(Хою ҳавас кўлида ўйинчок бўлиб, нораво, нодуруст йўлга кирган одам, гуноҳ қилишга жаҳд киласан – бу қандай паришионлик, худони танимайсан – бу қанақа мусулмонлик?!).

Фаслни шу каби огохлантиришлар билан бошлаган муаллиф, ҳаромдан пархез килмайдиган, тақвосиз, бетавфиқ одамларнинг қилмишларини бир-бир баён этади, уларни бу ёмон йўлдан қайтаришга даъват-далолат қиласи. Табибга мурожаат этишдан олдин одам ўзини ўзи даволаши, яъни ўзини ўзи эҳтиёт қилиб, ифлос, ношоиста одатлардан ҳазар қилиши даркор. Кишиларнинг кадри семизлиги, қанча овқат ейиши билан эмас, балки ақлу фаросати, амалий – фойдали ишлари билан ўлчанади. Шу сабабли такво, яъни қаноат килишнинг, тийинишнинг фойдаси катта. Айни фазилатларгина кишини ёмон йўлга киришдан саклайди, иродасини мустаҳкамлайди.

*Лавс чу нур шуд ба ҳалокат қашад,
Об чу нур гашт ба хокат гашад.*

(Ифлослик, палидлик ортса, сұзсиз кишини халокатта олиб боради.
Агар сув тошса сени тупроққа олиб боради, яъни гүрга тикади).

Ифлослик нағснинг ёмонлийи; тан роҳатига ўчиқдан ҳосил бўлади. Бу хол бора-бора жонни азоблаб, мажрух этади, рух сўниб, тани идора килолмай қолади. Нопокликнинг фожеали белгилари сифатида шоир шаробхўрлик ва фохишабозликни кўрсатади. Булар инсон умрини заволга учратиб, унинг шаънини булғайдиган иллатлардир:

*Чист шароб? - обишарромехта,
Нақди кабоби намакаш рехта.
Хўрдани май ҳар бадиерост сар,
В-онки бадаши меҳӯрад он худ батар.*

(Шароб нима? - Ёмонлик қўшилган сув, тузи тўкилиб кетган, бемаза кабоб. Май ичиш ҳар қандай ёмонликнинг боши – бошланишидир, ёмон нарсани истеъмол этган эса ёмондан – ёмон).

Хусрав Дехлавий маст одамларнинг ифлос уст-боши, сассик вужуди, ёмон қиликларини нафрат билан тилга олар экан, бу билан ўқувчиларнинг ҳам нафратини қўзғатишга интилган. Масти – хаммага масхара, обру-эътибори йўқ одам. Бундайларнинг тавозеъсига ишониш қийин, чунки бу тавозеъ бода ундириш учун бўлган хушомаддир.

Майпаст одамни шоир девга ўхшатади. Чунки дев инсоннинг акси. Дев – ёвузлик, бузғунчилик ва фалокат келтирувчи куч. Май ҳам шундай. Масти одамда субут, событқадамлик бўлмайди: "Мастию событқадами кай бувад?" (Мастлик билан событқадамлик ўзаро мувофиқ эмас). Дехлавийнинг уқтиришича, май билан зино, яъни фохишабозлик бир-бирини чакирадиган иллатлар. Майпастлик бўлган жойда фохишабозлик ҳам бўлади:

*Шурбу зино тира кунад ройро,
Шоҳиду май суст кунад пойро.
Шишаи май, к-уст ба ҳамли фасод,
Чист, к-аз он "умми ҳабоис" назод.*

(Ичиш ва зино қилиш ақлу ҳушни хиралаштиради, ўйнаш билан май оёқни холсизлантиради. Фасод юки билан ҳомиладор бўлған май шишиаси "умму-л-ҳабоис" ("фалокатлар онаси") тугмай, бошқа нима қиласади). Бу икки

ишга ружуъ қўйган одамнинг ўзи ҳам тез орада фалокат ва ифлосликлар уясига айланиб қолади, иши чаппасига кетади, одамлар ундан ҳазар қила бошлайдилар. Айниқса, ёшлар бундай майшатларга ўч бўладилар. Бироқ ўзларининг ботқоқка ботиб қолганларини сезмайдилар. Фахш билан шугулланган одам ўзининг ёшлик қуввати жамланган ноёб гавҳарларини бехуда сарфлаб, бора-бора ожиз нотавон бўлиб қолишини билармикин?!

*Қатра, ки аз пушти дурушти ту рехт,
Гавҳари аз муҳраи пушти ту рехт.
Гавҳари силки ту чу рафт аз миён,
Муҳраи маҳмал шуд аз ресмон.*

(Сенинг қаттиқ оркангдан томган катралар – орка суюгининг ичидан сизиб чиқкан гавҳарлардир. Белингдан тоза тизилган гавҳарларинг кетгандан сўнг, юмшоқ баҳмал белбогингнинг ипи қолади, холос).

Шаҳватдан лоф урган одам мард эмас, мардлик ўз нафсини тия билиш, уни бошқара олишдир.

Кўринадики, Хусрав Дехлавий майшатпарастликни, майхурлик ва фоҳишабозликни инсоннинг салбий хислатлари каторига қўйибгина қолмай, балки инсон зотига нолойик деб хисоблаган. Бу фикрлар шоир яшаган XIV аср ҳаёти учун ҳам, ундан кейин ҳам, ҳозир ҳам аҳамиятини йўкотган эмас. Хусрав Дехлавий бундай одамларни кўп кўрган, хусусан, юкори табака вакиллари орасида майхўрлик, бузуклик авжида эди. Шоирнинг аччик танкиди, ҳажвининг тиги шуларга қартилган эди:

*Зард наҳоҳи зи зино руйро,
Парда фикан чашиби зино жўйро...
Расми сагонаст ба ҳар сўнигоҳ,
Шери сарафканд хироманд ба роҳ.*

(Зино қилишдан юзим саргаймасин, обрўим кетмасин десанг, зинога ўч кўзингга парда тут. Ҳар томонга қараш итларнинг одатидир, бошини куйи солиб шер ўз йўлида кетаверади).

Аммо улуг шоир алам билан дейдики, девсифат, ичиди шайтон уя курган, нияти фаҳму фалокат бўлган одамлар эътиборда, амал-мансаб эгаси:

Ин чи замон аст, ки дар ҳар тараф.

Ҳаст ба фисқ аҳли жаҳонро шараф.

Ҳар нафасе кори гунаҳ пештар,

Хоркӣ дин бошад аз ин бештар.

(Бу қанака замонки, ҳар тарафда аҳли дунё фиску фасад билан шараф топмоқда. Ҳар нафасда ғуноҳ ишлар кўпаймоқда, бундан дину диёнат баттар хор бўлмоқда).

Баъзан, эса бундай одамларни, яъни номигагина такводор кишиларни валий деб улуғлаш холлари ҳам бўлган. Дехлавий ёмонлик, паст ишлар билан шуғуланиш айб бўлмай колди, ёмонликнинг чироғи ёник, бошқача айтганда, уларнинг чироғи ифлосланган ёғ билан ёниб турибди, дея ҳасрат чекади:

Вой, на як бор ки сад борвой,

Зин ҳамма габрони мусулмоннамой.

(Бир эмас, юз борвой, ўзларини мусулмон санаган габр – кофирлар дастидан дод).

Хусрав Дехлавий мусулмонлик деб, ўзида яхши хислатларни мужассам этишни, ёмон йўлга қадам кўймасликни тушунган. Шу сабабли у ёмон одатларни дину имондан чикиш деб таърифлайди. Унингча, худопарастлик ва комил мусулмон бўлиш билан яхши ахлоқли бўлиш айни бир ишдир. Шоирнинг бу каби карашлари, мангу ғоялари асрларнинг ижод аҳли томонидан давом эттирилди. Жумладан, улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр" достонида бу мавзулар янги замонга, янги муҳиттга мослаб, ўзга оҳанг, ўзга ранг билан талқин қилинган. Навоий бу мавзуларнинг ҳар бирига алоҳида бир боб – маколот ажратади. Чунончи, бадмост майпарастлар, зинокорлар, риёкор шайхлар мазаммати ва бошқалар шулар жумласидандир. Масалан, шоирнинг май ва майхўрлик ҳакидаги фикрларини кўздан кечирайлик.

Шуни айтиш керакки, Низомий, Хусрав Дехлавий, Сайдий, Ҳофиз ижодларида ҳам май ва майхўрлик ҳакида гап кетса-да, лекин уларда бу нарса муҳокама мавзусига айланмаган ва каттиқ қораланмаган. Алишер Навоий эса Баҳром Гўр образи орқали майпараст шохнинг фожиасини кўрсатиб, Бойкарони ундан сабок олишга чакиради. Чунки, майхурлик, айшу ишратга берилиш XV аср Ҳиротида авж олган эди. Факат сulton саройидагина эмас,

бошқа жойларда ҳам ҳоким-амалдорлар, сипохийлар, ҳатто дин арбоблари, шайху қозилар бўш вақтларини базми-жамшидлар уюштириб, майхурлик килиш билан ўтказганлар. Ҷоғир ичиш бора-бора ахолининг қўйи табақалари ҳаётига ҳам кириб келган. Энди хонадонлару хонақоҳларда тунни бедор ўтказган мастрларнинг, шовқин-суронлари, бебошликлари кўплаб кўнгилсиз воқеаларга сабаб бўлган. Бу улуғ гуманист Алишер Навоийни ташвишга солмасдан қолмасди. Шунинг учун ўз асарларида бадмастликнинг хунук окибатлари, фожеаларини кўрсатиш билан фалокатларнинг олдини олмоқчи бўлади.

Икки буюк шоирнинг инсон хилқати, ахлоқи ва бурчи ҳақидаги карашларида муштараклик мавжуд бўлиб, уларнинг фикрлари бир-бирини тўлдиради. Навоий устозларининг ўлмас гуманизмини изчил ривожлантирган ва инсон шарафи, одамийлик хислатларини қаттиқ химоя қилган. Ҳусрав Дехлавий ҳамда Алишер Навоий ғояларининг асрлар оша яшаб келаётгани ва бугун ҳам бизга сабоқ бўлаётганининг сабаби ҳам мана шундадир.

Файзуллоҳон НАБИЕВ **ХУЛҚ ИЛА ОЛАМ ЭЛИНИ ШОД ҚИЛ...**

Алишер Навоий мислсиз мунаvvар қалб, мўъжизавий сўз ва сўнмас салоҳият соҳиби. У бутун умрини, онги-шуурини, амалий ва ижодий фаолиятини инсонга, инсониятга, уларнинг аҳил-иттифок, ўзаро ҳамкор, ҳамфир яшашларига, шу орқали осойишта, фаровон ва баҳтли-саодатли ҳаёт кечиришларига бағишилади.

Инсоннинг инсонга, кенг маънода, дунё ахлининг ҳеч качон бир-биrlарига гайрлик – душманлик қилмасликларига, низо-нифоқка бормасликларига, аксинча, чинакам инсоний фазилатлар билан: меҳрашофқат, меҳр-мурувват ва меҳр-оқибат билан, ўткинчи дунё уйидаги қўлни қўлга берганлари холда, аҳил-инок, дўстона умргузаронлик кечиришларига даъват-далолат килади. Шундагина дунё уйи обод бўлади, дунё ахли эса саодатманд яшайди, ҳақиқий инсоний мурод-максад күшойиш топиб, оламда энг улуғ неъмат – эчиният – тинчлик карор топади, ўз-ўзидан, фитнага

фужурлар, низо-нифоклар, кин-адоватлару турли хил айирмачиликлар барҳам топади. Бу, Навоийча, бани башар олдида турган азалий ва абадий бурч, буюк масъулият. Инсон, инсоният ана шу шарафли бурға бир умр содик қолиши, инсонча яшashi, меҳнат килиши, маърифатли, маданиятли булиши, турли касб-корни, хунарларни ўрганиши ва наслларга уларнинг таълимини бериши, шу орқали эзгулик нурларини таратиши, дунё тараккиётини таъмин этиши шарт-зарур. Бу – масалаларнинг масаласи, масалаларнинг чорсуси. Катта-кичик йўллар келиб чорсуда, дейлик, дунё чорсусида, чорраҳасида туташганидек, дунё ахлининг ҳам барча орзу армонлари айнан бош масалага – эмниятга, тинчликка бориб туташади, умумий таракқиётга боғланади.

Ва энди, ўз-ўзидан, бош гоя ойдинлашиб, асл маъно англашилади. Бу – дунёвий сиймо, умумбашарий ғоялар куйчиси, тарғиботчиси бобокалон шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг абадий орзуси, сўнмас армони эди. У бутун онги-шуурини, ҳаёти-фаолиятини ана шу эзгу ишга баҳшида этти, бани башар ахлининг саодатманд яшашларини орзу килди ва деди:

Оlam аҳли билингиз иш эмас душманлиг,

Бир-бирингизга ёр ўлунг, иш эрур ёрлиг!

Яъни, инсондан, унинг яралишидан мурод низо-нифок, душманлик эмас. Аксинча, бу ақл – нур сохибидан максад – бир-бирларига ёрлик – дўстлик килишлари, ўзаро ҳамфикр-хаммаслак яшашлари, меҳр-мурувват кўрсатишлари. Демак, буюк инсонпарвар ва мураббий шоирнинг фикри – ўгитича, дунё ҳалкларидан талаб қилинадиган бош масала – ёрлик – дўсту биродарлик, бир-бирларига қайнок меҳр-оқибат улашиш. Шу билан дунё уйи, дунё “чаман”и – гулшани яшина буради, ёшариб барқ уради. Бу хол, ўз-ўзидан кишиларни инсонча яшашга, эзгу амаллар, аник максадлар билан яшашга унрайди, истиқболга чорлайди:

Бу чаман ўлмогида мавжуд анга,

Бор эди инсон гули мақсад анга!

Мутафаккир Навоийнинг таъкидлашича, дунё – ер юзи гўё бир “чаман”, чаманзор – ҳадсиз-худудсиз боғистон – боғу бўстон. Аммо унда гулларнинг гули, гултожиси бор. Бу – ИНСОН! Колдан гуллар Инсон гулига тенг келолмайди. Инсон, энг аввало, азизу мукаррамлиги билан, гўзаллиги ва нафосати билан, ақли-закоси ва юмшоқ феъли, табиати, одобу тавозуси ва меҳру муруввати билан, фасоҳатли тили, самимий сўзи, алалхусус, бир-бирларига ва ҳаётга кайноқ меҳру вафоси ва садоқати билан, хушу хулқи, камтаринлиги, маърифати ва касбу кори ҳамда меҳнати ва ижодкорлиги билан гулшандаги барча гулларни ожиз-лол колдиради. Чунки бу гул – ИНСОН, инсон гули. Зотан, у битмас-туганмас фазилатлар, хосса-хусусиятлар соҳиби. Олам уйи, борлик – коинот шунинг учун бино килинган ва шу сабабли у яшнаб-жилваланиб, ҳаёт нафаси уфуриб-мавжланиб туради. “Инсон гули” эса унда абадий гуркираб, бўйи-хидларини – яхшиликларини таратиб туради. Зеро, навоийча, олам, оламлар ва уларнинг яралишидан мақсад чинакам фазилатлар, гўзал ва хайрли амаллар соҳиби – ИНСОН. Бинобарин, олам, оламлар, алалоқибат, борлик-коинот, уларнинг бағридаги жамики жисмлар, жонлар – набототу ҳайвонот олами унга фидо, нисор бўлса арзиди. Навоийча, инсон, факат инсонгина бунга лойик:

Оламу одам фидонг ўлсунки борсен, эй ҳабиб,

Сен гараз инсондин ар оламдин инсондур гараз.

Бобокалон шоир айни ғояни – бетакрор мажозий-ташибиҳий, ахлоқий-таълимий, буларнинг манбаи-маншасидаги фалсафий-тасаввуфий ғояни, ғояларни умрининг охиригача ва барча асарларида юксак бадиий тарзда тажассум этади. Шу ўринда айни масалага доир яна бир далил-хужжат келтирамиз:

Бу гулшан иҷраки, йўқтур бақо гулига сабот,

Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.

Лавҳада таъкидланишича, дунё-борлик бир гулшан. Ундаги мислсиз гуллар, гулларнинг гули, яъни инсон ҳамма нарсани: ердаги, кўкдаги жамики жисмларни, жонларни ва ҳатто, малакларни ҳам ўзининг бемисл ва бетакрор

кўрку ифори билан, чинакам инсоний фазилатлари билан абадий ўзига жалб этади, мафтун киласди. Бироқ, надоматки, ана шу гулшан гулларига “бако” (боскийлик) йўқ, сабот-турғунлик йўқ. Шу жумладан, дунё гулшанида гулларнинг тули, гултожиси бўлган инсонга ҳам... Баҳор келди дунё гулшани, ундаги гуллар, чечаклар, бутун наботот олами, ҳатто ҳайвонот дунёси гуллаб-гуркираб, яшнаб-ёшириб кетти. Шу тарика баҳор, ёз, куз фаслларидаги ҳаммаси ўсиб-улгаяди, гулшан – дунё-олам гулга, гулларга бурканади, бўстонга айланади. Аммо куз аёқлагач, гуллар, чечаклар ҳазонга учрайди. Энди гулшан сўлиб-саргаяди, ўз кўрки тароватидан айрилади, дунё-борлиқ гўё мотамсаро қиёфага киради...

Шу тарика турфа гуллар, чечаклар нес-нобуд бўлади, фанога юз тутади. Вакти-соати келиб инсон ҳам гулшани, ҳаётни тарқ этади. Бу – азалнинг сири, синоати, ҳаёт ҳақиқати.

Ўлим – ҳақ, унга чора йўқ. Қариллик – давосиз дард, унга шифо йўқ. Навоий азалнинг бундай аччик қисматидан гамга ботади, сўнгсиз дард, алам чекади. Натижада, у ҳаётнинг ҳам шафқатсиз синов ва ҳам бемисл ибрат манбай эканлигига имон келтиради. Энди янада жадалроқ тадорикка киришади, абадиятта юзланади. Бани башар наслини ҳам шу йўлга – абадий шаън, шараф йўлга бошлайди. Зеро, дунё – фоний, ўткинчи, ҳаёт – кизб, ёлғончи, умрга эътиимод, ҳаётга ишонч йўқ. Шундай экан, инсон, лейди шоир, ҳаёти холида яхшилик билан яшами, ўзидан яхши ном қолдириши, “ажаб саодат” – буюк баҳт. Хайрли амаллар эса соҳибига шараф келтириб, уннинг номини абадиятга муҳрлайди.

Алишер Навоий азал ва абаднинг айни ҳақиқатини бадий нисбатга айлантираш экан, теран тафаккур ва кенг мушоҳада орқали бадий-фалсафий қашфиёт яратади. Ҳаёт ахлини – тирикларни эзгу мақсадларга чорлаб ўзидан неку ном қолдиришга далолат киласди. Бунинг оқибати эса хайрли.

Байт айни хосса-хусусиятлари билан, яъни чукур гоявий-бадий мохияти ҳамда адабий-эстетик қиммати билан алоҳида аҳамиятга эга. Бу – буюк мутафаккир, мураббий ҳамда санъаткор шоир Алишер Нароийга хос

чукур ғоявий, юксак бадиий, теран фалсафий инкишоф, қатъий хотима-хулоса.

Англашиладики, инсонни икки хайғли амал, яъни яхшилик ва яхши сўз мангулилка мушарраф этади. Бинобарин, инсонни қайнок қалб билан севган шоир, ўз-ўзига хитобан дейди:

Юз жафо қиласа манга бир қатла фарёд айламон,

Элга қиласа бир жафо, юз қатла фарёд айларам.

Лавҳа – севги изҳори, ҳазрати инсонга бўлган сўнгсиз меҳрнинг, оқибатнинг тажассуми. У – оташин қалбнинг абадий саси, садоси, мунаvvар кўнгулнинг амри, нидоси. Унда шоир дунёқараши, инсонга бўлган самимий муомаласи, элга етган жафога нисбатан фарёду доди, зулму ситам ахлига карши нафрати-ғазаби, алалоқибат, ўз даври ижтимоий мухитига, мухит ахлига кизгин муносабати, содда, муҳтасар тарзда ўз акси-ифодасини топган.

Элга зулм қилиш, дейди Навоий, аслида, ўзига ўзи зулм қилиш. Бу эса нодонлик, нодонликкина эмас, телбалик. Бу борада Навоийнинг фикри қатъий, нияти, амали шоён:

Хушрак эл бедодин ўзимга бедод айласам!..

Шулар орқали, биз, инсонпарвар шоирнинг дил амрини, азалий максад-муродини, асарларининг маъно ва моҳиятини, алалоқибат, навоиёна даҳо ва нажиб инкишофни теран англаймиз. Уларни ўзимизча кашф этамиш.

Байт – шоҳбайт, чинакам навоиёна байт. Мисра ҳам. Уларда ҳамма нарса: мавзу ҳам, маъно ҳам, бадиият ҳам ўзига хос, гўзал, бетакрор. Айтиш жоизки, лавҳалар – байтлар, мисра ҳам бадииятнинг навоиёна накшин-нигори.

Эзгу амалнинг иккинчисини сўз дедик. Бу ҳакда Навоий йигитлик чогида, аникроғи Самарқандга сургун килинган ва у ердан устоди Сайид Ҳасан Ардашерга ёзиб йўллаған соғинчномасида – маснавийда шундай деган эди:

Кўнсул дуржи ичра гуҳар сўздурур.

Башар гулшанида самар сўздурур.

Ёш шоирнинг байтда қайд қилишича, “кўнгул дурж” – қалб хазина. Сўз эса унинг кимматбаҳо гавҳари. Башар гулшанида – инсоният гулшани, бўстонида сўздан ортиқ “самар” – фойда, Ҷойлик йўқ. Навоийча, сўз бебаҳо бойлиқ. Инсон – сўзи билан, яъни ширин сўзи, ширин муомала-муносабати билан Инсон. Сўз – инсоннинг bemisл зеби, зийнати. Ўзга ҳеч бир нарса, ҳатто ганжина, дафиналар ҳам инсонни чин, юмшок, самимий, ширин, маъноли ва таъсиричан сўзчилик зийнатлай олмайди. Ўз-ўзидан англашиладики, дунёнинг жамики бойликлари сўзга, сўз бойлигига тенг кела олмайди. Балки, сўз улардан ортиқ. Бинобарин, ҳадиси муборакда шундай далил, хужжат келади: “Сўзда – сеҳр, шеърда – хикмат бор”. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, аслида дунёни сўз бошқариб туради, дунёни (бу ўринда тинчлик) сўз тутиб туради. Сўздан юмшок, яъни ширин, тотли, шифобахш неъмат, айни пайтда, сўздан каттиқ, сўздан кескир (ўлдирувчи) курол йўқ. Шунга кўра ҳалқ “Тиг яраси битади, сўз яраси битмайди”, дэя башорат қиласи. Чунки сўз инсоннинг танасидан ўтиб, тўғри қалбига тегади, шу оркали бутун аъзойи танга жароҳат етказади. Қалбни вайрон, танайи вужудни ҳароб қиласи, ҳаста қиласи. Бу дард – оғир дард. Унинг тайёр дори-дармони, дўкони йўқ. Бунинг бирдан-бир малҳами – сўз. Зеро, яхши сўз – малҳам, давосиз дардга ҳам даво. Ширин сўз – жонбахш. У инсонга янгидан ҳаёт, куч-кувват бағишлайди, ўзига бўлган ишончни, яшашга бўлган иштиёқни ортиради. Демак, ҳамма нарса сўзловчига, унинг ўз қалби уммонига шўнгий билишига ва ундан янги-янги маъно дурларини тера олишию, янада муҳими – уларни ўзгаларга, айниқса, ҳаста-беморларга, кўнгли шикаст топғанларга, етим-есир, бева-бечоралару гарип-мискинларга нисор эта билишига боғлиқ. Бу эса, буюк мураббий Навоийча, амалларнинг амали, амалларнинг энг хайрлиси, энг ажрлиси. Аслида, бундан ортиқ савоб, мукофот йўқ... Энди муаллифнинг давосига ўз далилини келтирамиз:

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон ўлса обод айлагай!

Каъбатуллоҳ шикаст-рехт топса ва ҳатто бузулса ҳам уни таъмирлаш, тиклаш мумкин. Бироқ, кўнгул каъбасини тиклашнинг ва ҳатто шикаст-рехтини таъмирлашнинг имксалий йўқ. Чунки бу – Аллоҳнинг иши. Агар у ирода килсагина, ўз уйини – бандасининг қалбини асл ҳолига келтириши, нурлантириб қўйиши мумкин. Шундай экан, банда қалбга озор беришдан, Аллоҳнинг Байтини бузишдан, яъники гунохи азимдан сакланиши керак... Ҳаётда доимо хушёр ва хуш сўзу хушфөъл бўлиб яшаш лозим.

Шу тариқа Навоий инсонни яхшиликка, яхши хулққа, инсоний одоб-ахлоққа, тўғри ва ширин сўзликка, меҳнат ва маърифатга чақиради. Инсоннинг кимлигини унинг хулқидан, айни хулиқини безайдиган сўзидан, хуш табиати ва самимий муомала-муносабатидан бишлиш мумкин.

Сўз, шоирнинг фикрича, қалдан, унинг қаъридан қайнаб чиқади. Зеро, қалб – хазина, сўз – ганжина. Акл – ушбу хазинанинг соҳиби, хазинабони. Агар сўзлагувчининг қалби мунаввар ва юмшок бўлса, табиийки, унинг сўзи ҳам нурли, ширин ва таъсирли бўлади. Ва бундай сўз кишиларга ҳузур, ўзига ва ҳаётга нисбатан ҳурмат ҳисларини тоширади. Чунки “Яхши сўз – жон озиги!”. Бунинг акси – “Ёмон сўз – бош қозиги”. У сўзлагувчига ҳам, тинглагувчига ҳам кулфат келтиради, ўртага низо-нифоқ солади. Демак, сўз катта кучга, кудратга, инсон руҳи, жони билан боғлиқ сеҳрга эга. Шу сабабли у кишига қувонч, шодлик, айни пайтда, кулфат, мусибат ҳам келтиради. Яхши сўз кишиларни ҳаётга, яшашга чорлаб, сўз соҳибига нисбатан ўзгалар ҳурматини ошиrsa, ёмон, кўпол сўз, энг аввало, тинглагувчининг сўзлагувчига нисбатан ғазаби-нафрatinи тоширади. Шу билан бирга, ҳаётга ва эзгу ишларга бўлган меҳрини совутади. Ҳалқдаги улуғ нақл: “Яхши сўз билан илон инидан, ёмон сўз билан пичоқ кинидан чиқар” аслида, ушбу ҳақиқатга ишора. Бугина эмас, мутафаккир шоирнинг марҳамат килишича, сўз – најот, сўз – ҳаёт:

Ҳам сўз ила элга ўлумдин најот,

Ҳам сўз ила топиб ўлук тан ҳаёт!..

Сўз, аслида, хазина. У шунчаки хазина эмас, балки битмас-туганмас хазина, сўнгги йўқ бойлик. Ҳар кандай хазина, бойлик камайиши, ҳатто тугаб кетиши мумкин. Аммо сўз хазинаси хеч қачон тугамайди. Тугамайдигина эмас, ҳатто заррача камаймайди ҳам. Бу ҳақда Навоий “Ҳайрат ул-аброр” (“Яхши кишиларнинг ҳайратланиши”) достонида катта ҳайрат билан шундай ёзади:

Маъданни инсон гуҳари сўздурур,

Гулшани инсон самари сўздурур.

Шеърда сўз – кимматбаҳо гавхарга, қалб – гавҳар тўла маъданга – хазинага, дафинаға қиёсланаяпти. Бу ўринда, биз, бобокалон Навоийнинг деганидан ташкари, демоқчи бўлганига ҳам эътиборни қартишимиз керак.

Хеч ким ўз бойлигини бехуда сарфламайди, уни елга совурмайди. Бойлигини ўз ўрнида, билиб, қатъий хисоб-китоб билан ишлатади, фойдани кўзлайди. Шундай экан, бу гавҳарни – сўз бойлигини ҳам авайлаб-асраб сарфлаш, тасарруф этиш зарур. Токи бу хазинадан ўзи ҳам, ўзгалар ҳам фойда кўрсин. Шундагина у комиллик сари интилган, кишилар олдидаги ўз инсоний бурчини адо этган бўлади. Аксинча, унинг ҳайвондан фарки йўқ:

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,

Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин!

Факат нодон ва жохиллар, ҳайвонсифатларгина ундан ўринсиз фойдаланиши ва, бу билан, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зиён-захмат етказиши мумкин. Бундайлар ҳакида Навоий ҳазратлари афсус-надомат билан:

Олдига келганни емак ҳайвоннинг иши,

Оғзига келганни демак нодоннинг иши, -

дея, кишиларни жаҳолатдан қайтаради.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, сўзниңг, сўзларнинг энг афзали – чини, тўғриси. Сўзловчининг фазилати эса самимий, ширин сўзлаши билан бирга, рост, тўғри сўзлаши. Бу билан кишилар қалбини ишонч ва кувонч нурларига тўлдиради, кишилар олдида ўзининг ҳам обрў-эътиборини орттиради. Буни дунёнинг хеч бир бойлиги билан тенглаштириш мумкин

эмас. Зеро, бойлик топилиши мумкин, обрў-эътиборни топиш кийин. Унинг бозори йўқ, обрў, самимият сотилмайди. Шуларни назарда тутар экан, ҳассос шоир ўз-ўзига хитоб килиб:

Сўзда, Навоий, не дессанг рост дегил,

Рост наво нагмага пардоз дегил, -

дея, кишиларни рост сўзлашга, мунашвар эзгу максадга чақиради...

Алишер Навоий ижодиётининг етакчи хусусиятларидан яна бири – АДОЛАТ. Адолат, ўз номи билан, адолат. Инсон ҳаётда ва ҳатто ҳар бир ишда адолат деб, адолат истаб, ҳаётда ҳар бир масалада адолат тантана қилишини соғиниб яшайди. Ва бирон бир кишига баҳо бериши лозим бўлса, унинг ёши ва жинсига, бойлиги ва камбағаллигига, мансабдор ва ёхуд оддий инсонлигига қараб эмас, энг аввало, унинг хулкига, одоби ва ширин сўзига, муомаласи ва адолатига қараб баҳо берилади.

Адолат – ҳаёт, адолат – саодат манбаи. Адолат эгаси эса чинакам саодат соҳиби, иқбол эгаси. У адолати билан кишиларга ҳаёт, саодат улашади, уларнинг дардига малҳам беради. Бу ҳакда адолатнинг буюк жарчиси ҳазрат бобокалонимиз шундай таълим берадилар:

Адол айлаки, ул ҳалқ ҳаёти бўлмиш,

Ҳам адл ила эл сифоти бўлмиш...

Далолат қилинишича, адолат – ҳалқ ҳаёти манбаи, мангу бир сарчашма. Кимки бу сарчашмадан кониб-тўйиб ичса чинакам ҳаёт, турли қўнгилсизлик ва мусибатлардан најзот топади, жисми-жони кувончга тўлади...

Хулоса килиб айтиш жоизки, айни фазилатлари билан Навоий мероси мангу яшаб қолади, сўнмас нур-зиё таратиб туради...

Абдулхаким ШАРЬИЙ ЖУЗЖОНИЙ АФГОНИСТОНДА НАВОИЙШУНОСЛИК

Афғонистон тарихида ғазнавийлар ва темурийлар даврлари, айникса, XV аср олтин давр хисобланади. Мазкур аср Марказий Осиё, маҳсусан, бугунги Афғонистон худуди учун Шарқ ренессанси (Ўйғониш даври)нинг

иккинчи босқичи деб тұғри баҳоланған. Ушбу тараққиёт босқичига темурий шаҳзодалар, айникса, иккі улуғ зот –adolatпарвар подшо Султон Ҳусайн Байкаро, буюк вазир[”]ва улуғ шоир Мир Алишер Навоий раҳбарлық қылыш келгандар.

Темурийлар давлатининг улкан, марказларидан бири бўлмиш Ҳирот шаҳри темурий шаҳзодалар фаолияти билан шундок бир фан ва маданият ўчогига айландики, Ўрта Осиё, Эрон, Ироқ, Озарбайжон ва бошқа ўлкалардан илм толиблари ва санъат мухлислари билимларини ошириш мақсадида бу ерга келиб истиқомат қиласарди. Ҳирот ўзининг мовий гумбазлари, юксак миноралари билан, донг таратган йирик мадрасалари, хонақолари ва меҳмонхоналарида уларни кутиб олиб, илму маърифат эшикларини очиб берарди.

Алишер Навоий ҳимояси остида Абдурахмон Жомий каби аллома ва шоир Сайид Қосим Анвор каби олим, шоир ва нақшбандия тариқатининг йирик вакили ва бошқа кўп фан ва санъат арбоблари ўз ўлкаларидан келиб, Ҳиротдан бошпана топган эдилар. Навоийнинг моддий ва маънавий ҳимояси ва раҳбарлигида маърифат ва санъат гуллаб яшнади, темурийлар даврига хос миниатура мактабига асос солинди, меъморчилик тараққиёти юксак босқичларга кўтарилди, мусика ривожланди, ўзбек тили ва адабиёти такомилнинг чўққиларига кўтарилиб, туркий тилнинг бебахо ва мисли кўрилмаган шоҳ асарлари ижод килинди. Ушбу тилнинг буюк ҳомийлари сифатида Навоий ва Ҳусайн Байкаро уни давлат тили даражасига кўтариш мақсадида тинимсиз кураш олиб бориб, назарий ва амалий жиҳатдан ўзбек тили мухолифларига илмий ва катъий жавоблар бердилар.

Ушбу давр Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ўсиш ва ривожланишини жадаллаштириш, йирик бинолар ва иштоатларни куриб битказиш учун қулай шароитлар яратиб берди. Ихтиёрилдин тарихий кальяси ва Ҳирот жомеъ масжиди бутунлай қайтадан курилиб мустаҳкамланди ва замон тақозосига мувофиқ безатилди. Гавхаршодбегим томонидан қурдирилган катта ва чиройли «Гавхаршодбегим мадрасаси»

яқинида қурилган «Мусалло» ийдгоҳ масжиди ўзининг осмонўпар миноралари ва равоклари билан Ҳирот шаҳрининг азamat рамзига айланди. Ихлосия мадрасаси, Ҳалюсия хонақоси, ҳашаматли кўшклар, шохона саройлар, шифохона ва китобхоналар, гавжум расталар ва карvonсаройлар, шаҳарнинг хуснига ҳусн қўшиб турарди.

Ҳирот шаҳридан ташқари Жўэжон, Балх, Тахор, Мозори шариф ва Машҳад каби жойларнинг ҳар бирида Навоий курдирган 370 буқъаи хайр (хайрли ва манфаатли қурилма ва иншоатлар)ни, шунингдек, Гавхаршодбегим курдирган бъэзи обидаларни қўриш мумкин эди. Масалан, Машҳад шаҳрига ажойиб сув келтириш иншоати, Нишопур яқинида Қосим Анвор қабри устидан қурилган чиройли бино, Сарипул дарёси устида қурилган икки қаватли мустаҳкам ва баланд қўприк, Мозори шарифда Ҳазрати Алиниңг рамзий қабри устида Навоий маслаҳатига биноан Ҳусайн Байкаро томонидан бино этилган буюк обидаларнинг ҳар бири хозирда ҳам салобат тўкиб туради.

Навоий бажарган буюк ишлар уни Афғонистон ҳалқи учун севимли тарихий шахсиятлардан бири дараҷасига кўтарган. У ва одил султон Ҳусайн Байкаро ҳақида ҳалқ ичида ажойиб ривоятлар мавжуд. Улардан бири «мулло Мамаджон ва Оиша» романтик ҳикояси ундаги чиройли қўшиклар билан оғиздан оғизга ўтиб юради. Навоий Афғонистонда ҳалклараро дўстлик рамзи, инсонпарварлик символи ва маърифатпарварлик тимсоли бўлиб келган.

Навоий асарларига қизиқиш ҳар доим мавжуд бўлган. Асрлар давомида махаллий мактабларда ўзбек тилида завод чиқариш учун Машраб, Ҳувайдо, Ҳожа Аҳмад Яссавий асарлари қаторида Навоий девони ҳам ўқитилиб, уни Туркистанда нашр этилган ва қўлзёма нусхаларидан фойдаланишади.

Афғонистонда Темурийлар ва Навоий ёдгорликларини кўролмайдиган кимсалар ҳам йўқ эмасди. Масалан, Амир Абдураҳмон буйругига биноан «Мусалло» жомеъ масжиди XIX аср охиirlарида Буюк Британия вакили генерал Лимесдан томонидан Гавхаршодбегим мадрасаси билан бирга портлатилиб, ер билан яксон қилинди ва Ҳирот ҳалқининг қаттиқ эътиroz,

нафрат ва қаршилигига сабаб бўлди (М.Ғ. Ғубор. Афғонистон тарих ўзанида. Кобул, 1967. 684-бет).

Ундаған кейин 50 йиллар муқаддам айрим амалдорлар Ҳиҳтиёридин қалъаси ичидаги қурилган ҳамсаройни бузиб тупроғини ташиб ва Мусаллодан колган бешта минорани қулатишга уринган бўлсалар, кейинроқ Ҳирот хокими Абдулло Маликёр даврида барча ёдгорликлар сакланиб колди, Мусалло миноралари ва Ихтиёридин қалъаси ЮНЕСКО химояси остига олинди.

Унинг ҳокимлиги даврида ҳиротлик машхур маърифатпарвар савдогар марҳум Ҳожи Ғулом Ҳайдар Мухторзода ҳиммати билан Алишер Навоийнинг абадий ётаржои устида чиройли бир мақбара қурилди. Темурийлар тарихи мутахассиси машхур олим ва шоир марҳум устод Фикрий Салжукий ёзган шеърий китъасида ушбу бинонинг қурилган йили тарихи (1374 ҳижрий йили) «Шуд обод қабри Алишер Фоний» (Алишер Фоний мақбараси обод бўлди) мисраси оркали чиқарилиб, мозорда ёзиб кўйилди. Фикрий Салжукий Ҳиротда яшаган фазилатпарвар салжукийлар оиласига мансуб эди.

Биринчи маротаба Афғонистон матбуотида 1952 йиллар «Ватан» номли мустакил газетада ўзбек шоирлари марҳум Назихий Жилва ва Назар Мухаммад Наво ташаббуси билан куйидаги матлаъли: «Кўкрокимур субҳнинг пироҳанидин чокроқ», «Кипригим шабнам тўкулган сабзадин намнокрок» Навоийнинг машхур ғазали нашр этилди. Бу Афғонистон матбуотида босилган биринчи ўзбекча шеър эди.

Биринчилардан бўлиб «Амир Алишер Навоий ва у қолдирган меймoriй ёдгорликлар» сарлавҳали катта мақола ёзиб, «Ҳирот» адабий журналида нашр этган Фикрий Салжукий эди. У мазкур мақолада, шунингдек, ўзининг «Мазороти Ҳирот» ва «Хиёбони Ҳирот» номли қимматли китобларида Навоий даврига тегишли кўпдан кўп меймoriй ёдгорликлар ҳақида муфассал маълумотлар берган.

Машхур адабиётшунос ва тадқиқотчи олим марҳум Сарвархон Гӯё Эътимодий хинд олими Сайид Муҳаммад Абдулло қаламига мансуб «гўққизинчи хижрий асрда Афғонистон машхур вазири» сарлавҳали мақоласини Ҳиндистоннинг Лоҳур шаҳрида чикадиган «Ўрингтад коллеж магазин» номли журнайдан (1935 й, 36-сон) форс тилига таржима килиб, «Кобул» журналининг учинчи йили, 12-сонида (1313 ҳ.й) нашр қилдири. Мақола катта ҳажмли бўлиб, унда Навоийнинг сиёсий фаолияти, илмий адабий ижоди ва 15-асрда белгиловчи роли ҳакида кимматли маълумотлар берилган эди.

1977 йили каминанинг ташабbusи билан биринчи маротаба Афғонистонда ўзбек тилида «Юлдуз» номли ҳафталик газета нашрдан чиқа бошлади. Унинг биринчи масъул мудири ўзбек зуллисонайн шоири Муҳаммад Амин Учкун, сўнгра Ойхон Баёний ва Абдулло Рўййнлар эди. Газета ўзбек тили ва адабиёти, миллий ва тарихий қадриятларимизни тиклаш, айникса Навоийни танитиш, бир катор асарларини нашр этиш соҳасида муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

Навоийнинг 550 йиллигини нишонлаш арафасида «Мир Алишер Навоийнинг фарҳангий (маданий) анжумани (уюшмаси)» давлат томонидан расман рўйхатдан ўтиб, 1991 йил иш бошлади. Шу йилдан бошлаб, «Юлдуз» газетаси анжуман нашриётига айланди.

1981 йил Ўзбекистонда Навоийнинг 550 йиллиги олдидан унинг ҳаёти ва ижодига бағишлиб тадқиқот ўн йиллиги ўтказиш ҳакида қарор қабул килиниб, мазкур муддат жараённида бир катор фаолиятлар олиб борилиб мушоиралар ва адабий йиғилишлар ўтказилди.

1991 йил феврал ойида улуғ шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг 550 йиллигини Афғонистон Фанлар Академияси томонидан нишонлаш учун давлат қарори эълон килинди.

Кобулнинг «Ориёно» меҳмонхонасида икки кун (9-10-феврал) давом этган ҳалқаро илмий симпозиумда Ўзбекистондан филология фанлари докторлари Асомиддин Ўринбоев ва Абдурашид Абдуғафуров,

Тожикистондан олимлар Аълохон Афсаҳзод ва Амри Яздон Алимардоновлар иштирок этган эдилар. Симпозиумда Навоий ҳаёти ва унинг асарлари хақида форс, пашту ва ўзбек тилларида 20-дан ортиқ мақолалар ўкилди ва илмий баҳсу мунозараларга бой бўлиб ўтди. Навоий байрамига атаб Кайковус Камол томонидан чизилган «Ҳирот тонги» номли катта ва чиройли расм лавҳаси, шунингдек, Змарай Шерзод томонидан ишлаб чиқилган симпозиум рамзи Ориёно меҳмонхонаси залига зийнат ва шукуҳ багишлаганди.

Афғонистон матбуоти ва телерадиокомпанияси Навоий 550 йиллиги тантанасини самимий кутиб олиб, унга багишлаб давра сұхбатлари, интервьюлар ўтказиб, мақолалар босиб, симпозиум жараёнини нашр этиб турди.

Улардан ташқари, умуман олганда, йиллар давомида Алишер Навоийнинг яшаган даври, сиёсий ҳаёти, ижоди ва илмий фаолиятига багишлаб ёзилган ёки таржима қилинган мақолалар, шунингдек, унинг нашр этилган асарларини кўйидагича тасниф килиш мумкин:

А. КИТОБ ВА РИСОЛАЛАР

-ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИНИНГ САНЪАТИ. Ушбу китоб темурийлар маданиятига багишлаб атокли афғон олими марҳум Абдулҳай Ҳабибий томонидан форс тилида ёзилган никоят мухим асар бўлиб, 1018 бетлик катта хажмда 2535 йил (Эрон подшолиги санаси) Эронда нашр этилди. Унда, жумладан, Навоийнинг тарихий ўрни, санъат ривожига қўшган хиссаси ва санъат соҳасидаги истеъоди хақида сўз юритилади. Устод Ҳабибий «Захириддин Мухаммад Бобур подшо» ва «Афғонистон Ҳиндистон қўрагонийлари даврида» номли машхур китоблар муаллифи ҳамdir.

-«НИЗОМИДДИН АМИР АЛИШЕР НАВОИЙ ФОНИЙ» номли тўплам 1968 йил Навоийни танитиш максадида «Тарих анжумани» томонидан нашр этилди. Доктор Мухаммад Яъқуб Воҳидий томонидан нашрга тайёрланган ушбу тўплам икки кисмдан иборат бўлиб, биринчи кисмида Фикрий Салжуқийнинг катта маколаси, Гўё Эътимодий таржима қилган катта маколанинг матни, пашту тилида «Осиё цивилизациясида Ҳиротнинг

таъсири» сарлавҳали Абдулҳай Ҳабибийнинг мақоласи, доктор Воҳидийнинг «Амир Алишер Навоийнинг асарлари» рўйхатига жой берилган.

Тўпламнинг иккинчи қисмида Навоий-Фонийнинг танланган форсий ва туркий шеърлари, уларнинг туркча ва ўзбекча таржималари, насрый асарларидан парчалар, шунингдек у ёзган форсча қасидалар матни берилган. Китоб Навоий асарларига багишлаб чизилган миниатюралар билан безатилган. Муқаддимада Абдулҳай Ҳабибий «Биз буюк Амир Алишер Навоийнинг кўп қиррали шахсияти билан фахрланамиз, уни янги авлодга танитиш бир заруратдир», - деб таъкидлайди.

-«ФАСЛИЙ АЗ ХУЛОСАТ УЛ-АХБОР». Темурийлар буюк тарихчиси Ҳондамир Алишер Навоий номига атаб ёзган «Хулосат ул-ахбор фи ахволил -ахёр» номли муҳим китобнинг Ҳирот шаҳридаги барча ёдгорликлар ва Алишер Навоий билан муносабатда бўлган барча кишиларнинг таржимаи коли хақида ёзилган мустакил боби марҳум Гўё Эътимодий томонидан танлаб олиниб, 72 бетлик фойдали қўшимчалар ва изоҳлар билан 1967 йилдан бошлаб, икки маротаба давлат матбаасида нашр килинди. Эътимодий муқаддимада ушбу асар 21 йил муқаддам «Ориёно» журналида узлуксиз нашр бўлганини эслатиб ўтади. У мазкур асар Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Ўзбекистон ва Тожикистонда илму адаб ахлига манзур бўлди деб таъкидлайди.

-«АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ СИЁСИЙ ҲАЁТИ». Бартольд каламига мансуб ушбу рисола профессор доктор Мир Ҳусайншоҳ томонидан форс тилига таржима қилиниб, «Иттилоот ва культур» вазирлиги томонидан нашр килинди.

-«АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ СИЙМОСИ». Мухаммад Ҳалим Ёркин ва Шафика Ёркин томонидан ёзилган ушбу рисола Алишер Навоийнинг 550 йиллиги муносабати билан 1991 йил нашрдан чиқарилди.

-«НАВОИЙ» романи. Ойбек асари ушбу мақола муаллифи томонидан форс тилига таржима қилиниб, 1974 йилдан 1976 йилгача «Жвандун» журналида 90 фоизи шоирнинг ҳаёти ва ижодига атаб чизилган график

расмлар ва Ойбекнинг таржимаи ҳоли билан бирга нашр қилинди. Кейинроқ турли сиёсий ўзгаришлар юз бергани сабабли охирги қисми нашрдан қолди.

- Навоийнинг бир қатор ғазаллари: доктор Равон Фарходий томонидан форс тилига таржима қилиниб, нашр этилди.

Б. МАҚОЛАЛАР ВА ШЕ'РЛАР.

Афғонистон матбуотида йиллар мобайнида юздан ортиқ илмий-тадқиқий мақолалар улуғ шоиримизнинг кўп қиррали ижодиёти, илмий-амалий фаолияти, ўзидан қолдирган хайрия ёдгорликлари ҳакида кўп олимлар ва ёзувчилар томонидан ёзилиб, «Жвондун», «Миллиятҳойи биродар», «Ирфон» журналлари, «Хевод», «Анис», «Бедор», «Қалам», «Юлдуз», «Тўғри йўл», «Ислом йўли», «Нидойи Ислом», «Ойнайи Сарипул», «Жўзжонон», «Форёб», «Армуғон» газеталарида нашр этилиб келди. Улар жумласидан айримлари:

А.Ш.Жўзжоний қаламига мансуб мақолалар:

«Алишер Навоий – буюк инсонпарвар шоир» сарлавҳали мақола «Парчам» газетаси 1968 йил 14 октябр Алишер Навоийнинг 525 йиллигига бағишлаб нашр қилинди.

- Навоий илмий симпозиумида ўқилган «Хамса – барҳаёт асар» номли мақола ўша йили “Жвондун” журналининг иккита сонида ва ундан кейин Эрондаги «Шеър» журналида нашр қилинди.

- «Навоий – янги адабий мактаб асосчиси». «Хевод» газетасида, «Навоий ва Шарқ ренессанси», “Қалам” газетасида (1991 йил).

Бурхониддин Номик:

«Навоий ва хамсачилик». “Савғот” газетаси, 1996 йил, январ.

Нажиб:

«Мен туркча бошлабон ривоят, Килдим бу фасонани ҳикоят» номли катта илмий мақола, “Савғот” газетаси, 1995 йил, декабр.

Мухаммал Халим Ёркин:

«Навоий – буюк муғафаккир шоир», “Хевод” газ., 1991 йил, феврал.

Абдул-Али (Анвар) Аҳорорий:

«Амир Алишер – темурийлар даврининг зуллисонайн шоири». Биринчи қисм, “Паймон” журнали, АҚШ, Нью-Йорк, 3-сон, 1999 йил.

Абдулманнон Тошқиз:

«Буюк шоирнинг ҳаёт ва ижод йўли». «Қарлиғоч» газетаси, Алмония, Берлин, 1999 йил.

Андухўйлик шоир Мухаммад Амин Матин ёзган 80 байтлик қасида «Юддуз» газетасида нашр этилди. Унда жумладан, бундай дейилади:

«Айлаган тасхийр сўз иклимини чекмай черик,

Мир Алишери Навоийдек сухандон бизда бор».

Ушбу шеър ўзбек тилида ёзилган энг катта қасида бўлиши мумкин.

Доктор Файзулло Аймоқ:

«Навоий шеърларида халқ сўзлари», Юлдуз, 1980 йил.

Ёзилган юздан ортиқ мақола ва шеърлар муаллифларидан куйида айримларини эслатиб ўтамиш: Алим Баёт, Адҳам Шамс ўғли, доктор Файзулло Аймоқ, Яъқуб Вахидий, Мухаммад Ҳалим Ёркин, Шафиқа Ёркин, Жалолиддин Сиддикӣ, Зариф Сиддикӣ, Матин Андухий, Ойсултон Хайрий, Ойхон Баёний, Абдулғаффор Баёний, Зикрулло Ишонч, Нурулло Олтой, Шоғулом Аҳмадий Ғулом, Мухаммад Олим Лабийб, Абдулло Руийн ва бошқалар.

В. НАШР ЭТИЛГАН НАВОИЙ АСАРЛАРИ.

«НАВОИЙ ҲАМСАСИ». Ушбу шоҳ асар улуг шоирнинг 550 йиллиги муносабати билан Афғонистон Фанлар Академияси томонидан ёзувчи, адабиётшунос ва тадқиқотчи олим марҳум Абдул-Ғаффор Баёнийнинг саъи ва эҳтимоми билан 1901 Тошкент тошбосма нусхаси ва Хива нашри асосида айрим камчиликлари тўғриланиб, давлат матбаасида катта тиражда араб алифбосида нашр қилинди ва Навоий мухлислари учун мислсиз совға бўлди.

Навоийнинг «Махбуб ул-кулуб» асари, шунингдек «Муҳокамат ул-лугатайн» рисоласи араб алифбосида доктор Воҳидий томонидан нашрга тайёрланиб, Фанлар академияси томонидан босмадан чикарилди.

- Мажолис ун-нафоис»нинг анча боблари «Назм ул-жавохир» ва «Лисон ут-тайр»нинг бутун матни, шунингдек, Навоийнинг шеърлари ва насрларидан танланган парчалар, газаллар ва мукаммал шеърлар “Юлдуз” газетасида нашр қилиниб келди.

- «Арбаин» (40 ҳадис таржимаси) «Ислом йўли» газетасида нашрдан чиқди. (1991 йил).

- Навоийнинг «Мезон ул-авзон» рисоласи Абдулло Рўин тайёрлаган матн асосида истеъоддли ёш олим ва шоир Мухаммад Олим Лабийб ёзган олимона муқаддима билан нашр этилди.

Охиригина йилларда улуғ шоирни эъзозлаб унинг порлок инсоний сиймосини кўрсатиш мақсадида бир қатор катта ишлар олиб борилди. 1994 йил Шибирғон ва Мозори шариф шаҳарларида Навоий туғилган куннинг 553 йиллигини нишонлаш мақсадида катта анҷуманлар бўлиб ўтди, уларда ўзбек, форсий ва пушту тилларида кўпдан кўп илмий маъruzалар ўқилди. Рассомлар томонидан Навоий ҳаётига бағишилаб, турли туман лавҳалар яратилди ва шеърлар ёзилди, Шибирғон педагогика институтига Амир Алишер Навоий номи берилди. Кобул шаҳрида бир кўча унинг номи билан аталди.

Улуғ шоирни эъзозлаш мақсадида унинг таклифига биноан сulton Ҳусайн Бойқаро томонидан Ҳазрати Алининг рамзий қабри устида курилган йирик тарихий обида ва ундан кейин Аштархонийлар томонидан унга кўшилган катта гумбаз, миноралар ва равоқларнинг асосий ремонт иши генерал Абдурашид Дўстим ташаббуси билан бошланиб тутатилди. Шукухли бинонинг катта сахнида оппок мармар тош тахталари ётқизилиб, унинг атрофидаги катта парк фавворалар, ҳовузчалар билан безатилиб, катта маблағлар сарфлаш билан дам олиш боғига айлантирилди. Генерал Дўстим томонидан мақбаранинг ички дарвозаси устига 12 кглик холис олтиндан тайёрланиб муқаддас калима ёзилган лавҳа ўрнатилди.

Навоийнинг ҳаёти ва ижодига бағишилаб яратилган қимматли бадиий асар ҳиротлик машхур миниатурист, мархум устод Мухаммад Сайид

Машъал томонидан қалб кўри билан ишлаб чиқилган миниатуралар альбоми таҳсинга сазовор иш бўлди. Рассом Хирот ҳудудида яшовчи темурийлар қабиласига мансуб бўлиб, Навоий давридан қолган бадиий ёдгорликларни таъмирлаш ва Камолиддин Беҳзод асос солган темурийлар миниатура мактабини тиклаш йўлида катта хизматлар килиб келиб, кўпдан кўп шогирдлар тарбия қилган. 22 миниатурадан иборат бўлган мазкур альбомда Навоийнинг ёшлигидан бошлаб умрининг охирги дамларигача ниҳоят маҳорат ва истеъдод билан тасвирланган. Албомнинг муқовалари нозик кумуш лавхалар билан қопланиб, уларнинг юзида ҳам чиройли миниатуралар «минокорлик» услубида ишланган эди.

Шундай қилиб, Афғонистон олим ва шоирлари ва санъат арбоблари томонидан уларнинг тили ва миллиатидан катъий назар навоийшунослик соҳасида кенг кўламли илмий, адабий, ва бадиий ишлар килиниб келинган. Афғонистонлик ўзбек, тожик зиёлилари оғир шароитларда, хориж мамлакатларида ҳам бу соҳада ўз илмий текшириш ишларини олиб бордилар. АҚШ, Нью-Йорк шаҳрида доктор Иноятулло Шахроний имтиёзида чиқаётган «Паймон» номли илмий адабий журнал ва Берлин шаҳрида Абдул Маннон Тошкін бош мухаррирлигига чиқарилган «Қалдирғоч» газетаси бунинг гувоҳидир.

Афғонистон навоийшунослари форс, урду, ўзбек, турк, инглиз тилларида ёзилган адабиётларга асосланиб, ўз илмий текширишларини олиб бориб, Навоийнинг асарларидан тўғридан-тўғри фойдаланиб келмоқдалар. Бу ўринда ўзбек навоийшунос олимларининг илмий ишлари фойдали манба бўлиб хизмат қилмоқда. Агар биз Афғонистонда навоийшунослик, ўзбек навоийшунослиги мактаби ютуқларига асосланиб ривожланаётган бир янги йўналишдир десак, муболага килмаган бўламиз.

**Нусратулла ЖУМАХЎЖА
АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЁТИДА ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ
БОШҚАРУВИННИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ**

Йигирма биринчи аср ёшларини ватанпарварлик рухида тарбиялашда, уларни маънавий камол топтиришда Навоийнинг миллий давлатчиликка оид карашлари кагта ўхамиятга эга. Баркамол авлод йили давлат дастурини амалга оширишда Навоийнинг бу борадаги фикр-гояларидан, панду насиҳатларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Зеро, бугунги ёшларимиз келажакда ҳарбий зобитлар, давлат хизматчилари, Ватан пособонлари бўлиб етишишлари шубҳасиз. Шунда Навоийнинг давлат ва жамият бошқаруви йўналишидаги ҳаётий-фалсафий фикрлари аскотиши табиий. Навоийдаги ватанпарварлик ва ҳалкпарварлик туйғулари ёшларимизнинг доимий ҳамроҳига айланса, лашкар бехатар, Ватан сарҳадлари бехавотир, осойишта бўлади, деган умиддамиз.

Алишер Навоийнинг давлат ва жамият бошқарувига ижодий муносабати доимий долзарб ҳамда ўта ҳаётий мухим муаммодир. Ушбу мавзу янги бозор иқтисодиёти шароитларида, хусусан, йигирма биринчи асрнинг дастлабки ўн йилида ҳали етарли даражада ёритилган эмас. Аслида, миллий давлатчилик асосларини барпо этишнинг маънавий масалалари ҳамиша Алишер Навоийнинг дикқат марказида турган. Зотан, у улуғ шоир ва буюк мутафаккир бўлиши билан бирга, атокли давлат арбоби ҳамда йирик мулкдор шахс сифатида ҳам фаолият кўрсатган. Ҳозир ҳам у яшаб ижод этган Ҳирот шаҳрида ҳалк уни фахр билан "Амири кабир" сифатида эслайди.

Бизнинг ёшлигимизда давлат ва жамият бошқарувига, мулкка муносабат батамом бошқача эди. Бу борадаги нутқи назар коммунистик мафкура асосига курилган эди. Ўрта мактабнинг ўнинчи синфида буюк пролетариат ёзувчиси Максим Горькийнинг "Она" романи ўқитиларди. Романнинг бош қаҳрамони Павел Власовнинг суддаги нутки ҳар бир ўкувчига ёдлатиларди ва унинг нутки қандай ўзлаштирилганлиги баҳоланаарди. Нутк қуидаги сўзлар билан бошланарди:

" – Биз – социалистлармиз! Бунинг маъноси шуки, биз хусусий мулкка каршимиз!". Бунда коммунистик мафкурунинг нутқи назари яккол ифодаланган. Бозор иқтисодиёти тизимининг нутқи назари эса бунга

тамоман тескари. Бозор иктисодиёти хусусий мулк тарафдори. Бозор иктисодиёти тизимида ҳар бир кишининг хусусий мулк орттириши, хусусий мулкъ эга бўлишигина эмас, балки уни кўпайтириши, йирик мулқдорга айланиши қонун билан кафолатланган. Мулқдорлик ҳукуки жамиятнинг барча қатламлари, тоифаю табақа вакилларига берилган. Хусусий мулқдорликни рағбатлантириш, такомиллаштириш йўлга қўйилган. Хусусий тадбиркорлик ва фермерлик харакатларига кенг йўл очилган, банклардан кредит олиш, сармоя орттириш ва уни ривожлантириш, мулқдорлик талабгорларини хомийлик йўли билан қўллаб-кувватлаш имкониятлари яратилган. Мустакилликнинг ўтган ўн тўккиз йилида аввалдан сармояга эга бўлмаган кўплаб оддий одамлар ва хунармандлар ушбу имкониятлардан фойдаланиб, мулқдор бўлишига улгуринди. Масалан, оддий тупроқдан сопол буюмлар ясашни санъат даражасига кўтарган, ўнлаб жаҳон мамлакатлари музейларида ижод намуналари сакланса-да, шўро даврида косаси оқармаган, санъатини ривожлантиришга сармоя топа олмаган ғиждувонлик усто Ибод Нарзуллаевнинг авлодлари бугун яхшигина мулқдорга айланган ва дунё кўргазмаларида хорижий кулоллар билан тенг рақобатлашиш салоҳиятига эга. Бундай мисоллар кўп. Бундай мулқдорлар қанча кўпайса ва кучайса, давлат ва жамият ҳам шунчалик бойиди, кучаяди.

Янги тизим конуниятлари, ўз-ўзидан, жамиятда мулқдорлик рухиятини шакллантиришни такозо этади. Ҳуш, унда замонамиз қаҳрамонлари кимлар бўлади? Замонавий ёшларимизнинг маънавий киёфаси, ахлоки, маданияти қандай шаклланади? Табиийки, янги бозор иктисодиёти шароитларида ёшларимиз маънавий-ахлокий киёфасини мусаффо саклаш, уларда маънавий баркамоллик мужассамлашган мулқдорлик маданиятини шакллантириш долзарб масала бўлиб қолади. Бозор иктисодиёти тизими мулқдорлар жамияти тарафдори экан, замонамиз қаҳрамони, у қайси соҳа ва қасб эгаси эканлигидан катъи назар, мулқдорлар тоифасига мансуб бўлиши қонуний ҳолдир. Мана шу ўринда Навоий сабокларига зарурият сезилади. Яъни, бозор иктисодиёти тизимида шаклланаётган фукаролик жамияти маънавий

баркамол инсонлардан таркиб топиши, бошқарувдаги давлат хизматчилари эса маънавий комил инсонлар бўлиши такозо этилади. Бундай сифат даражасига эришиш учун эса Навоий ўгитлари сув билан: ҳаводек зарур. Навоийнинг бу борадаги қарашлари, айникса, "Ҳайрат ул-аброр" достонининг учинчи мақолотида қиёмига етказиб ифодаланган. Ҳўш, Навоий наздида, мулку мамлакат эгаси ким? Унинг маънавий сифатлари оддий халқ вакиллари билан қандай нисбатда? "Шоҳнинг мунглуг мушаввашлар била не нисбати?".

*Бил муникум, сен доги бир бандасен,
Кўпрагидин ожизу афгандасен.
Эрмас алар туфрогу сен нури пок,
Хилқат аларгау сенга тийра хок.
Барча жавориҳ била аъзода тенг,
Сурати навъю ҳаюлода тенг.
Лек ҳунар ичра, камол ичра ҳам,
Хулқу ҳушу лутфи мақол ичра ҳам.
Ҳам равиши адлу ҳам инсоф аро,
Ҳилму ҳаёву бори авсоф аро,
Шаръ тариқида ибодатда ҳам,
Ҳақ ийлида тақвию тоатда ҳам.
Сен тушубон йўл најсаҳидин йироқ,
Кўпраги сендин юрубон яхшироқ.*

Навоийнинг ушбу фикрларини факат шоҳгагина эмас, балки барча давлат хизматчиларига, мулкдор раҳбарларга нисбатан татбиқ этиш мумкин. Албатта, раҳбарлар – жамиятнинг етакчилари. Аммо, улар Навоий фикрича, алоҳида ҳолатда кўпчиликнинг бири. Табиий салоҳиятларига кўра, улар бошка жамият аъзолари билан тенг. Ҳатто, уларга насиб этмаган айрим фазилатлар бошқаларда бўлиши мумкин. Навоий бошқалардаги афзалликларга қиёсан, шоҳни камтарилилк ва хокисорликка даъват этади. Мутафаккирнинг бундай талаби бизнинг янги давлатчилигимиздаги

тамойилларга ҳам тұғри келади. Ұзбекистон Конституциясига биноан: "Халқ давлат хокимиятининг бирдан-бир манбаидир"(7-модда). Ҳақиқатан ҳам, давлат раҳбарларининг битмас-тұганмас тәхисаси халқ оммасыда мужассамдир. Ҳар бир раҳбар шахс халқ орасыдан етишиб чықади ва хизмат вазифасини бажариб бұлганидан кейин яна асл үзания - халқ бағриға қайтали, оддий фуқарога айланади. Навоий сабогида ана шу оддий ҳақиқатни назардан қочирмаслик, үзини халқдан юқори қўймаслик, халқдан йироклашмасликка нозик ишора бор.

Рахбарият халқнинг бир қисми эканлиги, үзини халқдан устун қўйиши ноўринглиги хозирги методологиямиз асосларida ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Президент И.А.Каримов ўз нутқларida раҳбар маънавияти масалаларига қайта-қайта мурожаат этади. Мисол тариқасида унинг Ұзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи чакириқ олтинчи сессиясидаги сўзлари диккатга сазовор: "...Айрим (раҳбар-Н.Ж.) ходимларнинг маҳсус хизмат либосини кийиши билан бирданига юриштуриши, хулк-атвори ўзгариб колади. Уларнинг онгига "Биз давлатнинг ўта ишончли одамларимиз, колганлар эса биз назорат қилиб туришимиз лозим бўлган омма, холос", деган кайфият пайдо бўлади. Бу, ахир, ўтмишга, шўролар даврига хос бўлган ахлоқий тубанлик асорати эмасми? Давлат муассасалари ... ходимлари бир ҳақиқатни қулогига қўйиб олсинки, улар ҳам мана шу халқнинг бир қисми, ҳеч кимдан, оддий одамлардан ортиқ жойи йўқ." Раҳбар ходимлар одамларни назорат килиши эмас, балки уларга хизмат қилиши керак, дея уқтиради юртбошимиз. Давлат бошқаруви ходимларининг халқ олдидағы масъулияты масаласида ҳам Алишер Навоий хозирги давлат ва ҳукук нұктай назари билан яқдил. Ушбу масала Асосий Қонунимизда қуйидагича ечимини топган: "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат килади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар" (2-модда). Навоий ҳукмдорнинг халқ олдидағы масъулиятыни қуйидагича бадий талқин этади:

*Бўлди раият галаву сен шўбон,
Ул шажари мусмиру сен боғбон.
Кўйни шўбон асрамаса ою йил,
Оч бўрилар тўъмасидур бори, бил.
Боқмаса дедқон чаманин туну кун,
Нахли тарин англа қурувон ўтун.
Бўрини додги галадин дур қил,
Сув берибон боени маъмур қил.
Гам есанг, ул гала манофиъ берур,
Бог гулу меваи нофиъ берур.
Гала тугансау қуруса шажар,
Худ санга қолмас яна нафъу самар.*

Навоий талқинича, подшоҳ раият, яъни халқнинг тинч ва осойишта, тўқ ва фаровон яшаши учун масъулдир. Халқ – пода бўлса, шоҳ – чўпон, халқ – боғ бўлса, подшоҳ — боғбон. Қўйларни чўпон ою йил йирткич ҳайвонлардан кўрикламаса, бари бўриларга ем бўлади. Халқни хукмдор ўғри, боскинчи, юлгич, порахўрлардан химоя қиласа, халқ химоясиз колади, адолатсизлик авж олади, давлат ва жамият таназзулга учрайди. Богбон мевали дарахтларини парваришламаса, куриган ўтинга айланади-колади. Бу ҳолда нафақат боғ гулу мева беришдан тўхтайди, балки халқнинг насибаси қурийди. Бугина эмас, хукмдорнинг ризқи хам киркилади. Бундай фожианинг олдини олиш учун, бўрини подадан кувиш, боғни эса сугориб, обод қилиш керак. Яъни, раҳбар давлат ва жамият таркибини нопок кимсалардан тозалashi зарур.

Мутафаккир золим хукмдорнинг зулми ва гунохлари жазосиз қолмаслигидан огохлантиради, маҳшар кунидаги хисоб-китобга ва дўзах азобига мустаҳик бўлишига иқрор этади:

*Ким не кишиким, санга маҳкум эрур,
Зулминга бечораву мазлум эрур.
Гарчики йўқ шавкату сармояси,*

Сендин эрур ортуқ аниңг пояси.

Негаки, чун ҳашр куни зулжалол

Золиму мазлумни айлар савол.

Ҳашр куни (Киёмат куни. –Н.Ж.) Яратгувчи зот золим билан мазлумни сүрөт қылганида, мазлум юксалади, золим эса афтода ҳолга тушади. Үнда жабрдийда молу мартабаси бұлмаса ҳам, золим хукмдордан юқори мәкомда туради. Унга меҳр-мурувват, бунга эса хор-зорлик юзланади.

Анга эваздур, санга шармандалиқ,

Анга бийклик, санга афгандалиқ

Тип чекиб ул ханжари пүлоддек,

Очилибон савсаны озоддек.

Санга бинафша киби қадди нигун,

Бош күтара олмай уётдин забун.

Анга нишоту санга андуху гам,

У л санга андоқки, анга сен бу дам.

Ҳар не хато қылғонинг ўлгоч ҳисоб,

Бұлгусидур ҳар бирига юз азоб.

Яъни, у қанчалик күп хатога, гунохга, зулмга йўл қўйган бўлса, охиратда шунчалик азоб-укубат торгади. Унга факат биргина восита – у зулм етказган мазлумнинг кечирими нажот баҳш этиши мумкин. Умид факат шундан:

Қилмаса мазлум гуноҳинг биҳил.

Дўзах ародур ватанинг муттасил.

Афвин аниңг тутмасанг уммид сен,

Билки, тамуғ ўтида жовид сен.

Агар жабрдийданинг афвига сазовор бўлолмаса, золим дўзах ўтида абадий куйиши муқаррар. У кимгаки бир ингичка илчалик зиён етказган бўлса, маҳшарда унинг катли учун илонга айланади:

Кимгаки бир ришта етурдунг зиён,

Қатлинга ул риштани билгил йилон.

Зулм учун жазо муқаррарлигини уқтиаркан, шоир хукмдорни хүшёрлик билан зулмпешаликдан воз кечишга ундаиди. Зулмни даф этишнинг бирдан-бир оқилона йўли адолат ўрнатиш эканлигини мазкур маколотта илова қилинган хикоятда маҳорат билан тасвирлайди Навоий.

Навоийнинг давлат ва жамият бошқаруви ҳақидаги ғоялари унинг лирик асарларида ҳам ўзига хос ўрин тутади. Мана бу асарда ғазабкор шох ва унинг хизматидаги амалдорларнинг аянчли ахволи ниҳоятда таъсирчан тасвирланган:

*Жаҳон ганжига шоҳ эрур аждаҳо,
Ки, ўтлар сочар қаҳри ҳангомида.
Анинг коми бирла тирилмак эрур –
Маош айламак аждаҳо комида.*

Шоирнинг бадиий талқинича, шоҳ жаҳон хазинаси устида ётган бамисоли бир аждаҳо. У қаҳру ғазабга минганида, гўёки оғзидан олов пуркайди. Шунинг учун, унинг паноҳида бирор амалга эга бўлиш, яъни унинг маслаги билан яшаш бамисли аждаҳо ҳалқумида туриб тирикчилик ўтказиш билан баробардир. Бундай амалдорларнинг маскани шунинг учун ҳам таҳликали ва омонатки, аждаҳо – шоҳнинг қаҳри келганида, ё ҳалқумидаги лукмани билиб-бilmай ёки юборади ёки ютиб юборади. Шунинг учун ҳам шоҳ саройига ўралашган амалдорларнинг аксарияти ё беному нишон йўқ бўлиб кетади ёки маънавий-рухий мажрух бўлиб оддий одамлар орасига қайтади ва гумном бўлади.

Бозор иктисадиёти маънавияти ҳам навоиёна адолатли бошқарувни тақозо этади. Навоийнинг ўзи маърифатли мулкдор бўлган ва маърифатли мулкдорликни ёклайди. Агар ёш тадбиркор маънан баркамол, кўзи тўқ, саковатли, олийхиммат бўлмаса, нафси унга ғолиб келади. Бойлик орттиришнинг эса чек-чегараси йўқ. Оқибатда, бундай мулкдорлик маънавий инқирозга олиб боради. Навоий эл шод, мамлакат обод бўлишининг асосий шартини куйидаги асарида катта бадиий жасорат билан намойиш этган:

То ҳирсу ҳавас хирмани барбод ўлмас,

To нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас.

To зулму ситам жонига бедод ўлмас,

Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

Демак, бўлғуси мулкдорларни маънавии камол топтириш учун уларнинг маънавий-рухий оламидан хирсу ҳавас, нафсу ҳаво каби бузғунчи тамойилларни барҳам топтириш, зулму ситамнинг жон таслим этишига эришиш зарур экан. Шундагина, Навоий орзу этганидек, жамиятда маънавии баркамол мулкдорлар синфи шаклланади, эл шод, мамлакат обод бўлади.

Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА

НАВОИЙНИНГ БИР ГАЗАЛИДА РАНГЛАР МОҲИЯТИ

Рангларнинг инсон руҳий оламига таъсири масаласига қизиқиш, уни бадиий тафаккур ва ижод жараёни мураккабликлари билан боғлаб ўрганиш узок тарихга эга.

Бадиий асарда қўлланилаётган ранг ҳамиша муайян мақсадни назарда тутади. Чинакам санъаткор борлиқда мавжуд рангларни такрор яратмайди, балки уларни қалбидан ўtkазиб, руҳнинг рангларини жонлантиради, шеърга кўчиради. Ранглар гўё нур ва зулмат аро курашнинг бир кўринишига, ижодкорнинг борлик ва ўзлигини англаш истагидаги интилишлари ифодачисига айланади.

Ранглар ҳар бир ижодкорнинг фикр доираси ва даражасига мувофик қўлланиб келинган. Шу боис соддароқ асарларда рангларнинг рамзийлик хусусиятини тушуниб олиш анча осон кечади. Дейлик, ок ранг ёруғликни, баҳт-саодатни, қора ранг азоб-машақкат, мотам ва ёвузликни ифодаласа, кизил, сарик ва бошқа ранглар кувонч, висол, хижрон сингари кайфиятлар воситачиси бўлиши мумкин. Ушбу ранглар турмушда (кийим-кечак мисолида), ҳаётда (маҳсус байроклар, рамзлар мисолида) ҳам кайфиятга таъсир килиш, руҳлантириш ва бошқа мақсадларда кенг қўлланилган. Ранглар замонлар ўтиши билан, гарчи oddий, кундалик турмушда дастлабки рамзий мазмунини йўқотмаса-да, инсоннинг руҳий-маънавий имкониятлари

билан бирга камол топди. Муайян таълимотлар, шу жумладан, тасаввуф таълимоти ҳам ранглар ҳақидаги ўз фалсафасини яратди. Масалан, юкорида таъкидлаганимиз дастлаб қайтиуни, мотамни ифодалаган кора ранг орифона шеъриятда тириклиқ, унинг моҳиятини англаб бораётган инсон – солик учун муборак рангга, хайрат ифодачисига; эзгулик, ёргулук ифодачиси бўлган ок ранг эса шу соликнинг Ҳакка ёвуклашаётганлигини англатувчи рамзга айланди. Сўфийликдаги айрим тариқатлар соликдаги рухий-шуурий ўзгаришларни, уларнинг тадрижий такомилини ранглар воситасида, аникроғи, уларнинг тасаввурнида ҳосил бўладиган ранглар билан боғлаб кузатганлар.

Тасаввуф таълимоти вакиллари Ҳакни ўз ҳуснини жилвалантириб оламни яратган зот сифатида идрок этганлар, Уни дунёнинг асосида ётган нур, яратилмиш нарсалар эса ана шу нур – Ҳакнинг нуридан пайдо бўлган, деб тушунадилар. Алишер Навоий “Фарход ва Ширин” достонида Сукрот тилидан шундай дейди:

*Ангаким қолди гам шомида жовиd,
Бурун субҳ ўлди толеъ хуршед.
Мажозий ишқ бўлди субҳи анвар,
Ҳақиқий ишқ анга хуршеди ховар.*

Илохий муҳаббат Күёшнинг ўзига, мажозий муҳаббат унинг нурига киёсан тушунтирилган бу байтда, нурдан Күёш сари интилишга, яъни мажоздан Ҳақиқатга ўтишга ишора бор.

Сўфийлик адабиётида кўпинча Ҳақ ва унинг муҳаббати Күёшга – нурга, моддий дунё унга қарама-карши тарзда зулматга (зиндон, соч, тузоқ, кафас каби тимсоллар воситасида) киёсланар экан, моддийлик бандларидан халос бўлиш истагида нурга талпинаётган соликнинг қалби, рухи, онгу шуури мақсадига эришгунинг қадар бир канча ҳолу мақомларни тадрижий тарзда босиб ўтиб, камолот даражасига эришиши таъкидланади. Буни *талаавун*, яъни ранг-баранглик деб номлайдилар. Ишкнинг мана шу тил билан ифодалаб бўлмас авж лаҳзаларини шоирлар ранглар воситасида ифодалаш

йўлини тутадилар. Демак, ранглар шоир учун янги имкониятлар яратади. Кўпгина шоирлар ранглардан муайян даражада фойдаланганлар. Алишер Навоий ижодида эса ранглар тасвиридан бадиий восита сифатида фойдаланиш поэтик усул даражасига кўтарилиган. Масаланинг айрим жихатларига эътиборни каратган навоийшунос олим Ёкубжон Исҳоков “Навоий поэтикаси” рисоласида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирад экан, Навоийгача бўлган ғазалчиликда лирик қаҳрамон кечинмаларини билвосита ифодалаш учун ранглар тасвиридан поэтик восита сифатида фойдаланиш элементар ҳолда бўлиб, маҳсус поэтик усул даражасига кўтарилимаганини таъкидлади. Олим “Хазойин ул-маоний” куллиётида ранглар изчил қўлланилган 31 та газал мавжудлигини, ушбу ғазалларда ранглар асосан ошиқ ахволини бўрттириб кўрсатиш, кечинмаларни реал вокелик таъсирида ифодалаш, табиат манзаралари ифодасига асосий ўрин бериш ҳамда маъшука кийимининг ранги, унинг ошиқка таъсири каби рамзийлик хусусиятларига эга бўлган ғазаллар сифатида туркумлаш мумкинлигини эътироф этади.

Ушбу ғазалларни ботиний мазмуни асосида – рангларнинг тасаввуф таълимотида тутган ўрнига асосланиб текшириш шоирнинг бадиий маҳоратини ўрганиш билан бирга, дунёкарашининг айрим жихатларига ҳам назар ташлашга имкон беради.

Рангларга уйгун ошикона ғазаллар айнан солик руҳиятидаги ўзгаришларга бориб туташишини кузатиш мумкин. Бу масалада эса тасаввуф таълимотига оид адабиётларда муайян фикрлар мавжуд. Жумладан, А.Курбонмамедов “Тасаввуфнинг эстетик доктринаси” рисоласида сўфийларнинг рангларга алоҳида эътибор берганликлари ҳамда унинг инсон онгига таъсир кўрсатишда катта ҳиссий ва руҳий кучга эга эканлигини айтади. Унингча, тасаввуфнинг ранглар “назарияси” бу фалсафий-эстетик таълимотни чукурроқ англаш учун кўшимчча, бинобарин, мухим гносеологик функцияни бажаради. Ранг мураккаб рамзий талкинга эга бўлиб, бутунлай фалсафий-сўфиёна мазмун касб этади.

“Исломда сўфийлик тарикатлари” асарининг муаллифи Дж. Трименгэм Ас-Санусийнинг “Салсабил” асарига асосланган ҳолда “Етти мақом”нинг анча кенг тарқалғаи схемасини тақдим этади. Унга кўра, зангори ‘ранг эҳтиросларга мойиллик ҳолатини, сарик ранг ишқ аҳволини, қизил ранг эҳтиросни, оқ ранг тавҳид ҳолатини, яшил ранг ибтидо ёки ўтиш ҳолатини, кора ранг ҳайратни ва рангсизлик Ҳак билан биргаликни англатади. Бошқа бир манбадан ранглар ҳақида қўйидаги маълумотни олиш мумкин: “Ранглар сўфийнинг руҳий ҳолатлари, Оллоҳ томон сафаридағи даража – босқичларни билдириб туради. Рангларнинг хилма-хиллиги ва алмашиниб туриши соликнинг аҳволини, шуурий кечинмаларининг давом этаётганини ифодалаб, у ҳали талаввун, яъни ботиний-тафаккурий кечинма-ўйларнинг алғовдалғовда, турли-тумандалигини англатади. Руҳнинг рангдан рангга кўчиши ривожланишдан нишонадир. Ушбу жараён охир-оқибатда рангсизлик ҳолагига, яъни тамкинга олиб келади. “Тамкин” ҳолатига кирган сўфий “талаввун”дан кутулиб, Ваҳдат оламига қўшилади”(2, 175).

Энди ушбу фикрлар тасдиғини Навоийнинг бир ғазали – “Фавойид ул-кибар” девонидаги 388-ғазал мисолида кўрайлик. Бу ғазал шеърият ихлосмандлари, олимлар назаридан четда колмаган, албатта. Бирок, биз аввал айтилган фикрларни тақрорламаган ҳолда ушбу ғазални шарҳлашга жазм этдик.

Ранг билан боғлиқ қўплаб ғазалларда учрайдиган ёрнинг либоси рангларига эътибор қилиш усули билан бошланган ғазалнинг биринчи байтидаёқ ошик-шоир изтироблари ишқнинг кувончу машакқатларга тўла рангларида жилваланаётганини кўрамиз:

Хильатин то айламиши жонон қизил, сариг, яшил,

Шульяйи оҳим чекар ҳар ён қизил, сариг, яшил.

Шоирнинг ранг тасвири мухим ўрин эгаллаган ғазалларини бир неча гурухга ажратиш мумкин. Шулардан бир гурухи одатда маъшука тавсифи билан бошланади, аникроғи, шоир маъшука либоси рангини тасвиirlар экан,

ошикнинг аҳволи ёки дунёning кўринишини шу рангларга мувофиқлаштириб боради. Юкоридаги байтда айнан шу ходисани кўрамиз.

Байтнинг мазмуни: *Жонон – ёр қизил, сариг, яшил ранглардаги кийимда намоён бўлар экан, уни кўриб чеккан оҳларим шуъласидан ҳар томонга қизил, сариг, яшил шуълалар сочилади.*

Эҳтимол, ошикнинг аҳволини бўрттириб ифодалаш учун восита бўлган ранглар ҳақидаги фикрларни шу жойда тўхтатиш ҳам мумкиндири. Бироқ, ғазалнинг кейинги байтлари, айниқса, мақтаъдан олдинги байт унинг ботинига назар ташлашни – ғазалдаги ранг ва тимсолилар маъноларини кенгрок ва чукурроқ тушуниш заруратини тақозо этади. Машука кийимининг рангини ифодалаётган қизил, сариг, яшил тушунчалари биринчи мисрада ранг-барангликни англатар экан, ўз навбатида “хильъат” сўзининг, унга боғлиқ холда “жонон” тимсолининг маъно доираси кенгаяди. Энди бу ранглар оламни, борликни, яъни унинг яратувчиси – жононнинг жилвасини ифодаламоқда. Жонон – сўфиёна мазмунда ёр – ҳакиқий ёр, яъни Оллоҳнинг қайомият – барқарорлик ва абадийлик сифатларини ифодалайди.

XIV асрда Махмуд Шабустарий шундай ёзган эди: “Ул зотнинг лутфидан икки олам ёришди. Унинг марҳаматидан инсон хоки гулзорга айланди”.

Байтдаги гулзор факаттина инсонга эмас, у яшаётган маконга ҳам тегишлидир. Гулзорнинг хусусиятлари эса кизил, сариг яшил ранглар билан боғлики, у азалий ва абадий, мутлак барқарор зот нурининг оламда жилваланиши – намойиши сифатида идрок этилиши мумкин.

Бу оламни кўрган, англай бошлаган ошик “оҳ” чекар экан, “талаввун”, (рухнинг рангдан рангта кўчиши) холатига тушади. Бунинг сабаби, жонон жилвасидан – Ҳак гўзаллигининг борлиқдаги намойишидан ҳайратланиш. Зоро, Мутлак гўзалликка талпинаётган ошиқ-солик унинг дунёвий намойишини ҳам англаб ета бошлаёттир. Биз, бу рангларни ҳайрат тушунчасига жамладик, бироқ уларнинг ҳар бири ўзигагина хос бўлган маъно-мазмунга (ҳам) эга. Ушбу ранглар ифодалайдиган мазмун хусусида

турли манбаларда турлича фикрлар берилган. Жумладан, “кизил ранг соликнинг руҳи вужуддан ажрала бошлаганини билдиrsa, сарик ранг солик қалбida мұхаббатнинг күзгалиши ва унинг Оллоҳ ёди билан әшашига түгри келади, яшил ранг валийликдан нишона. У сирларнинг сирига, гайбга ошноликни билдиради ва соликнинг асл моҳиятларга етишаётганини ҳам англатиши мүмкін”(2, 175). Яна бир манбада кизил ранг эхтирос ҳолатини, сарик ранг ишқ ҳолатини, яшил интиҳо ёки ўтиш ҳолатитини англатиши айтиб ўтилган(6, 128). Бошка ўринларда ҳам бу рангларга эътибор берилган бўлиб, жумладан, асосан, (кўпроқ) Ирокийнинг фикрларига асосланган туркча тасаввuf истилоҳлари луғатида, Сажжодийнинг “Мусталиҳоти урафо” ва бошка асарларда айтилган фикрлар ушбу рангларнинг солик руҳий ахволидан, унинг камол топишидан далолат беришига ишонтира олади. Ранглар ифодасининг охирида келадиган яшиллик ҳақиқий ваҳдат билан билан бирлашган мутлақ комиллик, деб тушунтирилар экан, ранг-барангликни ифодалаётган айнан мана шу ғазалда ҳам қайсиидир маънода изчилик, тадрижийлик борлигини кўрсатади. Ранглар инсон қалби ва Ҳакикат ўртасидаги муносабатлар, мувофиқлик даражасининг ифодаси ҳамdir. Демак, биринчи байтда ишқ оташида ёнган, Ҳак маърифатидан хабар топа бошлаган, гайб сирларига ошноликка интилиб, асл моҳиятга етишаётган ёки етишиш истагига тушган ошикнинг бу оламда ранго-ранг жилваланган ана шу ёрнинг (жонон – Ҳакнинг) олдидаги руҳий ахволи ифодаланган. Буни байтда кўлланилган “ox” сўзи ҳам тасдиқлайди. “Оx” – тасаввuf луғатларида ишқ ғулгуласининг тил билан ифодалаб бўлмас авж лахзалари сифатида изохланади. Шундай килиб, ишкнинг зўридан уни ифодалаш, таърифлаш кийин бўлгани учун ҳам шоир рангларга мурожаат килади.

Кейинги байт:

*Гулшан эттим, ишқ саҳросин самуми оҳдин
Ким, эсар ул дашт аро ҳар ён қизил, сариг, яшил.*

Ишқ саҳросини охим самумидан (охимдан тараалган қайнок шамолдан) бир гулшанга айлантиқдимки, энди бу даштда қизил, сариг, яшил шамолгар

эмокда, деган мазмун ботинида ўзгачароқ маънолар мужассамлашганини аниқлашимиз мумкин. “Гулшан” – “гулзор” тасаввуф луғатларида солик қалбининг камол топишига ишора бўлса, “иш! сахроси” рухоний олам сифатида эътироф этилади. Демак, байт замирида ошикнинг рухоний оламини ишкнинг авж лаҳзаларида камол топтиришга ишора борки, бу ана шу кўнгилда эсаётган – ўзидан дарақ бераётган қизил, сариг, яшил рангларда бадиий ифода этилмоқда.

Шишадек кўнглумдадур гузори ҳуснунг ёдидин,

Тоббоннинг аксилик алвон қизил, сариг, яшил.

Байтдаги “гобдон” (тобадон) деб, уйга ёруғлик тушиши учун эшик тепасига ўрнатилиган туйнукка нисбатан айтилади. Ҳаётий деталга мурожаат килган шоир ул зот ҳуснининг гулзорини эслаганида, шишадек кўнглида кечётган ҳолатни туйнукдан уйга тушаётган ёруғликнинг турли рангларга (қизил, сариг, яшил) эврилишига киёслаб тасвиirlайди. Ошик кўнгли шишадек тиник, ранглардан ҳоли. У ишқдан латифлашиб бораётган кўнгилга ишора. Зеро орифона адабиётда кўнгил алоҳида мавқега эга. Уни Ҳақнинг жилвалик акс этиши мумкин бўлган маскан сифатида ҳам талқин этадилар. Жумладан, Навоийнинг ўзи “Ҳайрат ул-аброр” достонида шундай ёзади:

Каъбаки оламнинг јлуб қибласи,

Қадри йўқ андоқки кўнгул каъбаси;

Ким бу халойиқча эрур саждагоҳ,

Ул бири Холиқча эрур жислагоҳ....

Демак, сурат тиник аксланиши учун шиша (кўзгу) ҳам тоза бўлиши лозим. Ишк уни кимё бўлиб поклади. Ҳусн – гўзалик. Тасаввуфда уни “зотдаги камолки, Ҳақдан бошкада бўлмайди”(Ирокий), яъни илоҳий гўзалик, деб тушунтирадилар. Оламдаги барча гўзаликлар ва гўзаллар унинг гўзалигидандир. Гўзал ҳам, ошик ҳам унинг ўзидир. Гулзор – мутлак ўларок қалбининг фатхи ва ирфонга очилиши, деб изохланади. Бу байтдаги ҳусн гулзори – Мутлак гўзаликка интилиш йўлида камолотга эришган қалб (oshiк қалби) Мутлак ёр ҳуснининг гўзалигини ёд этар экан, шишадек

хамон күнглида кизил, сарығ, яшил ранглар акс этади. Нега ошик ранглар ичра саргардон? Ранглар ошик қалби ва Ҳақ орасидаги муносабатлар, ұувофиқциклар даражасини англатар экан, Мутлақ гүзәллик ёдидә қалбидә кечган кечинмалар – талаввун мақсад ҳали олис эканлыгини күрсатади.

Кейинги байт:

*Оразу холинг била хаттинг хаёлидин эрур,
Күзларимнинг оллида даврон қизил, сарығ, яшил.*

Ушбу байтда ошиқнинг ақволи маъшуқанинг узвлари билан боғлаб тушунтирилар экан, шоир ораз, хол, хат каби тимсолу тушунчаларни күллайди. Бу тимсолар биргаликда қўлланилганда маъшуқанинг чехрасини тасаввур этишга имкон бермоқда. Демак, байтни сени – сенинг чехрангни (юкорида ҳусн ва қалб эди, бу ўринда, дейлик, чехра, юз) эслаганимда, кўзимга даврон, яъни дунё гўзаллашиб (ранг-баранг) бўлиб кўринади, деб тушуниш мумкин. байтнинг ботиний маъносини англаш учун эса баъзи сўз ва тушунчаларнинг сўфиёна маъносига эътибор қаратамиз. Жумладан, ораз – илохий гўзаллик манбаи; хол – ваҳдат нуктаси ёхуд ваҳдат сири; хат – Ҳақ чехрасининг ошкор бўлиши ва мутлақ тажаллиётнинг зухури. Байтнинг биринчи мисрасида ёрнинг орази(юзи), холи ва хатти хаёлда, яъни ошик илохий гўзаллик манбаи, ваҳдат сири ва (Ҳақ чехрасининг намойиши) мутлақ жамол тажаллиёти зухури ҳақида хаёл сураяпти, ўйляяпти, ҳали уларни кўргани ёки уларга етишгани йўқ. Шунинг учун ҳам кўз ўнгига ҳали ҳамма нарса: даврон (ходиса – касрат олами) ранг-барангликда – кизил, сарығ, яшил рангларда намоён бўлмоқда. Демак, ошик ҳали ҳам талаввун ҳолатида (кўнгли етиши лозим бўлган нарсага хаёлда етишаётир, холос):

*Лаългун май тутқиқ олтун жом бирла сабзада
Ким, булардин яхши ўйқ имкон қизил, сарығ, яшил.*

Лаългун май қизил ранг билан, олтун жом сарығ ранг билан сабза яшиллик билан ифодаланаётган байтнинг зохирий маъносида имкон борлик билан уйғунликда, бошқа воситалар эса бу йўлда кўмаклашувчи воситалар эканлиги ачча осон тушунилади. Байтнинг орифона маъносиги тушуниш

учун баъзи сўзларнинг орифона мазмунини аниқлаштириб оламиз, яъни: *май* – тажалли нури, ишқ; *жом* – пирнинг қалби, худо акс этган маскан, илоҳий нур манбаи; *кизил, сариг(олтун), сабза* (яшиллик) тушунчаларининг ботиний маънолари янада кучайган. Жумладан, бу ўринда кизиллик маърифат билан, олтун(сариглик) – ишқ билан, яшиллик – Оллоҳ маърифатидан рухнинг софланишига боғланган ҳолда кучайган, деб айтиш ўринлидир. Демак, байтнинг мазмуни: “*Соф руҳ билан илоҳий нур манбаининг иши ӣёлида ишқ маърифатидан баҳраманд этким, бундан бошқа имкон қолмасин*”.

Энди бу йўлга мутлақо шўнгиге кетиш, факат шу иш билан банд бўлиш истаги уни бутунлай чулғаб олган. Бу караш кейинги байтда янада ривожлантирилади:

Фақр аро беранглик душвор эрур беҳад валек,

Хирқада тикмак эрур осон қизил сариг, яшил.

Байт Расууллоҳ с.а.в.нинг “Фақрлик – фахримдир” деган машхур ҳадисини ёдга солади. Ҳақиқат йўлига кирган солик учун фактлик – шараф. Ҳақдан бошқа барча нарсадан мосуво бўлиш, моддий маънодаги ҳеч бир нарсага эҳтиёж сезмаслик унинг мухим белгиси. Бироқ, уни зоҳирян намойиш этиш билан ботинни фактлик биносига айлантириш мушкул. Байтдаги беранглик, яъни рангсизлик сўзининг моҳиятини англасак, унинг мазмуни ойдинлашади Рухининг инкишофи ранглар воситасида тушунтирилаётган солик берангликка энг сўнгги босқичда эришади. Яъни, у таълаввун ҳолатидан тамкинга ўтади. Бу мавқеъга (у рангсизлик ёки оқ ранг воситасида ифодаланади) этишгач, унинг руҳи Оллоҳ хузурида бўлади. Яъни, фано бўлиб, боқийликка юз тутади. Бу солик учун энг машақкатли, шунинг билан бирга, шарафли йўл. Бунга этишиш учун солик зангори, сарик, кизил, яшил, қора сингари рангларда ифодаланиши мумкин бўлган изтиробу кувончларнинг машақкатини бошидан ўтказмоғи лозим. Демак, байтни шундай изохлаш мумикн: “*Бу йўлда берангликка – мақсадга эришиши жуда мушкул*”.

Сўнгги байт:

*Эй Навоий, олтину, шингарфу зангор истама,
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сариг, яшил.*

Одатда, девон тузилганда, унга ғассомлар турли рангларда безак беришлари, олтин суби югутиришлари мумкин. Навоийнинг девонида эса бунга эҳтиёж йўк. Чунки шоирнинг ўзи таъкидлаётганидек, шеърларида жилваланган ранглар девонни безаб улгурган. Мана шундай зохирий маъно англашилган байтда, албатта, бундан чуқурроқ – ботиний маъно ҳам мавжуд. Зеро, аввалги байтлардаги мукаммаллик ғазални фақат зохирий маънода тушунишга имкон қолдирмайди. Демак, олдинги байтдаги берангликни мақсадга етиш мазмунига боғлаб тушунадиган бўлсак, байтнинг ботиний мазмуну шундай: *эй Навоий, сен олтин, шингарф, зангор, яъни қизил, сариг, кўк(бу ўринда яшил маъносида) изтиробу қувончларнинг машаққатини истама, улардан ошиб ўтишга ва мақсадга интил, чунки сен буларни бошингдан кечирдинг ва шеърларингда акс эттирединг, элга ошкор этдинг.*

Эҳтимол, байтда, умуман, ғазалда бундан ҳам теранрок маънолар яширингандир...

Исмат САНАЕВ
НОДИМ ЗИЁВУДДИНИЙ ВА АЛИШЕР НАВОИЙ

Зарафшон водийсида яшовчи ўзбек ва тожик халқларининг дўстона муносабатлари тарихи бениҳоя қадимий. Икки миллат адабиёти вакиллари ўртасидаги тажриба алмашишлар туфайли юксак санъат намуналари даражасидаги асарлар майдонга келди ва жаҳон маданияти хазинасига нодир дурдона бўлиб қўшилди. Қардошлиқ муносабатларининг шаклланиши иккала халқ тарихини бойитди, юксалиш учун янги уфқлар очди. Шунингдек, адабиётлар ўртасидаги мустаҳкам алоқа ривожланишнинг кенг ва равон йўлларини очиб берди, юксак натижаларга эришилди. Е.Э.Бертельс таъкидлаганидек, "... форс ва тожик тилида мавжуд бўлган адабиётлар шу вактдан бошлаб факат Ўрта Осиёда яшовчи тожик ахолисининг бойлиги бўлиб колмай, у ўзбекларнинг иккинчи адабий тили бўлиб қолаверади... XIX асрдаги Ўрта Осиё адабиётини ўрганишда бу ҳолни хисобга олиш ва ўзбек, тожик

адабиёти тарихини ёзишда ҳар икки адабиётнинг бир-биридан ажралиб колмаслиги учун ҳар иккиси устида баробар иш олиб боришга тұғри келади"¹.

Тилни билиш – дилни билиш, айни вактта элни билишдир. "Адабиётимизнинг энг улуғ намояндаси" (А.Фитрат) Алишер Навоий ўзининг ҳам форсча-тожикча, ҳам ўзбекча шеърлари билан Самарқанддаёқ танилган. Улуғ мутафаккир илм қайси тилда бўлмасин, ўша тилда уни ўрганишга даъват қилиб:

*Ибрию юнонию сурёни ҳам,
Ҳиндуда агар сўрса, билиб они ҳам..-*

дея, тафаккур оламини кенгайтириш зарурлигини уқдирган. Илм гүё мухит. Унинг сарҳадлари кенг, туби чукур, умр эса жуда қиска. Ўрганиш, билиш муваффакиятлар калитидир. Чунки ҳар икки миллат ҳәётига оид "асарлар қайси тилда ёзилган бўлишидан қатъий назар, ўзбек ва тожик халқлари адабиёти тарихини ўрганишда мухим мањба бўлиб хизмат килади"².

XIX асрда яшаб ижод этган Нодим Зиёвуддиний Зарафшон водийсининг зуллисонайн шоирлардан биридир. Ўзбек ва тожик тилларини ҳамда уларнинг тарихини, адабиётини яхши билган Нодим зуллисонайнлик анъаналарини муваффакият билан давом эттиради.

Нодим Зиёвуддиний Шарқ шеърияти анъаналарини давом эттириб, гўзал шеърлар битган ва уларни тўплаб девон тузган. Каттакўргон ва унинг якин атрофида яшовчи шоирлар асарларини тўплаган Абдулхамид Мажидийнинг куйидаги маълумоти дикқатга сазовор: "Хозир менинг кўлимда ўнга якин шуҳрат тутмаган шоирларнинг девон, хикоя, достон ва бошқа майда-чўйда нарсалари сакланади. Булардан мукаммал девон эгалари: Шавкий, Вайсий, Валий, Нокис, Нодим, Вола, Дабирий, Маҳдий, Ахқар, Салохий деган шоирлар бўлиб, девон тузмаганлари: Муфтий, Хокий, Ҳомид, Тоиб ва Таржимон каби шоирлардир"².

¹ Бертельс Е Э. Персидская литература в Средней Азии. Советское Востоковедение. т V. – Москва-Ленинград. 1948. –стр.22.

² Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. – Т.: Ўзбекистон, 1993, 176-б

Нодим Зиёвуддиний асарларини мавзу жиҳатдан уч гурухга ажратиш мумкин. Булар: ишқий, ижтимоий-фалсафий ва диний-тасаввуфий шеърлар. Шоир асарларининг асосий йўналишини ҳалоллик, адолат учун қураш, покиза муҳаббат ҳамда комил инсон тўғрисидаги фикрлар ташкил килади. Шоирнинг инсон, дўстлик, меҳнат, ишқ, ҳижрон, висол, май мавзусида ярагган қатор асарлари XIX аср ўзбек шеъриятининг ажойиб намуналаридан хисобланади.

Ишқ – Шарқ газалчилигига энг қадими мавзулардан бири. Шоир асарларида самими севгини шарафлайди, ошиқнинг бегубор ва покиза туйғуларини жўшким мисраларда юксак маҳорат билан тажассум этади:

*Эй хуш улким, васли жомидин кўнгул масрур эди,
Ҳажр заҳрин нуги этиб, ҳижрон даги маҳмур эди.*

Ғазалида висол лаззатидан баҳраманд ошиқнинг ички кечинмалари тасвирланган. Нодим Зиёвуддиний адабиётнинг турли жанрларида қалам тебратган. Ҳозирча шоирнинг ўзбек ва тожик тилларида ёзган 8 та ғазали аникланди. Алишер Навоий жаҳон маданияти ҳазинасига муносиб хисса кўшган буюк даҳо. Унинг ижод мактабидан баҳраманд бўлмаган бирорта ҳам ўзбек шоири йўқ. Академик В.Абдуллаев таъкидлаганидек, “Навоий муҳлислари фақат азим шаҳар Самарқанддагина эмас, балки унга сиёсий-маъмурий жиҳатдан боғлиқ бўлган атроф вилоятларда, хусусан, Жиззах, Галлаорол, Зомин, Жомбой, Ургут, Оқдарё, Кагтакўргон, Зиёвуддин мавзеи доираларида ҳам кўп эди. Қадими Мовароуннахрнинг тарихчи ва шоирлари асарларида Миёнкотот номи билан машҳур бўлган бу гўзал жойлар ўзининг кўп асрлик илмий-адабий анъаналари билан ҳамиша қалам ахларини илхомлантириб келган... жуда кўп миёнкотлик шоирлар яратган адабий анъаналар XIX асрга келиб янада жонланади... Ургутда Хумулий, Азизий; Янгиқўргонда Эшонхожа Вола; Зиёвуддинда Нодим Зиёвуддиний; Кагтакўргонда Мухаммад Шариф Шавқий, Мухаммад Очилдимурод Мирий каби шоирлар етишган ва ҳар қайси ўзига хос овозда ижод этган, хилма-хил асарлар ёзган”¹

¹ Абдуллаев В. Сайланма. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982, 85-бет.

Нодим Навоий ижодига катта хурмат билан қараган, буюк мутафаккирни ўзига устоз деб билган, унинг изидан бориб, Шарқ шеъриятига хос анъаналарни ўзлаштирган ва давом этгирган. Мумтоз адабиётга бўлган юксак эътиқод шоир ижодининг хар томонлама шакланишида муҳим аҳамият касб этган. Бунга мисол қилиб Нодимнинг Навоийга эргашиб ёзган "ҳануз" радифли ғазалини келтириш лозим. **Маълумки, Алишер Навоийнинг**

Кўйди жоним ўртаниб, ул ёр келмайдур ҳануз,

Жон рамаққа еттию дилдор келмайдур ҳануз, -

матлаъли ошикона ғазали мавжуд. Ва унда самимий севги ва муҳаббат, шу билан бирга, хажр азоблари куйланади.

Назирағўйлик – кадимий анъана. Чунки "назира айтмай, пайров килмай, татаббуъ тутмай бирордан ёки бирор нарсадан ўрганмай устодликка кўтарилиш бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Назира – бу таклид эмас¹.

Нодим назираси хусусияти шундаки, бу устозлардан ўқиб-ўрганишнинг ижодий маҳсули. Айни вактда устозга нисбатан юксак хурмат, эъзоз:

Ҳолими сўргали ул гамхор келмайдур ҳануз,

Фурқатидин куйди жисмни ёр келмайдур ҳануз.

Бахтим шулдурки, жон этсам қудумига нисор,

Нега ул шўхи ситамкирдор келмайдур ҳануз.

Мен ўлубмен муддатедур деви ҳижрони асир,

Не сабабдин ул париухсор келмайдур ҳануз.

Талх ўлмиш ёрсиз комимга жоми хушгувор,

Лаблари чун лаъли шакарбор келмайдур ҳануз.

Жоми май қўлга олиб, зулфин ҳамойил айлабон,

Лутф этиб ул чеҳраси гулнор келмайдур ҳануз.

Ваҳқим гулшанда фарёд айларам чун андалиб,

Гунча янглиг чодири зангор келмайдур ҳануз.

¹ Абдуллаев В. Сайланма. - Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982, 174-бет.

*Нола айлармен чу қумри зор йиглаб ёдида,
Қомати чун сарви хушрафтор келмайдур ҳануз.
Мунча ҳам булҳавас ўлма биронинг ёрига,
Мунча ёрим деганинг бекор келмайдур ҳануз.
Назм этиб Нодим неча абёт тун бўлди ярим,
Жаҳд айлаб ул санами гулнор келмайдур ҳануз¹.*

Ғазалда ҳижрон азобларини тортаётган ошикнинг дарду аlamлари ифодаланган. Ўз париухсорининг васлига этишга ташна ошик ёрининг келмаётгандигидан изтироб чекади. Висолга муштоқлик уни шу куйга солған. Ёр келса, унинг босган қадамларига жонини нисор этишга ҳам тайёр ва буни шараф деб билади. Чунки "деви ҳижронга асир" бўлган ошикнинг ёрсиз ҳаёти – ҳаёт эмас. Ёрсиз ҳаётнинг завқи, лаззати йўқ, дунё қоронғи. Энди "лаъли шакарбор"нинг "зулфин ҳамойил айлаб", "лутф этиб" келмаётгандигидан изтироб чекади, Ўртанади. Гулшонда булбулдай фарёд килади, аммо ўша дилдор "гунча янглиғ чодири зангори"ни олиб жамолини кўрсатмайди. Ёр васлидан бенасиб ошик гоҳо гумонлар исканжасида фигон чекади. Лекин умид шуъласидан кўнгли ёришади: шеърлар ёзиб ўзини овутади, байтлар битиб тунни ярим қилади. Фақат ўша ёрнинг "жаҳд айлаб" келмаётгандигидан куяди. Ёр васлига интизорлик туфайли ошик ҳижронғамини, фироқ азобини тортиб согинчда яшайди..."

Навоий услуби ва оҳангига мос битилган бу ғазал Нодимнинг юксак маҳоратидан далолатdir. Нодим Алишер Навоийнинг турли мавзудаги 7 ғазалига мухаммас боғлаган. Шоир устоз асарларини чукур ўрганиб, буюк сўз устасидан таъсиrlаниб, жўшкинликни ғазаллар матни ва руҳига мохирлик билан сингдиргандиги учун ҳам мухаммасларда навоиёна талқин ва ифода ўз тажассумини топган.

Нодим Алишер Навоийнинг

*Жонга чун дермен: на эрди ўлмакинг кайфияти
Дерки, боис ўлди жисм ичра маризнинг шиддати.-*

¹ Уша манба, 368-369-саҳ

матлаъи билан бошланадиган ғазалига қўйидагича мухаммас боғлаган:

*Туттади гамгин хаёлим эл ичинда улфате,
Давр соҳисидин ортар кулфатим ҳар соате.
Васл жомин истадим, тўлмиши ичинг шарбате,
Жонга чун дермен: на эрди ўлмакинг кайфияти?
Дерки, боис ўлди жисим ичра маризинг шиоддати¹.*

Нодим Навоийнинг ҳар бир ғазалидаги юксак ғояни, бадий етукликни саклашга эришади. Нафис ва сержозиба мисралар ўкувчига завқ, суур багишлайди:

*Чекмиши азалда суратинг устоди қудрат беҳалол,
Кўз кўрмади амсол анга ҳусн аҳли ичра бир гўзал,
Беҳзод тортолмас ани гар айласа юз йил жадал,
Гўёҳ ҳату ҳолингни тарҳ этганда наққоши азал,
Шингарфу зангор ўрнига лаълу зумуррад қилди ҳал².*

Кўринадики, Нодим мутафаккир шоир мисраларига ҳамоҳанг мисралар яратган, ўзига хос ижодий муваффакият қозонган. Бу эса Нодимнинг мохир сўз устаси, салоҳият соҳиби эканлигини кўрсатади. Яна бир далил:

*Ҳар на кифрик ўқи кўксум сатҳини этмиши шараҳ,
Ўзгалар май жомидин, мен лаълидин топтим фараҳ
Базм аро гул васфида Нодим муни билгил асаҳ,
Манга гулруҳ соқию булбулга гул тутмииш қадаҳ,
Маст эрур ул ҳам Навоийдек, vale шайдо эмас³.*

Шоир ижодига хос хусусиятларидан яна бири унинг ғазалида ўз-ўзига мурожаат килишидир. Бунда у, асосан, ғазал мақтаъида мурожаат билан қалбини очади, дилидаги ҳис-ҳаяжон, орзу-интилишларини баён қиласди.

Масалан:

*Сўрадим устоди хираддинким: недин тушибдим йирок?
Айтди: эй Нодим, азалдин бу санга мақдур эди.*

¹ Ўша манба, 739-саҳ.

² Ўша манба, 552-саҳ.

³ Ўша манба, 387-саҳ.

Таъкидлаш ўринлики, Нодим Шарқ мумтоз шеъриятидаги “илми аруз”, “илми қофия”, “илми бадиъ” конун-қоидаларини чукур билган, улардан ўз ўрнида усталик билан фойдаланди.

Нодим Зиёвуддиний асарларини ўқиб, ўрганиш жараённанда шу нарса маълум бўладики, у ўз ижодида шу нарса маълум бўладики, у ўз ижодида дунё (олам, жаҳон, даҳр) гул, булбул, кўнгул, бағри қон лола, муҳаббат, вафо тимсолига кўплаб мурожаат қиласи, улар воситасида ўзига хос ижодида янгиликлар яратади.

Умуман, ўз замонасининг илғор кишиси, ноёб истеъдодга эгаси Нодим Зиёвуддиний ўзбек шеъриятининг гўзал намуналарини яратди, наслларга мерос қолди.

Зиёда МАШАРИПОВА

КЎНГИЛЛАР НОЛАСИ ЗУЛФУНГ КАМАНДИН НОГАҲОН

КЎРГАЧ...

Алишер Навоий шеъриятида ҳалқ ижоди анъаналарини ўрганган адабиётшунос олим М.Ҳакимовнинг маълумотларига қараганда, улуғ мутафаккирнинг шеърий ва насрый асарлари таркибида уч мингдан зиёд ҳалқ маколи, таъбирлари, ҳикматлари мужассам бўлган. Бу, бир томондан, шоирнинг ҳалқ ижоди ва анъаналарини жуда чукур билишини, иккинчи томондан эса ҳалқ ҳаётига нақадар яқин бўлганини кўрсатади. Ҳалқ ҳикматларидан баъзилари Навоийгача ва Навоий даври ўзбек мумтоз шоирларининг ижодида учраса-да, деярли асосий қисмини Навоий биринчи марта жонли тилдан ўз ижодига кўчириб, тарих сахифаларига ёзди ва келгуси авлодларга мерос қилиб қолдириди.

“Хазойин ул-маоний”да ҳалқ маколлари ва ҳикматлари алоҳида байтлардагина эмас, балки бутун-бутун ғазаллар бошдан-охиригача ирсоли масал ёки тамсил усулида яратилганини кўрамиз.

“Ғаройиб ус-сигар”даги “Кўнгуллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач”, “Сен ўз хулкунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд”, “Ишк аро душвордор бўлмок киши ҳамдарди шоҳ”; “Наводир уш-шабоб”даги

"Музтари күнглум аро ул юз хаёли айланур" деб бошланувчи ғазаллар бутунлай мақол ва ҳикматлар мазмунига асосланиб яратылған.

"Ғаройиб ус-сифар" девонига кирган шундай ғазаллардан бирини намуна сифатида үрганиб чықайлик.

*Күнгүллар ноласи зулфунг камандин ногаңон күргач,
Эзур андоқку, құшлар қычқиришиқайлар йишен күргач.
Күнгүл чокин күзүмда ашики рангин элга фош этти,
Балик захмини фаҳм айларлар эл дарёда қон күргач.
Күзүм қон ёш түкар, нетиб күнгүл захмин яшурайким,
Топарлар ерда захмин сайд қонидин нишон күргач.
Бүйлөн қон аро жон пардаси етгач ғами ҳажринг,
Күнгүл bogида барғидурки, ол ўлмиш хазон күргач.
Хадангинг захми ичиндин балоларни югон ёшин,
Эзур тиғлини олгай, қүш балосин ошиён күргач.
Күнгүллар нақшини тороғж этарға ёпмогинг бүркәтъ,
Анингдекдурки, юз боғлар қароқчу карвон күргач.
Юзин зулф ичра то күрдүм ўлуб васлига етмасмен,
Ғалат эрмиш юз урмоқ, кече ўтни ҳар қаён күргач.
Эзур чин олам ичра жоғ фоний, яхши от бөкүй,
Бас эл комиң раво аила ўзунгни комрон күргач.
Навоий, хурдаи назмингни андоқ айладинг таҳрир,
Ки сочқай хурда бошинг узра шоҳи хурдадон күргач.*

Шоир ғазалларыда ирсоли масал ёки тамсил каби бадиий санъатлар, асосан, параллелизм усули билан биргаликта күлланади. Ва яна ўз фикрини асослаш учун мухим хаёттый далил, далиллар келтиради.

Параллелизм усули халқ оғзаки ижодиётида, айникиса, достонлар ва күшикларда энг күп тарқалған усул бўлиб, инсоннинг ички руҳий холатлари, табиат ходисалари бевосита турмуш лавхалари билан киёсланиб, таққослаб күрсатилади.

Алишер Навоий фольклордаги мазкур усулни ўз ижодига фақат татбик килибгина қолмасдан, балки бу усулни бойитган, шеърнинг асосий бадиий куролларидан бирига айлантирган.

Айни ғазалда хам шу усул қўлланган бўлиб, унда шоир лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолатларини ҳаётий ходисалар билан ёнма-ён (параллел) кўйиб тасвирилаганки, бу ҳол тасвирининг ниҳоятда жонли ва ёрқин чиқишига сабаб бўлган:

Кўнгуллар ноласи зулғунг камандин ногаҳон кўргач,

Эрур андоққи, қушлар қичқиришиқайлар ишон кўргач.

Ёрнинг соч ўримларини кўриб, ошиқнинг нола чекиши деярли кўпчилик мумтоз шоирлар ижодида учрайди. Лекин ушбу байтнинг ўзига хослиги шундаки, Навоий тасвирида ошиқнинг фарёд ва нолалари кучли, токат қилиб бўлмас даражада. Бу фарёд гўё илон инига бош сука бошлагач, жон талвасасида қичкира бошлаган қушларнинг нола ва фарёдига ўхшайди. Ошиқ кўнглидан кўтарилиган нолани бу хилда ҳаётий манзара орқали гавдалантириш натижасида Навоий лирик тасвири ички руҳий характер касб этган. Шарқ шеъриятида ёрнинг қадди ҳақида гап боргандা, албатта, сарв дарахти элатиб ўтилганидек, унинг сочи таърифланганда илон билан боғлик фикр келтириллади. Навоий ушбу анъянани саклаган ҳолда мазкур байтда бутун бир жонли лавҳа яратган.

Маъшуқанинг зулфи тузокка, айни пайтда илонга хам ташбеҳ килинган. Бу ўринда шаклий ўхшашлиқдан ташқари, вазифа жиҳатидан хам ўхшашлик мавжуд. Илон қушларни овласа, маъшука зулфи ошиқ кўнглини банд этиш учун кўйилган тузок. Шундай экан, кўнгиллар ноласи хам, қушларнинг фарёди хам табиий. Бир байтда бутун бир ҳаётий лавҳа яратилганки, бу лавҳа, ўз-ўзидан, ошиқ руҳий ҳолатини образли тарзда акс эттиришга хизмат қилган.

Кўнгул чокин кўзумда ашки рангин элга фош этти,

Балиғ заҳмини фаҳм айларлар эл дарёда қон кўргач.

Қонли кўз ёшларим кўнгил чокини (ярасини) элга фош этиб қўйди. Бу холат гўё одамларнинг дарёда қон кўриб балиқнинг жароҳатланганини фаҳм этишиларига ўхшатилади.

Ошиқнинг изтиробларини англаш билан баробар, кўз олдимиизда ҳаётда учрайдиган дарёдаги қонли сув, ярадор балиқ билан боғлиқ бўлган яна бир лавҳа намоён бўлади.

Кўзум қон ёш тўқар, нетиб кўнгул заҳмин яшурайким,

Топарлар ерда заҳмин сайд қонидин нишон кўргач:

Кўзим қонли ёшлар тўкиб турганда қандай қилиб кўнгил яраларини яшира оламан, Ахир, овда ярадор бўлган ўлжа (сайд)ни унинг қонли изларидан топиб оладилар-ку!..

Кўз олдимиизда кўзларидан қонли ёш тўкаётган ошиқ ва овчилар ўки туфайли ярадор бўлиб, қонли излар колдириб кетаётган жонивор ҳолати акс этади. Ёнма-ён қўйиб тасвирланаётган хар икки ҳолат ҳам нихоятда ачинарли, ҳайратомуз.

Бўёлгон қон аро жон пардаси етгач гами ҳажринг,

Кўнгул боғида баргидурки, ол ўлмиш ҳазон кўргач.

Ғаминг ҳажри билан қонга бўялған жон пардаси гўё ҳазон фаслида қип-қизил тусга кирган баргларни эслатади. Ҳазонга учраб, қизил тус олган, узилиб тушиш ҳолига келиб титраб турган барг... Бир қарашда бу ҳолат табиатда хар йил такрорланадиган оддий бир ходиса. Гап шундаки, оддий бўлиб кўринган хаёт ходисаси сир-синоатларга тўла борлиқнинг шафқатсиз конуниятлари нозикфаҳм санъаткор қалами билан инсон қисматининг чигалликларини акс эттирувчи фалсафий умумлашма даражасига кўтарилиган.

Хадангинг заҳми ичиндин балоларни югон ёшин,

Эрур тифлини олгай, қуш балосин ошиён кўргач.

Яъни: вужудимда ишқинг камони отган ўқдан пайдо бўлган заҳмларни, балоларни тўхтовсиз кўз ёшларим юваёттир. Бу гўё ёш болаларнинг қуш уясини кўриб унинг полапонларини олишларини эслатади. Заҳм ичи –

ошиён, балолар – күш болалари, күз ёшлар – болалар параллел шаклда келган.

Күнгуллар нақшини торож этарга ёпмогинг бурқаъ,

Анингдекдурки, юз боғлар қароқчи карвон күргач.

Ушбу байтдаги ҳолат ва манзара янада тиник, янада ҳәёттай. Ошиклар күнглини талон-тарож килмок учун юзларингга парда ташлаб олибсан. Не ажабки, қароқчи ҳам карвонни талаш учун юзига никоб кийиб олади. Айниқса, ўрта асрларда кенг тарқалган юзига никоб тортиб карвон йўлларида пайдо бўлувчи қароқчиларнинг тажовузкорлиги ҳақидаги ҳәётый лавҳа ҳам Алишер Навоий тасаввур оламининг бепоёнлиги, мантикий мушоҳадаси натижасида ошиқ ва маъшуканинг ўзаро муносабатлари руҳий кечинмаларини очишга хизмат қиласидиган бадий тасвир воситасига айланган. Биринчи мисрадаги мавхум тасвир иккинчи мисрадаги ажойиб образли ифода орқали катта ҳәётый манзара касб этган.

Юзин зулф ичра то кўрдум ўлуб васлига етмасмен,

Ғалат эрмии юзурмоқ, кеча ўтни ҳар қаён күргач.

Қоп-кора зулфларинг ичидаги юзингни кўрдим, аммо ўлгунча васлининггэ ета олмаслигим аён. Негаки, кечаси ловуллаб турган оловга юз урмок, жуда яқин бориши хатарлидир, куйдириб кул қиласиди. Бу ўринда ер юзи – илоҳий нур манбанинг ўзи; узун соchlари (зулфи) – моддий дунё, фироқ тузоклари, тўсик. Айни пайтда ёр юзи – ўт, оловга ҳам киёсланган, шунинг учун унга яқинлашишнинг имкони йўқ. Тасаввифий истилоҳлар, анъанавий ифода ва ташбеҳлар замиринда ёр васлини орзу қилиб илоҳий ишқ дардидаги ўртанаётган ошиқнинг изтироблари, нотинч қалбнинг фигон ва фарёдлари изчил ва мунаvvар ифодаланган.

Хуллас, ғазал поэтик асосга курилган. Бу байтларни кузатиш асносида, биз, ошикнинг шахсий кечинмалари билан бир категорда, ранг-баранг ҳәёт лавҳаларини ҳам кўрдик... Илонни кўрганда чиркилашиб фарёд килган күшлар, дарёда кон кўринганида яралангани маълум бўлган баликлар, ерда кон излари ни колдирган сайдлар, хазон фаслига юз тутиб кизи: тусга кирган

барглар, күшларнинг уясидан полапонларини олаётган болалар, карвонни кўрганда юзини бекитиб талончиликка хозирланган карокчилар, коп-коронғу тунда ловуллаб ёнаётган олов, аланга. Көлтирилган хилма-хил манзаралар ниҳоятда хаётий. Булар, аслида, бизга яхши таниш. Аммо улар шоирнинг бүёкдор қалами остида янгидан жило топиб, ўкувчиларни янада завқлантиради, ҳайратга солади. Шу тарика байтларнинг барчаси тамсил санъати асосига қурилган. Тамсил "мисол келтириш" маъносини билдириб, байтнинг биринчи мисрасида ифодаланган фикр далил сифатида иккинчи мисрада хаётгай бир ҳодисани мисол қилиб келтиришга асосланган санъатдир. Биринчи мисрадаги фикр билан келтирилган мисол ўртасидаги муносабаг – мантикий алоқа кўпинча киёсий йўналишда бўлиб, ижодкор диккати ҳам бадний тафаккур билан хаётгай воқелик орасидаги ўхшашикка асосланган бўлади. Бунинг ёркин далилини эса юкоридаги байтларда кузатдик, икрор бўлдик.

Мазкур байтларда хаёт ва борлиқнинг турфа кўринишлари намоён бўлади. Навбатдаги байтда эса шоир лирик чекиниш қилиб, хаёт ва инсон ҳакида, инсон умрининг мазмуни тўғрисида фалсафий умумлашмалар чикаради:

Эрур чин олам ичра жоҳ фоний, яхши от бокий,

Бас эл комин раво айла ўзунгни комрон кўргач.

Ошикона ва орифона газалларда кўпинча мактаъдан олдинги байт панд-насихат тарзида бўлади. Олдинги байтлар билан боғлиқ эмасдек туюлган бу байт бевосита бўлмаса ҳам бавосита умумий фикрлар билан алоқадордир. Ушбу байт "агар муродга етмоқни истасанг, эл муроди йўлида ҳаракат қил, эл-улуснинг манфаатлари йўлида камарбаста бўл, чунки бу мувакқат оламда мансаб-мартаба ҳам, дунё ва бойлик ҳам ўткинчидир, фонийдир, факат яхши номгина бокийдир" деган ўйтларни камраб олган.

Шоир лирик кечинмалар тасвири асносида ҳам ҳалк манфаати йўлида қайғуриш, бошқаларни ҳам шунга даъват этиш каби юксак инсонпарварлик

ғояларини тарғиб этишдан тұхтамайды. Навоий назидда Инсон, Ишк, Одамийлик, Аллох, Адолат тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлик.

Навоий, хурдаи назмингни андоқ айладинг таҳрир,

Ки сочкай хурда бошинг узра шоҳи хурдадон күргач.

Навоиёна ўртанишлар, андухли оҳанглар асосига қурилған ғазал мақтаға келиб умумий умидворлик, илохий ишкқа дахлдорлик түйгуси билан интиҳосига етди.

...Эй Навоий, назмингда нозик сир-асрорларни шундай таҳрир килдингки, уни күрган нозикфаҳмлар подшоси энди бошинг узра зарлар сочажак!.. Булар, аслида, буюк мутафаккир, мураббий ва санъаткор шоирнинг сұнгсиз орзулари, армонлари, әзгу мақсадлар йўлидаги курашлари, эришган мислсиз муваффакиятлари ва улардан туйган коникишлари -- фахриялари, абадий согинчлари эди... Бобокалон шоиримиз бунга тұла ҳақдорлар, шундай бўлиб колажаклар. Илоҳо...

Тозагул МАТЁҚУБОВА

ҒАФУР ГУЛОМ ПОЭТИК МЕРОСИДА НАВОИЁНА РУҲ

Академик Ғафур Гулом меросида гениал шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг улкан ижодий таъсири кузатилади. Мазкур жараён ғоятда кўпқиррали бўлиб, лирик анъана ва новаторлик нуқтаи назаридан олиб қаралганида ҳам Ғафур Гулом ижодининг гоявий-бадиий жиҳатдан юксалиши, мумтоз адабий мерос ҳазинасидан ижодий баҳраманд бўлиш даражаси ҳақидаги қарашларимизни муайян даражада бойитади. Шоир шахсиятини англаш, ижодининг поэтик манбаларини аниклаш, асарларига хос умумадабий ва индивидуал кирраларни тушунишга яқиндан ёрдам беради. Навоийшунос А. Ҳайитметов Ғафур Гуломнинг Шарқ адабиётига муносабати ҳақида сўз юритиб, куйидаги фикрларни таъкидлайди: “*Ғафур Гулом ўзбек адабиётини, хусусан, унинг мумтоз қисмини умумий катта*

*Шарқ адабиётининг бир бўлаги деб қарап, ўзбек адабиёти тарихини шу тарзда ўрганиши тарафдори эди*¹.

Faafur Fулом шеъриятига ‘гаъсир этган кўплаб Шарқ шоирларидан бири, шубҳасиз, Алишер Навоийдир. Шоир поэтик меросида Навоий образи талкинлари билан боғлик ўринларда буюк шоирга бўлган хурмат, эъзоз туйғулари гурур билан қўйланади. Унинг адабиёт, бадиий ижод, сўз санъати олдидаги улкан хизматлари баробарида бетакрор шахсиятига хос юксаклик, мағрурлик, жасорат, ноёб иқтидор сингари инсоний белги-сифатлар асрлар оша ардоқда бўлгани, милият ифтихори ва гуурига айлангани эътироф этилади. Жумладан, Faafur Fуломнинг «Алишер»² шеърида «Буюк Алишернинг асрий нидоси», «Тўфон, қуюнларда яккаю ёлгиз, Монолит, гранит ҳайкалдай мағрур», «Олтин балдоқдаги нифрит кўз каби, Асаринг биз учун бўлди қорачуғ», «Алишер Муштарий юлдузи каби, Ўзбек осмонида болқиган чоги» каби кўтаринки руҳ билан йўғрилган қўйма сатрлар Навоийнинг бетакрор киёфасини гавдалантиради. Навоий «тўфон», «қуюн»ларда ёлғиз эди. Унинг ижоди завол билмаслиги, кўз корачуғидай эъзозланиши боиси ҳам аслида, бир жиҳатдан, Навоий шахсиятига хос буюклиқ, филокорона интилишларида кузатилувчи метин событлик бўлса ажаб эмас. Зотан, навоиёна юксак манзиллар хавосига интилган Faafur Fулом ҳам ўзбек адабиёти осмонида Навоий янглиғ балқиш, минг йилларни назарда тутиб мўлжалларини белгилаш, мақсадларини тайин этишини кўзлаб қалам сурар экан, улушини бобокалон устоз интилишларидан, тўла англанган хаёт тарзи ва абадиятга дахлдор поэтик меросидан олади.

Шунинг учун ҳам Алишер Навоий асарлари руҳи Faafur Fулом шеърларининг мағзи-мағзига сингиб кетган. Кўпинча давр муаммоларига поэтик муносабат билдириш, замин, замон ва замондошлари киёфасини ёритишда улуғ шоирнинг Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Искандар каби қаҳрамонлари номлари шоир шеърларида бот-бот тилга олинади. Faafur

¹ Хайитметов А. Мумтоз адабиётимиз билимдони // Адабий меросимиз уфклари. -Т.: «Ўқитувчи», 1997. 56 б

² Faafur Fулом. Муҳаммал асарлар тўплами. 12 томлик. 2-том. -- Т.: Фан, 1984, 142 б (Маколада шоир шеърларидан келтириган намуналар ушбу нашрдан олинниб, том ва сахифалари кўрсатиб борилади - Т.М.)

Үулом Фаргона ҳакида сўз юритар экан: “Мен ўз Фарғонамни мақтамоқ бўлсам, Йигити Фарҳоду қизи Шириндай”,- деб ёzáди. Ёки “Дурдона” шеърида пейзаж тасвирида: “Гунағша, лолаларнинг, гунчаю булбулларнинг Кўклами Лайли, Мажнун умридай ўтиб кетди”,- дейди. Замондошларини улуғлаганда эса муболағали тарзда: “Ҳар биримиз Искандардан баланддамиз”, меҳнаткаш ўзбек сиймосини гавдалантирар экан: “Меҳнатдадир даланинг барча Мажнун Лайлоси, Фарҳод ер сугоради, қулоқ очади Ширин”, ишқ-мухабbat ҳакида сўз борганда: “Ошику маъшуқларнинг қиссасин биздан сўранг, Юзга киргунча яна Мажнунга Лайло ўзгинам” каби хароратли мисраларини битади. Бу хол Faфур Үулом Навоий асарларидан дунё ва ҳаётни фалсафий идрок этишни ўргангани, ижтимоий воқеликнинг долзарб муаммоларига поэтик муносабат билдиришда бобокалон шоирнинг фикр-карашларига, тасвир ва ифода тарзига эргашганлигини кўрсатади.

Навоий ижодий мероси, аввало, юксак инсонларварлиги билан эътиборга лойик. Шоир асарларида кишиларни бир-бирига яқинлаштирувчи дўстлик, биродарлик, меҳр-вафо, садоқат сингари туйғу кечинмалар ардокланади. Одам боласи миллати, дини, ирқи билан эмас, балки қайдаражада инсоний сифатларға эгалиги билан қадр-киммат топиши таъкидланади. Мазкур фикрларимиз тасдиғини унинг достонлари қаҳрамонлари мисолида кўриш мумкин. Навоий қаҳрамонлари араб, эрон, арман, хинд, юонон каби миллат вакиллари бўлиб, чинакам инсоний фазилатлари ва хислатлари билан элга манзурдир. М.: “Фарҳод ва Ширин» достонидаги Шопур – эронлик, Фарҳод – чинлик, Ширин – арманистонлик. Аммо Фарҳод ва Шопурни дўстона муносабатлар, Фарҳоду Шириннни севги, муҳабbat, вафо, садоқат, сабр-бардош, матонат, курашчанлик ўзаро яқинлаштиради¹.

Навоийнинг лирик шеърларида ҳам турли миллат вакилларига бағрикенглик билан муносабатда бўлиш, чексиз эҳтиром туйғулари харорат

¹ Бу ҳақда қаранг: Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами 20 гомлий. т 8 Фарҳод ва Ширин -Т: Фан, 1991 (Бундан кейин МАТ тарзida бериб борамиз. -Т.М.)

билин ифодаланғанлыгини кузатамиз. Ишқ қудратини ҳар қандай миллий маҳдудликдан юксак санаган шоир ёзади:

Ишқи коми: элни ё Фарҳод, ё Мажнун құлур,

Гар әрүр маңшук, ёхуд арманий, ёхуд араб!

Ёки:

Хүсн чун жылва құлур, оқу қорада йүқ фарқ,

Кишига келса бало - хоҳи хито, хоҳи ҳабаш.

(Навоий. МАТ.5-т., Бадоев ул-васат, 182-б.).

Навоий асарларининг магиз-мағзига сингиб кетган ишқ, муҳаббат, бирдамлик, инсонпарварлик гоялари, оламу одамни ЯХЛИТ БУТУНЛИК сифатида англаш туйғуларини Faфур Fулом шеъриятида ҳам кузатамиз. У XX асрда дунёнинг қайси бурчагидаки инсонни камситувчи, ҳаётига таҳдид солувчи хатти-харакатлар содир этилса, унга ўзининг шиорона қалби билан муносабат билдиришга, оламу одам дардини қалбан кечиришга интилади. Шубҳасиз, F.Фулом ўз даврининг фарзанди сифатида бутун дунё ҳалқларини озодлик ва эрк йўлидаги бирдамлик ва ҳамжиҳатликка - курашга чақиради. Унинг “Мен яҳудий”, “Она қизим Жамилаға”, “Ассалом”, “Поль Робсонга”, “Ливан омон бўлади”, “Тинчлик минбаридан” ва бошқа қатор шеърларида антогонистик тузумларни кескин зидлантириб ифода этиш, романтик каҳрамонлар эмас, балки она замин муаммоларига эътибор қаратиш кузатилади. Аммо бу типдаги ашъорларда умумбашариятга муҳаббат ва эҳтиром туйғулари баланд пардаларда ифодасини топғанки, мазкур жиҳат муайян даражада Шарқ шеъриятининг инсонпарварлик пафоси, хусусан, Навоий ижодининг ҳаётбахш таъсирида юзага чикади. Шоирнинг қуйидаги мисралари фикримизни тасдиқлайди:

Ердаги неъматлардан маҳрум қила олмагай-

Оқ, сариқ, қизил, қора, бадандаги жило ранг (2- т., 17- б.).

¹ Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик 4-том. Ҳазойин ул-маоний. Наводир уш-шабоб.. - Т : Фан, 1989, 38-6. (Маколада Навоийдан көлтириладиган шеърий ғаммуналар шу нашрдан олинниб, қавс ичидә жилд, девон номи ва сахифалари кўрсатиб борилди. –Т.М.)

Навоий асарларида инсон акли ва тафаккур қудрати юқори баҳоланади. Шоир фалсафий-эстетик қарашларида инсоннинг илми-аъмоли, янгила фикрлаш тарзига алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, “Фарҳод ва Ширин”да шундай байт келтириллади: “Деди: Ҳар иши қўлмиси одамизод, Тафаккур бирла билмиси одамизод” (Навоий. МАТ.8-т., 122-б.). Ғафур Ғулом шеърларида ҳам инсоният тафаккури эзгу максадларга йўналтирилсагина комиллик касб этиши таъкидланади: “Сен ўрганганди шим билан қўшилди катта ният, Ва шунчалик камолотга ета олди тафаккур” (3-т., 180-б.). Англашиладики, ҳар иккала шоир ҳам ният холислиги илм-амал билан туташсагина, чинакам етукликка эришиш мумкинлиги фикрида сабит туриб калам тебратишган.

Бундай насиҳатномалар ўзига хос ҳаётий билимлар, ижтимоий-иктисодий, маънавий-маърифий тасаввур-идеаллар, ҳалқимизни эзгу қадриятлар атрофида жисплаштириш ҳамда маънавий юксалтиришга даъватлар, айтиш мумкинки, устувор ғоялар мажмуасидир. Дарҳакикат, инсоният тарихи – бу инсон тафаккури ва тасаввурининг кенгайиши ва чукурлашиши тарихи. Зотан, тафаккур нечоғлик кенгайган сари дунё ҳам шунчалик кенг ва мукаммал туюла боради.

Навоийнинг “Маҳбуб ул-қуулуб” асарида сабот билан илм ўргангандиши “олим”, бу сермашақкат йўлда ўз “мен”лигига юксала олмай, худбинлик сахросида адашган кимса “золим” кабилида таърифланади. Асарда баён килинган: “Билмаганин сўраб ўргангандиши – олим; Орланиб сўрамаган – ўзига золим”¹ деган ибраторумуз фикр жохилликни ихтиёр этган кимса, даставвал, ўз-ўзига зулм қилишини англатади. Демакки, ҳазрат Навоий ҳар бир кишининг маънавий камолотини илм ўрганишга бўлган муносабатидан келиб чиқиб белгилайди. Жаҳолат илдизларини алоҳида одамнинг ички “мен”лиги ва номаи аъмолидан, билимсизлигидан излайди. Ғафур Ғулом шеърларида инсониятнинг камол топишида, юксалишида илм

¹ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қуулуб. -Т.: Адабист из санъат. 1983, 86-б (Асардан келтирилган кўчирмалаш шу нашрдан олиниб, кавс ичидаги саҳифалари кўрсатиб борилади).

олиш ва билимнинг ўрни катта эканлиги уқтирилар экан: “*Билмаганинг ўрганиб, одамзод тонди камол*” (2-т., 144-б.) дейилади. Мазкур ўринда бир қарашибдаёт, шаҳлан бир қадар ислохот кўзга ташланса-да, фикран Навоийга ёвуклик ёркин кўзга ташланиб турипти.

Алишер Навоийнинг “Махбуб ул-кулуб” ида кўз нури ва қалб қўри, бор билим ва тажрибасини ёш авлод тарбиясига бағишилаб, фидойилик билан маърифат ва зиё тарқатувчи зот шаънига айтилган самимий тилакларни ҳам учратамиз. Шоир Ҳақ ва ҳақиқатни – Аллоҳни танитиш йўлида устоз чеккан захматларни ҳеч бир бойлик билан қиёслаб бўлмаслигига ургу беради. Муаллим ва мураббийнинг мақоми нечоғлик баланд, толиби илм зиммасидаги қарз эса адоксиз эканлиги таъкидлайди:

*Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқутмииш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.*

(Махбуб ул-кулуб, 29-б.)

Мазкур фикрни гўё давом килдиргандек, Faфур Гулом шогирд маънавий-рухий камоли йўлида жонфидолик қилган киши – устозлар мухтарамлигини ота-оналар макомига тенглаштиради:

*Маънавий ва руҳий камолот учун
Ота-онамиздан муҳтарам устод –
“Алифбе” ўргатган ўқитувчининг
Хурматин сақлагум абад – умрбод (3- т., 51-б.).*

Кўринадики, юкоридаги мисраларда мавзу ва муносабат жиҳатидан муайян даражада уйғунлик, ўзаро яқинлик, айни пайтда, давримизга теран ҳамоҳанглик мавжуд. Шуниси мухимки, ҳар бир шоирнинг ўзига хос услуби ҳам ёркин намоён бўлган. Агар Алишер Навоий ихчам ва қисқаликка риоя қилиб, теран мазмунни умумий тарзда ифода этса, F.Гулом муаммога ўз муносабатини билдириш мақсадидан келиб чиқиб, мисралар сонини орттиради. Айни пайтда “устоз отангдек улуғ”, - деган ҳалқона ҳикматни сатрлар моҳиятига сингдиришга эришади.

Навоий асарларида турфа хил касб эгалари, уларнинг жамиятдаги ўрни ҳакида ҳам қимматли мuloҳазалар баён этилади. Кишиларни меҳнатни севишга, ўз касблига муҳаббат билан муносабатда бўлишга чакиради ҳа ундан эл-юрт манфаати йўлида фойдаланиш лозимлигини айтади. Аксинча, жамият учун фойдаси тегмаётган касб эгаларини каттиқ коралайди. Унинг “Махбуб ул-кулуб” ида илм олиб, уни инсон фойидаси учун ишлатмаган олим ҳакида ҳам сўз юритилади.

*Олимеким, илми эрди беамал,
Ё ганийким, молига бухл эрди ёр,
Ўлдилар юз ҳасрату армон била,
Элга бўлди ишларидин эътибор.*

(Махбуб ул-кулуб, 69-б.)

Шоир кўп машаққат чекиб, илм ўрганган ва баҳиллиги туфайли уни амалга тадбиқ қилмаган олимни мол-дунё йиғиш учун кўп овора бўлиб, қизғанчиликни боис уни кишиларга, фойдали ишларга сарфламаган “давлатманд” билан тенглаштиради. Шоир улар иккаласи ҳам умрини бекорга ўтказди ва юз ҳасрат, армон билан дунёдан ўтдиларки, бундан тегишли хулоса чиқариш лозим, деган фикрни илгари суради.

Faafur Ғуломнинг “Олим дўстимга” шеърида Навоийнинг ушбу фикрлари акси-садоси кўринади. Илло, шоир илмига амал қилмаган олимни қўккайган минорга менгзайди. Гердайган бу кимсага мурожаат қилиб, ўз-ўзини тафтиш қилишга ундейди. Илмидан элни баҳраманд қилиш чакиради:

*Тарихда кўркамликдан ўзга вазифаси йўқ
Машҳад минораси ҳам қўккайганча турибди.
“Мулла кишиман,- дейсан,- ялакатдай магзим тўқ”,
Яхши. Билганларингнинг баҳрасин ким қўрибди?! (3-т., 332-б.)*

Шеърда Навоийнинг юкоридаги мuloҳазаларига фикрий ва гоявий якинлик кузатилиши билан биргаликда, Faafur Ғуломнинг ўзига хос тасвир услуги намоён бўлади. Шоир тарихдан ибратли хулосалар чиқариш, киёслаш, мурожаат қилиш усулларидан фойдаланади. Жумладан, лирик

қаҳрамон олимга қаратат: “Күя еган китоблар сақланған сандиқмисан, Бир варақ мазмунидан қалбларга оқмайин нур?”, “Илмингни халқ қомусин жишлиң а келтириб құш”, - деган даъватлари фикримендиңи далиллайди. Күринадики, ушбу шеър яратилишида шоир Навоий ижодидан мутаассир булиш билан бирга, улуғ шоир ижодидә акс эттирилған фикрларни янада ривожлантириб, ўз замонасига хос фалсафий умумлашмалар чыкара олған.

Ишкій мавзудаги ғазалларда асосий эътибор маъшуканы таърифлаш ва ошикнинг ўз севгилисига бўлган самимий туйғуларини, айрилик туфайли чеккан дард-аламларини, изтиробларини таъсирчан ёритишдан иборатдир. Бундай шеърларда ошик қўпинча маъшука хаёли, висолига етишиш орзуниятлари билан яшайди. Шеърдаги ҳар бир детал, тасвирий восита ва поэтик образ лирик қаҳрамон ҳолат-кечинмаларини романтик бўёкларда акс эттиришга қаратилади. Бунга Навоий ижодидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Жумладан:

*Аксини кўнгул кўзгусида кўрдуму ўлдим,
Ким, гайрин анинг эвига невчун ёвутуптур.*

(Навоий. МАТ. З-т., Гаройиб ус-сиғар, 154-б.)

Англашиладики, маъшукадан меҳру вафо ўрнига жабру жафо кўрган, ҳасратли кўнгил ҳижрон азобларида ўртанади. Ўзидан буткул йироклашиб, ўзгани ёр этган бевафо маъшука ҳолини кўнгил кўзгуси билан кўрган, яъни рухан ҳис этган лирик қаҳрамон чексиз изтироблар исканжасида ўртанади. Ошик кўнглининг нозик сезимларни илгашини “кўзгу”га менгзаш Гафур Ғулом шеъриятида ҳам учрайди: “Ҳар нафас кўзгудагидай гул юзинг қалбимда жо, Майли аксинг бўлса ҳам рухсори олингдан ўпай”. (1-т., 239-б.) Бу ўринда ҳам лирик қаҳрамон қалбидә ёр жамоли кўзгудаги янглиғ акс этмоқда. Аммо ҳижрон охангларида бевафоликдан нолиш эмас, балки висолига ташниалик, интиқлиқ ҳислари устуворлик қиласи. Мухими, ҳар иккى ҳолатда ҳам ошик кўнгил кишиси ўлароқ туйғулар самимияти билан ифода этилади.

Навоий ижодида халқ табобати, халқнинг беморни даволаш усуллари билан боғлиқ маълумотларга ҳам мурожаатлар мавжуд. Жумладан, “Анор” номли ч.стонида шоир: “Нечаким табъи норидур ва леки.. меъда норига, Берур таскин, мунинг нафъин топибмен воқиан мен ҳам”, - дея анорнинг шифобахшлигини, унинг меъдага фойдаси катталигини таъкидлайди. Faafur Fулом эса “Олуча” шеърида олчанинг шифобахшилик хусусиятларини таърифлайди. Унинг халқ табобатида дори-дармон сифатида фойдаланилиши ҳақида тұхталиб:

Ёзни эритгувчи, сафро енгувчи,
Ярим чиннидаги олуча шароб.
Конни тозалайди, дикқатни ёзиб,
Касаллик уйини қиласи хароб (3-т., 323-б.), -

каби мисраларни биттан шоир, она замин тупроғининг қудрати-саҳоси ила бунёд бўлган бу неъматни улуглайди. Китобхон тасаввурида гўё олчанинг totli таъми, саратон нафаси шеърга кўчгандай туюлади.

Халқимиз орасида она сути қадри азал-азалдан юксак саналади, эъзозланади. Эҳтимол шу боисдан бўлса керак, Навоий шеърларида ҳам лирик кечинмаларни таъсирчан акс эттиришда “она сути”га ишоралар килинади:

Ҳалол она сутидекдур гар ўзбегим тутса,
Тобук қилиб юкиниб тўстагон ичинда қимиз.

(Навоий. МАТ. 3-т., 159-б.)

Навоийнинг лирик қаҳрамони ўзбекча урф-одат, такаллuf ва эҳтиром туйғуларини юксак санайди. Ёғоч пиёлада бўлса-да, қимиз ўзбекона лутф билан, яъни таъзим бажо айлаб узатилса, у она сугидек тамли-мазали. Бу ўринда қимизга эмас, балки ўзбекона эҳтиромга асосий ургу берилмоқда. Шу боисдан, «она сути» воситасида ўзбекларга хос тавозе, меҳмоннавозлик улуғланмоқда.

Faafur Fуломнинг кўплаб шеърларида ҳам «Она сути» билан боғлиқ тасвиirlар учрайди. Жумладан, “Она” шеърида шундай дейилади: “Биринчи

тамшанган она сут қадрин, Асл ўғыл бўлиб оқлаш эътибор (2-т., 280-б.). Фоят катта фалсафий мазмун юклатилган бу шеърда асосий эътибор қаратилаётган жиҳат шундаки, инсон умр бўйи лашаса-да она сути қадрини оқлай олмайди. Бироқ, йигит асл фарзанд бўлиб етишсагина, илк тамшаниб ютган бир қултум она суги ҳаккини оқлашигина мумкин. Назаримизда, бу оламдаги беғараз ва буюк зот - онани шарафлаш, унинг қадр-кимматини юксак санаши жиҳатидан энг оддий, халқона, айни пайтда ғоятда баланд таърифдир.

Ҳар иккала шоир ижодини қиёсий йўсинда имкон қадар кузатиш шуни кўрсатадики, улар лирик қаҳрамон кечинмаларини поэтик ифодалашда кўплаб халқона иборалардан самарали фойдаланишган. Бундай ўринларда халқона иборалар инсон кўнгли, турфа хил туйғуларини бадиий ифодалашга ёрдам берибгина колмай, шеърнинг миллий колоритини янада кучайтиради. Ана шундай иборалардан бири “кўзим учди”дир. Навоийда бу ибора маъшука жамолини кўришга интиқлик маъносида кўлланилади:

*Кўзим учарки, ҳумоюн юзунгни кўргай бот,
Биайнини, анга киприклар ўлмиш икки қанот.*

(Навоий. МАТ. 3-т., Фаройиб ус-сигар, 81-б.)

Халқ орасида мавжуд удумга кўра кўз учиши яхшилик аломатидир. Навоий лирик қаҳрамонининг кўзи учиши ёр жамолини кўришга иштиёқмандлик билан боғлик. Демак, кўз учиши ёр юзини кўришига, юзни кўриш эса унинг васлига етишишга ишора бўлиб, халқона ибора васлга умидворлик рухини таъсирчан ёритишга ёрдам берган.

Ғафур Ғулом ушбу иборани: “Чинорлар учида биринчи нурни, Даставвал кўришига кўзим учади”, - тарзида ишлатади (2-т., 131-б.). Шоир туркман кизи тўқиган гиламнинг ғоятда нағислигидан мутаассир бўлиб, тунни тонгга улаб, қалам учини сатрдан сатрга кўчирап экан, тонготаргача толиккан кўзлари билан бобо күшни зориқиб кутади. Чунки офтобнинг илк заррин нурлари янги бир куннинг ибтиносидан дарак беради. Чинорлар учида жи.ivalанган нурга интиқ кўзлар окшом зулматидан безиб, зиёга

талпинган қалбнинг асрорини ўзида мужассам этади. Бинобарин, кўз учиши нурни, яъни эртанги беғубор тонгни соғиниш, уни биринчилардан бўлиб ҳаршилаш истаги билан боғлик. Эҳтимолки, F.Гулом файз ва баракотли яна бир ижодий кун бошланиши, умр дафтарини безамок фурсатлари яқинлигидан мамнунлигини ифода этаётган бўлса ажаб эмас. Агар шундай деб таҳмин қиласак, шоирнинг юкоридаги мисралари бевосита ижод жараёни билан боғлиқлиги, кўз учиши ижодининг баракали бўлишига ишора эканлиги ҳам ойдинлашади.

Мумтоз адабиётда қарор топган анъаналарга кўра маъшуқанинг кўпгина узвлари кўпинча табиатга қиёсан тасвирланади. Бундай ўринларда шоирлар ташбех санъати воситасида маҳбубанинг ҳуснда тенгсизлигини образли тарзда акс эттиришади. Навоийнинг “Айт” радифли ғазалидан олинган қуйидаги байти бунга мисол бўла олади: “Эй насими субҳ, ахволим дилоромимга айт, Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимга айт” (Навоий. МАТ. З-т., Фаройиб ус-сигар, 88-б.). Байтда ташбех санъати орқали ёрнинг сочи сунбулга, юзи гулга, қомати сарвга ўхшатилган. Шоир лирик қаҳрамоннинг ишқ қўйидаги ахволини тасвирлашда маъшуқанинг гўзаллигига ҳам ургу беради. Ошикнинг мушкул холатидан маъшуқани огохлантирап экан, бунга унинг ҳусни-жамоли сабабчилигини айтади. Шоир лирик қаҳрамон ахволини “насими субҳ”, яъни тонг шамолига айтиш орқали нидо санъатини, маъшуқани “дилором”, “гуланном” деб аташ орқали эса истиора санъатини қўллади.

Ғафур Гулом ғазалларида маъшуқанинг ташки қиёфаси табиатга ташбех қилинار экан, бунда Навоий анъаналари таъсири яққол намоён бўлади: “Бу кун мен, дўстлар, дил матҳами дилбарни изларман, Юзи гул, қомати сарв, соchlари анбарни изларман” (1-т., 235-б.). Байтда маъшуқанинг юзи гулга, қомати сарвга, соchlари анбарга ўхшатилмоқда. Навоийдан фарқли равишда маҳбуба сочи узунлигига эмас, балки хушбўй хидига ишора қилинмоқда. Дўстлар, дея мурожаат қилиш орқали нидо, ёрни дилбар деб аташ билан эса истиора санъатига мурожаат қилинган. Навоий байтида лирик

каҳрамон аҳволини баён қилиш етакчилик килса, Faфур Fуломда лирик каҳрамон дилига малхам бўлувчи, гўзаллиқда тенгсиз маъшука тасвири устувор туради.

Навоий шеърларида шабнам кўз ўринларда кўз ёшни ифода этади:

Шабнам эрмас наргис ашикдур недин қон йигламас,

Кўз юмуб очқунча гулшан умри поёнин кўруб.

(Навоий. МАТ. З-т., Faroib us-sigaf, 68-б.)

Байтда наргис япроғида ялтираётган шабнам эмас, балки кўз юмиб очгунча ўтиб кетган гулшан умри учун қон йиглаётган гулнинг кўз ёшлари экани тасвирланади. Шоир бунда нафақат гул ва гулшан ҳақида, балки инсон умрининг бевафолиги, ҳаёт ва ўлим ҳақидаги ўз фалсафий карашларини хам санъаткорона ифодалайди. Умр ўткинчи, ҳаёт лаҳзалик эканига ишора қилиб, кишиларни ўткинчи дунё ҳою-ҳавасларига боғланиб қолмасликка чакиради.

Fафур Fулом шеърларида ҳам шабнамни кўз ёши сифатида талкин этиш кузатилиб, Навоийдан фарқли ҳолда бундай ўринларда шоир ижодида мафкуравий мазмун етакчилик килади. Жумладан, “Ҳамза хотираси” шеърида шоир шундай ёзади: “Гулга тонг чогида шабнам ёгади, Гулларнинг баргида – кўзлардаги ёш” (2-т., 264-б.). Шоир гулдаги шабнамни халқ озодлиги йўлида қурбон бўлганлар учун тўкилган элнинг кўз ёшларига, япроқдаги шабнамни эса кўқдан тўкилган “кўз ёш”ига ўхшатади. Демак, еру кўқ, яъни бутун борлиқ қотилу мактул килмишларидан адоксиз изтиробда тасвирланади.

Навоий шеърларида қоғоз сахифасининг рангли бўлиши аччик “кўз ёши”нинг кон бўлиши билан боғлаб ифодаланади:

Гули раъно кеби қоғоз узра номингни ёзмай мен

Сариг эрди юзи. хуноби ашким бирла қон бўлмииш.

(Навоий. МАТ. З-т., Faroib us-sigaf, 204-б.)

Маъшука номини ёзишдан олдин қоғоз сарик эди, ёр номини ёзгач, кўз ёши билан қон бўлди. Бунда ишқ туфайли ошиқ бошидан кечирган рухий кечинмалар, унинг ёрига бўлган чексиз муҳаббати қаламга олинган. Faфур

Ғуломнинг: «Миллионлар қонидир ҳар қатра сиёҳ», «Қатра-қатра қоним сиёҳ бўлса ҳам, Шунча ҳурматларга ташаккурим кам» сингари мисраларида ҳам сиёхнинг ранги инсоният қонига қиёсан тәътиқин килинади. Ҳар иккала шоир ҳам бадиий тасвир жараённада қонли кўз ёши ва қоғоз образларидан муболагали тарзда фойдаланиб, поэтик таъсирчанликни оширишга эришадилар.

Кўринадики, Алишер Навоий яшаб ўтган даври нуктаи назаридан биздан нечоғлик узоқ, маҳорат жиҳатидан қанчалар мумтоз бўлмасин, XX аср адабиётининг классиклари каторидан ўрин олган академик Faур Ғулом меросининг улуғ бобокалон шоиримиз бебаҳо лирик хазинаси билан қиёсан ўрганилиши мақсадга мувофиқдир. Зотан, F.Ғулом иқтидори ва салоҳиятининг камоли ижодий баҳрамандликдан ташқаридаги ҳодиса эмас. Бинобарин, шоир ижодининг поэтик манбалари умумадабий мерос, жумладан, Алишер Навоий ижодига бориб тақалади. Мухими, F.Ғулом навоиёна руҳга калб кўри, кўнгил илҳоми, тафаккур салоҳияти, фикр залвори, поэтик маҳоратини кўшиб ўз новаторона кирраларини ёрқин намоён эта олган.

А.РАҲМОНОВ

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ИНСОН МУАММОСИННИГ ФАЛСАФИЙ МОҲИЯТИ

XIV аср охири ва XV аср Ўрта Осиё тарихида сўнгги уйғониш даври хисобланади. Бу вактда ўлкада IX-XII асрларда ривожланган илм-фан ва маданият янада юксалди. Сўнгги уйғониш маданиятида араб тилининг таъсир доираси анча торайиб, ижтимоий ҳаётда туркий тилнинг мавкеи кучайган бир давр бўлди. Чингизхон зулмининг таъсири ўлароқ ўлкада чигатой туркий тили лаҳжаси шақлланиб улгурган эди. Ислом дини конун-коидалари шариат яратилиб, у такомилига (XII аср) етказилди, маънавиятда, ахлок-одоб, илм-фан равнакида тасаввуф таълимотининг таъсири кучайди. Ислом дунёсида тасаввуфнинг вужудга келиши инсон шахсияти, руҳияти ва маънавий дунёсининг бойишига имкон яратган эди. Мана шундай ижтимоий-сиёсий

мухитда Лутфий, Атоий, Саккокий, Жомий ва Алишер Навоий сингари мутафаккир шоирлар, бадиий сўз усталари яшадилар ва ижод қилдилар. Кишилик жамияти тарихий таржимиётидаги инсон муаммоси турли даврларда ўзига хос бир шароитда, масалан, Фарбда XIX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган бўлса, Шарқда бу жараён анча илгари – XV асрда Алишер Навоий ижодида ўз ечимини топди. Навоий яратган бадиий образларда комил инсоннинг дунёкараши, ахлоқи, маънавий-рухий дунёси ҳар томонлама тавсифлаб берилган. У яратган Фарҳод образида комил инсоннинг барча фазилатлари мужассам.

Айтиш жоизки, Навоий ижодида комил инсон масаласининг асосий тамойил сифатида қўйилиши ва унинг фалсафий мушоҳадаси бугунги кунда катта илмий, ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эгадир.

Навоий ижодида хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор берилган. У аёлларнинг жамиятдаги ўрни, ижтимоий, иқтисодий, маданий, сиёсий, ҳаёт фаолиятини бадиий тимсолларда кенг ва ёрқин бўёкларда ифодалади. Шоирнинг аёлларга, хусусан, оналарга муносабати умуминсоний ва ислом қадриятлари асосида шаклланган, такомил топган. Шу ўринда бир далил:

*Оналар оёғи остидадур,
Равзаи жсаннати жинон боги.
Равза боги висолин истар эсанг,
Бўл оналар оёғи туфроги¹.*

Алишер Навоий ижоди бой ва кўп кирралидир. Унда борлик ва унинг моҳияти, инсон ва инсон ҳаётининг маъноси ҳакида чукур фалсафий мулоҳазалар, адолат ва ахлоқий камолот, комил инсон ва фозил жамоа, уларга етишиш сирлари бадиий тимсолларда тасвирланган. Бу ҳолатни юкорида акс этган оналар ҳакидаги фалсафий қарашлари орқали кўриш мумкин. Англашиладики, шоир оналарнинг машаккатли, айни пайтда, шарафли ҳаёт тарзини тасвирлар экан, уларга таъзим килиш, уларни доимо эъзозлаш, мухтарама сифатида ардоклаш ғояларини илгари суради.

¹ Алишер Навоий. МАТ. 20 жилдлик. 16-жилд –Т.: Фан 2000, 269-бет.

Ва яна шуни таъкидлаш лозимки, бобокалон шоир дунёкараши абстракт тушунчалар орқали эмас, балки унинг ўткир ғоя ва аник-таник илохий ва ҳаётй масалалар, туғли воқеа-ходисалар хамда турли бадиий ўхшатиш ва рамзлар орқали, уларнинг иштироки ва фонида тасвирланган.

Навоий ижоди уйғониш даврининг ахлоқий гояларига ва инсон рухиятига хамоҳангдир. Навоий дунёкарашининг ва у яратган бадиий тимсолларининг маънавий-рухий оламини англаш учун тасаввуф таълимоти мухим аҳамиятта эга. Комил инсон гояси илк бор ислом дини фалсафасида шаклланган, сўнгра бу таълимот фалсафий тафаккурда ҳам ўз ифодасини топди. Бу ҳол, шубҳасиз, Навоий яратган тимсоллар орқали янада таъсирли ва ёрқин намоён бўлади. Айнико, Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Дилором, Мехинбону, Шопур сингари тимсоллар Навоий орзу қилган ва, айни замонда, унинг фалсафий мушоҳадаси ва тафаккури асосида пайдо бўлди, абадий тимсолларга айланди. Фарҳод образида Навоий дунёкарашидаги, хаёли-хотиридаги чинакам комил инсоннинг маънавий киёфаси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Фарҳод -- барча инсоний фазилатлар, сифатлар сохиби. Унинг дили ва тили, нияти ва дунёкараши пок, айни пайтда, камтарин ва матонатли шахс.

Хуллас, Алишер Навоий буюк сиймо сифатида бутун ҳаёти давомида ҳақиқий инсон қандай сифатларга эга бўлиши мумкинлигини бадиий образлар орқали таърифлаб, тавсифлаб берди. У ноҳақликка, адолатсизликка карши курашди, ожиз, меҳр-мурувватга муҳтож кишиларни ўз ҳимоясига олди. Тасаввуф йўли – камолот йўли. Шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларини босиб ўтган кишилар тасаввуф таълимотида комил инсон хисобланади. Яхши сўз, яхши иш, яхши хулқ ва маърифатда камолотга етган киши Навоий наздида чин инсоний фазилатлар сохиби ва сохибалари...

Абдулхамид ҚУРБОНОВ

ОЙНИНГ ЗУХАЛ БИЛАН ҚИРОНИ ЁКИ НАВОИЙ ИЖОДИДА ШИБХИ ИШТИҚОҚ САНЪАТИ

Шарқ бадиият илмини чукур ўзлаштирган, теран фалсафий фикр, рухий холат ва пок инсоний кечинмалар айни санъатлардан кенг ва самарали фойдаланган. Шоир асарларида араб, форс-тожик ва туркий халклар адабиёти учун хос бўлган юзлаб маънавий, лафзий ва муштарак санъатларнинг намуналарини учратамиз.

Навоий ижодида кўп истифода этилган шеърий санъатлардан бири – *иштиқоқ*. Иштиқоқ байтда ўзакдош сўзлардан фойдаланиш санъатидир.

Энди мисолларга мурожаат этайлик:

Қилас зулм ул золим, элни қилмагил, ё Раб, забун,

Чун тазаллумдур ишиш доим, мени мазлум қил (2, 305).

Комил инсонга хос пок ва юксак туйғулар ифодаланган ушбу байтда шоир ошиқнинг мустаҳкам садоқат эгаси эканлигини намойиш қилиш учун ўзакдош сўзлардан ижодий фойдаланади: зулм, золим (зулм килувчи), тазаллум (зулмдан дод-фарёд чекиши), мазлум (зулм чекувчи). Бу сўзларнинг ҳаммаси учун умумий ўзак – злм. Зулм ва золим сўзлари маъшуқа, *тазаллум* ва *мазлум* сўзлари эса ошиқнинг рухий оламига тааллукли бўлиб, улар ёрдамида шоир маъшуқанинг жафокорлиги ва ошиқнинг вафодорлиги хақида ёркин лавҳа яратган. Зеро, лирик қаҳрамон *иштижо қилиб айтадики*: Эй Парвардигоро, золим маъшуқанинг зулмига ўзгаларни эмас, балки мени дучор қил, чунки *ишиш* (қисматим) маъшуқанинг зулмини чекиши, мени унинг зулмини чекувчи қил!

Бадиият илмида иштиқоқнинг яна бир тури бор: у *шибҳи иштиқоқ*, яъни иштиқоқка ўхшаш санъат деб аталади. Шибҳи иштиқоқ шунинг учун ҳам иштиқоқка ўхшаш санъат деб аталадики, шибҳи иштиқоқ бўлиб келувчи сўзларнинг ўзак ҳарфлари ҳам, иштиқоқ каби бир хил бўлади. Бироқ, иштиқоқдан фарқли ўларок, сўзларнинг ўзи ўзакдош бўлмаслиги, яъни бошка-бошка ўзакка мансуб бўлиши лозим. Шибҳи иштиқоқ маълум

даражада тажнис санъатига ўхшаб кетади. Аммо тұла шаклдошлиқка асосланған тажнисдан фарқыл үлароқ, шибхи иштиқоқ бўлиб келувчи сўзлар ўзак ҳарфлардагина шаклдош бўладилар, холос, шибхи иштиқоқ мураккас санъат бўлиб, ижодкордан сўзларнинг шаклию маъно нозикликлари, келиб чикишию тузилишидан тұла хабардор бўлишни талаб қиласди. Шунинг учун ҳам бу санъат Навоийгача бўлган туркй шеъриятда деярли учрамайди.

Не дардингни кўнглумда асрорга тоқат,

Не сиррингни оғизимга олмоқча ёро (3, 9).

Байтда ошикнинг рухий ахволи акс этган бўлиб, лирик қаҳрамоннинг айтишича, *ишқ дардини кўнгилда асраш учун унда на тоқат бор, на ишқ сирларини ошкор этиши учун журъат*. Шоир ошик ҳолатини тасвиirlар экан, унинг мушкул ахволига мос тушувчи икки сўзни келтиради: *асрор ва сирр*. Сирр арабча сўз бўлиб, сирни ўзгалардан яширин саклаш дегани. *Асрор* эса ўзбекча сўз бўлиб (*асрат+*p), *асраш*, *асрамоқ* деган маъноларни билдиради. Асрор ўзбекча, сирр арабча бўлишига қарамай, уларнинг ўзак ҳарфлари бир хил: срр (сирр – асрор). Бу сўзлардаги асосий ҳарфларнинг бир хиллиги мисралар орасидаги ўзаро оҳангдорлик ва боғланишини кучайтириб, байтда гўзал бадииятни юзага келтирган. Байтда асрор сўзининг иккинчи маъносига ҳам жуда нозик ишора бор. Гап шундаки, ўзбекча асрордан ташқари, арабча *асрор*¹ деган сўз ҳам мавжуд. Сирр сўзи билан ўзакдош бўлган асрор сўзининг маъноси – сирлар. Бинобарин, биринчи мисрадаги асрор сўзини асрамоқ маъноси билан бирга, сирлар маъносида ҳам тушуниш мумкин. Шутарика, сир ва асрор сўзлари байтда нафис сўз ўйинлари хосил қилиб, ишқ сир-асрорлари ва уларни асраш кийинчиликлари билан боғлиқ кечинмалар тасвирини яна ҳам таъсирчан тарзда ифодалашга хизмат қиласди.

Недин юз гул очар ишқ ўтидин булбул киби Вомиқ,

Юзунгдин гар узори боғида гул очмади Узро (2, 26).

Мазкур байт Навоийга хос бадиият билан йўғрилган бўлиб, ундаги хар бир сўз рангин маънолар билан жилоланиб туради. Байтдаги “юз” сўзи

¹ “Наводир уши-шабоб”да (3, 9) асрор деб ёзилган, тўгри эмас, бу холда санъат йўқолади.

икки хил маъно англатиб, ҳар икки ҳолатда ҳам “гул очмоқ” ибораси билан боғланган: юз гул очмоқ – юзингдин гул очмоқ. Айни пайтда, “гул очмоқ” иборасининг ўзи ҳам икки хил маънода келган. Биринчи мисрадаги гул очмоқ булбул ишқи ҳақидаги тасаввурлар билан боғлиқ бўлиб, афсонага кўра, булбул ғунчанинг очилишини кутиб туни билан унинг бошида афғон чекар, булбулнинг нолалари асар қилиб, тонг пайти ғунча очилар эмиш. Гул очмоқ нола-афғонлар билан боғлиқ бўлгани учун бу ибора нола-афғон чекмоқ маъносини ҳам англатади. Шунинг учун “юз гул очмоқ” иборасини “гулни юз бор очмоқ” деб ҳам тушуниш мумкин.

Куйидаги байтда ҳам шибҳи иштиқоқни қўллашда алоҳида маҳорат кўрсатилган:

Кўзларинг бирла лабинг андоқки, урди дин йўлини,

Не балолардин Билол ўткай, не саҳбодин Суҳайб (2, 64).

Байтнинг асосий гояси шундай: маъшуқанинг ишвакор кўз ва лаблари дин ахлини йўлдан уради. Шоир маъшуқанинг кўз ва лабларини васф этар экан, Билол ва Суҳайб саргузаштларига ишора қиласи, талмех санъати ёрдамида ёрқин бир лавҳа яратади.

Хикоя қилишларича, Билол ҳам, Суҳайб ҳам қул бўлганлари холда, исломни биринчилардан бўлиб қабул килган ilk саҳобалардан эди. Ўз кулларининг мусулмон бўлганлигидан хабар топган мушриклар уларни Аллоҳ йўлидан кайтаришга ҳаракат қилишади. Улар кўнмагач, жуда қаттиқ азоблашади. Жумладан, Билолнинг хожаси Умайя унинг бўйнига аркон солиб, борлаларига эрмак килиб беради. Бу хўрлашлар унга кор килмаганини кўргач, гоят даҳшатли азоблар ўйлаб топади: у ёзнинг жазирама кунларида Билолни қайнаб турган чўлга олиб боради. Пешин чоги чўлда ерга оёқ босиб бўлмас, товондан ўтган иссиқ миядан тутун чиқаарди. Шундай иссиқда Умайя Билолни кумга чалқанча ёткизиб, устидан баҳайбат тошлар бостириар ва Аллоҳдан қайтиб, санамларимизга сиғинмасанг, мана шундай азобда ўлиб кетасан, деб кўркитар эди. Бирок, канчалик қийналмасин, Билол оғишмай: “Аллоҳ бир, Аллоҳ бир”, дея жавбо кайтарарди (6, 43)...

Дин душманлари Сұхайбни ҳам жуда қаттиқ қийнашади. Таъқиб ва тазииклар Сұхайб катта мол-дунё әвазында қулликдан озод қилингандан кейин ҳам тұхтамайды. Мушриклар ҳатто Мадинаға хижраг қилиш учун рұксат ҳам беришмайды. Сұхайбнинг сафарга отланганидан дарап топғач, унға шундай дейдилар: “Эй Сұхайб, сен ўз әлингдан бизга келганингда қул эдинг, хожа булиб обрүйинг ошди. Энди бизга карши чикканинг устига, мунча күп мол билан душманларимиз ерига кетмокчимисан?!” Сұхайб бор дүнөсінни уларға беріб, ўз жонини асраб қолади (1, 45).

Билол ва Сұхайб не-не азоб-укубатларга дучор бўлмасин, бошларига не-не балолар ёғилмасин, иймон-эътиқодан заррача ҳам чекинмаган дин аҳларининг рамзига айланиб кетган. Бироқ, байтда айтилишича, ўз аҳлларида қанчалик мустаҳкам бўлишмасин, Билол ҳам, Сұхайб ҳам маъшука кўзи ва лабларининг жодусига тоб беролмайди...

Байтда талмех санъати таносуб санъати билан қўшилиб кетган: кўз билан бало, лаб билан саҳбо ва ўз навбатида кўз ва бало Билол, лаб ва саҳбо эса Сұхайб билан боғланиб, таносуб санъатининг ўзига хос ва сержило намунасини юзага келтирган. Кўз – қаро. Шунинг учун у – қаро кўз. Қаро кўзнинг бир қатор анъанавий сифатлари бор. Шулардан бири бало. Қаро кўз билан боғлик бўлганлиги учун ҳам у ҳам – қаро бало. Қаро кўз ва унинг қаро бало сифати Навоийнинг қуйидаги машхур байтида ёркин акс этган:

Кўзинг не бало қаро бўлубтур,

Ким жонга қаро бало бўлубтур (2, 145).

Кўз ва бало бир-бири ҳамда қаро ранг билан мазмуний алоқага киришиб, тасвирга анчайин маъно, мохият багишиллаган.

Яна лаб ва саҳбо таносубига қайтайлик. Лаб – қизил. Шундан келиб чикиб, шоир иккинчи мисрада саҳбога нисбат беради. Саҳбонинг маъноси ҳам – қизил май (8, 555). Натижада жумла шундай маъно касб этган: *На қизил лабнинг қизил майидан Сұхайб ўта олгай!* Кўз, бало ва Билол таносубларининг мантиқига биноан лаб ва саҳбо каторидаги учинчи тимсол Сұхайб ҳам қизил бўлмоғи лозим. Ҳакиқатан ҳам шундай: Сұхайб Билолдан

фарқли ўлароқ, ҳабаший эмас, румий кул. Румликлар (византиялар) эса қизил юзли одамлардир. Англашиладики, Навоий таърих ва миший ҳаётъинг энг кичик тафсилотлари ва икир-чикирларидан ҳам чукур хабардор ва, асосийси, улардан бадиний тасвирида ғоят усталик билан фойдалана олган улуғ санъаткор.

Шундай қилиб, байт тўлалигича қаро ва қизил ранглар таносуби асосига қурилган: **каро кўз – қаро бало** – каро Билол; **қизил лаб – қизил май** – қизил Сухайб.

Бир қарашда, байтдаги санъатлар силсиласи ҳамда кўз – бало – Билол; лаб – саҳбо – Сухайб тимсолларининг тасвирий имкониятлари тугагандай туюлади. Бирок, мазкур сўзлар орасида шоир маҳоратидан дарак берувчи яна бир санъат бор. Бу санъат – шибҳи иштиқоқ.

Шоир байтдаги тимсолларни фақат ранг жиҳатидангина эмас, шаклан ҳам бир-бири билан уйғун қилиб берган. Саҳбо ва Сухайб сўзларидаги шаклий уйғунликни аниқлаш унчалик қийин эмас: ўзак ҳарфларнинг бир хиллиги кўриниб турибди: *саҳбо – Сухайб: сҳб, яъни сод, хойи ҳавваз, бе. Лаб* таносублар қаторида саҳбо ва Сухайбга мос келувчи сўзлар – бало ва Билол. Бало ва Билол сўзларининг ўзак ҳарфлари бир хил бўлиши мумкин эмасга ўхшайди, чунки балода, Билолдан фарқли ўлароқ, бита “л” кам. Бирок, саҳбо ва Сухайб шибҳи иштиқоқ хосил килар экан, байт образли курилишининг мантикига кўра, бало Билолнинг ўзак ҳарфлари ҳам бир хил бўлиши лозим. Навоий ушбу мушкул муаммони ҳам нуктадонлик билан адо этган: арабча *бало* сўзига ўзбекча “-лар” кўшимчасини кўшиб, балони балоларга айлантирган. Натижада “-лар”даги “л” балога ўтиб, бало ҳам Билол билан ўзакдош бўлиб қолган: *балол(ar) - Билол*. Ўзак ҳарфлар: блл.

Балол(ar) ва Билол, саҳбо ва Сухайб сўзларининг шаклдошлиги, бир тарафдан, оҳангдорлик юзага келтирган бўлса, иккинчи тарафдан, шоир фикрлари янада катъирик жаранглайди: Билолнинг насибаси бало, Сухайбнинг насибаси саҳбо, бу уларнинг ёзмишида бор! Шундай экан, не балолардин Билол ўтгай, не саҳбодин Сухайб!

Шоир ижодининг ҳайратбахшлиги шундаки, унинг мўъжизакор санъати лирик шеърларида ҳам, достонларида ҳам, ва ҳатто насрий асарларида ҳам бирдек намоён бўлган.

Навоий насрининг ўзига хос намуналаридан бири “Хамса”даги насрий сарлавхалардин. Муаллиф асарнинг ҳар бир бобига маҳсус сарлавҳалар қўйган ва шоирнинг лирик шеърлари сингари, юксак бадиияти билан ажралиб туради. Жумладан, “Фарход ва Ширин” достонида Фарходнинг Корандан тошйўнарлик, Монийдан рассомлик сирларини ўрганиши хикоя қилинган XVI бобга шундай сарлавҳа қўйган:

“Фарҳоднинг Коран била хоро йўнарда муқорин бўлуб, балки ул Ойнинг бу Зуҳал била қирон қилмоги ва бу фанда анга соҳибқиронлиқ эшиги очилмоги ва Моний қалам мўйидин тасвир фанин қалам-бақалам, балки мў-бамў билмоги ва жамии санойињ ва ҳунар дақоқиқи аниңг илгига келмоги...” (4, 88)

Сарлавҳа ташбех, истиора, шибҳи иштиқок каби санъатлар мужассами бўлиб, бунинг калити – Коран ва Моний. Бироқ, санъатлар моҳиятини тўла англаш учун аввал Фарходга аталган тўрт боғ ва тўрт қаср курилиши тасвирланган XVI бобнинг сарлавҳаси билан танишиш керак. Боб сарлавҳаси шундай: “Мулкоронинг тўрт равзаси Эраммонанд била тўрт қасри фалакпайванд иморатин тўрт айриб, ҳар бирига Зуҳалваш саркор ва Аторудсон меъмор таъйин қилиб, рубъи маскундек ободлигига машгул бўлгони ва Фарҳоднинг иш тамошосига келиб, ахли ҳунар санъатини тамошо қилиб, Корани сангтарош ишига етишгач, гаробатидин фахми тешаси ул иши идроки хорасидин кунд бўлуб, қуёши магриб тогига майл этгандек аниңг хораси устига тушуб, мумдек кўнглига “Кан-нақши фил ҳажар” бўлгони” (4, 79-80).

Сарлавҳада вазир Мулкоронинг Фарҳод учун гўзалликда Эрам монанд тўрт боғ ва баландликда фалак пайванд тўрт қаср курилишини бошлаб, уларнинг ҳар бирига Зуҳалваш саркор ва Аторудваш меъмор таъйинлаб, Фарҳоднинг ҳунар ахли санъатини тамошо қилиб, тошйўнар Коран

махоратидан хайратга келиб, сангтарошлиқ сирларини ўрганиш иштиёки күнглида тошга ўйилган нақшдек ўнашиши хикоя қилинган.

Шоир боғ ва қасрлар таърифига киришаў экан, ташбехи мусалсални (кетма-кет ташбехлар) қўллади: боғлар Эраммонанд, қасрлар эса фалакпайванд, Эраммонанд боғ саркорлари Зухалваш, фалакпайванд қаср меъморлари Аторудсифат. Боғ ва қаср тасвирига мувофик ташбехлар занжири ҳам жуфт-жуфт: 1) боғ – Эрам – қаср – фалак; 2) саркор – Зухал – меъмор – Аторуд.

Тўрт боғнинг “Эраммонанд”, тўрт қасрнинг “фалакпайванд” эканлиги тушунарли. Аммо саркор билан Зухал, меъмор билан Аторуд ўртасида кандай алокадорлик бор? Шоир нечук Эраммонанд боғ саркорларини Зухалга, фалакпайванд қаср меъморларини Аторудга ўхшатди? Меъмор ва Аторуд ўртасидаги ўхшашлик маълумдек туюлади: фалак баланд, Аторуд фалакдан ҳам баланд – у иккинчи фалакдаги сайёра, қасрлар баландликда ҳам фалакка, ҳам Аторудга ташбех қилинган: ҳам фалакпайванд, ҳам Аторудсифат. Аммо бу фикрга ишониш учун бир иштибоҳ монелик киласи: Ташбехлар жуфт-жуфт экан, Аторуднинг жуфти бўлган Зухал билан саркор ўртасида ҳам шундай алокадорлик бўлиши лозим. Бирок, меъморлар ва Аторудни бир-бирига боғлаб турувчи ришталар нималардан иборат?

Энди дастлабки сарлавҳага кайтамиз. Сарлавҳалар бадиияти тилсимининг қалити – Қоран ва Моний эканлиги таъкидланди. Қоран ва Моний қалитларини ташбехлар занжирига солиб кўрамиз: 1) саркор – Зухал – Қоран; 2) меъмор – Аторуд – Моний.

Зухал ва Қоран, Аторуд ва Моний! Зухал ва Аторуд – сайёра, Қоран – тошйўнар уста, Моний – рассом. Самодаги сайёralар билан оддий тошйўнар ёки рассом ўртасида кандай алокадорлик бўлиши мумкин? Зухал билан Қоран, Аторуд билан Моний орасидаги фарқ ер билан осмонча! Бирок, шоирнинг бекиёс истеъод ва тафаккури кудрати шундаки, у бир-биридан узок тушунчалар орасидан ҳам мустахкам ришталар топиш ва уларни бир-бири билан боғлашга қодир. Аввало, Аторуд ва Моний ҳакида. Аторуд,

осмоннинг иккинчи қаватидан жой олиш билан бирга, бир катор одат ва сифатларга ҳам эга. У гоятда билимдон, айни чоғда, найрангбоз сайёра, нилуфар ранг сохиби, фалак котиби, кенг маънода эса қалам ахли: шоир, рассом ва меъморларнинг пири-комили. Демак, Аторуд ва Монийнинг ёнмаён кўйилиши бежиз эмас: Моний рассом бўлса, Аторуд мўйкаласохибларининг пири-устози. Фалакпайванд каср иморатига таъян қилинган Аторудсон меъмор ҳам Моний. Зеро, у меъморгина эмас, меъморлик санъатининг Аторудсифат пири ҳам!

Зухал ва Қоран алоқадорлигини толиши учун Зухал тавсифномасини кўздан кечирамиз: еттинчи осмон сайёраси, ланг, яъни чўлок. Жуда секин юрувчи, такводор обид, шу билан бирга, наҳс (бадбаҳт, баҳтсизлик келтирувчи) юлдуз, кора ранг сохиби. Аторуд рассомлар пири эди. Анлашиладики, Зухалнинг хеч бир сифати тошйўнарлик билан боғлиқ эмас. Зухал ва Қоран орасида на маъно ва на шакл жиҳатидан кўзга ташланиб турувчи алоқадорлик сезилади. Энди эътиборни Қорангага қаратамиз. Манбаларда унинг тошйўнар уста эканлигидан ташкири хеч нарса дейилмаган. Қоран исми ҳам, унга сингдирилган маънолар ҳам Навоийнинг ўзидан кидириш керак. Агар Қоран сўзига жиддий эътибор берилса, унинг икки кисмдан иборат эканлиги ойдинлашади: кора+н. Демак, Қораннинг ўзаги кора, “н” эса унга қўшилган қўшимча!

Маълум бўладики, шоир етти сайёра ичидан Зухални бежиз танлаган эмас. Қоран – аслан, кора. Шундай экан, бадиий тасвир учун Зухалдан кўра мосрок тимсол бўлиши мумкинми: Зухал ҳам Қорандек кора, чунки у кора ранг сохиби! Ташбехи измор, яъни яширин ташбех Қоран ва ҳатто Зухал фазилатларига фазилат кўшган: Қоран Зухалваш: моҳир сангтарош, шу билан бирга, Зухалдек улкан ва кудратли! Зухал эса Қоранваш: энг катта сайёра, шу билан бирга, Қорандек сангтарошлар пири-комили!

Шоир Қоран ҳакида сўзлар экан, ҳамма нарсани Қоран рангига бўйди: *теша* (темир) кора, *тош* кора, *тоз* (тош) кора, чўкич кора, мум кора. “Кан-

накши фил-хажар” ибораси эса “хажар ул-асвад” – **кора тошга тўғридан-тўғри ишора!**..

Келтирилган байт ва сарлавҳалар тахлили кўрсатиб турибдики, улуғ шоир асарлари услубига хос бўлган шундай бир фазилат бор: бу фазилатни юксак таносуб ёки силсилавий алоқадорлик, деб айтиш мумкин. Лавхаларда силсилавий алоқадорлик ўзига хос тарзда юзага келади. Шеърий байт ёки насрый парчада бир ёки икки асосий, маъно юки юкландган сўз бўлиб, матнидаги барча сўз ва тасвирий воситалар айни сўз, сўзлар билан бирор жихатдан: ё мазмун, ё шакл, ё ранг, ё макон, ё замон, ё бошқа жихатдан алоқадор бўлиши табиий. Силсилавий даҳлдорлик усулларидан бири сохта ўзакдошлиқ – шибҳи иштиқоқ санъати бўлиб, унинг ғазифаси сўзларнинг маънодошлиги билан асосланган фикр ёки кечинмани шаклий муносабатлар орқали янада ишончлироқ ва жозибалироқ тасдиқлашдан иборат.

Адабиётлар:

1. Алихонтура Согуний. Тарихи Мухаммадия. Босилган жойи, йили кўрсатилмаган.
2. Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 3-том. –Т.: Фан, 1988.
3. Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 4-том. –Т.: Фан, 1988.
4. Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 5-том. –Т.: Фан, 1988.
5. Исҳоқов. Навоий поэтикаси. –Т.: «Фан», 1983.
6. Мухаммад Хузарий. Нур-ул якин. – Т.: «Чўлпон - Камалак», 1992.
7. Панова В.Ф. и др. Жизнь Мухаммеда. – М.: Изд-во политической литературы, 1991.
8. Навоий асарларининг лугати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1972.
9. Фиёсулдин Мухаммад. Фиёс ул-лугот. Жилди 2. – Душанбе: «Адиб», 1988.
10. Ҳожинаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т.: «Шарқ», 1999.

Исломжон ЁҚУБОВ НАВОИЙ ҚАЛБИННИГ ОЙБЕКОНА ИНКИШОФИ

Ойбек “Навоий”¹ достонида Алишер Навоийни XV асрнинг кескин зиддиятлари фонида лирик туйгулар билан ифода этди. Достонда муаллиф каҳрамоннинг ички ва ташки портретини чизибгина қолмай, унинг ижодий

¹ Ойбек. Танланган асарлар 4 томлик. 1 – том. Шеърлар, поэмалар. – Т.: Фан. 1957, 273-282-6

лабараториясига ҳам кириб боради. Навоийни қизғин ижодий меңнат жараённда тасвирлаш орқали ижод психологиясини очишга интилади. Мухими шундаки, достонда улуғ шоир рухиятининг тадрижи ички контрастли коллизиялар орқали очилади. Навоий характерига хос сифатлар даврнинг номарғуб ҳодисаларига қарама-карши қўйиб тасвирланиши усули шоирга инсоний улуғворликни кенг кўламда ифодалаш имконини беради. Характерларнинг ўзаро кураши, мавжуд шароит ва характер ўртасидаги тўқнашув драматик коллизия макомини касб этади. Достонда туйғу-кечиммалар тўқнашуви таъминланади. Коллизия муайян даражада тасвирланаётган воқеалар ва ғоя бирлигига ҳам намоён бўлади.

Асарда қаҳрамоннинг ўй-хаёллари дунёсига, тафаккур оламига-алоҳида зътибор қаратилган. Алишер Навоий ўтган воқеалар ҳақида чукур ўйлар уммонига ғарқ бўлади. Унинг тафаккур уфқларини банд этган масалалар кўлами жамиятдаги мулкий тенгсизлик ва инсон фарзандининг азалий муаммоларига ҳамоҳанг. Жамият тартиботидаги турли иллатлар: саройда фитна-фасоднинг авж олиши, юрт дарғаларининг талончиликлари, шоҳ Ҳусайннинг майшатпарастлиги каби масалалар бу нозиктъб инсоннинг катта ташвишларига сабаб бўлади. Шу орқали Ойбек қаҳрамон онги ва психологиясини шакллантирган XV аср зиддиятлари ва адолатсизликлари, уларни бартараф қилишга интилган инсон улуғворлигини кўрсатишга муваффақ бўлади.

Ойбекнинг шоирона хаёллари узок асрлар қаъридан Навоийнинг улуғ рухини ёрқин кўра олиши. Навоёна нуронийлик, кордай оппок сокол ва кўзларда акс этиши тизгинсиз мұхаббат ҳамда андак малолланиш жилваларини туяди шоир. Пешонасида порламиш даҳолик мұхрларини илғаганида гўё булатлар сийнасини ёриб офтоб порлагандай туюлади унга. Навоий киёфасидаги қўркамлик ва юзларига тушмиш ажин изларигача кузата олган синчков нигоҳлар, энди унинг қўнгли ва фикрига хос буюкликни ўша ажин чизгиларидан уқмок тилагида ёнади. Киёфасига хос мағрурликни

яширгандай, бошлар хиёл эгилган, куюкқина кипригу қошларда жиддият, нигохларда эса теран сермаңолик мужассам. Унинг бутун чехрасида хаёт излари, тажрибалардан келинган тұхтамлар мужассам. Барча-барчаси донишманд шоир улуғ рухига вобаста. Буни илкис пайқаган мисол гүё Навоий мийикларида бир табассум ўйнаб, нозик ва силлик ҳаракатлар билан самимий, илик тавозеъ килади. Ойбекона тахайюл қудрати Навоий сиймосига хос бу нағисликни илғай олади. Асрлар қаъридан улуғ устоз овозларини әшитгандай бұлади. Ўта нозик, айни чокда гүзәл ва нашъали түйғулар сохиби ҳамда Навоий ишқида ўртанған күнгилгина *БҮЮК ШОИР* ва *УЛУФ ИНСОН* нинг ана шундай хаёлий портретини хис этмоғи, нағис ифодалай билмоғи мумкин.

Навоиёна ингичка завқни Ойбек шоир ижодхонасидаги жиҳозларнинг тартиб билан танланишида мужассам тоғын маънолардан кидиради. Титраб ёнаётган олтин шамдон ёруғида токчаларга терилған китоблар аксланади. Шамнинг титроғи шоир қалбининг безовталигига ишора бұлса, унинг олтин шамдонға ўрнатылғаны эса, Навоий хаётининг зохирий тұқислигини ифода этгандай туғолади. Токчаларга терилмиш китобларнинг ғира-шира ёритилгани юш шұълаларидан қип-кизил чүгдай гиламларнинг “қон ғуллари ёниши” тасвиридаги котрастликда Ойбек шоир яшаган даврда маърифатта әзтиборнинг даражасини ифода этади.

Буни англагандай, илхоми қайнаган Навоий тинмай ёзар экан, тобора фикрлари тошиб бораверади. Тун сукунати аро ёлғыз қолган Навоий дикқатини на олтин шамдон, на чүгдай гиламларга хос ташқи дунё ҳою ҳаваслари жалб этолмайди. Илхом онларига хос илохий лаҳзаларда хар сатри тоза ашъорлар нағис коғоз сахифаларини түлдирап экан, савағич қаламнинг қитирлашигина бетакрор лаҳзалар сукунатини бузадилар. Навоийнинг хаёл парвозлари сүз чаманзорини турфа ранглар билан яшнатади. Шоир фикр оти чексиз самоларга парвоз қылған. Умр күёши оғиб бораётганига қарамасдан, айни лаҳзаларда қаҳрамон тоғ шалоларига хос жүшкін, ёшлиқка хос

шижоатли. Чунки соч-соқолини чулғаган қиров ижодидаги айни ёзга рахна сола олмайды. Илло, “Хамса”да акс этмиш офтоб Навоий қалбига хос буюк күёшнинг фақат бир ёлкини ҳалес.

Шоир илхом парисини чўчитмаслик тилагида гўзал “Унсия” ҳам уйқуга чўмган. Ажабо, бу қадар ички интизом билан ижодга машғул бўлмоқ учун кишига нечонлик чидам ва матонат керак экан. Яратувчанликдан фарогат топмок, қанча кўп ёзган сари руҳида улкан бир осойиши туймок учун аслида чидам ва матонатнинг ӯзигина етарлимикин,-деган хаёллар чулғайди Ойбек дилини. Шунда у ўз қалбидаги тутулган бу хайрат учун ҳам жавобни Навоий ҳаётининг мазмунидан топгандай бўлади: улуғ шоирда килаётган ишига бўлган чексиз меҳр-муҳаббат ҳам мужассам эди. Узок-узоклардан ҳўрозларнинг неchanчи борадир қичқириги эшитилганида, тун сукунатини бузуб қичқириувчи посбону миршаблар саси тинганида Навоий ҳам енгил бир тин олади.

Кўринадики, Ойбек харакатдаги борлиқ ва инсон тақдирини узвий боғлиқликда идрок этар экан, Навоий ижодий руҳига анча чукур кириб бора билади. Ҳакикат ва абдиятнинг мезони сифатида санъят асаринигина эътироф этади. Навоий ижодий юксалишини шоирнинг хоҳиш-иродаси, илхом уфкларининг кентлигига билангина бояламайди. Ойбек буни англанган зарурият деб тушунади. Демак, Ойбек билишни инсоннинг субъектив иқтидори санайди. Ана шу тамойилга таяниб инсонни космик қамровда олиб карайди. Уни олам ва борликнинг асоси ҳамда моҳияти сифатида англаш сари юксалиб боради.

“Бинафша боғ”нинг чиройли хиёбону чаманзорларини ёлғиз кезар экан, Навоий ҳар бир гўшада янги бир гўзаллик лавҳаларини илғайди. Ҳатто, мадорсиз кўзғолган шамолнинг баргларни хушхол елпишидан тортиб, сояда секин жимиirlаётган нур жилваларию япроқлар орасидан эшитилаётган күшлар сайроғигача шоирнинг синчков нигоҳидан четда колмайди. Унинг илхом торларига жон бағишилаган манзаралар кўнгилдаги бекарорлик ўрнини

ширин бир осойиш эгаллашига, янги бир ғазалнинг ғунча очишига туртки бўлади.

Навоий маҳобатли кўшк томон қайрилган аснода мевазордан чиқиб келган боғбоннинг боши саломга эгилади. Унинг кўзларида севинч ва шоирга эҳтиром порлайди. Ўз меҳнатидан мамнун боғбоннинг ilk узилган меваларни Навоийга илиниши ва ҳосил мўллигидан суюниши ғоятда миллий бўёкларда чизилади. Мухаббат ва самимият рамзи, дил изҳори бўлган бир патнис олманинг Навоийга тортиқ килинишида ҳам ўзига хос мажозийлик мужассам. Рангу жилоси кўзни олгувчи ёқут олмаларнинг бир жуфтинигина кўлига олиб, завқ билан ҳидлаётган лаҳзалардаги Навоий қалбида тўйғуларнинг яшаришини моддий ҳақиқатлар қадар ёрқин манзараплантиради шоир. Достонда Навоийга бўлган элнинг муҳаббати ўша бир жуфт тўқис ёқут олмалар орқали рамзлантирилади.

Айни пайтда, шоирнинг боғбонга қилган лутфидаги ҳам мазкур мажозийлик акс этади. Олмалардан ҳар куни болаларга улашмоқ, уларнинг кўзларида кувонч порлашини хис этиб, бундан ғоятда мутаассир ва мамнун бўлмоқ лавхалари орқали Ойбек, Навоий кўнгил манзарапарини ҳам шуълалантиришга эришади. Тазимкор кулнинг шоирни қўлтиклаб баланд кўшкка олиб чикишида Навоий ва оддий одамлар ўртасидаги ўз табакасидан катъий назар инсоний илиқлиқ ришталари ўрнатилганингига ишора килинади. Кекса шоирнинг бу қадар юксак кўшкда ўтиришида ҳам ўша ишоравийлик мужассам. Гиламларнинг жонлангандай нафис гулларини енгил босиб, эгнидаги ипак жомасини ечгач, ўз ўрнига охистагина ўтирган Навоий ҳатти-харакатларида накадар сиполик, осойишталик, қиёфасида эса нуронийлик мужассамлигини Ойбек китобхонга хис килдира олади. Новдаларнинг шивири эшитилиб, чечакларнинг атри димокқа урилиб турган кўшкдан яшил боғу экинзорлар кафтдагидай кўриниб туради.

Энди Ойбек Навоийнинг фикрини банд этган зиддиятли ўй-хаёллар тасвирига ўтади. Ям-яшил боғу экинзорлар манзарасидан тўлкинланиб,

кўзларида кувонч порлаган шоир қулокларига қарши тепада оддий чўпон чалган най наволари эшитилади. Оғир меҳнатдан қадди дол бўлиб, ер чопаётган, усти юпуғ дехқон ғам-ташвишлари унинг фикрига миссли булатдай бостириб киради. Қафасда “ҳу-ҳу” лаётган бир жуфт қумрига кўзи тушганида эса мазкур манзаралар най нолаларига қўшилиб унинг дилини ўртайди. Шу тариқа Ойбек достонга ижтимоий адолатсизлик, ҳалдан ошган жабр-зулм ҳакидаги ғояларни олиб киради. Шоир эстетик идеалларидаги эл-улус бахти ҳакидаги орзулар билан реал ҳаёт манзараларининг қаҳрамон фикрида тўқнашуви нафакат тарқок лавҳаларни ягона нуктага жамлаш, балки баёнчиликдан ҳам сақланиш имконини беради.

Бутун умри давомидаги фаолияти ва ижоди орқали тождорнинг адолатпешалигига умид назари билан қараб келган Навоий хаёлини хотиралар узоқ мозийга етаклади. Навоий тафаккур ва ҳаёлот дунёсидан заминга қайтаркан, шоиру олимлар, муаррихлар, табиблар, мунажжимлар, хофизу мусикашунослар мажлисида фалсафадан илми ромгача бўлган мавзуларда баҳс-мунозара қизиган, ҳазил-мотойиба шеърхонликкка уланган лаҳзаларда шоирнинг фикр-ўйлари санъат ва адабиётнинг сирли-сехрли диёрига ошнолигидан дунё ташвишлари унтилгандай бўлади.

Шоҳ ҳузурига отда бораёттан Навоийнинг йўли бозор оралаб ўтади. Ҳар бири ўз матойини мақтаётган савдогарлар, арғимок отини елдириб, кишилар кўнглига зўр ғулғула солиб бораёттан нойиб, тоғ-тоғ шойиларни уйиб кўйган ҳасис чол баззоз ҳам унга таниш. Уларга хос зўраки магрурлик, ҳаромдан ҳазар қилмасликдан нафратланади. Айни пайтда гала-ғовур шу бозорда ғўздан олган хосилини кўтарган муштипар кампир, эшакка чўп-ҳас ортган хорғин ўтинчи чол, килмишлари учун сазойи қилинган ўғри, рангпар муллабаччалардан тортиб йигитларни сирли имлаётган жувонларгача бор. Зўравоннинг ҳам, бечоранинг ҳам қайғуси бозор. Бозор васвасаси билан банд бу улкан қавмдан фарқ килароқ, Навоий фикр-ўйлар гирдобига фарқ. Бозордан аста кечиб бораётган улуғвор қиёфадаги бу инсонни эзгу ишлари

ва ижоди орқали таниган ёшу қарининг эктироми ҳадсиз. Шоир ҳам ҳаргиз уларга эътиборсиз эмас.

Ойбек навбатдаги лавҳада “Боги жаҳон оро”га етиб келған Навоийни шохнинг кундалик мажлислиридан бирида тасвиirlайди. Сарой қулиқчи-мулозимлари билан ичкарига қадам қўйган шоир нигоҳи орқали саройнинг ички ҳаёти кузатилади. Атрофи анвойи гуллар билан безатилган чаманзорда қад ростлаган нафис кўшқда ўтирган Султон Ҳусайнинг таъзим қилган Навоий, шоҳга ифрат айшнинг чиркин соясидан келмиш ғуборлар ғалати бир фалажлик, жисмоний ва рухий ожизлик бағишилаганлигини пайқайди. Унинг назарида султон ғоятда тез қариб қолгандай туюлади. Бундай ўринлар билан танишганда Султон Ҳусайн сиймосини ифодалашда Ойбек рухий-психологик таҳлил йўлидан бориб анча реаликка эришганлиги аён бўлади.

Саройнинг зийнати ва шоҳни қуршаган мулозимларнинг одобиу тартиб-интизомида ҳеч нуксон йўқ. Аммо шоир шовкин-суронли бу мажлис ҳангомасини батафсил тасвиirlашдан тийилиб, базм ибгидоси баёни билангина кифояланади. Тийиксиз оломон узун кеча бўйлаб кўрсатажак машмашаларнинг муҳтасар тасвиридан ҳам мазкур давра ахлининг маънавий қиёфасини англаш, Навоий учун нақадар бегоналигини ҳис килиш мумкин. Аслида, Ойбекнинг максади шугина эмас, балки оддий халкнинг факирона турмушига мазкур манзараларнинг нақадар зид эканлигини кўрсатишдан ҳам иборат. Жабр-зулмнинг авж пардаларига кўтарилиши, халк фиғонининг фалакка етгулик эканлигидан заррача ташвиш чекмаслик, етим-есирлар холидан бехабарлик, ўзаро ёв бўлган шахзодаларнинг элни талашда бир-биридан ортиклиги мудом ишратга ботган шохнинг локайдлиги билан боғлаб талқин қилинади. Ички туйгуларини зоҳирлан ошкор қила олмаган Навоий чин маъноси-ла бу мажлисга бегона, - деган эстетик хулоса хукм чикарилади.

Шу тариқа, Ойбек Навоий маънавий-рухий оламини инкишоф этади. Ижодкор инсоннинг психологик кайфиятини, юксак идеалларга тўла

туйгулар дунёсини англаб етади. Алдамчи дабдаба ва шовкин-суронли хангомаларга йигитликда noctor чидаб келган шоир эндиликда ўзга бир дунё ҳавасида ўрғанади. Бу қалбда түгөн урган завқлар дунёси, илхэм мавжлари барк урган диёр. Унда мастрарнинг товуши эмас, меҳнат шавки ва яратиш завқи хукмрон. Шу боис Навоий шохнинг “марҳамат”ларига қўл силтаб, илҳом ва ижод кучоғига кайтади. Гарчанд Султон Ҳусайн унинг бу қарорини ўзига нисбатан қилинган шафқатсизлик деб тушунган, уни саройга кайтаришга неча бор уринган бўлса-да, шоир аҳдида собит қолади.

Бундай ўринларда Ойбек ўз даври навоийшунослигида мавжуд қарашларга эргашган. Шу боисдан ҳам у Навоий ва Султон Ҳусайн шахсиятидан зиддият қидиришга ҳам уринган, албатта. Зоро, шўро даври мафкураси учун унинг шоҳ эканлигининг ўзиёқ қора бўёкларда тасвирилаш учун етарли асос берар эди. Ўз даврининг фарзанди бўлган Ойбек ҳам бундай мафкуравий талаблар билан хисоблашишга мажбур эди. Қолаверса, навоийшуносликнинг бугунги тараққиётida етиб келинган тўхтамларни Ойбек достони олдига қўйиш ҳам илмий холисликка хилофдир.

Саройни ва дўсти Султон Ҳусайнни тарқ этиб чиқкан шоир қалбини шодлик эмас, ғам кўлакаси коплайди. Ярим тун бутун шахарнигина эмас, гўё жаҳаннамдай қаролиги билан Навоий фикрларини ҳам забт этгандай. Навоийга гўё бутун шахар ва унга кўшилиб кўхна дунё ҳам тин олаётгандай туюлади. Шундай кайфиятда бир маҳалладан ўтаркан, иттифоқо кичик бир кулбада кимдир майин бир куйнинг жўрлигига, охииста ва гўзал овозда унинг шеърларини ўқиётгандигини эшишиб қолади. Ана шундагина, яратган шеърлари узок-яқин ўлкаларда шухрат топганлигини билгани ҳолда, айни лаҳзанинг хузурбахш таъсирида Навоий қалбida тизгинсиз бир севинч тошади. Ижтимоий курашлар гирдобига ташланган даврларида ҳам шоирга бир умр рух бериб келган ягона истак-ижоди билан ҳалкка хизмат килмок, энг кичик кулбаларгача кириб бормок, инсонлар қалбига маънавий мадад бўлмок умиди эмасмиди. Навоий бетакрор ана шу лаҳзадан улкан маънолар

топиб, мислсиз ифтихор сезиб, санъат бодидан турфа гулдасталар теришга астойдил киришади. У шеър ахлининг байроқдори бўлиб асрлардан асрларга ўтулик шон-шуҳрат топади.

1937 йилнинг декабрида, айни қиши чилласида Навоий руҳидан илҳом олиб битилган бу достондаги руҳий иликлик китобхонни бефарқ қолдирмайди. Уни мутолаа қилиш жараёнида шу нарса ҳам аён бўладики, Ойбек ҳам рухан, ҳам ижодий такомилининг ички тадрижи жиҳатидан анча камолга етган. У Навоий романида айтишни мўлжаллаган айрим дардларини достонда тўла рӯёбга чикарган. Шу маънода, “Навоий” романини асло камситмаган ҳолда, айтиш мумкинки, мазкур достон Ойбекнинг Навоий қалбини шоирона нозик илғаси ва ифода этишида юксак мақомни ишғол этади. Айниқса, романдагидан фарқли ўларок, Навоийнинг тарихий жараёнларга ҳамиша ҳам боғлаб қўйилмаганлигининг ўзиёқ шундай дейишга тўла асос беради.

Фарида КАРИМОВА

МУШТАРАК НУҚТАЛАР: АДОЛАТ – МЕЗОН

Ҳар бир ижодкорнинг жамиятдаги ўрни унинг келажак авлодлар учун қолдирган адабий мероси, умумжаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси билан белгиланади.

Буюк озарбайжон шоири Низомий ҳам Ҳомер, Фирдавсий, Данте, Шекспир, Пушкин каби буюк сўз санъаткорларидан бўлиб, авлодларга бекиёс маънавий мерос қолдирди. Унинг умуминсоний ғоялар тажассуми бўлган «Панж-ганж»и чуқур мазмуни ва гўзал бадиияти билан алоҳида ахамиятга эга.

Маълумки, инсонпарварлик, халкпарварлик, инсоний фазилатларни таргиби билан биргаликда адолатни улуғлаш, зулм-зўрликни коралаш барча замонларда ҳам адабиётнинг бош мавзуларидан бўлиб келган. Хусусан,

адолат, адолатпарварлик мавзуи шоир достонларининг мағзи-мағзини ташкил этади. Унингча, хукмдорлар адолатпарвар ва маърифатпарвар бўлса, мамлакат обод бўлади, эл-юрт осойишталиқда яшайди. Агар подшоҳ золим ва жоҳил бўлса, мамлакат хароб, эл-юрт хонавайрон бўлади.

Зулмга нафрат, адолатни улуғлаш ғоялари, хусусан, “Махзан ул-асор”нинг Ануширвон, золим подшоҳ ва ҳақиқатгүй мўйсафи, Султон Санжар ва кампир ҳакидаги ҳикояларида ёрқин акс этган. Бу жиҳатдан “Султон Санжар ва калир ҳикояти” характерлидир.

Ҳикоятда келтирилишича, бир кампир шоҳнинг маст-аласт миршаблари туфайли бошига тушган зулм ва зўрликлар устидан Султон Санжарга арз қиласи. Унинг арзу доди исёнкорона:

Эй султон, инсофинг кўрмадим ҳечам,
Бутун умр сендан кўрганим алам.
Кеча кўчамизга келиб маст миршаб,
Башарамга тенди бекор, бесабаб.
Уйларим тинтиди, истаб хунхорлик,
Эй шоҳ, бундан ортиқ бўлурму хорлик!¹

У Султон Санжарнинг золимлиги, ҳалкка ўтказган зулму ситамлари саройда авжига чиқкан майхўрлик ва ишратпарастликлар, ҳалқнинг подшоҳ ва унинг амалдорлари томонидан талон-торож этилишини кескин фош этади:

Сендан келур доим зулму бедодлик,
Кўрмадим ситамдин бир дам озодлик.
Шоҳлардан етишар ёрдаму ёрлик.
Сендан кўрганимиз ситаму хорлик.
Шаҳру масканимиз вайронна сендан,
Деҳқонлар хирмани бе дона сендан.
Бандасану шоҳлик даъво этасан.
Нечук шоҳсан. ёвуз ш ўрнатасан?!

¹ Низомий шеъриятидан Шарқ классик меросидан. Ш Шомухаммедов таржимаси. – Т.: 1983 (Кейинги мисоллар ҳам шу нашрдан олинди).

Кампир шоҳ иллатларини фош этибгина қолмайди, балки насиҳат йўли билан адолатли бўлишга, инсонларга зулм ўтказмасликка, мамлакатни обод, халк қўнглини шод қилишга, уларинг дилидаги дардларига малҳам бўлишга, мамлекат равнақи учун курашишга чакиради. Шундагина мамлакат ахли унинг фармонларига бош эгади:

Шоҳ бўлсанг тартибга тушсин вилоят,

Раият ҳуқуқин қилгаш риоят.

Шунда фанмонингга бош эгар халқинг,

Ҳар дилда муҳаббат мӯзғатар хулқинг.

Бу факат кампирнингина эмас, балки шоирнинг ҳам исёни эди. Лекин шоир излаган адолатни у яшаган замондан қидириш бефойда. Шоир ҳикоят сўнгтида шундай хуласага келади:

Эндичи адолат топширас бир иш,

Симург қанотида ватан айламиш.

Яъни, адолат афсонавий қуш Симург қанотида ватан қилганлиги учун уни замондан ахтариш бесамардир.

“Йўлдаса бу йўлда Низомий йўлум” деган Навоий, аввало, Низомий чашмасидан баҳра олди, устоз асарларида илгари сурилган адолатпарварлик, халқпарварлик ғояларини “Хамса” достонларида ўз замонасидан келиб чиқкан ҳолда юксак тараннум этади. Адолат ва адолатпарварлик “Хамса” достонларининг бош мезонларидан бирига айланди.

Шоир “Ҳайрат ул-аборор”нинг учинчи мақолатида султонлар ҳакида фикр юритади. Маколат сарлавҳасидан кўринадики, султоннинг асосий бурчи мамлакатни адолат билан бошқаришдир. Шоир адолат сўзидағи “айн” ҳарфининг булоқ маъносидан фойдаланиб, ҳарфий санъат ва ташбих воситасида гўзал поэтик тасвир яратади. Яъни, “айн лу-ҳаёт ҷашмасининг зилол сувлари мулк бўстонини обод қилиши керак. Лекин султонлар “зулм богида май ичib, гул сочарлар, балки майдин ҳар дам ўзгача гул очарлар”.

Маколатда шоир золим подшоҳлар ва улар киёфасидаги барча иллатларни баъзан кескин, баъзан пардали фикрлар остида фош этади.

Навоий “Ҳайрат ул-аброр”даги шох Ғохий, Баҳром, оёғи тойилиб кетган қул хикоятларида адолатли подшохлар тимсолини яратади. Бу жихатдан “Шох Ғозий хикояти” характерли:

Маълумки, шох Ғозий (Ҳусайн Бойкаро) тахтга ўтиргач, мамлакатда адолат ўрнатади:

*Адл эшигин элга күшод айлади,
Тахт узра ўлтурдию дод айлади.
Тузди бузукларни иморат била,
Зулмни дафъ этти адолат била.*

Ҳатто подшох жангда ўлдирган ўғлининг хунини талаб қилган капирнинг арз-додини адолат билан ҳал қиласиди:

*Деди: “Қасос айласанг олингда бош,
Сиймни ол гар гаразингдир маош...”*

“Султон Санжар ва кампир хикояти”да кампир султон зулмини фош этиш билан бирга, мамлакатни адолат билан бошқариш хусусидаги насиҳатини беради. Лекин булар бефойда. Шунинг учун ҳам шоир хикоят сўнггида замонадан адолат кидириш бесамарлигини таъкидлайди.

Навоийда шоҳдан адолат талаб қилган кампир унинг одиллигини кўриб, ўғлининг хунидан кечади, сийму зарни олиб “Золи зар” номи билан машҳур бўлади. Таъкидлаш керакки, “Шох Ғозий хикояти”даги кампир тимсолининг кўп жихатларини тўлдиради.

Умуман, Низомий ҳам, Навоий ҳам “Ҳамса”нинг барча достонларида адолат ва одил ҳукмдор масаласини замонанинг энг муҳим муаммоларидан бири сифатида қаламга оладилар, давр манзараларини ўзига хос йўсина талкин этадилар. Бу ҳар иккин шоир ижодининг муҳим жиҳатларидир.

Адабиётлар:

1. Низомий шеъриятидан (Ш.Шомухамедов таржимаси). –Т.: 1983.
2. Алишер Навоий. “Ҳайрат ул-аброр” // МАТ, 20 томлик, 7-том, -Т.: Фан, 1991.

ОГАХИЙ ҒАЗАЛЛАРИДАГИ СҮФИЁНА ТАЛҚИНЛАРДА НАВСИЙ АНЬАНАСИ

Адабий жараён маҳсули бўлмиш хар бир асар маълум сабабсиз юзага келмайди. Буни икки жихат билан асослаш мумкин.

Биринчидан, ижодкор асар яратётганда ўз олдига эзгу ижодий максад кўяди, қолаверса, бу олий истак бутун олам, ундаги жонзорлар, олий хилқат хисобланмиш инсоният манфаатларига йўналтирилган бўлади.

Иккинчидан, бадиий ижод тараккиётини таъминловчи асосий омиллардан бўлмиш адабий таъсир жараёни санъаткорнинг издошлиқ, адабий анъанавийликка ихлос ва садокат хислатларини намоён этиб, асарнинг бош маъсади ва моҳиятини белгилаб беради.

Буюк инсонпарвар ва новатор шоир Алишер Навоий ўз ижоди билан нафақат замондошлари, балки ўзидан кейинги асрлар қалам ахлини ҳам илҳомлантириди, уларни етук асрлар битишга унадади.

Ана шундай издошларидан бири XIX аср Хоразм адабий мухитининг забардаст вакили Мухаммадризо Эрниёзбек ўғли Огахийдир.

Навоийнинг улкан адабий таъсири Огахий шеъриятининг барча жанрида, жумладан, ғазалиётида ҳам воқеликни бадиий идрок этиш, маънавий, лафзий санъатлардан моҳирона фойдаланиш, умуминсоний гоялар инкишофи, шунингдек, сүфиёна гоялар талқинларида яққол кўзга ташланади.

Мазкур маколада ана шу жихатларнинг сўнггисига, яъни Огахий ғазалларидаги тасаввифий талқинларда Навоийнинг адабий таъсири масаласига тўхтамокчимиз.

Огахий тасаввифни инсон руҳий-маънавий камолотининг асосий воситаси, бош идеал гоя сифатида қабул қилиб, уни қизғин тарғиб этган шоирдир. Инчунун, зуҳд ахлига зоҳид, таваккул сохибларига мутаваккил,

маърифат арбобларига ориф дейиларкан¹, Огаҳийни ҳам ориф – шоир, дея эътироф этишга тўла ҳақлимиз.

«Таъвиз ул-ошикун» девонинг тузилиши ҳам Навоий девонлари тузилишини эслатади: Аввал Парвардигор ҳамди, кейин эса Пайғамбар (сав) нағти, ундан кейин орифона ғазаллар, сўнгра ошикона ғазаллар келтирилган. Бундан ташқари, девон ичидаги ҳар бир ҳарф билан бошланадиган ғазалларнинг биринчиси тасаввуфий – орифона ғазал экани ҳам Навоий анъаналарининг кўринишидир. Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, ҳамд ва наът ғазаллар шунчаки Аллоҳ азамати ва Мухаммад (сав) таърифидан иборат эмас. Бу ғазалларда тасаввуфнинг ваҳдат ул-вужуд ғоялари акс этган, яъни одам ва олам бирлиги, олам ашёлари, одам қалбида Оллоҳ нурининг тажалии этиши санъаткорона тасвирланган.

Навоийнинг тасаввуфий талқинлари кўпроқ ошикона руҳда баён этилса, Огаҳийнинг сўфиёна мушоҳадаларида панд-насиҳат руҳи устуворлик қиласи. Шу сабабли ҳам, Огаҳийнинг тасаввуфий талқинлари билан танишар эканмиз, кўз ўнгимизда тасаввуфни теран идрок этган, тарикат мақомотларини, аввало, ўзи аниқ ва тиник тушунган, қолаверса, ўзгаларга ҳам унинг сирларини уқтираётган донишманд – мураббий, ориф сиймоси гавдаланади. Огаҳий нафақат бадиий маҳорат масаласида ёхуд новаторлик бобида, балки сўфиёна ғоялар талқинида ҳам Навоийга маслакдош.

Ушбу фикримизни янада ойдинлаштириш мақсадида эътиборингизни куйидаги таҳлилларга қаратамиз. Навоийнинг «Наводир уш-шабоб» девонидаги ғазалларнинг бирида шундай байт бор:

*Фақр эрур бир лафзу шарҳи ёзилур юз минг китоб,
Не учунким, хуш келур айттурда итноби анинг².*

Маълумки, факр – тарикатнинг макомларидан бири. Бу мақом соликдан беҳад машакқатни, риёзатни талаб этади. Факр – дунё ноз-

¹ Иброҳим Ҳаккул Тасаввуф сабоклари –Бухоро. 2000. 142 б. б.30

² Алишер Навоий Наводир уш-шабоб. -Т.: Ўздавнашр. 1963 й. 426-б. Навоийнинг нағбатдаги байтлари ҳам шу нағридан олинган.

неъматларидан кечиш, моддий мухтожликни енгиб, маънавий бойиш, рухни бойитишидир.

Бундан ташқари, байтда факр деб, умуман, тариқатни, яъни тасаввуфни ҳам назарда тутилаётир. Негаки, тасаввуф сўзи биргина сўз, аммо унинг маъно – мантиғи, моҳияти, ойину арконлари, силсиласининг шархи юз минглаб китобларга жо бўлади. Навоий таъбири билан айтганда, унинг номини ҳам хуш айтилиши бежиз эмас. Чунки сўфийлик – софлик, бегуборлик, ҳам зоҳирان, ҳам ботинан покликни тарғиб этиш.

Навоийнинг ушбу қарашлари Огахийнинг қўйидаги байтида яна-да ривожлантирилган.

Факр заҳри зоҳиран гар бас очиғдур, энг кўнгул,

Лек они билгил ҳақиқатда чучук, аммо на талх¹.

Огахийча, факр макомининг, ёки кенгроқ оладиган бўлсак, тариқатнинг азоби-ю машаққатлари заҳри котилдай талх туюлгани билан, аслида, бу азобу риёзатлар ширин ва тотлидир. Навоий ҳазратлари таъкидлаганларидек, сабр аччик, аммо меваси ширин...

Навоий:

Аҳли айш олтун аёқ софин ичиб, кийдинг ҳарир,

Ким сафоли факр дурди басдурур шоле манго (12-бет).

Огахий:

Энг гани, ҳалвони таъриф этмаким, факр аҳлига,

Тортобон меҳнат топиб эрмас еган нондин лазиз (62-бет).

Пайғамбаримиз Расули Акрам (с.а.в)нинг: «Тангри сизларнинг ташки кўринишингиз ёки молу давлатингизга эмас, балки дилларингизга ва ишларингизга караб баҳо беради», – дея, эзгуликка далолат қилувчи ҳадиси мубораклари мавжуд.

Оламнинг ўткиичи ҳавасларига берилиш, нафса мағлуб бўлиш, натижада фақатгина зоҳирий гўзалликнинг асирига айланиш сўфиий учун

¹ Муҳаммадизо Огахий. Таъвиз ул-ошиёнин. I жилд. –Т.: Адабиёт ва санъат. 1971 й. 391-б, Б: 117. Огахийнинг наебатдаги байтлари ҳам шу асаридан олинган.

улкан фожиа. Шундан келиб чикиб, Навоийнинг лирик қаҳрамони «Олтун аёқ софин ичиб», қимматбаҳо ҳарир кийгандан кўра, «сафоли факт дурди» ва эгнидаги шол (сўфиylар ҳилқаси)га каноат қиласди.

Айни фикрлардан таъсиранган Оғаҳий лирик қаҳрамони ғани (бой – бадавлат кишилар) ахлини меҳнатсиз, беранж топилган ҳалвонинг мазасини таърифламасликка чақиради. Чунки бу ҳалвонинг таъми факт – тариқат аҳли учун ранжу алам, энг асосийси, ҳалол меҳнат эвазига топилган нон мазасидан тотли эмас. Шу ўринда Шайх Мухаммад Нуруллоҳ (қаддасаллоҳу сиррахулалийй)нинг гўзал бир сўзларини келтирамиз, яъни: «Дунёни кўр, сайд қил, ичига Кир, аммо дунё сенинг ичинга кирмасин»¹.

Навоийнинг солик образи пири дайру муғбачадан олислашни, йирок кетишни истамайди, чунки улардан айро тушиш – Ҳақ йўлини йўқотиш. Уларга яқин бориш, ёнида бўлиш – руҳий-маънавий юксалиш, демак:

Нечун йироқ бўлоли пири дайру муғбачадин,

Навоиё, чу аларнинг муриду бандасибиз (124-бет).

Бу фикр Оғаҳийда қуйидагича давом эттирилади:

Гоҳ пири дайрнинг ўтгил муборак илгини,

Гоҳ соқийнинг қўлида согари саршорин ўп (116-бет).

Нечун Оғаҳийнинг солик образи Пири комилининг илгини, унинг қўлидаги май тўла қадаҳни ўпмокчи, кўзига тўтиё килмоқчи? Негаки, пири муршиднинг ҳар бир сўзи, лутфи, назари солик йўлини яна-да ёритади, чароғонлаштиради. «Май тўла қадаҳ» («соғари саршор») – солик баҳраманд бўлувчи – Оллоҳ ишқи, илоҳий мухаббат эрур. Илло, «уни нўш этмай туриб» (Оллоҳга бўлган мухаббатни калбга, руҳга жо этмай туриб), сайру сулукни ихтиёр этиб бўлмайди.

Навоийнинг ҳам, Оғаҳийнинг ҳам бу талқинларида тариқатдаги фано фиш-шайх ҳодисоти акс этган, дейиш мумкин.

Фано фиш-шайх – муриднинг ўз шайхини чин дилдан, самимий бир тарзда севиши, ҳамиша уни ўйлаши, ул муборак зотнинг ёнида юргандай

¹ Умар Форук Саййидо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари - Т.: Мовароуннахр. 2000. 88-6 6:63.

харакат этишидир. Бора-бора шундай холга келадики, мурид ўзини доимо шайхининг ёнида хис қилади. Мен унинг ёнидаман, у ҳам менинг ёнимда, мен ибодатимга кўпроқ диккат қилмоғим лозим, яна ҳам мукъммалроқ ибодат этмоғим лозим, зикрларимга, аврод (дуо, тасбех, зикрлар)га жиддийроқ боғланишим лозим, деган тушунчага келади.

Огахий ғазалиётida Навоийнинг адабий таъсиридан юзага келган тасаввуфий талқинларни кўплаб учратамиз. Ҳатто, унинг айрим орифона ғазаллари Навоийнинг сўфиёна ғояларининг узвий давоми сифатида майдонга келган. Жумладан, Огахийнинг «Айшу роҳат истар эрсанг» ғазалини Навоийнинг «Эйки, файз истарсен ўзни сарвдек озода эт» ғазали таъсирида яратилган, десак янгишмаймиз. Ҳар икки ғазал ҳам тасаввуфнинг зарур шартлари ва талабларини қамраб олганлиги билан характерланади. Мисол тариқасида, ўзаро биттадан байтларни солиштириб кўрайлик.

Навоий:

*Кўмган ўлгойсен, бошингни бир овуч тош остида,
Толжиннга зийнат агар лаъли дуру бежода эт.*

Огахий:

*Ишрати дунё эрур андуҳи уқбо мужиби,
Орзуи жони шоду хотири хуррамдин ўт.*

Навоий фикрича, агар киши ўз тожини лаъл ва дурлар билан безар экан, бу билан у шодланмаслиги керак, аксинча, бошини бир ҳовуч тош остига кўмилганлигидан надоматта тушмоғи керак. Чиндан-да, дуру жавохирлар қурук тошлиқдан бошқага ярамайди. Қолаверса, инсон маънавий олами бу билан бойимайди. Бильякс, сийму зар йигишга ружу кўйган инсон маънавий-рухий тубанлик сари юз буради.

Айни эътирофнинг янада теран талқинларини Огахийда ҳам кўрамиз. Унингча, ўткинчи дунёнинг айш-ишрати, хаваси бокий оламнинг чексиз азоблари-ю, кулфатларига сабабчидир. Шунинг учун, жоннинг (албатта, бу ерда факатгина танннинг роҳати, рухнинг эмас) шоду хуррамлигидан, ишратидан воз кечмоқ ва бақо олами сари юзланиб, рух таловатини

таъминлаш афзал. Чунки инсон табиати икки асос – рухий ва моддий олам унсурларидан таркиб топгани учун бу унсурлар орасида кураш боради. Агар моддий асос бўлмиш жисм талаблари кучайса, у хирс ва шаҳват, ҳаёвоний нафс домига гирифтор бўлиб, борган сари тубанлашади. Бу ҳавфнинг олдини олиш учун киши доимий равишда рухий-маънавий эҳтиёжларини қондириб бориши, шу жихатни тарбиялашга бел боғлаши даркор¹.

Ана шу рухий-маънавий эҳтиёжларни эса фақатгина тариқат асоси бўлмиш илм-маърифат, ирфон ҳисобига қондириб бориш ва бунинг натижасида комиллик сари уруж этиш мумкин.

Хулоса шуки, Оғаҳийнинг тасаввуфий талқинларида Навоийнинг адабий таъсири беҳад катта. Оғаҳий – тариқат ғояларининг юксак рухий-маънавий, ахлоқий-таълимий аҳамият касб этишида, ягона умуминсоний ғоя, маслак сифатида тараккий топишида улкан хисса кўшган маҳоратли ижодкорлардан бири.

Оғаҳий – тасаввуфнинг шунчаки тарғиботчиси эмас, балки унинг ички, айни пайтда, буюк таъсирини инсонлар калби, онги ва рухиятига сингдира олган сўз санъаткоридир.

Мўминжон СИДДИҚОВ
НАВОЙЙНИНГ АЙРИМ ҲИКОЯТЛАРИ ГЕНЕЗИСИГА ДОИР
БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Ҳикоя (ҳикоят)² жанри мумтоз адабиётнинг бошка жанрлари қатори адабий анъаналар ҳамда адабий таъсир нагижаси ўлароқ Алишер Навоий ижодида ўзининг юқори чўққисига кўтарилган. Мутафаккир шоирнинг эпик шеърияти, бадиий ва илмий насрода мазкур кичик жанрнинг турфа кўринишлари кўп учрайди. Булар, ўз-ўзидан, мавзу қатламларининг турли-туманлиги, шаклий даражаланишининг хилма-хиллиги, поэтик жихатдан мукаммаллиги билан эътиборни тортади.

¹ Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. I китоб. – Т.: Езувчи. 1996 й. 270-б. Б: 167.

² Биз, бу ўтмнда ша бугунги адабиётшуносигимизда мазкур жанрни ҳикоя леб номланышларига муносабат билдиримоқчи эмасмиз. Аслида бу атамаларни ёндош кўллаш молиятни ўзgartирмайди. Чунки бугунги ҳикоячилик ўтмнши ҳикоятчиликгининг тадрижий такомил толған ва замонага мослашган кўриниши, холос. – М.С

Кузатишлар шундан далолат берадики, шоир бирор бир хикояни алохидა бир жанр сифатида тақдим этмаган. Шайх Саъдийнинг «Гулистан», «Бўстон», Хожанинг «Мифтоҳ ул-адл», «Гулзор» ва бошқа шу қаби битиклар факат ҳикоялар мажмусидан иборатлиги маълум. Бироқ, ҳазрат Навоий ҳикояларни аниқ бир ижтимоий ва илмий фикрларига иллюстрация (илова) килиб келтирган. Муайян асарларидағи «...олға сурилаётган боз ғояни чуқуррок очиш, асосий мақсадни ўқувчиларга ёркинрок намойиш этиш мақсадида илова, ҳикоят ва масалларда ҳам, ҳикмат ва тамсилларда ҳам шу етакчи мотивларнинг мўъжаз бадиий ифодасини кўрамиз. Бу намуналар, айни замонда, улкан шоир истеъодининг яна бир қиррасини равшан намоён этади, яъни Навоийни мохир ҳикоянавис сифатида характерлайди»¹.

Манбаларда берилишича, ҳикоя жанрининг канорасини белгилаб берувчи маълум бир чегаралар мавжуд. Хусусан, ҳикоя бадиий жанр сифатида тадрижий такомил топиб, бошқа эпик жанрлар доирасида устувор ахамиятта молик бўлиши учун тўрт хусусиятни ўзида мужассам этмоғи даркор. Булар: а) мустақил асар мақомига эришиши; б) қарор топган анъяналар таъсирида такомил йўлларини босиб ўтган бўлиши; в) қаҳрамонлар тимсоли ва характеристи шаклланганлиги, асарда унинг марказий ўринни тутиши; г) яхлит асар сифатида алохидা поэтикага эга бўлиши. Агар ана шу белгилар мазкур кичик жанрда намоён бўлса, унинг бадиий ва ижтимоий вазифаси тўқис юзага келади. Яна шуни қўшимча қилиш жоизки, «ҳикоянинг асосий хусусиятларидан бири бой ва ранг-баранг воқеалар оқимидан энг асосий моментларнинг танлаб олинишидир. Лекин у умумий ҳаёт оқимидан юлиб олинган эпизод эмас. Ҳикоя бошлангунча ва у тугагандан сўнгти қаҳрамон характеристи китобхонга коронғу бўлиб колади, дегувчи айрим танқидчилар фикрида жон бўлса-да, бу фикр жанр хусусиятларидан бирини маълум даражада тўғри деб қабул қилишга асос бўлолмайди. Чунки ҳикоя шундай жанрки, унинг айрим нурдай тиник ва ўткир штрих, деталларидан қаҳрамоннинг ҳикоя бошлангунча ва ундан

¹ Абдулафуров А. Шеърий ҳикоят ва масалларда ҳам... «Шарқ юлдузи» журн.. 1983, 4-сон, 157-6.

сўнгги характери ва тақдирни ҳакида тасаввур ола билиш мумкин. Шу жихатдан хикоя китобхоннинг ўзини ҳам қаҳрамонлардан бирига айлантирадиган, ундан мушоҳадакорликни талаб қиласиган, ўз фантазияси билан керак ўринларни тўлдиришни тақозо қиласиган жанрлардан биридир, дейиш мумкин¹.

Хикоянинг қандай шаклда (шеърий ёки насрый) бўлиши ҳал қилувчи аҳамият касб этмайди. Гарчи бугунги тасаввурлар «хикоя» атамасини «новелла», «рассказ» доирасида тушунишга йўналтирса-да, ўтмишда бу белги бирламчи хусусият бўлиб колмаган. Ҳатто «Гулистан», «Мифтоҳ ул-адл»даги хикоялар насрый усулда битилган бўлса ҳам, адабнинг муайян бир хикоя орқали демокчи бўлган фикри назмда (фард, рубой, китъя ва ҳоказо) ҳавола этилган. Бинобарин, хикоянинг шеърий ёхуд насрый бўлиши хусусида аник рецепт берилиши мумкин эмас.

Мозийга назар ташланса, туркий хикоячилик насрдан бошланмаганикан, деб ўйлаб колади киши. Чунки Тунюкуқ, Билга қоон, Култегин битикларини хикоянинг илк кўринишлари сифатида қабул қилиш мумкин. Йўллиг тигин тарафидан тош ёки мармарга ўйиб битилган мазкурлар ҳажман у қадар катта эмас (70-80 сатр), ундаги қаҳрамонларни ҳам кўп сонли деб бўлмайди, бадиийликдан кўра баёнлаш етакчилик қиласи. Буларга кўшимча тарзда тош битиклар туркий давлатчиликнинг илк солномалари бўлғанлиги, уларда хронология бирламчи режада турганлиги, бадиийлик унсурлари етакчи бўлмаганлиги буларни хикоя деб аташга тўсқинлик қилиб туради. Аммо Махмуд Кошгарий «Девону луготит турк» (XI аср) асарида «хикоя» ва «эртак» маъносида «этук» ҳамда «уткунч» атамаларини ёндош кўллагани ҳам ҳақиқат². Шуниси ҳам борки, Махмуд Кошгарий уларнинг назмда ёки насрда ёзилиши ҳакида хеч нарса демаган. Агар биз И.В.Стеблеванинг тўртлик шакллари ҳакида гапириб³, унинг туркий тиллар қадимий адабиёти учун кенг тарқалган ва қабул қилинган жанр эканлиги

¹ Адабий турлар ва жанрлар (тарихи ва назарийсига оид). Уч жилдлик. 1 жилд. Эпос Т «Фан» 1991. 67-6.

² Кошгарий Махмуд. Девону луготит турк. Уч томлик 1 том. - Т.: Фан. 1960. 98-175-бетлар.

³ Стеблева И. В. Поззия тюроков VI-VIII веков. - М: «Наука». 1965, -стр.71-95

тұғрисидаги фикрларини назарда тутсак, унда этукнинг хам, уткунчнинг хам шеърий хикоялар бүлгәнлигини таҳмин кила оламиз¹.

Назмий хикоячилик ёзма адабиётта «Кутадғу билик»дан бошланғанлығы маълум. Рабгузий эса туркий насрый хикоячиликнинг таъмал тошини күйган, десак хато бўлмайди. Унинг қиссаларига илова қилинган хикоялар мазкур жанрнинг назарий талабларига жавоб беради: уларда бир йўналишдаги сюжет, шакланған қаҳрамон, диалог ва монолог, ўзига хос поэтика, ечимдан намоён бўлган ибрат-хулоса хам мавжуд. Рабгузий истеъмолга олиб кирган насрый хикоячилик Навоийгача анча оқсанган. Бу даврда маснавий-хикоячилик етакчи бўлгәнлигини кузатиш мумкин. Чунки «маснавийда янги ўй ва туйғулар равон қўйланади... маснавий шакли лирик-эпик асарга ўнгай, шакли содда, ҳашамсиз. Бу шакл, хусусан, эпос учун хосдир»². Навоий адабий жанрлар ичиде маснавийни «барчадин ҳуби», «васеъ майдон» (кенг майдон) деб атаган. Зеро, маснавий турли-туман фикр ва ҳаёт ходисаларидан келиб чикадиган мушоҳадаларни батафсил ва кенг, образлар орқали ифода этишда ижодкор учун етарли имкониятларни юзага келтиради. Маснавийнинг ана шундай кенг имкониятлари туфайли қанча шоир бу майдонга қадам кўймасин, ҳеч бири иккинчисини такрорламайди, балки ўз маҳорати ва қобилиятини намойиш эттира олади (Вусъатида юз ўлса маъракагир, Кўргузур санъатин бори бир-бир). Яна, Навоий маснавийни бошка адабий жанрларга нисбатан «ўзга оламдуур»:

Вале маснавий ўзга оламдуур,

Ки табъига холо мусалламдуур.-

дея алоҳида таъкидлаган. Устоз Б.Валихўжаев буларга қўшимча қилиб, маснавийда ёзилган кичик қиссаларни «хикоя» деб аташни таклиф килган ва, бизнингча, бунда жуда тўғри хукмни ҳавола этган³. Дархақиқат, маснавий алоҳида жанр эса-да, унинг шакли хикоя учун хос ва мос келади. Шарқ хикоячилигига маснавий-хикоя анъана тусини олгани туфайли Навоийнинг

¹ Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. - Т. «Фан», 1974, 6-7-бетлар.

² Адабий тұлар ва жанрдар (тарихи ая назариясига оид). Уч жылдалик 11 жылд. -Т.: «Фан», 1992, 199-бет.

³ Б.Валихўжаев. Ўша асар. 27,77-бетлар.

«Ҳайрат ул-аброр», «Сабъан сайёр», «Садди Искандарий», «Лисон ут-тайр» достонларида бир қатор ҳикоялар берилган. Янаам аникроғи, маснавий – достон таркибида маснавий-ҳикоя учрайди, яғни ушбу достонларнинг умумкомпозициясида «ҳикоя ичидаги ҳикоя» усули етакчилик килади ва достонлар сюжетининг бадиий баёни давомида етакчи мазмунга мос изчиликда, айтилмокчи бўлган фикрни маромига етказиш, асарнинг ўқишилигини ошириш максадида жойлаштирилган. Аслида ҳам, “хамосий” (“эпик”) шеърлар бирор-бир миллатнинг афсонавий даврлари, бир неча авлоднинг узоқ тарихий замонлар давомидаги жанглари, қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя килади... хамосий шеър «у» ва «сен»дан сўйлайди. Шунинг учун хамосий шеърда шоирнинг ички кечинмалари ва руҳий изтироблари фақатгина эпик асарнинг ҳошиясида истисно тариқасида ёхуд «лирик чекиниш» орқали баён этилиши мумкин. Эпик шеърда шоирнинг маҳорати мавжуд ривоятларни муайян бир тартибда, мазмун ва шоирона бир тарзда баён этишида намоён бўлади¹. «Ҳайрат ул-аброр», «Садди Искандарий», «Лисон ут-тайр» достонларидағи ҳикоятлар беистисно ўз мазмуни ва ички структурасига, образлари ва ечимига эга бўлиб, уларнинг ҳар бири кичик тугал асар даражасига кўтарилиган; илова этилган боб-маколатларидан (шартли равищда) ажратиб олинганида ҳам улар маълум ғоявий эстетик ва ахлоқий-тарбиявий вазифани ўтайверади. Аммо, бу таъкид ҳикоятларнинг, умуман, достон, хусусан, боб-маколотлар контексти билан мустаҳкам мантикий алоқасини инкор этмайди. Чиндан ҳам муаллиф достоннинг дуч келган жойига бу «мустақил», «тайёр» асарларини кистириб юбораверган, дейиш хато бўлади. Ҳикоят муайян достон композицияси билан бирикиб, умуммазмун билан бевосита алоқага киришали, уни изохлайди, тўлдиради².

«Ҳайрат ул-аброр»да 20 та мақолат баробар 20 та ҳикоят мавжуд, деб киғояланиш у қадар тўғрига ўхшамайди. Навоийнинг ҳикоябоп материални ҳатто наът, ҳайратлар ичига ҳам сингдириб юборгани кузатилади.

¹ Доктор Такий Пурномдориён. Мавлавий шеъриятида «мен»даги мен»лик ва матннаги ноанъанавийлик. - «Сино» журн., 2001, 1-сон, 3-б

² Абдугафуров А. Ўша макола. 157-6.

Достоннинг 63-боби «Ул кул хикоятиким, аёғи тойилиб, оёғлиқ ошини шохнинг боши косасига урди ва қарамлиғ шох олдида ўз ошин пишурди», дея сарлавҳаланганлиги буни далиллайди.

*Соқий, олиб кел тўла паймонае,
Йўқ ғалат эттим, тўла хумхонае.
То ани кўп-кўп олибон сипқорай,
Кўп-кўп ичиб, бир дам ўзумдин борай¹.*

Байтлардан мъйлум бўладики, Навоий достонни ёзиш давомида турли хил масалалар борасида кўп сўз юритади. У мушоҳадалар ва воқеалар гирдобига шу қадар чуқур шўнгийдики, энди буларнинг жами бирикиб, уни афтода бир ҳолга солиб қўяди. Шоир дунё ишлари ва чигалликларидан мутаассир бўлади. Шу сабабдан «кўп-кўп ичиб ўзумни унутай» демоқдан мақсад, аслида, кейинги достонга қадам қўйишгина бўлмай, бу ёруғ оламнинг кирдикорлари шу қадар кўпки, уларнинг барчасига жавоб топиш учун бир инсоннинг умри камлик қиласи, дейишлик.

Достонда 25 та лирик чекиниши мавжуд ва буларнинг аксарияти хикоялар сўнгига берилган. Хикояларнинг катта кисми Навоийгача ҳам оғзаки ва ёзма адабиётда бўлган.

Иккинчи мақолот Ислом бобида бўлиб, бунга «Иброҳим Адҳамнинг Каъбага намоз била борғони ва Робийага Адавийага Каъбанинг ниёз била келғони», деб сарлавҳаланган ҳикоя илова қилинган. Мазкур ҳикоя Фаридуддин Атторнинг машҳур «Тазкират ул-авлиё»сида ҳам учрайди. Фаридуддин Аттор ҳикоя килишича, Иброҳим Адҳам, раҳматуллоҳи алайх, ўн тўрт йилда зўрга Каъбаи шарифга етиб борди. Йўлда борар экан, ҳар қадамда икки ракъат намоз ўқир эрди. Чун Каъбага етди, карасаки, Каъба ўз ўрнида йўқ...

Навоийда Иброҳим Адҳам ва Робийага оид ҳикоя жуда қиска, атиги 20 байт. Навоий келтирган ҳикоя Аттор хикоясининг назмий кўриниши, холос.

¹ Алишер Навоий. Муқаммал асарлар туплами. 20 жилдлик. – Т.: Фан. 1991. 344-б. (Бундан кейин, ихчамлаштириб, жилди ва саҳифаларини кайд этиб борамиз. – М.С.).

Факат унда эпилог ва ҳикоядан келиб чиқадиган хулоса – ечим түкис.

Чунончи ҳикоя экспозицияси «Ҳайрат ул-аброр»да шундай берилади:

*Бұлды мусаллони солиб ғажәдасоз,
Хар қадам айлаб ики ракъат намоз.
Қолди бу йүл қатъида ўн түрт йил,
Мадхига ҳар кору гиях чекті тил.
Макка тавоғига чу қылди киром,
Йүқ әди ўз ўрнида байт ул-ҳаром¹.*

Фаридуддин Атторда Иброхим Адхам ва Робийа диалоги бир ўринда берилади. Навоийда эса Робийа икки ўринда сўзлайди. Дастребаки ҳолатда Иброхим Адҳамнинг «Мен ўн түрт йил ҳар қадамда икки ракъат намоз ўкиб келдим», деган миннатига (Маннонлик, факат Аллоҳга хослигига ишорат бор бу ўринда) Робийа бир оз истеҳзо билан қўполроқ жавоб килади:

*Робийа деди ангаким: «Қилма зўр,
Шўр сенингдур бори оламда бил.
Бодия қатъи учун ўн түрт йил²...*

Атторда тасаввифий мохият етарлича очилмай қолгандек таассурот пайдо бўлади. Асосий эътибор, гўё шариатга қаратилгандаи. Навоий шу мохиятни бенихоя усталик ва нозиклик билан тўлдиради, «ниёзу фано» максаднинг асоси бўлганидагина Ҳакқа етишиш мумкинлиги айтилади. Бу Навоий томонидан Робийага берилган иккинчи сўз – Иброхим Адҳамнинг “кўзини очиш” учун берилган имконият саналади:

*Деди Бироҳимки: «Эй покрав,
Балки малак хайлидек афлок рав.
Недин экин буки манга етти ранж,
Мен чекибон ранжсу санга бўлди ганж».
Робийа деди ангага: «Огоҳ бўл,
Ким неча йил бодияда борча иўл.*

¹ 17-жилд. 118-бет.

² Уша жилд. 120-бет.

Бўлди ишинг арзи намоз айламак,

Шева манга арзи ниёз айламак.

Сенга самар ўерди намозу риё,

Бизга бу бар берди ниёзу фано¹.

Шарқда саховат, карампешалик ва очик кўнгилликнинг тимсолига айланган Хотам Тойи ҳакида кўплаб ҳикоялар яратилган. Низомийнинг «Махзан ул-асрор»идаги Хотам Тойи ҳакидаги ҳикоятни Ҳайдар Хоразмий «Гулшанул-асрор»ига эркин таржима тарзида киритган. Айни чоғда, Ҳайдар Хоразмий ҳикоятга Низомийга караганда бошқачароқ ёндашади, сахийликни, карамни мақтайди, хасислик ва баҳилликни қоралайди; баҳилликдан озод бўлган камбағални (муфлисни) баҳил давлатманддан устун кўяди. Саъдий «Гулистон»идаги Хотам Тойи ва ўтинчи чол ҳакидаги насрый ҳикоятни Сайфи Саройи «Гулистони бит-туркий»га тўқис таржима қилиб киритган. Навоий ушбу ҳикояни «Ҳайрат ул-аброр»нинг бешинчи мақолоти «Карам боби»га илова қиласди. Навоий келтирган бу ҳикоя ҳам катта эмас. Асосий воқелик 19 байтда очилади. Кейинги уч байт лирик чекиниш – «киссадан хисса» мазмунида. Ҳикоятда шоир маҳорат билан шундай бир хаётгий лавҳани яратадики, унда Шарқ ҳалклари орасида қадим-қадимдан химмат ва саховатнинг, шафқат ва очиккўнгилликнинг юксак рамзи хисобланган Хотам Тойи ўз саховатидан оддий ўтинчи чолнинг химмати баланд эканлигини тасдиқловчи воқеани ёдга олади. Хотамнинг яқинларидан бири «Бу ёруғ оламда сендан ҳам карампеша топиладими?» деган саволига ўзи ва бир бурда нонни ҳалол меҳнати ва пешона тери билан топиб ейишни афзал билган ўтинчи чол ўртасидаги мулоқотни мисол қилиб келтиради ва ўтинчи чол мендан-да саховатли, деган хulosани айтади. Ва донишманд чолнинг ушбу сўзлари Хотамни лол қолдирганини таъкидлайди:

Бир дирам олмоқ чекибон даст ранж,

Яхшироқ андинки бирор берса ганж².

¹ Ўша жойда: 120-бет.

² Ўша жойда: 153-бет.

«Кутадғу билик»да шундай эпизод бор: Кунтуғди Үгдүлмиш орқали Үзғурмишни саройга тақлиф этганда дарвеш подшонинг тақлифни катыян рад этади. Кунтуғди тақлифиниң қайта-қайта етказгач, Үзғурмиш унга түрт шарт күяди: қарилек билмас ёшлиқ, поёни йўқ бойлик, ҳеч путур етмас соғлик ва ўлими йўқ хаёт. Бу сайдёр сюжет. Бу – ўрта асрларда бутун Шарқда, кейинчалик эса Ғарбда ҳам машхур бўлган гоя. Навоий айни шу хикояни «Садди Искандарий»да келтиради. Ўз мазмунига кўра фалсафий-ижтимоий моҳият касб этган мазкур хикоятда жаҳонгир Искандарнинг таркидунё килган дарвеш билан мулоқоти баён килинади. Шоху гадо тенглиги ҳакидаги асрлар бўйи илгари суриб келинган тезис шоир кузатган асосий мақсад хисобланади: Искандар ўзи забт этган юртларнинг бирига ҳалок бўлган хукмдор ўрнига лойиқ номзод ахтаради ва унда дунё ташвишларидан узлатга чекиниб, қабристонни макон тутган дарвеш ҳакида хабар етказадилар. Уни ўз хузурига келтиришни буюради. Донишманд дарвеш икки бош сұякни кўтариб келади. Искандар бунинг сабабини сўраганида дарвеш куйидагича жавоб беради:

Деди: «гўрлардин қишуруда гузар.
Неча бу сўнгакларга солдим назар.
Замиримга лекин ниҳон қолди бу
Ки, шоҳнинг қаюдур, гадонинг қаю?
Чу ўлганда бирдур бу икки матоъ,
Тириклиқда невчун қишурулар низо?¹

«Кутадғу билиг»даги бу хикоят «Садди Искандарий»да бир қадар ривожлантирилган, кенгайтирилган, айrim кичик фабулалар, янгича диалоглар билан бойитилгани ҳолда келтирилади.

Хуллас, Навоий хикоятлари мавзу кўлами, фикрий баркамоллиги билан асрлар оша ўқувчиларнинг эътирофиға сазовор бўлиб келмоқда. Бу хикояларнинг катта кисми Шарқ мъянавияти хазинасида ўз ўрни ва моҳияти билан яшаб келади. Мутафаккир шоир бу хикояларнинг оддий тақрорловчиси

¹ Алишер Навоий. МАТ 11-жилд. – Т.: Фан, 1994. 287-бет.

эмас, балки уларни ўз замонасининг умуминсоний маромларига мувофиқлаштирган, анъана ва ўзаро таъсир йўлидан бориб, айримларида ноанъанавий мезонлашни кашф этган. Бир қатор хикоялар эса буюк шеир тафаккурининг мевалари сифатида алабиёт учун янгилик тусини олган. Оғзаки ижод ва салафларидан озиқланиб такомил топган хикояларида ҳам, ўзи яратган манзумаларида ҳам шоир маҳоратининг юксак кўринишлари намоён бўлаверади. Кузатишларимизнинг итноми-хотимаси шуки, шоир хикояларининг сарчашмалари накадар чукур ва серқатлам, кенг қамровли бўлиши билан бирга, Навоий қалами қудрати боис улар абадият сахифаларида мухрланган. Ва улар, сўзсиз, хаётий ўгит-сабоклари ва ғоявий-бадиий-эстетик маъно-моҳиятлари билан ўқувчилар қалбини мудом мунаввар этиб, уларни эзгу мақсадлар сари етаклаб бораверади...

Иноятулла СУВОНҚУЛОВ

НАВОИЙ ВА МЕЙМОРЧИЛИК

Навоийнинг меъморчилик ва санъатга бўлган қизикиши унинг Самарқанддагидаёқ сезилган эди. Унинг Самарқанддаги қадамжолар: Регистон майдонидаги ансамбль (Улуғбек мадрасаси ва хонақохи, Улуғбек карvonсаройи), Темурнинг Жомеъ масжиди, Шохизинда ансамбли, Бибихоним мадрасаси, Фазлуллоҳ Абуллайс мадрасаси ва маҳалласи, Фирузабог бинолари, Улуғбек расадхонаси, Кўҳҳак (Чўпонота тепалиги), Конигил ва бошқа қатор зийнатли, дилкушо манзиллар шоир қалбидан ўчмас жой олади. У Самарқандни «Самарканди фирдавсмонанд» деб таърифлайди. Шоир 1465 йил бу ерга келганида Улуғбек, Фазлуллоҳ Абуллайс, Аҳмад Ҳожибекнинг мунаққаш мадрасаларидан, «Жаҳон ичра, яна бир осмон» шаклидаги Улуғбек расадхонасидан ибратли сабоклар олган.

Шунингдек, у Самарканда фалакиётшунослик, математика, хикматшунослик, муҳандислик ва бошқалар илмини атрофлича ўрганди. Айни пайтда Самарқанд ва Мавороунахрнинг машхур обидалари, гўзал манзараларига ўз муносабатини билдиради. Чунончи, бир ўринда Зарафшон

кирғоғидаги баланд «Тұпа» - тепалик (Чүпонота тепалиғи)ни ошиқнинг бошига, Зарағашон дарёсінинг оқимини эса ошиқнинг күз ёшига үхшатади:

*Хамул лўта олдин андоқ оқар,
Ки ошиқ бошу ашки дер, ким боқар?*

Ўша даврларда темурийлар фахри бўлган Самарқанд Темур ва Улугбек даврида барпо этилган меймормончилик ва бөг-истироҳатчилик санъати намуналари билан жаҳонга машҳур эди. Навоий асарларида («Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёр») ва кейинчалик Ҳиротдаги ижодий фаолиятида хам Самарқанд ва Хурросон меймормончилик санъатининг энг яхши намуналарини бадиийлаштириб, жонли образларда кўрсатишга ҳаракат қилди.

Алишер Навоий Ҳиротда мансабдорлик (вазирлик) йилларида бутун кучини эл-юрт учун хизмат қилишга, хунар ахли ва ҳакимларнинг ишини халқ фаровонлигига қаратди. Ўша кезларда Навоий «Фуқаро ва дарвишларнинг фаровонлиги, гарип ҳамда мусофиirlарнинг фароғати учун» Хурросон музофотида кўплаб бино иншоотлари, хонақоҳ ва масжидлар, мадраса ва карвонсаройлар, ҳаммому работлар, ҳовуз ва кўприклар курдирган. Тарихчи Хондамир Навоий курган баъзи иморатларнинг аниқ тафсилотларини келтиради. Улар орасида 52 работ, 19 ҳовуз, 16 кўприк, 9 ҳаммом ва бошқа бир қанча ҳайрли иморат, иншоотлар бор. Работлар чўл ва сувсиз биёбонлардан ўтувчи узок карвон йўлларида савдогар ва йўловчиларнинг хотиржам тўхтаб дам олишлари учун курилган бинолар, мусофиirlхона, бекат ва карвонсаройлар вазифасини бажарган. Улар таркибида меҳмонхона, масжид, дам олиш хоналари ва ҳатто юкхоналар, ҳайвонларини боғлаш учун ҳовлилар ҳам бўлган. Хондамир «Макорим ул-ахлок»да ушбу работларни номма-ном санаб ўтади. Инглиз олимни Жон Спансер Трименгэмнинг «Исломда сўфий тариқатлари» китобида ҳаммаси бўлиб 90 та работ курдирган, деб кўрсатилади.

Хива хони Оллокулихоннинг (1825-1842) Хурсонга килган ҳарбий юришларидан бири ҳакида «Сафарнома» асарини ёзган Мухаммад Назар ибн

Мулло Сайдниёз ал-Хивакий Алишер Навоий билан боғлик бир фактни баён килади. Оллохулихон кўшинлари Хурносон йўлида Мир саройига қўнади. «мир саройи ғтиғ мавзеким, Султон Ҳусайн Мирзонинг салтанағи айёми ва Мир Алишер Астробод мамоликига (мамлакатига) хокимлиги хангомида бир саройи дилкушой ва касри араҳафзой бино қилдургон эркан Ҳамул ерга нузули ижлол буюрдилар».

Муаллиф таъкидлаганидек, «дилкушо ва фараҳафзо», яъни қўнгилни шодлантирадиган ва қувончни оширадиган бу сарой Астрободда 1837 йилларда ҳам мукаммал сақланганлиги ҳамда унинг Алишер Навоий номи билан боғлик ҳолда «Мир саройи» деб аталиши эътиборга лойикдир.

Навоий Астрободда Жомеъ масжидини ҳам бунёд этади ва бошка қўпгина ободончилик ишлари билан шугулланади. Навоий ҳозирги Туркманистонга карашли Марв (Мари) шаҳрида ҳам «Хусравия» (1476-1477) номли улкан мадраса курдиради. Шунингдек, Хурносон музофотида бир қанча булоқлар очдириб, каналлар қаздиради, ариқлар олдириб, қақраб ётган ерларга сув чикаради, ҳовузлар бунёд этиб, қудуклар қаздиради. Ҳовузлар маҳалла ва гузарлар, масжид ва ҳаммомлар ёнида, зиёратгоҳ мозорлар кошида, карвон йўллари устида бунёд этилади. Ҳондамирнинг хабар беришича, улуғ амир қурдирган айрим ҳовуз ва қўприклар мармардан ишланган. Ўша даврда меъморчилигида курилган ҳовузлар тарихи тўрт ва саккиз бурчакли бўлиб, кирғоқлари тахталар билан обод этилган. Ҳовуз бўйларига мажнунтол ва ғужумлар экилган. Шу билан бирга, Навоий ҳалқпарвар, валий кишиларнинг қабрлари устига ёдгорликлар, саганалар, хонакоҳлар ҳам қурдирган. Улуғ бобомиз ҳалқ орасида машхур бўлган, лекин жангу жадаллар ва зилзилалар асоратидан талофат кўрган қўхна биноларни кайта тиклаб, таъмир этишдек мураккаб ишларга ҳам кўл уради. Ҳиротдаги XIII аср ёдгорлиги, машхур Масжиди жомеънинг таъмири ҳакида Ҳондамир «Хулосат ул-ахбор»да қуйидагича хабар беради: «...Султон Бойкаро ҳазратларининг дўсти амир Алишернинг равшан хотирига нур сочиб, Ўзининг тамом олий неъмат химматини бу шарафли масжид биносини

янгилаш ва ул ибодатхонанинг асосларини мустаҳкамлашни тезлаштиришга қаратди... 903 йилнинг рамазон ойида (1498 йилнинг апрел-май) биринчи навбатда масуранинг қулаги тушган гумбаз ва пештоқини тиклашга амр қиласди. Ундан сўнг, тажрибали меъморлар ва диккаткор мухандисларнинг маслаҳати билан мустаҳкам бўлмаган ул бинони тузатишига ишорат килди, унинг икки томонига мақсураси суфа ва олий даражали айвон курдирди. Шу жихатдан улкан тоқ мустаҳкамланди ва у таърифлаб бўлмайдиган даражада маҳкам бўлди. Ва ул хайр-саҳоватли бинокор ўша иморат хусусида кўп ғамхўрлиги туфайли, хар куни ўша зарофатли жойга ташриф буюрар эди. Кўп кунлар, этагини белига қистириб, ёлланган ишчилар сингари усталарга гишт узатарди ва бошқа ишлар қиласди. Тез-тез ўша ердаги меъморга, усталар ва косибларга қимматбаҳо саруполар ва кўп навозиши ва бошқа инъомлар билан хушдилу хурсанд қиласди. Шундай қилиб... уч-тўрт йиллик иш олти ой муддат ичидаги тамомландиди. Шундан сўнг, Мир Алишер Навоий бинога зеб бериш мақсадида таникли мухандислар, кошинтарошлар, ҳунарманд наққошлар ва тоштарош усталарни йигади, Навоий биноларнинг атрофларига, улар ташкил этган меъморий мухитнинг мазмуни ва манзарасига ҳам катта эътибор берган. Масжидни битирган ва безаган усталар сони қарийб юзта бўлган. Навоий таъмир эттириб, зеб бердирган ушбу Жомеъ масжидаи хозир ҳам Ҳиротнинг энг гўзал обидаларидан бири ҳисобланади.

Жомеъ масжиди таъмиридан ташқари, Ҳондамир «Макорим ул-ахлоқ»да Навоийнинг Ҳирот ва бошқа шаҳар-кишлоклардаги 12 та масжидни қайта тузаттирганлиги хақида ҳам сўзлайди.

В.Бартольдинг ёзишича, Навоий булардан ташқари бузилган «Қобус» минорасини тузаттирган, шунингдек, Аслонжозиба работини ҳам қайта тиклаган. Ҳиротдаги боёна уйларни безатишда Навоий меъморларга рангли деразалардан фойдаланишини таклиф қиласди.

Мирзо Мухаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» рисоласида кўрсатилишича, «Алишербекнинг ҳар йилги даромади ўн саккиз минг

«шохрухий» динорни ташкил килиб, бу маблағнинг барчасини хайрли ишларга сарф килган». Академик Ботуржон Валихўжаев «Шоирнинг хиндистонлик маҳлислари» (“Зарафшон” газетаси, 1985 йил, 9 феврал) мақоласида XVIII асрда хиндистонлик Аликулихон валон Доғистоний (1725-1756)нинг «Риёз аш-шуаро» тазкирасидан куйидаги парчаларни келтиради: «У (Алишер Навоий) кўп вактини мадраса, масжид ҳамда турли иморатларни ободонлаштиришга сарф этади». Ўша асарда Навоий тарбиясида 12 мингга яқин мадрасада талабалар, шоирлар, олимлар, музаххиблар (зархал қилувчи усталар), рассомлар, заргар, дурадгор ва бинокор усталар камолотга этганларни таъкидланади.

Навоий вазирлик вазифасидан истеъро бергандан сўнг, дўсти султон Ҳусайн Бойқаро уй-жой, боғ битмоғи учун шаҳар ташқарисидаги хушхаво Инжил канали бўйидан анча ер ва сув ажратиб беради. У ерда Навоий ўзига ҳовли-жой, боғча ва катта кутубхона бунёд этибгина қолмай, айни пайтда бир қанча хайрли қурилишларни ҳам бошлаб юборади. Академик Г.Пугаченкованинг фикрича, бу қурилишларнинг умумий бош режасини Навоийнинг ўзи таклиф этган бўлиб, қурилиш Хиротнинг катор меъмор, мухандис, бинокор ва наккошлари томонидан амалга оширилган. Навоийнинг шахсан ўзи иш бошида тургани учун меъморлар ва курувчилар алоҳида шавқ-завқ билан меҳнат килишган. Курувчиларнинг меҳнат хакларини тўлашни Навоий шундай олижаноблик ва ҳалоллик билан ташкил эттирганки, қурилиш ишлари жадал суръатлар, мохирлик билан битказилган. Зстан, Хуросонда Навоийдан кўра бинокорроқ одам йўқ эди. Инжил канали бўйида ниҳоятда зеб-зийнатли «Ихлосия» мадрасаси, унинг қаршисида эса ногят гўзал ва кўркам килиб «Халосия» хонакосини солдирди.

Алишер Навоий «Вақфия» асарида бу ҳақда шундай ёзади: «Ихлосия» мадрасаси мукобиласидаким, ...хонакоҳе бино килилди». Кўриниб турибдики, ҳар иккала бино инжил суви бўйида тартиб ва зукколик билан ансамбль услубида бунёд этилган.

Навоий Жомеъ масжидининг жанубий томонидан «Халосия» хонакоси гарбida, Инжил яқинига «Шифоия» шифохонасини, унинг каршисида эса «Сафия» ҳаммоми ва ҳовуз қуради. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, жамоа шифохоналарининг курилиши ўрта асрларда (IX-XI асрлардан бошлиб) нафакат Ҳиротда, Ҳурросон ва Мавороунахрда, балки Шаркнинг нуфузли шаҳарларида ҳам жуда ривожланган эди. Улар Яқин ва Ўрта Шарқ шаҳарларидан Самарқанд, Марв, Бухоро, кўхна Урганч, Ҳирот, Газна, Рай, Бағдод, Ҳамадон, Исфахон ва шулар каби бошқа шаҳарларда ҳам курилгаи. Шифохоналар курилишига ҳокимлар, улуғ зотлар, мансабдорлар, айниқса, ҳакимлар бошу кош бўлганлар. Шаркнинг буюк сиймолари Абу Али Ибн Сино ҳам ўз даврида жамоа шифохоналари курилишига хизмат қилганлар. Бу анъаналар Навоийга ҳам маълум эди. Шифохоналар қошида дорихоналар ҳам ташкил килиниб, уларда маҳсус дори тайёрловчилар ишлаб турган. Шунингдек, Навоий курган шифохонанинг ҳам дорихонаси бўлган бўлиши мумкин, негаки, Ҳондамир ул шифохона ҳакида гапира туриб «... кишилар зарур дору дармон ҳамда дору ичимликларни ҳамма вакт ўша муборак жойдан топиб келадилар», - деб ёзади.

Захириддин Мухаммад Бобур Алишер Навоийнинг «Шифоия» биносини фаҳр билан тилга олади. Ҳондамир эса ана шу бинони «Дорушшифо» деб атайди. Мазкур бино «Ихлосия» мадрасасининг рўпарасида бўлган. Гумбази мовий нақшлар билан безалган. Деворлари кизил ғиштдан бўлган. «Бу ниҳоятда покиза жаннат нишон жойнинг ҳовлисида кавсар мисол ҳавз ҳам курилган бўлиб, ҳовли саҳнига тогнинг майин шамоли эсиб турган. Унда табиб ва ҳакимлар беморларни даволашдан ташқари, табобат илми билан ҳам шуғулланганлар. Шунинг учун бўлса керак, С.Айний, Олим Шарафиддинов ўз илмий ишларида уни мадраса ҳам деб атайдилар. Академик Бартольд эса уни «Больница» деб ёзади. Ҳозирги тушунча билан айтганда Навоийнинг «Шифоия» биноси ўша даврдаги бошка шифохоналардан фарқ килиб, медицина институти тарзида бўлган. Амир Алишернинг инонти билан ўша даврда Мавлоно Низомиддин Абдулҳай

Табиб, Мавлоно Мухаммад Муъин, Мавлоно Мухаммад Табиб, Мавлоно Фиёсилдин Мухаммад табиб Сабзаворий, Мавлоно Дарвишали табиб ва Мавлоно Абдулҳай Туний каби машхур табиб, арстишиб чикқанки, улар тиб илмини ривожлантиришда ушбу «Шифоия»да узок вақт фаолият кўрсатганлар. Навоий ўша даврда жамоа ҳаммомларининг халқ саломатлиги ва плклиги йўлидаги аҳамиятини яхши тушунади, бир талай ҳаммомлар курдиради. Шулардан баъзиларини Ҳондамир санаб ўтган: «Шифоия» шифохонаси ёnidага ҳаммом, Зиёратгоҳ ҳаммоми, Дараи Занг ҳаммоми, Тувурчи ҳаммоми, Чилдухтарон ҳаммоми, Тарноб ҳаммоми, Пандех ҳаммоми, Файзиобод ҳаммоми, Саъдобод ҳаммоми ва бошқалар.

Навоий даврига қадар ҳам Ҳиротда бир неча жамоа шифохоналари булиб, улардан айримлари қаровсиз ҳолга тушиб қолади. Шулардан бири темурийлардан Ҳурсон ҳукмдори Султон Абу Сайднинг (1459-1469) катта хотини Милкат оғо томонидан шаҳар ичкарисида курилган Доруш-шифо эди. Мазкур шифохона Навоийнинг эътибори ва ҳиммати билан қайта тикланади. Ҳиротнинг етук табибларидан Мавлоно Дарвишали Табиб Мир Алишернинг илтифотига кўра ушбу Дорушшифонинг мударриси этиб тайинланади ва барча муслажа ишлари унга топширилади. Шарқшунос олим М.Массон Ҳирот шифохоналарининг яна бири ҳукмдорлар хонадонига, яъни Шоҳруҳ Мирзо Алоудлавлага тегишли бўлган деган фикрни билдиради. Кўриниб турибдики, Ҳиротда Навоий даврида ва унга қадар ҳам мазлум халқ саломатлиги йўлида кўплаб хайрли ишлар бажарилган.

Шуни таъкидлаш керакки, Навоий Ҳиротда курдирган биноларда хозирги меъморчилигимизда биз янгилик деб ишлатадиган мажмуя яратишга эришишга ҳаракат қилган ва бунга эришган ҳам. Навоий солдирган иморатлар кўркамлиги, хушҳаволиги, зебу-зийнати билан бошқа бинолардан ажralиб турган. Алишер Навоий қурдирган бинолар услуги ва меъморчилиги шоир замондошлари қўлёзмалари ва Навоий асарларига ишланган миниатюраларда, тўлик бўлмаса-да, жозибадор тасвирланган.

Бизгача етиб келган ўрта аср меморчилигининг баъзи намуналарини кўриб, Навоий даври меморчилигининг багоят мафтункор ва маънодор эканлигига тан бермай иложимиз йўк. Шоир боғ-истироҳатчилик санъатига ва ободончилик ишларига ғоят қизиккан, ихлос қўйган эди. Дастрраб у Ҳирот шаҳрида боғ ташкил қиласди. Унинг боғи турли хил иморатлардан ташкил топган «Хиёбон» ансамблига кирган. Навоий Инжил бўйида ўзи бунёд этган бинолар ансамблини қулай йўлаклар, савдо расталари, серсоя хиёбонлар, гулзор, боғ, ариқ ва нақшинкор ҳовузлар билан ободонлаштириб, қўркам даҳага айлантиради. Буларнинг бевосита гувоҳи бўлган Ҳондамир «бу шарофатли жой нафис безаклар ва гаройиб ихтиrolар билан ораста килингандир», деб ёзади. Ҳурросонда бир неча машҳур булоқлар бўлиб, улардан бири Тус вилоятининг юкори қисмида жойлашган «Чашмагул» булоғидир. Навоий бу чашмани кайта тиклаб, ундан Машҳадгача ўн фарсанг йўлдан ариқ қаздириб сув келтиришга ҳам бошчилик килган.

Табиийки, Навоий давридаги Мавороуннахр ва Ҳурросон боғ-истироҳатчилик санъатида қандай меморий коида ва тартиботлар кўлланилган, деган савол туғилади. Ўрта Осиё ва Шарқ ҳалклари боғ-истироҳатчилик санъатига доир маҳсус адабиётлар ва олимларимиз фикрлари билан танишиш шуни кўрсатадики, бу боғлар киёфаси икки хил симметрия асосида тўғри геометрик шакллардан тузилган тартибли ва табиат хушманзаралари тарзида ташкил этилган кўринишда шаклланган. Навоийнинг ўзи курдирган биноларга шоирона чиройли номлар қўйдириш одати бўлган. Ихлосия, Халосия, Шифоия, Сафоия, Низомия, Ҳусравия ва Фаноия шулар жумласидандир. Бино номлари маънодор, «исми жисмига монанд, шунингдек, заруриятга караб жумал хисобида курилиш или тарихини ҳам ифодалаш лозим бўлган. Масалан, Ихлосия мадрасасининг номи Навоийнинг дўсти ва сultonи соҳибқирон мирзо Ҳусайн Бойкарога бўлган ихлосини, миннатдорчилигини билдиrsa, Шифоия соғлик, шифо, Сафоия озодалик, поклик маъносини англатган. Ҳусравия мадрасасининг номи эса бинонинг биринчи гиштини қўйган мархум шахзода Мирзо

Мұхаммад Султон номини ҳамда унинг қурилиш йилини ифодалаган. Навоий Нишопур шаҳрига машойихлар кабрини зиёрат қилишга борганда қабрларнинг кўпчилиги тамом ҳароба ашғанлигини кўриб хижолат тортади ва уларни тузатишга буюради. Ўшанда бузилган қабрлар давр услубида қайта тикланади. Унинг бузилган биноларни кўрганда қайгуриши, уларни тартибга солишидаги ҳаракати шоирнинг табиати учун бир ҳол ҳисобланган бўлса ажаб эмас. Бу нарсани Навоийнинг Машҳадда бўлганда, 1405-1418 йилларда қурилган Гавҳаршод масжидининг айрим бузилган жойларини кўриб, уларни қайта тиклаш ва таъмиглаш учун қилган ҳаракатларида ҳам кўришимиз мумкин.

Навоий асарларини ўқигандан, унинг санъат оламидаги чукур билимiga, меъморчиллик ва бөг-оройишчиллик соҳасидаги юксак бадиий тасаввuriга тан берамиз. Шоир санъатга бўлган ихлосу эътиқоди, шавқу завки туфайли ўз қаҳрамонларини кўпинча мохир мусаввир, уста бинокор, бежирим наккош, зукко меъмор кўринишида тасвиirlайди. Шарқ мусаввирлик ва меъморчиллиги анъаналари тарихининг билимдони эканлигини нафакат ўзи яратган образлар мисолида, балки ҳаётий фаолиятида ҳам чукур намойиш эта олади. Инжил канали ўзанида бунёд этилган бутун бошли гузар мисолида яққол кўриш мумкин. «Улуғ шоирнинг меъморчиллик санъат бобидаги бой билими, унинг ташаббуси билан дунёга келган қатта-кичик иншоатлар, йирик ансамбллари – буларнинг ҳаммаси Навоийнинг етук меъмор бўлганидан дарак беради», деб ёзган эди устод Пўлат Зохидов. Дарвоке, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган рассом Латиф Абдуллаевнинг «Навоий – меъмор» номли картинасининг яратилишида ҳам худди шу фикр асос бўлган бўлса ажаб эмас. Шоир асарлари меъмор санъатига ва бинокорликка тегишли кўплаб миллий терминларни ўрганишда, лугат бойлигимизни оширишда ҳам битмас-туғанмас манба бўлиб хизмат қиласи:

Муҳандиским бу қаср обод қилди.

Бу янглиғ тарҳини бунёд қилди...

Бийик тоқ устида устоди банио.

Кўйидин қўлса хишт олмоқ таманно...

Навоий халиқни ободончилик ишларига, мамлакатни боғу бўстонга, айлантиришга ундаиди. Шунинг учун ҳам Захирiddин Мухаммад Бобур «Бобурнома»да тўғри қайд килган эди: «Ахли фазл ва ахли хунарга Алишербекча мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлгай...» Навоий Ҳиротнинг йирик маданий марказ бўлишига раҳнамолик қиласи ва бунга эришади.

Хондамир Навоий хакида «Макоримул-ахлоқ»да кўйидагиларни ёзганда ҳақли эди: «Бир соатлик адолат олтмиш йиллик ибодатдан афзал» деган сўзларига амал қилиб, амирлик таҳтини ва ҳукумат мансабини ўзининг муборак қадами билан зийнатлади». Бу Алишер Навоийнинг буюк хизмати эди.

Рахим ВОҲИДОВ, Юнус АЗИМОВ
НИЗОМИЙ ВА УНДАН КЕЙИНГИ ДАВР БАДИЙ АДАБИЁТИДА
ИСКАНДАР СИЙМОСИ

XV асргача форсигўй ижодкорлар Искандар сиймосига жуда кўп мурожаат килганлар, форс-тожик адабиёти эса бу борада ибратли ва бой тажриба тўплаган эди. Кадимги форсий манбаларда Искандар сиймоси зиддиятли шахс қиёфасида намоён бўлади. Бундай қарама-қарши нукталар унинг шажарасига ҳам даҳлдордир. Миср тарихнависларининг шаходатига кўра, Миср коҳини Нактабен Рим мамлакатига келади ва унинг ҳукмдори Филиппнинг хотини билан алока қилишга эришади. Ўша пинҳоний учрашувдан Искандар дунёга келган. Эрон манбаларининг хабар беришича, Искандар Эрон шохи Доро II нинг ўғли эди. У Филиппнинг кизи, Доро II нинг хотинидан дунёга келган. Иккинчи маълумотдан шундай хулоса келиб чиқадики, Искандар Эрон салтанатига бегона эмас, балки шу мамлакат таҳтининг хакикий вориси ва ўзининг кичик укасидан таҳти тортиб олган. Хуллас, тарихнавислар нигоҳида Искандар ғоят мураккаб тақдирли ҳукмрон сифатида кўзга ташланади. Унинг фаолиятида бир-бирига зид икки кутб – ёзувзик ва эзгулик ёнма-ён турган.

Форс-тожик адабиётида ҳам ўшандай Искандар фаолият кўрсатади. Шундан бўлса керак, айрим асарларда у конхўр ва золим шоҳ сифатида тасвирланган. Шунингдек, Искандарнинг 'зардуштийлар маданиятининг душмани сифатидаги саъи, ҳаракатлари "Артак Виразнамак", "Корномаи Ардашери Бобакан" ва "Минуи хирад" каби қадимги ёзма ёдгорликларда тасвирланиб, қаттиқ кораланган. Пахлавий тилидаги диний адабиётларда ҳам Искандар образи учрайди. Масалан, "Минуи хирад" достонида шундай ёзилади: "Аёнки, Ҳурмузд Жамshed, Фаридун ва Ковусни ўлимсиз яратди ва Ахриман уларни нима қилгани ҳаммага аён. Ва Ахриман Баеврасп (Захҳок) ва Афросиёбу Искандарни ўлмас деб ўйларди. Ҳурмузд катта умумий манфаат учун уларни нима қилгани ҳам ҳаммага аён».

IX-XI асрларда яратилган Диноварий тарихий асарлари, Масъудийнинг "Муруж уз-захаб", Ибн Балхийнинг "Форснома", Мухаммад Жарир Табарийнинг "Тарихи Табарий", Бальамийнинг "Таржимайи "Тарихи Табарий", муаллифи номаълум "Мужмал ут-таворих" каби асарларда ҳам Искандар ҳақида зиддиятли фикрлар баён қилинган.

Искандар образининг Шарқ адабиётида кенг тарқалишига жиддий сабаблардан яна бири Қуръони Каримнинг "Кахф" сурасининг 83-98-оятларидир. Бу оятларда мазкур тарихий шахс Искандар Зулкарнайн тарзида зикр этилган. Жумладан, илохий китобнинг 83-84-оятларида ўқиймиз: "83. (Эй Мухаммад), яна сиздан Зул-қарнайн ҳақида сўрайдилар. Айтинг: "Энди мен сизларга у ҳақдаги хабарни тиловат қилурман". 84. Дарҳакиқат, Биз унга (Зулкарнайнга) Бу Ерда салтанат – хукмдорлик бердик ва (кўзлаган) барча нарсаларига йўл – имконият ато этдик"¹. Шу мўътабар сарчашма туфайли Искандар (Зул-карнайн) сиймоси мусулмон олами бадиий сўз санъати, хусусан, форс-тожик ва ўзбек адабиётларида кенг ўрин олиб, мусулмонча маъно касб этган. Кейинчалик Низомий Ганжавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа маснавийгўй шоирлар Искандар ҳақида асар ёзаётганда Қуръоннинг 18-сурасига таяниб, унинг табиатидаги зиддиятли

¹ Қуръони карим. -Т.: Ўқитувчи, 1982, 268-бет.

кирраларни инкор этмагани ҳолда, бу жаҳонгашта саркарда ва ҳукмдорни пайгамбар сифатида бадиий шархлашга ургу беришади.

Шарқ мутафаккири Абурайхон Берунни ҳам Искандар тарихи билан қизиқиб, кимматли маълумотлар ёзib колдирган. Унинг "Осор-ул-боқия" ва "Қонуни Масъуд" каби китобларида Искандар ҳакида бошқа манбаларда учрамайдиган лавҳалар келтирилади.

Х-XI асрлардан бошлаб Шарқ халқлари адабиётида Искандар шахси ва тимсолига бўлган муносабат муайян шакл ва тизим касб этиб, ижобий томонга ўзгарди. Форс-тожик шоирларидан биринчи бўлиб Абулқосим Фирдавсий Искандар мавзусига жiddий муносабат билдириди. У ўзининг машҳур "Шоҳнома"сида "Сикандар подшоҳлиги" достонини яратиб, Искандар бадиий тарихини янгича, ўзига хос талқин қилди. Шоир бу достонни ёзишга пухта хозирлик кўрди, жуда кўп тарихий, афсонавий лавҳалар йиғди. Паҳлавий, араб ва юон тилларидаги китобларни хар томонлама ўрганиб чиқди ҳамда Искандар ҳакида тамоман янги асар яратди. У достонида Искандарга нисбат берилган тарихий маълумотлардан айrim лавҳаларнигина олди, холос. Фирдавсий Искандарни Эрон шоҳларидан бири сифатида тилга олиб, бадиий тўқима орқали инсонпарварлик гоялари билан бойитилган шоҳ тимсолини яратади. Бирок, Фирдавсий асарида Искандар тўлақонли бадиий образ даражасига кўтарила олмади. Негаки, шоир олдида шоҳлар тарихини яратиш бош вазифа бўлиб турар эди. "Шоҳнома"да Искандарнинг зоҳирий томонлари тасвирига кўп эътибор берилгани туфайли ҳукмдорнинг ботиний олами етарли очилмай қолади. Агар достонга чукуррек назар солинса, асар аввалидан охиригача Искандар бир хил киёфада кўзга ташланади. Фирдавсийнинг қаҳрамони кўпинча шундай ишларни амалга оширадики, ўша қилмишларининг моҳиятини баъзан ўзи ҳам билмайди. Унинг мукаммал аклу хикмати ва фотих сифатидаги фаолияти ўртасида кандайдир бир номутаносиблик кўзга ташланиб туради.

Фирдавсийдан кейин Искандар образига муносабат деярли ўзгармайди. Низомий Ганжавийгача бу мавзуда катта хажмдаги асафлар яратилмаган

бўлса ҳам, Низомулмулк Тўсий, Кайковус, Саноий ва бошқа адиблар асарларининг таркибидаги хикоятларда Искандар сиймоси учраб туради. Аммо мазкур асарларда Искандар образи бир мунча бўрттирилган киёфада намоён бўлади.

Форс-тоҷик адабиётида Низомий Ганжавий Искандар мавзусига мурожаат этган ва алоҳида асар яратган иккинчи шоир хисобланади. Унинг "Панж Ганж"и таркибида келган хотимавий "Искандарнома"си икки қисм ("Шарафнома" ва "Иқболнома")дан иборат бўлиб, мутакориби мусаммани мақсур (фаулӯн, фаулӯн, фаулӯн, фаул V - - V - - V - - V -) баҳрида яратилган. Достон байтларининг умумий микдори 10500 тани ташкил этади.

Низомий Ганжавийнинг таъкидига кўра, ундан олдин мазкур мавзуга мурожаат этган ижодкорлар Искандар образини бир-биридан айри бўлган уч планда тасаввур қилганлар: шоҳ, ҳаким ва пайғамбар. Соҳиркалаш шоир эса бу хислатларнинг ҳаммасини бирлаштириб қаҳрамонига нисбат беришга аҳд қиласи ва бу ишни уддасидан нихоятда моҳирлик билан чиқади.

Низомий достонидаги қаҳрамон дунёning тўрт томонини забт этади, донишмандлик ҷўқкисига етиб, пайғамбар даражасига кўтарилади. Бирок бу кувонч узокка чўзилмайди. Шоир Искандарини ажиб бир мамлакатга юзмайоз қиласи. Бу юрт манзаралари олдида шоҳнинг барча уринишлари қадрсиз кўринади. Негаки, мазкур мамлакатда шоҳ йўқ, уруш йўқ, мол-мулк ўртада, ҳамма баробар яшайди. Сиёсатда, адолатда, қаҳрамонликда ягонаи замон бўлган Искандар бу ерда ўзини мағлуб ва нотавон сезади:

Агар мардум инанд, мо худ кием?

Вадар сират ин аст, мо бар чием?

Тарихий Искандар 33 йил умр кўрган бўлса, Фирдавсийда 32 йил, Низомийда 36 йил, Амир Хусравда эса юз йил умр кўради. "Оинаи Искандарий", "Скандар подшоҳлиги" ва "Искандарнома"ни қиёсий-типолологик ўрганиш жараёнида куйидаги фарқлар намоён бўлди. Фирдавсийда Искандар Эрон шоҳларидан бири бўлиб, тарих майдонида қаҳрамонликлар кўрсатади; Низомийда у жаҳонгир шоҳ, ҳаким ва

пайғамбардир. Амир Ҳусравнинг Искандари моҳир саркарда, ихтирочи донишманд ва ислом динининг толмас тарғиботчиси киёфасида намоён бўлади; Фирдавсий ва Низомий достонлари Искандарнинг туғилиши тарихи билан бошланса, Амир Ҳусрав достонида бу лавҳа йўқ. "Ойнаи Искандарий" достони Искандарнинг шоҳлик таҳтига ўтириши манзараси тасвири билан бошланади.

Ўзбек мумтоз адабиёти асосчиси Алишер Навоий Амир Ҳусравнинг "Ойнаи Искандарий" достонидан тахминан 184 йил кейин ўзининг "Садди Искандарий" достонини яратди. Навоий Искандар сиймосига алоҳида ёндашган. У ўзининг ижодиётида – лирик шеърларида, насрый асарларию маснавийларида хам Искандар образидан фойдаланган. Жумладан, шоирнинг "Ҳайрат ул-аброр" маснавийсида Шарқнинг машхур шоҳлари Фаридун, Жамшид, Доро, Чингиз ва Темурлар каторида Искандар хам тилга олинади. Унинг хаётидан ибратли лавҳа – жаҳонгирнинг машхур вазияти билан боғлик хикоят келтирилади. Искандарни тобутга солиб охирги манзилга узатадилар ва фотихнинг вазиятига кўра, унинг очиқ панжали бир қўли тобутдан ташкарига чиқариб кўйилади...

Алишер Навоийни тарихий Искандар эмас, балки унинг бадиий адабиётда машхур бўлган сиймоси қизиктирганлиги аник. Шоир янги тарихий шароитда яшаб ижод қилди. Шундан бўлса керак у ўз олдида янги гоявий-тарбиявий вазифаларни кўйиб, Искандар сиймосига мурожаат килди.

Алишер Навоийнинг Искандари золим, жаҳонгир, не-не юртларни ҳароб этган саркарда, дунё неъматларидан кўл ювган дарвеш эмас, балки у жабр-зулм ва қон тўкишни, адолатсизликни ёмон кўрувчи шоҳдир. Ҳакиқатни қарор топтириш, ҳалкни адолатсизлик, жабр-жафолардан ҳалос кўриш улуғ инсонпарвар шоир Искандарининг бош мақсади хисобланади.

"Садди Искандарий" ва "Искандарнома" достонлари воқеалар тизмаси (сюжет) ва тузилиши (композиция) жихатидан бир-биридан батамом фарқ килади. "Садди Искандарий" достони мукаддима, асосий, хотимавий боблардан иборат бўлиб, улар 89 фаслда жойлаштирилгандир. Достон 7215

байтдан иборат бўлиб, унинг мукаддимаси 14 бобни ўз ичига олади. Асарнинг етакчи мавзуининг бадиий ифодаси 15-бобдан бошланади. Айтиш жоиз, ана шу нуктадан Алишер Навоий маснавийсининг ўзига хослиги, бошка «Искандарнома»ларга ўхшамаган жиҳатлари намоён бўла бошлайди.

«Садди Искандарий»да мантиқий хулосалар асарнинг воқеабанд шеърий хикоялари берилган бобларида жамланади.

Хуллас, «Садди Искандарий» достонидан келиб чикиб унинг муаллифига назар ташлайдиган бўлсак, унда ноёб шоирона истеъод ва файласуфона тафаккур эгаси, йирик давлат арбоби, сиёсатдон ва халқпарвар вазир бўлган улкан шахсни кўрамиз. Зоро, Алишер Навоий достонида Искандарнинг жисмоний камолоти, ҳарбий билимларни қунт билан ўрганиши, навкарлар билан муносабати, галибона юришлари ва давлатни аклу заковат ила идора қилиш йўлидаги саъй-харакатлари тасвирига кенг ўрин ажратилади.

Отабек ЖЎРАБОЕВ **АМИРИЙНИНГ НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИГА ТАҲМИСЛАРИ** **ХУСУСИДА**

Туркистон замини жаҳонга кўплаб олиму аллома ва шоиру фузалоларни етишириб бериш билан бирга, тарихимиз яна шоён бир ходиса билан фаҳр этиши мумкин. Бу юргда ҳукмфармолик қилган кўпгина подшохлар ҳам ижодкор, ҳам олим бўлганлар.

Ушбу мақола мавзуига биноан, яна бир шоҳ ва шоир – Амир Умархон ижодий фаолиятидан бир кирра – унинг улуғ шоир ҳазрат Амири кабир Алишер Навоийга муносиб издошлиги ҳакида фикр юритмоқчимиз.

Умархон «Амирий», «Амир» таҳаллуслари билан ижод қилган. Ўзбекча ва форсча девон тартиб этган. Унинг ўзбек тилидаги девони салмоқли бўлиб, унда бошка лирик жанрлардаги асарлари билан бирга «табъи ҳуд» мухаммаслари, шунингдек, кўплаб устоз шоирлар ғазалларига килинган таҳмислари ўрин олган. Алишер Навоий ғазалларига кўп мухаммаслар қилган ва улар улуғ санъаткор ижодига ҳамоҳанглиги билан ажралиб туради.

Амирий ижодининг илк тадқиқотчиси, захматкаш олима Махбуба Қодирова шоирнинг «Девон»и сўзбошисида, Амирий ижоди ҳақида баҳс юритганда, бу мухаммаслар ҳақида ҳам қисқача маълумот беради¹.

«Девони Амирий»ни ўрганишимиз жараёнида Умархон – Амирийнинг Навоий ғазалларидан 24 тасига мухаммас боғлаганлиги маълум бўлди. Ушбу мухаммаслардан 16 тасини М. Қодирова юкорида таъкидланган нашрда эълон килган эди².

Биз, Амирий томонидан Навоийнинг айнан қайси девонидаги қайси ғазалларига мухаммас боғлаганлигини ғазалнинг асли ва мухаммасдаги фарқлар ва яна бошқа айрим матн масалаларини ойдинлатиш учун қўйидаги жадвални туздик:

№	Амирий тахмис қилган Навоий ғазали матлаъи	Навоий ғазалининг “Хазойин ул- маоний”да ги ўрни ва байтлари сони	“Девони Амирий” кўлёзма ва тошбосмас ида Навоий ғазалига мухаммас бандлари сони	Амирий “Девон”и (Т.: 1972) нашридаги и Навоий ғазалига мухаммас бандлари сони
			1	2
1.	Кўнглум ўртсанмасун агар гайрингта парво айласа, Хар кўнгул ҳам ким сенинг шавкингни пайдо айласа	“Фаройиб ус-сигар”, 23-ғазал, 10-байт	10 банд	9 банд
2.	Сахлдор тўбий демак нозик ниҳолингни кўруб, Ёки жаннат боғи гулзори жамолингни кўруб	“Фавойид ул-кибар”, 53-ғазал, 10-байт	9 банд	9 банд
3.	Лолазор эрмаски, охимдин жаҳонга тушти ўт, Йўқ шафакким, бир кирокдин осмонга тушти ўт.	“Фаройиб ус-сигар”, 86-ғазал, 7-байт	7 банд	5 банд
4.	Тонқали хоки танимга новаки ишқинг кушод, Кўнглум айтур хайр макдам, жоним айтур хайр бод	“Фаройиб ус-сигар”, 120-ғазал, 7-байт	7 банд	5 банд
5.	Уйла хижрон тошларин ёғлурди чархи тез гард. Ким синеҳр авжиғача хоки танимдин	“Бадоев ул- васат”, 122- ғазал,	6 банд	7 банд

¹ Амирий. Девон. – Т.: Фан. 1972. 8-9-бетлар.

² Амирийнинг Навоий ғазалларига мухаммаслари юкоридаги китобнинг 292-322-бетларидан ўрин олган.

	чиқти гард.	7-байт		
6.	Қасрнинг ҳар кунгири узра бало тошиумудур, Йўқса ботили ишқ даъви килғон эл бошимудур.	“Бадоеь ул-васат”, 173-ғазал, 7-байт	7 банд	5 банд
7.	Иўқ дамеким, фурқати жонимға бедод айламас, Гайрни шод этгали кўнглумни ношод айламас.	“Бадоеь ул-васат”, 226-ғазал, 9-байт	5 банд	5 банд
8.	Мухаббат шевасининг лозими ажзу ниёз эрмиш, Вафо ойинини хосияти сўзу гудоз эрмиш.	“Фавойид ул-кибар”, 251-ғазал, 9-байт	9 банд	7 банд
9.	Кўнгуллар кути ширин достонинг, Багирлар кони лаъли дурфишонинг.	“Фаройиб ус-сигар”, 356-ғазал, 7-байт	5 банд	4 банд
10.	Бўлди қотил кўз била зулфи сиях кори анинг, Кофири мастеки, ҳар ён тушти зуннори анинг.	“Фавойид ул-кибар”, 358-ғазал, 9-байт	8 банд	5 банд
11.	Донаҳолинг била кўнглум күшин ром айладинг, Гарди яздий меъжаринг дин қасдиға дом айладинг.	“Наводир уш-шабоб”, 360-ғазал, 7-байт	5 банд	5 банд
12.	Ғам ҳазонин зоҳир этмиш чехраи зардим менинг, Борғали елдек баҳори ноз парвардинг менинг –	“Фаройиб ус-сигар”, 350-ғазал, 7-байт	5 банд	3 банд
13.	Латофат ойи ул юз, шоми савдо сунбули тобинг, Соч узра гарди яздий меъжар ул шоми узра маҳтобинг.	“Фавойид ул-кибар”, 360-ғазал, 9-байт	8 банд	8 банд
14.	Ҳажр коним тўккудекдур, бўйлаким зор ўлмишам, Бот қутулғум гарчи бас котигирифторм ўлмишам	“Бадоеь ул-васат”, 417-ғазал, 9-байт	7 банд	5 банд
15.	Масиходин лабинг афсан, күёштин оразинг аҳсан, Күёшингга фалак хайрон, Масихингта күёш маскан.	“Фаройиб ус-сигар”, 488-ғазал, 9-байт	6 банд	6 банд
16.	Оҳимни сарсар айлабон ашкимни тўфон айладинг, Бу сарсару тўфон ила оламни вайрон айладинг.	“Бадоеь ул-васат”, 361-ғазал, 9-байт	9 банд	9 банд
17.	Оразинг муштокидур бу кўзки бўлмиш дардманд, Гарчи бордуру дардлиг кўзга ёргулукдин газанд.	“Фаройиб ус-сигар”, 121-ғазал, 7-байт	7 банд	Эълон килинмагани
18.	Иҷиб ул шўх гул-гул килди лаъли ноб ила ораз, Мани маҳзун нечукким дамбадам хуноб	“Фаройиб ус-сигар”, 277-ғазал,	9 банд	Эълон килинмагани

	ила ораз.	9-байт		
19.	Вах, наdur майдонда хар дам азми жавлон айламак, Бизга етгач, ўзга ҳи охангни майдон айламак.	“Ғаройиб ус-сигар”, 323-ғазал, 7-байт	7 банд	Эълон қилинмаган
20.	Мувофик келдилар, бўлмиш магар наврӯз ила байрам, Чаман сарви ёшил хильят, менинг сарви равоним хам.	“Фавойид ул-кибар”, 420-ғазал, 7-байт	7 банд	Эълон қилинмаган
21.	Чарх уорди тебратиб ноламни хам, охимни хам, Мехрибон моҳимнию номеҳрибон шоҳимни хам.	“Фавойид ул-кибар”, 415-ғазал, 7-байт	7 банд	Эълон қилинмаган
22.	Азал наккожи тарҳ айларда гулбарги намудорин, Магар паргор килди булбули саргашта минкорин.	“Ғаройиб ус-сигар”, 489-ғазал, 9-байт	7 банд	Эълон қилинмаган
23.	Бало дашти аро Мажнун манингдек кўрмамиш даврон, Куондек ҳар замон бир кўрмаган водийда саргардон.	“Наводир уш-шабоб”, 491-ғазал, 11-байт	9 банд	Эълон қилинмаган
24.	Ишқ сиррин хажр асири нотавонлардин сўрунг, Айш ила ишрат тарикин комронлардин сўрунг.	“Фавойид ул-кибар”, 350-ғазал, 9-байт	9 банд	Эълон қилинмаган

Кўриниб турибдики, Амирий Алишер Навоийнинг «Ҳазойин ул-маоний»сидан жуда яхши сабок олган ва бу мажмууга кирувчи девонларнинг тўрталасидан ҳам ғазал танлаб тахмис қилган. Энг кўп «Ғаройиб ус-сигар»даги ғазаллардан таржих этган – 10 та; «Наводир уш-шабоб»дан 2 та; «Бадойи ул-васат»дан 5 та; «Фавойид ул-кибар»дан 7 та.

Амирий Навоий анъаналарини давом эттирган ва салафининг бадииятдаги санъатига эргашибгина қолмай ўз бадиий тафаккурини ҳам чиройли тарзда намоён эта олгандир. Шеърий маром, гўзал тимсолу ёқимли охангни ўзида саклаган мисралар мухаммас жанридаги ёркин намуналарни тақдим этган. Ҳали кенг илм оммасига эълон қилинмаган, Амирийнинг Навоий ғазалларига мухаммаслари мисолида фикр билдиrsак.

Амирий – Ул шакарлаб маҳфил узра айлади то нўижханд,

Гунча янглиг бошини жайб ичра тинҳон этти қанд.

Бўлмади ҳаргиз, рамад ошуби бирла мустаманд.

Навоий – *Оразинг муштоқидур бу кўзки, бўлмиш дардманд,
Гарчи бордур дардлиг кўзга ёргулукин газанд*¹.

Яън, «Ул шакарлаб ёр, маҳфил (йигин, мажлис ёки айли жойи)да бир нўшханд (чиройли табассум) қилган эди; (табассумнинг гўзаллиги ва ширинлигидан) ғунча бошини беркитганидек, канд ҳам чўнтақка пинҳон бўлиб олди; гўёки, ғамгин, аламли ва бечора кўз хаяжондан кизариб кетди; гарчи кўзим унинг жилмайишига интизор бўлса-да, ёрнинг табассум қилиши менинг дардимни янада оширди, дардманд бўлди; худдики, дардга чалингган кўзга ёруғлик зарап бўлганидек».

Навоий байтидаги ўхшатиш Амир қалами билан ривожлантирилганини кўрамиз. Ушбу бандда тамсил ва ҳусни таълил санъатлари мохирона кўлланилган.

Айтиш керакки, Навоийнинг ушбу газали «ёр кўзи» ва «унинг гавғоси»ни фоят чиройли тарзда ёритган бўлса, Амир бу мавзуни мохирона давом эттира олган. У Навоий фикрини давом эттирибгина қолмай, уни бойитган ҳам. Мухаммаснинг навбатдаги бандларига дикқат қилсак бунга амин бўламиз:

*Неча эй кўз, хон ҳуснидин томар эрдинг тузин,
Ойу йилдек ўткарурсан гам тунила кундузин,
Тийралиқдин истадим ман ул ёргулук юлдузин,
Дард ўтин ёқти кўзумга ҳажр чун кўрди юзин,
Кийдурур албатта ҳар дору бордур судманд.
Муштарий кўз бирла ҳар ким кўрди ул барно юзи,
Айди:- «Ой бирла Қирон қилди саодат юлдузи»,
Тинмадим кўз заҳми биймидин кеча, на кундузи,
Бу қизоргон кўз аро мардум эмаским эл кўзи,
Тегмасун ҳуснунгга деб ўт узра солибмен сипанд...*

Айтиш керакки, ушбу шеърларнинг манбалар аро матний тафовутлари ҳам бир мунча муаммога ечим бўлади. Инчунин, Навоий газалларининг

¹ Девони Амирий – Г : Порцев матбааси, 1898. 54-саҳифа.

нашри ва Амирий мухаммаслари таркибидаги газаллар матни ўртасида айрим фарқ бор. Булар кўйидагиларда кўринади:

1) Айрим ҳолларда, Амирий мухаммаслари таркибидаги ғазаллар байти Навоийнинг анъанавий девонларидағи ғазалларнинг байт микдоридан камлиги ва ғазаллардаги байтлар тартибининг айрим тахмисларнинг бандларида ўзгарганлиги;

2) Навоий девонларидағи ғазаллар билан Амирий мухаммаслари таркибидаги Навоий ғазаллари орасидаги айрим матний фарқлар.

Дастлабки масала юқорида келтирилган жадвалда бир қадар аксини топган. Иккинчи масала юзасидан баъзи мисолларга тўхталсак.

Навоийнинг «Бадоев ул-васат» девонидаги 361-ғазалнинг тўртинчи ва еттинчи байти шундай келгирилган:

Ҳар қатра ашким қонидин хирқамни айлаб дөг-дөз,

Жисмимда ҳар ердин нишон бир дөзи ҳижрон айладинг...

Эй муг, зулоли ҳажср эди жоми Жам ичра дайр аро,

Сингон сафол ичра солиб, дардига эҳсон айладинг¹.

Амирийнинг Навоий ғазалига мухаммасида шеър тартиби сакланган. Факат мазкур икки байт қўйидагича берилган:

Ҳар қатра ашким қонидин чархини айлаб дөг-дөз,

Жисмимда ҳар ердин нишон бир дөзи ҳижрон айладинг...

Эй муг, зулоли Хизр эди жоми Жам ичра дайр аро,

Сингон сафол ичра солиб, дардига эҳсон айладинг².

М.Қодирова томонидан амалга оширилган нашрда биринчи мисра «Ҳар қатра ашким қонидин хирқамни айлаб дөг-дөз...» (321-б) тарзida, кейинги байт эса «Девони Амирий»ники билан бир хил берилган.

Матн киёсига сабаб – икки байтдаги остита чизилган сўзлардир. Дастлабки байтдаги «хирқамни» сўзи ўрнига «чархини» келганлиги, аввало, Амирий фойдаланган манба билан боғлик бўлса; иккинчидан,

¹ Алишер Навоий. Ҳазойин ул-масний. Бадоев ул-васат. – Гошкент: 1960. 365-б.

² Девони Амирий. 140-141-саҳифалар.

«хирқа»нинг ўрнида «чарх»нинг қўлланилиши байт мазмунига путур етказмаган, аксинча мазмунни бойитган. Яъни, қўз ёши нафақат хирқани, балки бутун чархни дөғ килиши муболаға қилингани.

Кейинги байтдаги «ҳажр» ва «Хизр» сўзлари эса нафақат мисра, балки байт мазмунини хам ўзгартириб юборади. Бу ўринда «ҳажр»дан кўра «Хизр» калимаси байт мазмунига уйгун ва шеър контекстидаги маъно-моҳиятни ёркинлаштиради.

«Зулоли ҳажр» ўрнига «зулоли Хизр» қўлланиши Навоийнинг фикрини аниклаштирган. Яъни, ҳажрнинг чашмаси эмас, Хизрнинг чашмаси дардга даво бўлади.

Амирий ижодий меросида Навоий анъаналари унинг буюк шоир ғазалларига боғлаган тахмисларида ёрқин намоён бўлган. Бу асарларни бирламчи манбалар асосида ўрганиш адабиётшунослигимизнинг муҳим тармоғи бўлган матншунослик соҳасидаги қилинажак ишлар сирасидандир.

Нодира АФОКОВА

НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА ТУН ВА ТОНГ ОБРАЗИ

Адабиётшуносликда бадиий асар таркибидаги айрим образларни алоҳида таҳлил этиш тажрибаси мавжуд. Масалан, Алишер Навоий ижодида самовий тимсоллар (Х.Эшонкулов) ва кўнгил образи (Н.Бозорова), ҳозирги ўзбек шеъриятида дараҳт образи (Д.Ражабов), Чўлпон шеъриятида ҳазон образи (Н.Йўлдошев) бирмунча кенгрок ўрганилган. Бундай ўрганиш айрим олинган образнинг бирор адаб ижодида алоҳида ўрин тутиш сабаблари, унинг эволюцияси ва адебнинг ғоявий позицияси билан муносабатини белгилашда жуда муҳим. Чунки баъзи бир образлар, рамзлар, тимсоллар айрим ижодкорлар томонидан фаол қўлланади, баъзан эса бир ёки бир неча марта истифода этилгандаёқ уларнинг кутилмаган кирралари кашф этиладики, натижада ўша рамз ёки образ ижодкорнинг "ўз" мулкига айланиб қолади.

Маълумки, тун ва тонг замоний ҳодиса тарзида, инсон хаёти ва фаолиятига таъсир этувчи жараён сифатида одамларни қадимдан кизиктириб селган. Тунни ёвузликларнинг, турли ҳалокатларниң маинбаи, инсонга қарши куч сифатида, тонгни эса эзгулик, ёруғлик, баҳт ва севинч келтирувчи хайриҳоҳ куч сифатида; тушуниш охир-оқибатда ҳалқ тасаввури ва адабиётидаги уларнинг икки қарама-карши рамзга айланишига сабаб бўлган. Чунки тунда ибтидоий одамнинг фаолияти тўхтаган. У коронги тушиши билан тирик қолиш учун емиш топиш ишини тўхтатишга, совук ва қўркувдан қалтираб, турли йиртқич хайвонлар хужумидан хавфсираб кундузни кутишга маҳкум бўлган. Тонг эса иссик ва хавф-хатар камроқ бўлган куннинг бошланиши сифатида қувонч билан қарши олинган. Қарама-қаршиликдан иборат бу бирлик кўпинча "тун ва кун" тарзида эмас, "тун ва тонг" тарзида англанган ва бадиий тафаккур намуналарида шу тарзда акс эттирилган. Инсон оламни эстетик идрок эта бошлаган даврларда ёк шаклланган бадиий қайта ишланган бу бирлик кейинчалик ёзма адабиёт намуналарига ҳам кириб келди ва фаол образларга айланди. Жумладан, Навоий ижодига ҳам.

"Наводир ун-нихоя" девонининг дастлабки 100 ғазалидан 35тасида "тун-тонг" ("тун-кун") бирлигига ёки улардан бирига дуч келамиз. Шеърларда бу бирлик турли шаклларда ишлатилган:

- 1-, 5-, 42-ғазалларда "субҳ – шом" шаклида;
- 4-ғазалда "ақшом – сабоҳ" шаклида;
- 14-ғазалда "шом – сахар" шаклида;
- 27-ғазалда "кеча – тонг" шаклида;
- 35-, 68-ғазалда "тун – субҳ" шаклида;
- 44-, 60-ғазалларда "шом – тонг" шаклида;
- 49-, 62-ғазалларда "тун – кун" шаклида;
- 50-ғазалда "субҳ, тонг – кеча, тун" шаклида;
- 64-ғазалда "кеча – тонгла" шаклида;
- 88-ғазалда "кундуз – кеча" шаклида;
- 97-ғазалда "тун, шом – субҳ" шаклида;

98-ғазалда "шом, кеча-кундуз, саҳар" шаклида.
Баъзан эса бу иккиликдан факат бири қўлланган-
16-, 53-, 74-ғазалларда "тонг" шаклида;
25-, 33-, 40-, 54-, 63-ғазалларда "шом" шаклида;
34-ғазалда "субҳ" шаклида;
38-ғазалда "шабистон" шаклида;
48-ғазалда "рӯз" шаклида;
56-, 77-, 87-ғазалларда "кеча" шаклида;
51-, 58-, 72-, 100-ғазалларда "тун" шаклида.

Таъкидлаш керакки, бу ғазалларнинг ҳаммасида ҳам "тун" ёки "тонг" образ даражасига кўтарилиган эмас. Улар баъзан пайт – ўз маъносида, баъзан метафорик жумла ("ғам туни", "хажр туни" каби) таркибида, баъзан кўчма маъноларда келади. Шу боис бу ғазалларни "тун-тонг" бирлигининг қўлланишига кўра гурухлаштириб текшириш мақсадга мувофиқ.

Девоннинг 1-, 14-, 27-, 34-, 35-, 38-, 42-, 49-, 54-, 56-, 64-, 76-, 88-ғазалларида бу иккилик (ёки уларнинг бири), умуман, пайт маъносини ифодалаб келади. 1-ҳамд-ғазалда шоир маъшуқани таърифлар экан, юзининг мунаварлигини тонгга, сочининг коралигини тунга нисбат беради:

Юзунг зиёсидин ар субҳ айни ичра баёз,

Сочинг қаросидин ар шом бошида савдо.

Байтда шоир юз ва сочдан ташкари, оқ ранг билан боғлиқ "зиё", "баёз" (оклиқ), қора ранг билан вобаста "савдо" (қора ўт) сўзларини ишлатади. "Савдо" сўзи бир неча маъноларни англатади: 1. Қора ўт. 2. Кучли эҳтирос, берилиш, ишқ. 3. Хаёл, тентаклик, жиннилик. 4. Истак, ҳавас, орзу¹. Лавҳада сўзнинг бир йўла барча маънолари назарда тутилган.

"Қаро" радифли ғазалда факат бир байтда эмас, бутун шеърда коралик ва оқлиқ билан боғлиқ катор бадиий деталларга дуч келамиз:

Хилъатин айлабтур ул шўхи сийминбар қаро,

Тун саводи бирла келгандек маҳи анвар қаро.

¹ К: Навоий асарлари лугати. - Т., 1972. - 537-6

Ул оқбадан малак қора либос кийиб келар экан, бу, гүё тун зулмати (коралиги) ичидаги мунаввар ойга ўхшайды. Шу тариқа шеърга ўхшатиши воситасида тун образи кириб келади. Учини и байтда шунга мувофиқ тонг образига дуч келамиз:

*Ашкдин инди қаро су құзларимдан ҳажрида,
Тонг йүқ идборим чу бўлмиишдир ахтар қаро.*

Аввало, кўз образига эътибор берайлик. Кўз – оқ ва қора ранглар манбаи. Фазал ибтиоданок оқ ва қора рангларга асосланган эди. Мазкур байтга келиб оқ ва қораликнинг мужассам тимсоли бўлган кўз образига мурожаат этилади. Шоир қора ранг билан боғлиқ кўз ёш, баҳтсизлик ва уларга тазодий характердаги тонг, юлдуз образларини ёнма-ён келтирадар экан, бу икки рангни ўзида жамлаган кўз орқали уларни умумлаштиради.

27-ғазалда кеча-тонг бирлиги пайт маъносида келиб, ошиқнинг руҳий ҳолатини ифодалашга хизмат қилдирилган:

*Кеча не навъ юмай кирпикнинг хаёлида кўз,
Менгаки игна бутар тонгга тегру бистар аро.*

Ошиқ ёрнинг киприклари хаёлида туни билан кўз юма олмайди, игна сукилгандай тонггача тўшакда тўлғаниб чиқди. Бундай руҳий ҳолатни тўшакда игна (тикан) борлигига менгзаш халқда бор. Аслида, байтда ҳам игна –тикан маъносида. "Бутар" сўзи "ўсмоқ, кўкариб ўсмоқ" маъносини англатади. Игна бутар, дейиш билан шоир лирик қаҳрамон изтироблари, машаққатлари чандон ортганлигини англатмокда. Чунки тўшакда тикан ҳар замонда ўсиб-кўпайиб турибди, уни бир марта дафъ қилиш билан изтироб-азобдан кутулиб бўлмайди. Шоир халқона ўхшатишни ривожлантириб, уни шаклан игна (тикан)га монанд киприк детали билан боғлайди. Натижада ўткир психологик тасвир юзага келган... Яна ана шундай ажойиб – муболагали тасвир 49-ғазалда учрайди:

*Телба қўнглумдин эмон розики, ҳар тун кўйида
Итларининг оғритур бошин анинг фарёди кўн.*

Ошик ёрни кўриш имкониятидан маҳрум. Бундан каттиқ изтироб чекади, ўртанинди. Шунинг учун тунлари ёрнинг кўчасида фарёду ағон чекади... Аммо наъраю ағонидиннафакат ёрнинг, балки итларининг ҳам безовта бўлишини хоҳламайди. Байтдаги "хар тун" ибораси узлуксиз, муттасил маъносида келган.

Яна бир гуруҳ ғазалларда "тонг", "тун" сўзлари ва уларнинг маънодошлари метафорик сифатлашлар билан бирга кўлланган. Чунончи, 4-ғазал наът характерида бўлиб, унда меъроҳ туни ҳакида сўз боради. Маълумки, меъроҳ тунида ҳазрат пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.) Бурок отида фалакка кўтарилиб, Аллоҳ билан мулоқотда бўлганлар. Навоий ғазалда ушбу илохий ҳодиса ҳакида сўзлар экан, "висол субхи", "уруж (кўтарилиш, юксалиш) ақшоми" метафорик ибораларига мурожаат этади:

*Висол субҳидин, йўқ, уруж ақшиомиким,
Сабоҳдек эди ул барқ нури бирла масо.*

Шоир буни "висол тонги" дейди. Аммо меъроҳ тунда содир бўлган-ку. Шу боис "йўқ", дея фикридан қайтади (ружуъ санъати) у, бу – кўтарилиш (уруж) оқшомидир, дейди. Биринчи байтда шоир Бурокнинг кўтарилган пайтдаги изини чақмокка ўхшатган эди:

*Зиҳи буроқинг изи ҳажру сайр барқосо.
Бу барқ сайри била пўяси фалак фарсо.*

Байтда яна аввалги ўхшатишга қайтиб, "масо" (оқшом), "барқ" (чақмок) "нури" (отнинг изи) била тонгдек нурафшон эди, дейди. Шу тарика, байтда субҳ-акшом, сабоҳ-масо зиддиятли бирликлари оркали меъроҳ тунининг кундай нурафшонлиги ёркин ифода этилади.

Бир катор ғазалларда тун образи ғам, фироқ, айрилик тушунчалари билан боғланади

*Сарсари оҳим эсар ғам шоми ҳижрон тозига,
Яхшидур тонг откучча бу тоги ҳомун бўлмаса.*

Сўз, яна ҳижрон ҳакида. Ҳижрон ошик ва маъшук ўртасида ўтиб бўлмас тоғ бўлиб юксалган. Бу тоғ туфайли ошикнинг тунлари "ғам шоми"га

айланади. Гам шомида у шундай ох тортадики, бу охдан совук ва каттиқ шамол эсади. "Сарсар – совук, кучли ва қаттиқ шамол", "сарсари ох" изофали бирикмаси "ох шамоли" маъносида. Бу ох шамоли шундай кучлики, тоғни ялаб-нуратиб тонгга қадар ҳомун (теп-текис дала)га айлантириши мумкин. Шоир бу ерда тажоҳули ориф санъатини ўзига хос тарзда кўллади: лирик қаҳрамон аслида тоғнинг йўқолишидан умидвор, манфаатдор, аммо "тонг отгунча бу тог теп-текис далага айланиб қолмаса эди" дея қўркув изҳор этади. 58-газалда эса "ғам туни" ибораси кўлланган:

*Эй Навоий, ғам туни эрмас шафақким, чархни
Қилди гулгун қон ёшинг дарёси ҳар дам чайқалиб.*

Бу ерда ҳам муболагали тасвир бор: ғам тунида чарх (осмон)ни гулгун килган нарса шафақ эмас, ошикнинг қон бўлиб оқкан кўз ёши дарёсининг ҳар замон чайқалишидир. Аслида, бу каби шеърларда "ғам туни", "ғам шоми"дан мурод – хижрон тунидир. Шу сабабли юкоридаги каби газалларда "ғам туни" ҳакида муайян байтдагина сўз борса, девоннинг 97-ғазали тўлалигича "хижрон туни"га бағишланган. Бунда хижрон туни, умуман, бирор ғам туни маъносида эмас, конкрет олинган вакт маъносида келган:

*Соқиё, ҳижрон тунидур, бода тут,
Ул қуёш бирла бу шомимни ёрут.*

Хижрон тунида ошик бода билан ғамларини унудиши – күёш (бода) билан шом тийралигини ёритиши истайди. Ғазал шундай бошланади ва тасвир то охирига қадар дастлабки байтда қаламга олинган тун ва бода образларига мувоғик қора ва қизил ранглари атрофида айланади: ҳажр, кўнгул, тун, тийра, зулм, заҳм, жароҳат, фурқат – буларнинг барчаси қора ранг билан; май, ламъа (ёлқин), барқ, ўт, шамъ, шафак, хуноба, бода – булар эса қизил ранг билан боғланади.

Тўртинчи байтга келиб шоир "хижрон туни" иборасини маънодоши – "ғам туни" билан алмаштиради:

*Ғам туни ҳам тийра, ҳам поёни йўқ,
Оҳ ўттин чек, субҳнинг шамъин ғрут.*

Газалда раддул-матлаъ – матлаъдаги байтнинг мактаъда қайтарилиши усулидан фойдаланилган. Аммо бу шунчаки пассив тақрор бўлмай, биринчи байтда "тун" ва "бода-ъёш" образлари қарама-қарши қўйилган бўлса, охирги байтда шоир кун ва тунни бир-бирига қарама-қарши қўяди:

Бўлди фурқатдин Навоий тийра рўз,

Соқиё, ҳижрон тунидур, бода тут.

Фурқат туфайли Навоийнинг (лирик қаҳрамоннинг) кунлари ҳам кора – тунсифат. Айрилик балосидин у кун ва туннинг фарқига ҳам бормайди; шунинг учун ҳам тийрарўз бўлса-да, "ҳижрон тунидур" дейди. Бу газалда тун образ даражасига кўтарилиган. Бу образ орифлик йўлини излаётган соликнинг холатини ифодалашга йўналтирилган.

Сарвиноз СОТИБОЛДИЕВА **АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ФОРС ШЕЪРИЯТИ**

Атокли шарқшунос Е.Э.Бертельс «Навоий ва Аттор» маколасида мумтоз форсий шеъриятнинг ёркин вакили Аттор ижодининг «Чигатой шоири» Навоий ижодига кучли таъсир килганлигини етарли далиллар билан кўрсатиб беради. Навоий болалик чоғларидаёқ илохий сирлар билимдсни Атторга ва унинг ижодига буюк меҳр-муҳаббат билан карар эди. Бу ҳол уни болаликдаёқ тасаввуф оламига бошлади. Буни «Лисон ут-тайр»да келтирилган қуйидаги байтларидан ҳам равшан тасаввур килишимиз мумкин:

Фониё, солдинг яна тарҳи ажаб,

Айлади қушлар тилин шарҳи ажаб'.

Шоирнинг фикрича, оламда қушлар, жонзот тилини, уларнинг хол-ахволини тушуниш факат Сулаймон(а.с.)га ва у орқали вазири Осафга насиб этган эди. Орадан неча минг йиллар ўтиб, Ҳак таоло яна бир инсонга қуш тилини билишни ирова этди.

Зоҳир этти бир ҳумоюнфол қуши,

Тез сайру, тез нутқу, тез ҳуши.

¹ Алишер Навоий, Муқаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 12-том; Лисон ут-тайр. – Т.: Фан. 1996, 276-бет.

*Коїси құш – Кофи фано анқоси ул,
Жұмлаи қүшлар тили доноси ул.
Мұрәсіді автору құтби авлиә,
Көңглида шамын ҳидоятдин зиё.*

Фоний шу ўринда эътиборни Аттор маънавий оламининг юксаклигига каратади:

*Кашфи асрори ҳақойықда фарид,
Нұтқидин ахлы ҳақықат мұстағиғ.
Ахлы ирфон солиқи автори ул,
Маърифат бозорининг Аттори ул.*

Шоирнинг фикрича, Аттор күшлар тили бирла тақаллум килишда Осафдан ҳам, Сулаймондан ҳам ортиқ. Сулаймон ва Осаф күшлар тилини билгандар билан элга “нафъ” етказмадилар: “Ким ахир гар англалилар бу махал, Лекин элга қылмади нафъ интиқом. Аттор эса бу тилда илохий сирлар шархини битди, хисобсиз гавҳарлар сочди:

*Нұкта деб анжом ила оғоздин,
Онча гавҳар сочти ғанжи роздин.*

Бугина эмас, Аттор илохий сир-асрор шархи билан замонни, мухитни тұлдирди:

*Ким замон жайбин тұла қышын гүшар,
Топтылар ондин замон ахлы самар.
Ганждин چинки очилди бу тилисм,
Хар гадога ул гүшардин етти қисм¹.*

Туркий тилде ўқыйдиган халқлар ҳам бу гавҳарлардан улуш олсиянлар деб, Аттор “Мантиқ ут-тайр”ига таянган ҳолда “Лисон ут-тайр”ни яратған Навоий “Лисон ут-тайр”да ағсусы билан айтадыки, туркий тилде сүзлашувчи бекілар, амирлар, шохлар күпчилигі құлида қүш (ложин) ушласалар ҳам, биронтаси қүш тилини (илохий сирларни) фаҳм этолмайдилар².

¹ Ұша асар, 277-б

² Ұша асар, ӯша бет.

Шу маънода Навоий-Фонийнинг форсий шеърият дурдоналаридан илҳомланиб, туркий халклар учун илохий сирларнинг гавҳарларини сочиши – туркий шеърият, туркий маданият хазинасини ганжларга тўлдириши буюк хизмати ва жасорати натижаси эди. Фонийнинг маънавий устози Атторни, унинг ижодини нима учун бу кадар қадрлашини достоннинг XIII бобидаги қайноқ эҳтироми, эъзози йўғрилган лавҳадан шоён англаймиз:

*Ул дўкон шарҳин қиласай эмди рақам,
Гарчи авсофида ожиздур қалам,
Одами табъини жаҳзл айлаб залил,
Ҳар ямон ахлоқдин қилса алил,
Бўлголи зойил ҳар андоқ иллати,
Бу дўкон ичра муҳайё шарбати.
Сандалу мушку абирау заъфарон,
Табъ жаҳлидин саросар заъфарон...¹*

Яъни, агар одамнинг табиатини жаҳолат (маърифатсизлик) мағлуб этиб, унда турли-туман ахлоқсизликлар – руҳий иллатлар пайдо бўлса, Аттор дўконида шу иллатларни даволовчи шарбат дорилари бор, Атторнинг файзли богида етиштирилган ва хушбуй мушкларнинг ҳар биридан таъбга юз хил файзли умидлар ҳосил бўлади. Атторнинг қанд ва новвотга ўхшаш ширин сўзларидан ўлган кўнгил ҳам ҳаёт топади².

Навоий-Фоний устод Атторнинг қасидалари руҳида бадиий юксак диidi шакллангани учун ҳам Ҳусрав Дехлавий ва Абдураҳмон Жомийнинг энг гўзал қасидаларига жавобиялар битди.

Шоислом Шомухамедов Фоний газалларида Ҳофиз анъаналари мавзуига тўхталиб, академик Абдулғани Мирзоевнинг қуйидаги фикрини келтиради: «Фоний-Навоий гоҳ Ҳофиздан сустрок, гоҳ унга тенг, гоҳ ундан ўтиб кетадиган газаллар яратди», - дер экан у тамоман ҳақли»³. Ш.Шомухамедов эса Навоийнинг форсий ижоди, умуман олганда, унинг

¹ Ўша асар, 28-6.

² Ўша асар, ўша бет.

³ Шомухамедов Ш. Гуманизм – абадийлик ялови. – Т.: Алабиёт ва санъат наприёти 1974, 57-6.

гуманистик нафаси анча юксак эканлигини айтади. Шу фикрини далиллаш учун у Ҳофиз ва Фонийнииг воизлар хақидаги ғазалларини таққослайди. Ҳофиз дейди:

*Воизон, к-ин жилва дар меҳробу минбар мекунанд,
Чун ба хилват мераванд, он кори дигар мекунанд.
Мушкile дорам, зи донишманди мажлис боз пурс,
Тавбафармойн чаро худ тавба камтар мекунанд?!
Гүйё бовар намедоранд рўзи довари,
К-ин ҳама қалбу дагал дар кори довар мекунанд*

ва хоказо. Мазмуни:

Меҳробу минбарда жилва кўрсатувчи воизлар хилватга киришлари биланоқ бошқача иш тутадилар. Мажлис билимдоnlарига бир мушкул саволим бор: Тавба кил деб фармон берувчилар не учун ўзлари жуда кам тавба, киладилар? Улар сўрок куни (киёмат)га ишонмайдими, нечун бу дагал қалблари билан олам (айланувчи чарх) ишини хал қилишга (қозилик қилишга) интиладилар?

*Навоий-Фоний худди шу ғазалга бундай жавоб ёзади:
Воизон то чанд манъи жому согар мекунанд,
Чун димоги хешро ҳам гаҳ-гаҳе тар мекунанд.
Аз қадаҳ онон, ки гоҳи нашъа меёбанд файз,
Зин шараф чун манъи маҳрумони дигар мекунанд.
Чун сафо аз тавба аҳли зуҳдро зоҳир нашуд,
Чун ба-дин таклиф риндонро мукаддар мекунанд?*

Мазмуни:

Воизлар жом ва согар қадаҳни манъ этадилар, ўзлари баъзи-баъзида димогларини ҳўллаб турадилар. Улар кайф килганда майдан файз топадилар, аммо нечун бошкаларни бу шарафдан маҳрум киладилар? Зоҳидларнинг тавба қилишдан кўнгиллари ёришмайди, аммо бундай таклиф билан риндоларнинг кўнгилларини хира киладилар.

Бир ўринда Фоний кўпгина ижтимоий иллатларни келтириб чикарувчи кибру хаво, худбинликни шундай фош этади:

Чун гул машав фирифтган рангу бўйи хеш,

Чун ғунча баста дар лаб аз гуфтугўйи хеш.

(Гулга ўхшаб, ўз рангу хидинг шайдоси бўлма, ўз хақингда гапиришдан ғунча каби лабингни юм).

Навоий “Мұҳокамат ул-лугатайн” асарида форс тилини ва форсий шеъриятни жуда мукаммал билганилигини, бу тилда ёзилган асарларнинг фазилати ва нуқсонларини мендан яхшироқ биладиган одам йўқ эди, деган фикрни айтади: “... форсий алфоз истифосин ва ул иборат истисқосин мендин кўпрак қилмайдур эркин, ва салоҳ ва фасодин мендин яхшироқ билмайдур эркинким, умрум гулшанининг тоза баҳорининг таровати чоги ва ҳаёт равзасининг напврас сабзазорининг назоҳати вақтиким, ўн беш ёшдин кирк ёшқачадурки, инсон хайлиниң табъи булбули ҳар гул жамолига шефта ва руҳи парвонаси ҳар шамъ хуснига фирефта бўлур, вакт шу авқотдур. Ва бу авқотда кўп гарип воқеъ ҳодисслурки, ул воқеа бирор хусн ва нозин ё ўз ишқ ва ниёзин шарҳ этарга боис бўлур. Ва бу ҳол ғазал тарикида мунхариским, ё айтурга мутааммил бўуллгай ё ўкурига муштагил....”¹

Кўринадики, навоий йигитлик фаслидан, унинг имкониятларидан самаларали фойдаланган ва форс тилида ҳам гўзал асарлар битган.

Сайдмурод ХОЛБЕКОВ МИРЗО САЛИМИЙ НАВОИЙ ҲАҚИДА

Мирзо Салимбек ибн Муҳаммад Раҳим Бухорий XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг биринчи чорагида яшаб ижод этган тарихшунос олим, оташнафас шоир ва моҳир таржимондир. Мирзо Салимбекнинг адабий тахаллуси Салимий бўлиб, ундан бир неча тарихий ва бадиий асарлар мерос колган. Адибнинг “Кашкули Салимий” асари 1333/1914 йилда Тошкентда

¹ Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. 14-том. Ҳамсат ул-мутахаййирин. -- Т.: Бадий алабиёт. 1967., 121-бет.

литографик усулда нашр этилган. “Тарихи Салимий” асари 1917 – 1920 йилларда ёзилган бўлиб, унда Чингизхон давридан бошлаб, Октябр тў. тарилишигача бўлган Ўрта Осиё, хусусан, Бухоро амирлиги тарихи, тарихий воеалар баён қилинган. Замон воеа-ходисаларининг бевосита иштирокчиси бўлган Салимий Бухоро хонлиги бошқаруви, солик тизими, хонликдаги хўжалик юритиш русуми, унинг Россия билан ўзаро алокалари, хуллас, муаллиф ўзи бевосита гувоҳи бўлган, кўрган, кечирган кўпдан кўп воеалар, ходисалар ҳакида кимматли маълумотлар, маърифатлар беради.

Салимийни мохир таржимон, дедик. У бир неча асарларни араб ва форс тилларидан таржима килган. Жумладан, араб тилидан “Дуррат ул-воизийн” номли асарни форсийга ўтирган. Бу китоб бизнинг кунларимизда ўзбек тилига ҳам таржима қилиниб, нашрдан чиқкан¹. Бундан ташқари, олим Абу Бакр Суютийнинг “Анис ул-жалис” асарини ҳам араб тилидан катта меҳнат ва маҳорат билан форс тилига ўтирган. Бу асар 1911 йилда Тошкентда нашр этилган. “Анис ул-жалис” таржимаси Сайд Фуломиддин² деган адабиёт мухибиға маъқул тушиб, уни Салимийдан туркий тилга ўгиришини илтимос киласди³. Шунда Мирзо Салимий туркий тилда асар ёзиш катта масъулият талаб қилишини, бу борада ҳеч ким Навоий бўла олмаслигини таъкидлайди.

*Дедим: бу алфози акобирдин,
Лутфингиз хўб, сўзингиз ширин.
Биласиз хўб, манга қудрат ўйқ,
Назм қилмоқга иститоат ўйқ,
Мен киму назмни ҳавас қилмоқ,
Хосса туркийга дастрас қилмоқ.
Нозими туркий тил Навоийдур,
Бошқалар айтгани ҳавоийдур.*

¹ Каранг: Мухаммад Салим ибн Мухаммад Раҳим Бухорий. Дуррат ул – воизийн. -Т.: Мовароуннахр. 2001

² Салимийнинг “Жомеъ ул-гулзор” асарида Сайд Фуломиддин ҳакида шундай бай – маълумот бор.

Матбаан бор ани ахомийдур.

Шурхати матбаан Гуломиддур

Бундан англишиядики, Сайд Фуломиддин утган аср бошларида кўплаб китобларнинг нашр этилишига сабабкор бўлган Гулом Ҳасан Орифжонов литографиясига хомийлик килган.

³ Салимий бу асарни 1917 йилда таржима килган, лекин нашр килинмаган. Муаллифнинг ўз кўли билан биттган ягона кўлэзма нусха ЎЗРФАШИ кулёзмалари фондида сакланади.

Мани назмимдуурүр ашки мунчоқ,

Дониш ахли күрүб бүлүр ночоқ, -

дея одобу тавозеъ билан Навойнинг буюк дахоси олдида ўзининг “ожиз” эканлигини эътироф этади. Эҳтимол, шунинг учун бўлса керак, «Каъб ул-Аҳбор хикоялари”ни истисно қилганда, бошқа барча асарлари форсий тилда битилган. Туркий тилда йирик асарлар ёзиш ниҳоятда масъулиятли иш эканлигини таъкидласа-да, бироқ шоир бу тилда битган газалларида тилимизнинг бетакрор жозибадорлигини, охангларини, унинг назокати ва нафосатини кўрсата олган. Куйидаги бир байт фикримизнинг ёркин далилидир:

Аё дўстлар, нечук кўнгул узай гулгун қаболардин,

Ҳама гулчехраи ширинлиқо булбул наволардин...

Ҳатто, Навоидек буюк мутафаккир ва санъаткор ҳам ижод жараёнидаги катта масъулият ҳамда мажбуриятни “Хамса” достонларида бир неча бор қайд қилган ва салафлари руҳи олдида адаб саклаб шундай деган эди:

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ,

Низомий панжасига панжа урмоқ.

Керак шер оллида ҳам шери жсанги,

Агар шер ўлмаса, бори паланги.

Демоқчимизки, Мирзо Салимий Навоий ижодини пухта билган ва улардан файз-футух топган. Унинг асарларидаги қайдлар, эътирофу издошликлар шундан далолат беради. Ва, бу – табиий бир хол...

Хуснугул ЖҮРАЕВА

“ФУСУЛИ АРБАА”ДА ҲУСАЙНИЙ ВАСФИ

Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг дўстлиги якин қирқ йиллик тарихга эга. Барча қадимий сарчашмаларда уларнинг зодагонлар фарзандлари сифатида бирга ўсганликлари қайд килинган. “Макоримул ахлс қ”, “Бадоев ул-вақоев”, “Мажолис ул-ушшоқ”, “Ҳабиб ус-сиёр”,

“Тазкират уш-шуаро”, “Равзат ус-сафо”, “Тарихи Рашидий”, “Бобурнома” сингари камёб манбаларда уларнинг мактабдош эканликлари кўп марта зикр килинган. Лекин афсуски, икки дўстнини кайси мадрасаларда таҳсил кўрганликлари, кайси буюк зотлардан сабок олганликлари хақида кўлёзма манбаларда етарлича маълумот мавжуд эмас. Аммо бу буюк шахсларнинг яқин дўсти, раҳнамоси Абдурахмон Жомий эканлиги уларнинг ўз асарларида ва катор манбаларда батағсил баён этилган.

Маълумки, Алишер Навоий асарларида Ҳусайн Бойқаро васфи, мадхи, таърифи турли муносабатлар билан ёки алоҳида тарзда берилган. Навоий асарларидаги Ҳусайн Бойқарога багишланган бобларни, алоҳида фаслларни саралаб, сайлаб ўрганиб чиксак, Ҳусайн Бойкаронинг хаёти, фаолияти, ижодий мероси кўз олдимизда яхлит гавдаланади, яъни Ҳусайнин таржима холи яратилади.

Бугина эмас, Навоийнинг лирик куллиётларидаги шеърларда ҳам ўрни-ўрни билан улар ўртасидаги дўстлик излари кўзга ташланиб колади. “Хилолия”дан сўнг, бу хусусият, айниқса, “Девони Фоний”даги касидаларда яккол хис этилади. “Ситтаи зарурия”да Ҳусайн Бойкарони бир неча байтларда мадх этиб, унинг шон-шавкатини Искандару Кайхусравлардан устун қўйиб, ўта муболағали тасвир яратган Навоий “Фусули арбаа”да бу масалага алоҳида эътибор беради.

Навоий тўрт касидадан ташкил топган “Фусули арбаа”да Ҳусайн Бойқаро билан самимий, дўстона муносабатини тасвирилаган. Унинг жасоратли ҳукмрон, давлатни қатъий низом, конун-қоида асосида бошқарадиган адолатли шоҳ эканлигини уқтиради. Жами 71 байтдан иборат бўлган “Саратон” касидасининг асосий кисми Ҳусайн Бойқаро мадхига каратилган. Санъаткор касидада Саратон иссиги азобидан кутулиш учун одамларни замона Жамшидининг шарафли туғи соясидан паноҳ излашга даъват этади:

*З-ин гармии хуршед бараст он ки паноҳ соҳт,
Зилли шарафни раият Жамшиди замонро.*

*Султони ғалак қадр Ҳусайн он шаҳи Ғозӣ,
К-аз адл чу фирдавси жинон соҳт жаҳонро.*

(Кӯёшнинг тафтидан паноҳ қловчи замона Жамшиди туғи соясининг шарофатидан топкусидур. Олийқадр султон Ҳусайн Шоҳи Ғозийдур, унинг адолатидан жаҳон жаннат боғларига айланди).

Бундан кейинги байтларда шоир сахийликда, ҳалқпарварликда, давлатни адолат билан бошқаришда Ҳусайн Бойкарга тенг келадиган шоҳ йўклигини изхор этади:

*Базлаш ба хаёли хирад афканда тамаъро,
Эҳсонаш аз нафси тамаъ бурда ҳавонро.
В-ин турфа, ки дар даври ту муҳтож, на соил,
То бишканад аз хон чунин нони зинонро.*

(Саховати ақл ҳаёлига таъмани солади, эҳсони эса таъма нафсидан тубанликни кувади. Қизиги шундаки, сенинг даврингда на гадой ва на муҳтож бор, токи бундай дастурхондан жаннат нонини ушата олсин).

Унинг мамлакатидаги бўрилар қўйларни кўрикловчи чўпон кучугига айланади, ҳалқпарварликда Бойкаро юртгирликда кўлга киритган бойликларни йўқсиллару гадоларга инъом этиб юборади.

“Саратон” қасидасининг охирида Навоий ва Ҳусайн Бойкаро ўртасидаги муносабатларнинг ниҳоятда яқинлигини кўрсатувчи биографик мохиятга молик байтлар ҳам мавжуд:

*Шоҳо! Чу з-аввал ба ду сад айб ҳариди,
Ин бандай бефоидай ҳечмадонро.
Беҳтар зи туам кас нашуносад зи баду нек.
Аз неку байди ман чи яқинро, чи гуллонро.
Аз айбу ҳунар ҳар чи ту гўйики чунони,
Ман банда қабул аз дилу жон карда ҳамонро.*

(Эй Шоҳ! Ўзинг аввалда икки юз айб билан сотиб олиб эдинг, фойдасиз, ҳеч нарсани билмайдиган бу бандани. Сендан бошқа ҳеч ким менинг яхши-ёмонимни билмайди. Менинг яхши яхши-ёмонимдан нимани

маъкул кўриш, нимани инкор этишни ҳам ўзинг биласан. Менинг айбу хунарларим ҳакида ҳар нарса десанг – мен – камина, уларни жону дилим билан қабул этгайман).

“Фусули арбаа”нинг иккинчи қасидаси “Хазон”да куз фасли ғоятда санъаткорлик билан тасвирланган бўлиб унга Навоийнинг инсонпарварлик ғоялари ҳам сингдирилган.

Жами 57 байтдан иборат бўлган “Баҳор” қасидасини ҳам асосан Ҳусайн Бойкаро мадхидан иборат дейиш мумкин. Қасиданинг 45 байти Султон Ҳусайн таърифи ва тавсифига бағишиланган. Шоҳ мадхи шундай байт билан бошлиданади:

Агар ҳоҳи баҳори бехазон бини варо бинигор,

Баҳористони ҳалқи Ҳусрави Эрону Туронро.

(Агар бехазон баҳорни кўришни истасанг, Эрону Турон подшохи ҳалқининг баҳористонини кўргил).

Навоий қасидада Султон Ҳусайнни каттикӯл, интизомли хукмрон эканлигини алоҳида таъкидлагани ҳолда, унинг ўзига хос ҳалим, хокисор ўта одамолий хислатини ҳам васф этади:

Туро бо он тавоноиву зарби теги оламгир,

Диҳад рӯ олами дигар, ки рези ашки галтонро.

(Шунчалар қудратингу оламни олишга қодир гиғи зарбанг билан, ажиб юмшоқлигинг ҳам борки, бундай пайтларда кўп кўз ёш тўкасан).

Қасида Хуросон ҳалқининг Султон Ҳусайн паноҳида янада фаровон ҳаёт кечиришлари ҳакидаги орзу билан якунланади:

Зи мулкорою адлат жаҳонро бод маъмури,

Ҳусусан мулки Эронро, дар ўҳалқи Хуросонро.

(Давлатни бошқаришу адолатингдан жаҳонда маъмурчилик бўлсин, хусусан, Эрон мулкини ва унда Хуросон ҳалқини ҳам шундай саодат чулғасин).

Тўртинчи қасида “Дай” деб номланган бўлиб, 70 байтдан иборат, шундан 36 байти Ҳусайн Бойкаро мадхига бағишиланган. Навоий шохнинг

саховатпешалигию баходиру мардлигини улуғлар экан, жасорату шижаоти туфайли бева-бечоралар рўшнолик кўрганини тасвирилайди:

Ба саъй ҳар чи зи илоҳон гирифта боши мулк,

Куни атои гадоён ба мадҳи беитноб.

(Саъю харакатлар билан шоҳлардан молу мулк олган бўлсанг, уларни бева-бечораларга бир зумлик мадҳлари учун бериб юборасан).

Кўринадики, “Саратон”, “Баҳор”, “Киш” қасидаларининг тенг ярми Ҳусайн Бойқаро мадҳи билан якунланади. Демак, Алишер Навоий қасидаларида тўрт фасл тасвири жараёнида форсий тилда ҳам якин дўсти, замон соҳибкironи Ҳусайн Бойкарони энг забардаст, узокни кўра биладиган, ўрни келганда қаттиккўл, мавриди билан дўст учун, халқ учун “ашк селини оқиза” оладиган ҳалим донишманд, чин инсон сифатида тасвирлаган. Ушбу масала келгусида янада жиддийроқ, қиёсий-типологик тахлилни талаб этади.

ЛИСОНИЙ ЗЕБОЛИКЛАР

Иброҳим Йўлдошев АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДАГИ ҚЎЛЁЗМА ТУРЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ТЕРМИНЛАР

Тарихдан яхши маълумки, Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистон худудларида Ислом динининг ёйилиши билан бирга, араб тили ва ёзуви ҳам кириб келди. Бунинг натижасида эса ўзбек тилига кўплаб арабча сўзлар ўзлашди. Эскидан қўлланилиб келинган бавзи туркий сўзлар ўрнини астасекин арабча сўзлар эгаллай бошлади. Бундай сўзлардан бири арабча китоб (كتاب)дир. Дастрлабки вактларда «*бир муқовага жузлаб тўпланган қўлёзма асар*» маъносини ифодалашда битик ва китоб терминлари муомалада бўлиб келган бўлса, кейинчалик, тахминан X-XI асрлардан эътиборан айни шу тушунчани ифодалашда китоб асосий термин сифатида мустахкам ўрин эгаллай бошлади.

Араб тилида *китоб* сўзининг кўплик шакли кутуб (كتب) бўлиб, унинг бу шакли ҳам ўзгармасдан туркий (ўзбек) тилга ўзлашган. Буни XV-XVI асрларда яратилган ўзсек тилидаги кўлэзмаларда кўплаб учратамиз. Айниқса, Алишер Навоий ўз асарларида *китоб* сўзининг кутуб шаклидан жуда самарали фойдаланади: «Даги кўпроқ, мўътабар кутубни кўрди»¹. Арабча кутуб ва *тафосир* (бирлиги *тафсир*) сўзларининг бирикиши натижасида «*тафсирли китоб*» (шарҳли, изоҳли китоб) маъносини ифодаловчи *тафосир* кутуб бирикма шаклидаги термини ясалган: «Masix лафзида сўз кўптур... Тафосир кутубидин маълум бўлур»².

«Бирор нарсанинг мазмуни, моҳиятини очиб бериш, кенгроқ тушунтириб бериш, изоҳлаш» маъносида арабча *шарҳ* (شرح) ва унинг кўплик шакли *шуруҳ* (شرح) терминлари ҳам муомалада бўлган: «... лозим кўрунди турк тили шарҳида бир неча варақҳа зеб-оройиш бермак ва анда ҳазрати султон ус-салотин муломаяти табъ ва маҳорати зеҳнларин шарҳ этмак»³. Демак, *тафсир* ва *шарҳ* терминларининг маъноюнгинан кўламида муайян фарқлилик мавжуд бўлган. Хусусан, *тафсир* термини, асосан, Куръони Карим оятларини шархлашга нисбатан кўлланган. *Шарҳ* терминининг маъносини юкорида келтириб ўтдик. Бу хар икки терминнинг маъноюнгинан кўлами билан боғлик айни шу ҳолаг тилимизда бугун ҳам сакланиб колган.

«*Китоб, мажмуа, ёзилган асар*» маъноларини ифодалашда *дафтар* (رتفه), кўплиги *дафотир* (رتفه) терминидан ҳам фойдаланилган. XIV-XVI асрларда ёзилган кўлэзмаларда *дафтар* терминининг «*китоб, ёзилган асар*» маъноларида кўлланилиши анча фаол бўлган. Айни пайтда, *дафтар* термини «*давлат девонларида ҳисоб-китоб, кирим-чиқим, даромат ва ҳаражатларга оид ёзувлар қайд этиб бориладиган жилд*»га нисбатан ҳам кўлланган. Шу боисдан «*давлат девонида ҳисоб-китоб ишларини олиб борувчи ва шу ҳисоб-китоб ишлари олиб бориладиган дафтарни сақловчи мансабдор кишилар*»

¹ Алишер Навоий МАТ Йигирма жилдлик. 13-ж. // Мажолис ун-нафонс. - Т.: Фан. 1997. - Б. 76.

² Алишер Навоий. МАТ. Йигирма жилдлик. 16-ж. // Мухогаматул-лугатайн. - Т.: Фан 2000. - Б. 39.

³ Ўша асар, ўша бет.

дафтардор, «қозихонада хукм, васика ва шу каби ҳужжатларни маҳсус дафтарга ёзиб борувчи, иш юритувчи шахс» *дафтарнавис*, «давлатнинг хисоб-китоб, кирғиз-чиқимлари олиб бориладиган идораси» *дафтархона терминлари* билан ифодаланган¹. М.Ҳакимовнинг ёзишича, «йирик тарихий-адабий асарларнинг ўзига мустақил ёки бир-бирининг узвий давоми бўлган қисмлари» ҳам *дафтар* деб юритилган. Масалан, котиблар Навоий «Хамса»сини кўчиргданда ҳар бир достон бошланиши олдидан *биринчи дафтар, иккинчи дафтар* деб ёзиб қўйганлар².

Илмий адабиётларда *дафтар* терминининг этимологияси ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Хусусан, А.П.Қаждан уни юонча пергаментни англатувчи *diphetera* сўзи билан боғлайди ва форс тилига *дафтар* шаклида ўзлашганини ёзади³. «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да *дафтар* сўзининг юон тилидан усмонли турк тилига ўзлашгани ёзилади⁴. «Турк тилининг этимологик лугати»да ҳам *дафтар* сўзининг юонча *diphetera* сўзидан олинганлиги ва юон тилида «хат ёзилган ҳайвон териси» маъносини ифодалагани айтилган⁵. Бошқа бир илмий манбада унинг арабча⁶, яна бирида форсча⁷ сўз эканлиги билдирилади. Эронда нашр этилган «Форсча луғат»да ҳам юонча *diphetera* сўзининг форс тилига *дафтар* шаклида ўзлашгани ҳақидаги фикр қайд этилган.

XIV асрга оид кўлёзма асарларда «китоб, асар» маъноларини ифодалашда форсча-тожикча *нома* (ном) терминининг ҳам муомалада бўлганлиги кўзга ташланади. «Нома сўзи ўтмиш давр тожик тилида 1) хат, мактуб; 2) фармон, амр, хукм хати; 3) асар, китоб; 4) рўйхат каби маъноларда кўлланган»⁸. Бундан ташқари, *нома* сўзи «китобнинг боби, қисми» каби маъноларни ҳам ифодалаган. *Нома* термини Алишер Навоий асарларида ҳам

¹ Ҳакимов М. Шарқ кўлёзмаларига доир терминларнинг изоҳли лугати. //Адабий мерос. -1983. - № 1. - Б.67.

² Ҳакимов М. Кўрсатилган манба, 66-бет

³ Қаждан А.П. Книга и писатель в Византии. - М.: Наука, 1973. - С 15.

⁴ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 1-ж. -М.: Рус тили, 1981.-Б. 214.

⁵ Ismet Zeki Eyyüboğlu. Türk Dilinin Etimoloji Sözlüğü. – İstanbul: Sosyal Yayınlar, 1995 - s. 172.

⁶ Карапан: Фазылов Э.Староузбекский язык. Хорезмские памятники XIV века. т. I. - Т.: Фан, 1966. - С. 335.

⁷ Древнетюркский словарь. -Ленинград: Наука, 1969. - С 159: Навоий асарлари лугати.-Т.: Адабиёт ва санъат нашр. - 1972. - Б. 184.

⁸ Ўзбек тили лексикологияси. - Т.: Фан, 1981.-Б. 111.

кўпроқ «мактуб» маъносини ифодалаб келган: «Шоҳ Нуъмон ўқугач ул нома, Билдиким бўлмиши ўзга ҳангома. Кўп қилиб фикр топти раъти савоб, Ўқувон номага биттийди жасаб»¹.

Кўп ҳолатларда форсча-тожикча нома, арабча мактуб (مكتوب) ҳамда руқъа (رُقْعَة) терминларининг моҳиятан синоним тарзда кўлланганини кузатиш мумкин: «Паривашдин яна бир нома олиб, Борур эрди сабодек тўя солиб. Чу топтилар ул эл, қилгонни матлуб, Тафаҳҳус қилгоч они, чиқти мактуб»². Ушбу матннинг давомида Навоий «мактуб» маъноси учун туркий битик лексемасидан ҳам фойдаланади: «Битик бирла ўзин Ҳисравга филҳол, Таваққуълар била қилдилар ирсол»³. Навоий «Садди Искандарий»даги бир матннинг ўзида «мактуб» маъноси учун нома, битик, руқъа терминларини аралаш кўллади: «Бўлуб ул битик ҳирзи жони анга, Ўлумдин қутулимок нишони анга. Неча йил анинг бирла хурсанд эди, Ким ул руқъа жонига пайванд эди. Қачон нома бўлса тирикликка дол, Ҳаёти абад берса тонг йўқ - висол»⁴.

Араб тилидан ўзлашган рисола (رسول) термини ҳам «хат, мактуб, асар ёки мактуб» маъноларини англатиб келган. Келтирилган ушбу парчада рисола термини «китоб, асар» маъноларида кўлланган: «... икки ёки уч кун бурунроқ мавлоно шайх Абдуллоҳ ушибу рисолани қошимизга келтурууб эрди»⁵. «Хазойин ул-маоний»дан олинган куйидаги парчада эса рисола термини «хат, мактуб»ни ифодалаган: «Кўнгил шикоятидин юз рисола ёзмиймен, Ким айлагай бу рисолатни дигистонимга»⁶. Навоий «Хамсат ул-мутахайирин» асарида «соф, тоза, яхши рисола» маъносида мунаққаҳ рисола. «фойдали, нафли рисола» маъносида “муғифид рисола”, «мусиқа назариясига багишланган рисола» маъносида “адвор рисола” ҳамда мусиқий рисола терминларидан фойдаланади: «Ул ердинким, ... мусиқий ва адвор

¹ Алишер Навоий. МАТ. Йигирма жилдлик. 10-ж. // Сабъан сайёр. - Т : Фан, 1992. - Б. 290.

² Алишер Навоий. МАТ. Йигирма жилдлик. 8-ж. // Фарҳод ва Ширин. -Т.: Фан, 1991. - Б. 390

³ Курсатилган асар, 33-бет

⁴ Алишер Навоий. МАТ. Йигирма жилдлик. 11-ж. // Садди Искандарий. -Т.. Фан, 1993. - Б. 449.

⁵ Алишер Навоий. МАТ. Йигирма жилдлик. 15-ж. // Хамсат ул-мутахайирин. - Т.. Фан, 1999. - Б. 15.

⁶ Алишер Навоий. Хазойинул-маоний. // Наводириш-шабоб. - Т.:ФА нашр., 1959. - Б. 545.

рисоласин битидиларким, бу фанда андоқ мұнаққаң әс мүфид рисола үйқтур¹. Мәдениет, рисола сүзининг араб тилидаги күплиги расоил (ليسر) бўлиб, унинг бу шакли Навоий асарларида кўплаб қўлланын: «Яна дөги батъзи расоил бор, агарчи сабаҳ дастури била ё муқобала қонуни била алар хизматида ўқулмайдур»².

Муаллифнинг турли кишиларга наср ёки назмда ёзган мактублар мажмуаси ҳамда майдароқ насрый асарлари йигиндиси муншаот (تأشنه) деб аталган. Муншаот арабча сўз булиб, унинг асл ўзаги нешо (أشنه), «туммоқ, ижод қилмоқ, ёзмоқ»дир. Нешо феълидан иншо (عشنا) ясалган. Иншо термини қуидаги маъноларни ифодалаган: «1. Пайдо қилиш, юзага келтириш; 2. Ижод, сочма асар; 3. Ёзув, хат»³. Куидаги мисолларда унинг «хат, ёзув» маъноларида қўлланганини кўрамиз: «Мавлоно Номий – сабзаворлиқдур. Иншо била нома хатин битурта машҳурдир. Аммо иншода ҳеч мунши они бегонмас»⁴.

Шунингдек, «тасниф этилган, тузилган, ёзилган (китоб ҳолига келтирилган) асар» маъноси арабча мусаннаф (فنصه) термини орқали ифодаланган. «Таснифлар, китоблар, асарлар» маъносида мусаннаф сўзининг араб тилидаги кўплик шакли - мусаннафот (تألفصه) термини ҳам муомалада бўлган: «Зоҳирий ва ботиний улумга олим эрмиш ва назм ва наср кутуб мусаннафоти бор»⁵; «Кутуб ва расоил бобидаким, асарнинг мусаннафотидур ва мазкур бўлғон мусаннафотнинг төъодди будурким»⁶. Мусаннафот аслида тасниф (فيصله) сўзидан ясалган. Араб тилида тасниф англатган маънолардан бири «бирор асар яратиш, ёзишdir»⁷: «... ва бу фақир аларнинг таълифига боис ва таснифига сабаб бўлубмен»⁸. Ўрта асрларда, хусусан, Алишер Навоий асарларида «мактуб» маъносида қўлланган яна бир

¹ Алишер Навоий. МАТ. Йигирма жилдлик. 15-ж. // Хамсат ул-мутахайирин. - Т.: Фан, 1999. - Б. 70.

² Алишер Навоий. МАТ. Йигирма жилдлик. 15-ж. // Хамсат ул-мутахайирин. - Т.: Фан, 1999. - Б. 73.

³ Навоий асарлари лугати. -Т.: Адаб. ва санъат нашр., 1972. -Б. 277.

⁴ Алишер Навоий. МАТ. Йигирма жилдлик. 13-ж. // Мажолоси ун-нафоис. -Т.: Фан, 1997. - Б. 129.

⁵ Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш жилдлик. 15-ж. // Насонимул-мұхабbat. - Т., 1968. - Б. 174.

⁶ Алишер Навоий. МАТ. Йигирма жилдлик. 15-ж. // Хамсат ул-мутахайирин. - Т.: Фан, 1999. - Б. 47.

⁷ Навоий асарлари лугати. -Т.: Адаб. ва санъат нашр., 1972. -Б. 599.

⁸ Алишер Навоий. МАТ. Йигирма жилдлик. 15-ж. // Хамсат ул-мутахайирин. - Т.: Фан, 1999. - Б. 9.

термин арабча *хат* (خط)дир: «Бўлди чу мистар хатига рақам, Бошини олмас рақамидин қалам¹; «Бу сўзга қилиб аҳду мисоқ этиб, Йибормишдуурурлар манга хат² битиб»². Бундан ташқари, *хат* термини, асъсан, «ёзув» маъносида кўп қўлланган: «Фақирга ўз муборак хатлари билга битишган девонни иноят қилдилар»³.

Алишер Навоий *хат* сўзи иштирокида муаддил *хат* ҳамда ҳамойил *хат* терминларини ҳам қўллади. Лекин бу бирикмаларда *хат* лексемаси «ёзув, мактуб» маъноларида эмас, балки «чизиқ» маъносини ифодалаб келади. Чунки араб тилида *хат* сўзи «ёзув, мактуб»дан ташқари яна «чизиқ, из, ўлчам» маъноларини ҳам ифодалайди⁴: «Минтақаси бирла муаддил хатин, Яъни ул икки ҳамойил хатин»⁵.

Арабча қуллиёт (طبليق) термини Алишер Навоий асарларида қуйидаги маъноларда қўлланган: «бирор нарсанинг барча жузвларини ўз ичига олган ҳолати; бир турдаги нарсаларнинг йигиндиси; ёзувчи-шоирнинг кўп асарларини ўз ичига олган тўплам»: «Ул ҳазрат бу фақир орасида ўтган руқъалар бобидаким, ул руқъалар ҳоло аларнинг куллиётида мазкурдур»⁶. Куллиёт сўзининг ўзаги куллун (كۈلۈن) бўлиб, араб тилида «бир бутун, йигинди» маъносини ифодалайди. Ундан куллий (كۈلىي) - «мукаммал, тўлиқ; умумий», сўнгра «бутунлик, тўлиқ; тўплам» маъноларини ифодаловчи куллиётун (كۈلىيەتىن) сўзлари ясалган⁷.

Зиёдулла ҲАМИДОВ НАВОЙИННИГ МУСИҚИЙ АТАМАЛАРГА МУНОСАБАТИ

Алишер Навоий сўз санъаткори сифатида ўзининг бадиий асарларини анъанага мувофиқ, аввало, Аллохга ҳамду сано, пайғамбарга наът, сўнгра қалам васфида, сўз таърифида каби боблар билан бошлайди. Шоир “Хамса” достонларининг ушбу бобида сўз, унинг пайдо бўлиши, борлик, жамият, сўз-

¹ Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш жилдлик. 6-ж. // Хайратул-аброр. - Т., 1965. - Б. 121.

² Алишер Навоий МАТ. Йигирма жилдлик. 11-ж. // Садди Искандарий - Т.: Фан, 1993. - Б. 364.

³ Алишер Навоий Асарлар. Ўн беш жилдлик. 14-ж // Ҳамсат ул-мутахайирин. - Т., 1967. - Б. 57.

⁴ Навоий асарлари lugati. - Т.: Адаб. ва санъат нашр., 1972. - Б. 651.

⁵ Алишер Навоий Асарлар. Ўн беш жилдлик. 6-ж. // Хайрат ул-аброр. - Т., 1965. - Б. 164.

⁶ Алишер Навоий МАТ. Йигирма жилдлик. 15-ж // Ҳамсат ул-мутахайирин. - Т.: Фан, 1999. - Б. 29.

⁷ Карапп: Бараков X К Кўрсатилган асар, 889-890-бетлар

садо Аллохнинг амри билан “кун”, яъни ярал, деб айтилган буйрукка эътиборни каратади.

Ўшанда ел, насим эсиши, шу асосда тёбраница, жатижада садо, овоз, сўз пайдо бўлди, дейди. Ана шу садо-сўз, мусика эди, деб таъриф беради Навоий. Шу боис инсон садо-музыкага бир умр боғланиб қолади.

Сўзга васф шулким, сўз аввал, жаҳон эса сўнгра пайдо бўлди, дейилади. Биринчи садо “сўз” экан, ҳар қандай қўшикнинг ҳам бошланиши сўздандир. Сўз айтиб совумайдиган тарона – қўшикдир. Бугина эмас, сўз олиб тугамайдиган хазина. ва яна сўз жисм бўстонида дараҳтдир.

Айтиб совумас тарона сенсен,

Олиб тугамас хизона сенсен!

Сўзга хос хосса – хусусият кўп. У – ҳароратли, қайнок. Сўз доимо жўшиб-тошиб туради. Шу туфайли қалбларга кувонч багишлади. Ва, аксинча ҳам. Сўзниң яна бир хусусияти – битмас-туганмаслиги. Сўз “хизонаси” – хазинаси азалий, шу билан бирга, адабий хазина – ганжина. Уни канча ишлатгани, сарфлагани билан ҳеч качон тугамайди...

Инсоннинг жисми гулшан бўлса, нутк ундаги Хушовоз булбулдир. Булбулнинг навоси – сўз. Жонга роҳат берувчи нағмаси ҳам сўздир. Агар сўз бўлмаса, булбул навосиз, нутқсиз қолар эди. Булбулни ҳеч качон навосиз кўрманг, бенаволикни ҳам булбулга раво тутманг. Хусусан, сўз булбулига Навоий ошуфтаи зор. Унинг сир (яширин) боғи гулзордир. Боғини яшнатиб, наво бергин. Гулзори гулларини тоза айлаб хушбўй атрини бутун оламга ёй, булбулини баланд овозли, ёқимли, куйини эл кўнглига мақбул қил, ҳалқ орасида жўш урсин¹. Шундай килиб, Навоий таърифида, сўз – биринчи сас, садо, наво, оҳанг, қўшик, куй тарзида эътироф этилади.

Ўзбек адабий тили тарихининг тўлик шакилланиш даври хисобланмиш Алишер Навоий ижоди билан боғлик мукаммал, умумлашма лексикологик тадқиқотлар у қадар ҳам кўп эмас. Адабий ўзбек лексикаси тарихини комплекс тадқиқ этиш, шубҳасиз фан соҳасида ижтимоий ва табиий илмлар

¹ Қаранг: Алишер Навоий. Сабъян сайер. – Т.: 1991. 30-33 (362-364) бетлар.

билин боғлиқ халкнинг маънавий меросини тиклаш, уни чукур ўрганиш вазифаларини келтириб чиқаради. Навоий асарлари тили фақат ўзбек тишишунослиги доирасида эмас, балки бутун туржий тиллар тарихи, аллақачонлар шаклланган жаҳон навоийшунослиги йўналишида жуда кўп чет эл туркологлари томонидан ҳам ўрганиб келинмоқда¹. Айтиш жоизки, буғун Навоий асарларига багишланган маҳсус лугатларнинг тузилиши, ўз-ўзидан, қадимги-эски туркий, эски ўзбек тили тараққиётига муносаб улуш бўлиб кўшилди. Ўз ижодий фаолиятида эски ўзбек (туркий) адабиёти эришган барча ютукларни ривожлантирган шоир бу хизматлари билан бутун туркий тилни, хусусан, эски адабий ўзбек тили лексик имкониятларини юксак тараққиёт боскичига кўтара олди.

Мусиқий терминлар бошқа соҳа атамалари каторида Алишер Навоий давригача бўлган туркий тилли адабий манбаларда, қўлёзма лугатларда ўзига хос тарзда истифода этилган.

Айниқса, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луготит турк” (XI), тузувчиси номаълум “Аттухфатуз закийя фил луготит туркия” (араб тилида зикр этилган туркий халқларга тухфа этилган лугат) (XII), Ибн Муқаннанинг “Таржумони туркий, мӯгулий ва форсий” (XIV), шунингдек, бевосита Навоий асарларига багишланган лугатлардан “Абушқа” (XV), “Бадоев ул-лугат” (XV) Муҳаммад Яъқуб Чингийнинг “Келурнома” (XVI), Мирза Мехдихоннинг “Санглоҳ”, “Мабониул лугот”и (XVIII), Хоксорнинг “Мунтахабул лугот”и (XVIII), Фатҳ Алихон Кожарийнинг “Луготи атрокия” (XIX), Шайх Сулаймон Бухорийнинг “Луготи чиғатойи ва турки усмоний” (XIX) каби лугатларда ҳам мусиқий атамалар шарҳланган, ўз изохини топган².

Шу кунгача Навоий асарларининг мукаммал нашри йўқ эди. Ўз даври тадқиқотчилари томонидан “Шоир асарларида 26 мингдан зиёд сўз кўлланган”, деган маълумотлар эндиликда нисбий тушунчага айланди. Ҳатто

¹ Исмагуллаев Х. “Муҳокаматул лугатайн”нинг чет элларда ўрганилиши // ЎТА. № 2, 54-58 бетлар.

² Ҳамидов З. Лугатшунослик тарихи ва қўлёзма лугатлар – Т.: Адолат. 2004. 8-9-бетлар.

тўлиқ хисобланган “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”га (4 томлик, 1983-1985) ҳам кўп сўзлар, айниқса, диний-тасаввифий терминлар, шунингдек, мусиқий атамаларнинг ҳам бაъзилари кирмай қолган. Бунга шоир асарлари тўлиқ сўзликлари тузулмаганлиги сабаб, албатта. Энди эса, шоирнинг тўлиқ сўзликларини ўзида мужассамлаштирган асарлари нашр этилди. Бинобарин, бугун адид асарларида қўлланган ўз ва ўзлашган турли соҳа лексемаларининг тўлиқ частотасини аниқлаш имкони мавжуд. Навоийнинг бадиий услубида турли соҳаларга доир сўзларни кўллаш маҳорати, ҳар бир сўзнинг бош луғавий ва мажозий маъноларда матн руҳига мослиги кузатилади.

Маълумки, Навоий турли муносабат ва мақсад билан Самарқанд, Астробод ва бошка шаҳарларда бўлган. Сафарлари мобайнида у турли қишилок-шаҳарларда тўхтаб ўша жойнинг иклими, этник таркиби, халқнинг яшаш тарзи-ю, иктисадий шароити, маданияти, халқ оғзаки ижоди, удумлари, умуман, кўшиқчилик санъати, ерли аҳолининг шажараси, уруғлари, тили, лаҳжаларига катта эътибор берган. Шу аснода ўзининг яратилажак йирик бадиий асарларига манбалар тўплаган.

Шоир асарларида турли соҳаларга алоқадор терминлар ўз ва кўчма маъноларида гўзал ифода топган. Чунончи, диний-тасаввифий, афсонавий, ҳарбий истилоҳлар, унвон, даража ва ҳуқукка оид сўзлар, уй-рўзгор, кийим-кечак, касб-хунар, таълим-тарбия, озик-овқат, жуғрофий, астрономик тушунчалар, ёввойи ва уй ҳайвонлари, ўсимлик ва дараҳтлар, конлар билан боғлик номлар, спорт ўйинлари, уларнинг турлари ва чолгу асбобларининг атамалари ва бошқалар шулар жумласидандир.

Алишер Навоий ўзбек тилининг ички имконият ва бойлигидан нечоғлик санъаткорлик билан фойдаланган бўлса, луғат гаркибининг ўзлашган қатламига алоқадор ходисаларни ҳам ана шундай мохирлик билан кўллайди. Энди далил-хужжат сифатида адид асарлари лексикасидаги баъзи хусусиятларга эътиборни қаратайлик.

Навоий илмий, тарихий, бадиий асарларида мусиқа саънатига оид чанг, уд, най, ногора, карнай, сурнай, ғижжак, қўбуз, борбат, лаҳн (кўй) парда, раҳ, тарик, Хусровоний (шоҳ Хусров щаънига бағишиланган) ҳафт, суруд лаҳни борбат, шабдиз, боги ширин, чини сиёвуш, наврӯз, мехргон, руд, шахруд, тунбур (танбур), чагана, рубоб, эгри, даф, жаложил, арғанун каби истилоҳ ва ибораларни кўлиаган.

Биламизки, XIV аср маданий ҳаётида мусиқа санъатининг ўрни катта бўлган. Абдурахмон Жомий, Биноий, Хўжа Абдулла Садир, Хўжа Юсуф Бурҳон, Мавлоно Салимий каби шаҳслар мусиқа масалалари билан кизиқканлар¹. Абдурахмон Жомийнинг “Рисолаи мусикий” асари ва Ҳусайниннинг “Мусиқанинг назарий ва амалий қонунлари” номли рисолалари бевосита Алишер Навоийга бағишилаб ёзилган². Навоий мусикани севган, ундан роҳат-фароғат топган. Ҳатто унинг ёшлигиданоқ ўз ғазалларига куй басталай бошлаганлиги хакида маълумотлар мавжуд. Навоийнинг бу соҳадаги кобилятини Бобур қуидагича таърифлайди: “Яна мусиқада яхши нималар боғлаб турган. Яхши накшлари ва яхши пешравлари бордур”³.

Навоийнинг ўзи ҳам замондош мусиқачи, ҳонанда ва созандалар ҳақида “Мажолис ун-нафоис”да маълумот беради. Улардан бири: “Устод Кулмуҳаммад ...Кичик ёшида ғижжак, чолар эрди. Қобилият асари ул фанда андин кўп зохир бўлур эрди. Тарбиятига машғул бўлулди... Ўзга ушок фазоили ҳам бор ...Аммо уд ва ғижжак ва қўбузни асрида киши онча чала олмас...” (М.Н., 62)

Соқиё, май тўла ким арбада истар кўнглум,

Эй муганни, чола боила, ўқурур қўқда қўбуз (ХМ, 1a 135).

Навоий мусиқага оид атамаларни ўзининг илмий, тарихий асарларида маҳсус келтирган бўлса, унинг бадиий асарларида бу ҳол янада яққолрок қўзга ташланади.

¹ Дадабоев X., Ҳамидов З., Ҳолманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. – Т : Фан, 2007, 74-бет.

² Матёкубов О Навоий наволарин излаб // ЎТА, 1991, № 1, 54-59 бетлар.

³ Ўзбек адабиёти гарихи. Беш жилдлик, 2-жилд. – Т.: Фан, 1978, 370-бет.

Ғижжак – Ўрта Осиё халқлари, хусусан, ўзбеклар орасида қадимдан кенг тарқалған камонча билан чалинадиган торлы өлкөн асбоб, косаси қовоқдан, норжил ёнғок ёғочидан ясалған, ўртаси ковак килиб үйилған, устига балиқ териси ёки пұфак қолланған. Ушбу өлкөн асбобини Навоий *Ғижжак* тарзыда ўз асарларида тилга олади.

Қадимий өлкөн асбобларидан бирининг номи лугатларда құбуз, копуз, тарзыда ишлатылған Навоий асарларида бу атама факат құбуз шаклида учрайди. Ушбу өлкөн асбоби танбур шаклида туркій халқлар орасида кенг тарқалған бўлиб, юкоридагидек, унинг номланиши ва өлкөн асбобининг шакли-шамойилида ҳам фаркланди:

Анингким, рубоб бошин йерга құюб ниёз күргузгай ва қубуз қулоқ тутиб айшға тарғиб оҳангин юзгай (М.К., 36-б).

Мумтоз мусиқашунослиқда уд Шарқ халқлари орасида қадимдан машхур бўлған өлкөн асбобидир. Уднинг мелодий I асрда ҳам мавжудлиги аникланған. Қадимий мусиқа назарияси, мусиқа ҳақидаги асарларда тор ва парда тузилишини уд өлкөн асбоби орасида тушунтирилған. XVII асрда яшаган олим Дарвешали Чангий ўзининг мусикага бағишилаган рисоласида уд – өлкөн асбобларининг подшоси, дея таъкидлайди. Дарвешалининг ёзишича, удда 12 жуфт созланувчи ипак тор бўлған. Ҳозир ҳам уд ўзбек, тожик, арман халқ созандалари орасида қўлланилиб келмоқда¹.

Уд – Навоий асарларида бир неча маъноларда учрайди: 1. Хушбўй ёғочларнинг бир тури. Ўтга солганда ўзидан муаттар хид чикарадиган ёғоч:

Анга дуд ўрнига торвихи (яъни хушбўй хид тарқатишлиқ) уд

Бу солиб димоғ ичра ҳар лаҳза дуд (С.И., 269-б. 7)

Бу ўринда Навоий, уддан ҳатто хидлаб ҳам хузур топасан, деб таъриф беради.

Уднинг иккинчи маъноси өлкөн асбоби, торлик мусиқа асбоб номи маъносида келади. “Хазойинул маоний”дан келтирилған қўйидаги байтга эътиборни қаратайлик:

¹ Мусиқа лугати. Тошкент. 1986. 366-бет.

Эй Навоий, уддек ҳар дам кўрарсен гўшмол,

Гўйиё сен тифли раҳ, чархи муҳолифдор адаб (Х.М., 11а - 34)

Навоий бадиий ўхшатиш асосида уdnинг ипак торларини созлаш асносини худди айбдор ёш боланинг кулогини бураб жазолашга, танбеҳ бериш; унга азоб берадиганга ўхшагади. Удни чалиш, унинг овозини, ипак торларини созлаш мураккаб илм эканлигига ишора килади.

Навоий асарларида даф чолгу асбоби номи ҳам кўп учрайди. Ушбу чолгу асбоби баъзида доира, ногора хозирда Фарғонада чирманда, Бухорода дойира. Тошкентда чиlldирма баъзи вилоят шеваларида дойра тарзида кўлланилади:

Соқий, ҳароби жоми ҳароботин ишқмен,

Тутқил қадаҳ, мугонни, этиб созу чангъ даф (Х.М., III б, 307)

Ушбу “Хазойин ул-маоний”дан келтирилган байтда соз, чанг, даф каби чолгу асбоблари номи зикр этилади.

Чанг – Ўрта Осиё ҳалқларининг қадимий урма чолгу асбоби. Мусиқашунос Дарвешали Чангий чангнинг жуда қадимий эканлигини, ундан касалларни даволашда ҳам фойдаланганинги ёзган. Навоий чангнинг садоси баланд, узок-узокларга, кўкка таралади, деб таъриф беради.

Зуҳра ушотиб даф ила чангини,

Навҳа қўкида тузуб оҳангини (Х.А., 9-17)

Най – қадимий пуфлама ўзбек ҳалқ чолгу асбоби. **Най** хозир ҳам Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Озарбайжон, Эрон ҳамда Хитой каби мамалакатларда ишлатилиб келинмоқда. **Най** сўзининг маъноси Навоий асарлари 4 томлик луғатда¹ келтирилишича, I камиш, II чолгу асбоби каби маъноларини англатган:

Чўмгали қўймас қуруқ найдек сўнгаклар ашқ аро,

Турфа кўрким баҳри бепаён аро солим будур (Х.М. 16 - 176)

Май утининг ламъаси ўртаб вужудин хирмонин.

¹ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. –Т.. Фан. 1983-85. II-том. 427-бет.

Кўлларин най нағмаси бир дамда нобуд айлади (Х.М. 16 - 649)

Наврӯз – Навоий асарларида кўп учрайдиган атама, сўз. Унинг биринчи маъноси янги (кўн) йил тарзида кўлланилган бўлса, ушбу байтда фасли наврӯз, яъни шашмакомдаги сегоҳ мақомининг наср биринчи бўлими (фасли) турига ишора ҳамdir.

Навоий Садди Искандарийдан келтирилган қуидаги байтда эса ийхом (икки маъноли сўз) санъатидан мохирона фойдаланган:

Ки бу сур эрур оламафруз ҳам,

Хусусан, эрур фасли наврӯз ҳам (С.И., 297 а - 17)

Байтдаги сур сўзи, биринчидан, кўп маъноли бўлиб унинг карнай, сунрай; иккинчидан, тўй, баъзида, шодлик, яратилиш, янгиланиш байрами каби маъноларда келиб, мисралар мазмунига алоҳида жозиба багишлаган¹.

Достонда Навоий санъат, соз чалиш илми адвор, фанни мусикий нағмасоз, базм.. достоннавоз, лаҳни руд, суруд каби мусика санъатига оид чолғу асбобларининг ажойиб намуналарини санаб ўтган бўлса, иккинчидан, мулки Хоразм – созанда ва ҳонандалар диёрини таъриф-тавсиф этади. Шу билан бирга, Хоразмда “фанни мусикий” – мусика илми, жумладан, илми адвор – товуш (савт), куй каби мусикашуносликнинг етакчи тармоғи ривожланганлигини таъкидлайди². Улуг шоир асарларида адвор – мусика асбоби, наво чалиш парда каби маъноларда учрайди.

Юкорида санаб ўтилган лугатларда, Навоий бевосита ўз асарларида истифода этган мусикий атамалардан (уларнинг аксарияти туркий бўлиб, хозирда каммахсул сўз, атамалар хисобланган) намуналар келтирамиз: Бишкур – хозир бу ном бурят тилида сакланган, сурнайга ўхшаш мусика асбоби номи; Дабу – уйғур тилида сакланган бўлиб, у доирага ўхшаш мусика асбоби атамасидир³.

Дамбур – мўғул тилида сакланган мусика асбоби номи;

¹ АНАТИЛ, III том, 126-бет.

² Матекубов О. юкоридаги макола. 54-59-бетлар.

³ Қаранг: мусика лугати.

Дүрүк – қамишдан ясалған, хозир Кавказ халқларыда сакланған пулфлама чолғу асбоби; Дұл – доира шаклидаги чолғу асбоби номи; Жирыв – кубуз сингари халқ чолғу асбоби; Зурна сурнай сұзидан олинган. Күмүз (кубуз) – бу ном хозир ҳам Дөғистонда тирнама чолғу асбоби номи сифатыда тилга олинади. Кияқ эса қозок қубузи номидир.

Навоий бадиий асарларыда руд – торли камонча билан чалинувчи чолғу асбоби (Айни пайтда, руд дарё маңында ҳам учрайди). Аәлгү – (үлан, ашула, ялла) сұзи ҳам күп учрайди. Лимба – мүғул ва бурят халқларыда сакланған найга үхшаш пулфлама чолғу асбоби; дур – най сингари пулфлама чолғу асбоб номи; сарбозча//сарбози – ҳарбийларнинг жанговор юришига ҳамоханг мусика номи.

Айтиш мумкинки, Алишер Навоий ижодиётини, демакки, унинг ҳаёти-фаолиятини мусикасиз, унинг қалбларга хузур-халоват, роҳат ва фарогат бағишивчы, ижодға, ҳаётта илхом ва иштиёқни орттирувчи мусика ва мусиқаларсиз, унинг дилрабо оханға охангларисиз тасаввур этиш кийин. Зеро, ҳаёттинг ўзи кувончу шодликлардан, шу билан бирға, дарду аламлардан, ҳасратлардан, турли-туман сасу садолардан иборат. Ўз-ўзидан англашиладыки, инсон ва мусика ва, аксинча, мусика ва инсон азалий ҳамда абадий бир жараён. Бу жараён хеч қачон қўним ва тиним билмайди, инсонни, унинг қалбини ҳамиша ром этиб, тўлқинлантириб, уни доимо истиқболга чорлаб, янгидан куч-куvvват ва илхом багишлиб туради...

Бинобарин, Навоий етук бастакор сифатида мусика назаряси ва чолғу асбоблари билан яқиндан таниш бўлғанлиги, қизиқканлиги туфайли уларни ўз асарларида истифода этади, кўплаб куйларни, улар билан боғлик чолғу асбоблари номларини қайта-қайта тилга олади, наслларни мусикага ошно этади... Шу боис, биз, шоир ижодида мусика санъатининг турли кўринишларини ифодаловчи юзлаб ибора ва атамаларни, тушунча ва тасаввурларни учратамиз. Булар ўз ўрнида ўқувчиларнинг беназир сўз санъаткори Навоий асарлари мазмунини англашларида яқиндан ёрдам беради.

Шартлы кискартмалар:

А.Н. – Алишер Навоий

Х.М. – Ҳазоин ул-маъоний

М.Қ. – Махбуб ул-кулуб

С.И. – Садди Искандарий

Ҳ.А. – Ҳайрат ул-аброр

С.С. – Сабъаи Сайёр

АНАТИЛ – Алишер Навоий асарлари тилининг изохли лугати

БЕКМУРОД ЙЎЛДОШЕВ

АЛИШЕР НАВОЙИНИНГ ТИЛШУНОСЛИККА ДОИР ҚАРАШЛАРИ ХУСУСИДА

Маълумки, Алишер Навоий яшаб ижод этган XV асрда адабий тил соҳасида мураккаб бир вазият юзага келган эди. Анча илгаридан давом этиб келаётган туркий адабий тилда, сўнгра эски ўзбек адабий тилида турли мазмундаги адабий-бадиий, тарихий, илмий, диний ва дидактик асарлар яратиш маълум даражада давом этиб келаётган бўлишига қарамай бу адабий тилининг нуфузи ҳали юкорига кўтарилимаган эди. Навоий ўз халкининг адабиёти ва адабий тилини ривожлантиришдек мухим мафкуравий масалани кўтариб чиқди. Ана шу йўлда хормай-толмай кураш олиб борган бобокалонимиз ўлмас асарлари билан бутун мамлакатни яққалам килди ва шу билан ўзбек адабий тилининг шуҳратини оламга ёйди:

Турк назмида чу тортиб мен алам,

Айладим ул мамлакатни яққалам.

Президентимиз таъбири билан айтганда, "Ҳазрат Навоий шундай буюк зот экан, унинг тафаккур дурдоналари бўлмиш бокий асарлари замонлар оша яшаб келаётган экан, бу улуғ меросдан халқимизни, айникса, ёшларимизни канча кўп баҳраманд этсан, мъянавиятни юксакликка кўтаришда, инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий куролга эга бўламиз".

Буюк бобокалонимиз тафаккур дурдоналари унинг мангу адабий-илмий обидалари "Муҳокамат ул-луғатайн", "Сабъату абхур" асарларида ҳам ўз акси-ифодасини төпган. Булар, бевосита, тилшуносликка доир ганжинслар.

Алишер Навоий ўзбек шоирларини ўз она тилида ижод қилишга, хеч бўлмаганда, ҳар икки тилда – форс-тожик ва эски ўзбек тилида баробар калам тебратишга чақиради. У эски ўзбек адабий тилининг равнаки учун курашни даврнинг энг муҳим иши деб билган эди:

Сенга онча ҳақ лутфи воқеъдурур,

Ки турк алфози шойеъдурур.

Бу тил бирла то назм эрур ҳалқ иши,

Яқин қилмамиши ҳалқ сенингдек киши.

Алишер Навоий вафотидан икки йил олдин, яъни 1499 йилда ёзган "Муҳокамат ул-луғатайн" ("Икки тил муҳокамаси") асарида ўзининг тилшуносликка доир қарашларини, хусусан, тилнинг кишилик жамиятида тутган ўрни ва аҳамиятини, тил ва тафаккурнинг ўзаро боғликлиги, айrim тилларнинг келиб чиқиши, туркий (ўзбек) тили луғавий қатламининг бойлиги, бу тилнинг баъзи товуш хусусиятлари, турли услубий воситалари, туркий тилларда сўз ясалиши каби масалалари ва бошқаларни муҳтасар, асосли, шоён ёритиб берган. Бу каби масалалар икки тилни, яъни Навоий терминологияси билан айтганда, турк (ўзбек) ва сарт (форс-тожик) тилларини бир-бирига қиёс қилиш жараёнида олга сурилади. Бу икки тилнинг айrim хусусиятларини ўзаро чогиштиришдан асосий максад – турк (ўзбек) тилининг бой ва мукаммал тил эканлигини, у орқали нозик хистайғуларни, мураккаб фикрларни ҳам бемалол ифодалаш ва ўзаро алоқа эҳтиёжларини муваффакият билан кондириш мумкинлигини, хуллас, унинг адабий тил бўла олиш имкониятларини ишончли далиллар билан кўрсатиб беришдан иборат эди.

Адибнинг тил ва тафаккур диалектикаси ҳакидаги қараши куйидаги фикрда ёркин ифодаланган: "*чун алфоз ва мазкур маҳлуқотдин мурод маънинидир*", яъни оламдан олган муайян билимимизни ифодалаш,

бошқаларга етказиш учун тилдан фойдаланамиз, гапирамиз, нутк сўзлаймиз.

Асар Навоийнинг 'турк (ўзбек) жонли сўзлашув тилини чукур ўзлаштирганигини, ҳар бир қавмнинг тил хусусиятлари унинг дикқат-эътиборида бўлганлигини, айни пайтда, форс ва араб тилларининг ҳам зукко билимдени, умуман, кенг қамровли тилшунос эканлигини тўла намойиш этади.

Унинг таъкидлашича, услугбий жиҳатдан бетараф бўлган "ичмок" сўзининг маънодошлари сифатида "сипкармок", "томшимок" сўзлари кўлланади. Шундан "сипкармок" сўзи косадаги май ёки сувнинг ҳаммасини охиригача ичиб юборишни билдиради:

Соқиё, тут бодаким, бир лаҳза ўзимдин борай,

Шарт буким, ҳар неча тутсанг лаболаб синқорай.

"Томшимок" сўзи эса тез ичмасдан ортиқ завқ орқасида лаззат топиб оз-оз ичишни билдиради:

Соқий чу ичиб менга тутар кўши,

Томший-томший ани қиласай нўш.

Ёки услугбий жиҳатдан бетараф бўлган "йигламок" сўзининг маънодошлари "йигламсинмок", "инграмок", "синграмок", "сиқтамок", "ўкурмак", "инчкирмак" каби қатор сўзлар бўлиб, булар ҳам йиглаш харакатининг турли даражаларини ифодалашга хизмат қиласиди. Масалан, "йигламсинмок" сўзи кўзга ёш олмай йиглашни билдиради:

Зоҳид ишқин десаки, қилгай бош,

Йигламсинири кўзига келмас ёш.

Навоий "Сабъату абхур" номли араб тилининг изохли лугатини ҳам яраттган.

Шундай қилиб, юртбошимиз И.А.Каримов сўзлари билан айтганда, "она тилига муҳаббат, уни улуғлаш, унинг бекиёс бойлиги ва буюклигини англаш туйгуси бизнинг онгу тафаккуримизга, юрагимизга, аввало, Алишер Навоий асарлари билан кириб келган". Айтиш жоизки, буюк мутафаккир

Навоий жаҳоннинг улкан тилшунос олимлари каторидан жой олишга хар жиҳатдан ҳақлидир. Биз, тил ва адабиёт ўқитувчилари ана шу ҳақиқатни ёшларга, Навоий ижоди йўлосмандларига содда ва равон тилда етказа билишимиз, бу билан улар қалбида она тилини кадрлашдек эзгу хислатларни тарбиялаб боришимиз лозим бўлади. Бу эса ўта муҳим ва хайрли амал...

Ирода БАКИРОВА

**АЛИШЕР НАВОЙЙ АСАРЛАРИДА ҚЎЛЛАНГАН ХАТТОЛИККА
ОИД БАЪЗИ СЎЗЛАР ҲАҚИДА**

Ўзбек халкининг буюк донишманди, бобокалонимиз Алишер Навоийнинг ижодини ўрганар эканмиз, хар сафар ўзимиз учун янгиликлар кашф этаверамиз. Хусусан, хаттотлик ва у билан ҳамоҳанг тарзда, хаттотлик атамаларининг шаклланиши ҳамда ривожланишида Навоийнинг кўшган хиссаси бекиёсдир. Котиблик санъати айнан шу замонда гуллаб-яшиаган. “Хаттотлар сultonи” Султон Али Машҳадий, миниатюра санъати бўйича Камолиддин Бехзод каби қўли гул усталарнинг яратган безакли қўлёзма асарлари такрорланмас санъат гавҳарларига айланган».

Орадан неча асрлар ўтибдики, шоир қолдирган бой ҳазина ҳанузгача илмий-тадқикот обьекти сифатида ўрганиб келинмоқда. Мазкур мақолада адаб асарларида қўлланган хаттотликка оид «қалам», «сиёҳ», «кора» сўзлари ҳақида баҳс юритамиз. Мисолларни «Фарход ва Ширин», «Сабъаи сайёр» достонларидан олдик (Алишер Навоий. МАТ. 20 томлик. 8-, 10-томлар. – Т.: «Фан», 1991).

Навоий давригача ҳам «қалам» ва «қалам ахли» катта ҳурматга эга бўлишган ва улар тўғрисида асарларда алоҳида фасллар битилган. Масалан, Умар Хайём ўзининг «Наврўзнома» асарида «қалам ва унинг хосиятлари» ҳакида шундай дейди: «Ҳусниҳат учун учта яхши нарса даркор. Агар шу уч

нарсадан биттаси яхши бўлмаса, гарчи хаттот уста бўлса ҳам, у ҳолда хат яхши бўлмайди. Биринчиси – қалам, иккинчиси – сиёҳ, учинчиси – қозоз»¹.

Юсуф Хос Ҳожиб эса «Кутадгу билиг»да хат ёзувчи «котиб»лар ҳакида куйидаги фикрларни баён қилади:

*Котиб билимли, заковатли бўлиши керак,
Хати чиройти, сўзга уста эзгу фол бўлиши керак.
Агар эл олинса, қилич воситасида олинади,
Агар эл бошқариса, қалам билан бошқарилади.*

«... .кишилар орасида энг сара ва кераклиси икки тоифадир»:

*Бириси - котибдир, бехато хати,
Бири элчи эрур - ширин суҳбати².*

«Қалам» сўзи юонча бўлиб, «қамиш» деган маънони англатади. Ўзбек тилига эса бу сўз араб тили орқали кириб келган, араб тилида у икки хил маънони англатади: қамиш қалам; кесик, кесилган. Қамиш қалам хаттотнинг асосий қуроли бўлиб, бу қалам учун қаттиқ, ингичка, учини чиқаришда тўғри чизик ҳосил килиши шарт бўлган қамиш танланган. Қамиш қаламнинг учун чиқарилганда ўртасида озгина узунасига ёрилган. Бу ёрик «шақ» деб айтилган. «Шақ» сўзи ҳам арабча бўлиб, бу сўз ёриш, синдириш ва иккига ажралган бўлакнинг бири деган англамаларни ифодалайди.

«Қалам» сўзи Алишер Навоий асарларида форсча «хома», «килк» каби сўзлар билан синонимик каторни ташкил қилади:

*«қалам»
Бу азодин қалам бўлуб гамнок
Юзин айлаб қаро ёқосини чок.*

*«хома»
Қилибон хомаси нечукки, жаҳон,
Оби ҳайвон сиёҳи ичра ниҳон.*

«килк»

¹ Умар Ҳайэм, «Наврузнома», 39-бет.

² Юсуф Хос Ҳожиб, «Кутадгу билиг», 431-437-бетлар.

Килки чун варақ нигор этайин

Онча аъжуба ошкор этайин!

Мисолларда «қалам», «хома», «килк» сўзлари алоҳида-алоҳида кўлланган. Баъзан бир байтнинг ўзида ҳам «хома», ҳам «қалам» сўзлари ишлатилган. Масаланб

Хома тутмай валие сурада мақол,

Нукта эллин қилиб қалам киби лол.

«Қалам», «хома» ва «килк» сўзлари сўз бирикмалар таркибида ҳам кўлланган: «қалам аҳли» - қалам эгалари:

Қалам аҳлин қилиб ети саркор,

Ё дегил нақишибанд, ё заркор.

«килки нуги» ва «хома учи» - қалам учи маъносида:

Килки нугидаги равон ӯдуда,

Шакар олуду мушк андуда.

Бир гаҳ хома учини айлаб тез,

Килайин сафҳа узра гавҳар тез.

«хома ноли» - қалам ичидаги ингичка томир, най:

Хома нолича тобу ранж манга,

Аждаҳодек хаёли ганж манга.

«Қалам» сўзига шахс оти ясовчи форсча «-зан» кўшимчасини кўшиш ёрдамида асосдан англашилган иш билан шуғулланувчи шахс оти - «қаламзан» (қалам тебратувчи, ёзувчи, котиб, олим, шоир) ясалган:

Ҳам қаламзан тушуб ҳавола аро,

Бўлубон ҳалқ рўзгори қаро.

Алишер Навоий ўзининг «Фарход ва Ширин» достонида «қалам»нинг таърифини қуидагича келтиради:

Қаламким раҳнаварди тезтакдур,

Азалдин манзили фавқул-фалакдур.

Чопарда қўйругин айлаб алам ул,

Кулогидек аёгидин - бош қалам ул.

Байтда Навоий «қалам»нинг хат ёзиш жараёнидаги ҳолатини отнинг чопаётган пайти билан таққослаган ҳолда тасвирилаган ва «қалам»нинг лугавий маъносидан киноя ишлатиб, сўз ўйинидан фойдаланған.

Қаро тилни демакдин бир замон чек,

Десангким бормагай бошинг қаламтек.

Ушбу мисолда «қалам» ёзув куроли сифатида тилга олинмаган, балки сўзининг лугавий маъноси – кесиш, кесилган, кесик назарда тутилган.

Алишер Навоий асарларида «сиёҳ» сўзи туркий «қаро», «кора сув», форсча «дуда», арабча «мидод» каби сўзлар билан синонимик қаторни ташкил қиласди. «Сиёҳ» сўзи форсча бўлиб, «кора» деган маънони англатади ва «сиях» тарзида ҳам кўлланилади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида эса у икки хил маънони англатади: кора; ёзиш учун ишлатиладиган маҳсус рангли суюқлик. Демак, «сиёҳ» сўзининг аслий маъноси «кора»дир, бироқ «сиёҳ ранг» деганда «кора ранг» эмас, балки «сафсар ранг» (фиолетовый цвет) тушунилади. Бундан кўринниб турибдики, янги маъно оттенкаси пайдо бўлган.

Куйида «сиёҳ» сўзи ўрнида унинг синонимлари кўлланган мисолларни кўриб чиқамиз: «коро» - сиёҳга нисбат:

Қаламингга кечা синеҳр аро,

Ложувардий давомт ичинда қаро.

«кора сув» - сиёҳга нисбат:

Қил давотимни, эй Зуҳал, мамлу,

Ҳайи рухсорадин солиб қора сув.

«дуда» - кора сиёҳ тайёрлашда ишлатиладиган қурум:

Килки нугидаги равон дуда,

Шакар олуду мушк андуда.

«мидод» - ёзиш учун ишлатиладиган сиёҳ, қурум, дуд:

Хомасига кўзи мидод ўлсун,

Ул қародин анга савод ўлсун.

Алишер Навоий асарларида туркий «кора» сўзи қўлланилиб, у қўйидаги маъноларни англатади: 1. қора; коронғу, қоронгулик:

*Бошига салиб ул қаро гису,
Ҳар туки сою вир қаро қайгу.
Очти тун хайли чун қаро нарда,
Ё қаро ранглик саропарда.
Кундуз этти қаро, сариг тўнини,
Кун сияҳтоб қилди алтунни.*

2. нишона, белги; узокдан кўринган кора, шарпа:

*Дашт аро бир қаро кўринмии анга,
Бир қаро дашт аро кўринмии анга.*

Биринчи мисрадаги «кора» сўзи – узокдан кўринган кора шарпа, нишона; иккинчи мисрада эса – кора, коронғу даштни ифодаламокда. «Кора» сўзи «дашт» сўзининг сифатловчисига айланаб сўзнинг маъносини кучайтирган.

3. сиёҳ:

*Шақдин нукта йўқ, шакар тўкулуб,
Кора ўрнига мушки тар тўкулуб.*

Юқорида хаттотликка оид «қалам», «сиёҳ», «қора» каби лексемаларнинг шоир ижодида қўлланганлигини кўриб чиқдик. Мисолларда кўриб ўтганимиздек, бу сўзлар нафақат ўз маъносида, балки қўчма маънода ҳам ишлатилган. Масалан, «Сабъаи сайёр» достонининг 6-бобида: «кора» сўзи - тўрт марта (сиёҳ, кора бало, кора туфрок, шатранждаги кора доналар); «килқ» сўзи - икки марта (килқ, килки нўғи); «хома» сўзи – икки марта (хома, хома нолича); «сиёҳ» ва «дуда» сўзлари – бир мартадан ишлатилган. Булар ўз навбатида, асар тили ранг-баранглигини оширган чиройли ва охангдор қофияларнинг шаклланишига, демакки, Навоий бадииятига хизмат қилган...

Мундарижа ТУРФА ТАЛҚИНЛАР

Нажмиддин КОМИЛОВ. Адолат – давлат пойдорлигининг асоси	3
Хамиджон ҲОМИДИЙ. Атокли навоийшунос	11
Рахмонқул ОРЗИБЕКОВ. Алишер Навоий ижодида устозлар мадҳи	17
Дилором САЛОҲИЙ. Навоийнинг туркй шеърдаги ихтиrolари	23
Муслихиддин МУҲИДДИНОВ. Инсон ахлоқи тасвирида адабий анъана ва ижодий ўзига хослик	33
Файзуллоҳҳон НАБИЕВ. Хулқ ила олам элини шод кил	45
Абдулҳаким ШАРӢӢ ЖУЗЖОНИЙ. Афғонистонда навоийшунослик	53
Нурсатулло ЖУМАХӮЖА. Алишер Навоий ижодиётида давлат ва жамият бошқарувининг бадиий талқини	63
Каромат МУЛЛАХӮЖАЕВА. Навоийнинг бир газалида ранглар мөҳияти ..	71
Исмат САНАЕВ. Нодим Зиёвуддиний ва Алишер Навоий	80
Зиёда МАШАРИПОВА. Кўнгуллар ноласи зулфунг камандин ногаҳон кўргач	86
Тозагул МАТЁҚУБОВА. Faфур Ғулом поэтик меросида навоийона рух	92
Абдусоли РАҲМОНОВ. Навоий ижодида инсон муаммосининг фалсафий ифодаланиши	104
Абдулҳамид ҚУРБОНОВ. Ойнинг Зуҳал билан кирони ёки Навоий ижодида шибҳи иштиқоқ санъати	107
Исломжон ЁҚУБОВ. Навоий қалбининг ойбекона ифодаси	115
Фарида КАРИМОВА. Муштарак нукталар. Адолат – мезон	123
Баҳодир ВАЛИЕВ. Оғаҳий ғазалларидаги сӯфиёна талқинларда Навоий анъанаси	127
Мўминжон СИДДИҚОВ. Навоийнинг айрим ҳикоятлари генезисига доир ..	132
Иноятулла СУВОНҚУЛОВ. Навоий ва мөймормчилик	141
Рахим ВОХИДОВ, Юнус АЗИМОВ. Низомий ва ундан кейинги давр адабиётида Искандар сиймоси	150
Отабек ЖЎРАБОЕВ. Амирийнинг Навоий ғазалларига бояланган таҳмислари хусусида	155
Нодира АФОҚОВА. Навоий шеъриятида тун ва тонг образи	161
Сарвиноз СОТИБОЛДИЕВА. Алишер Навоий ва форс шеърияти	167
Сайдмурод ҲОЛБЕКОВ. Мирзо Салимий Навоий ҳакида	171
Хуснигул ЖЎРАЕВА. «Фусули араба»да Ҳусайний васфи	173

ЛИСОНИЙ ЗЕБОЛИКЛАР

Иброҳим ЙЎЛДОШЕВ. Навоий асарларидаги қўлёзма турларини ифодаловчи терминлар	177
Зиёдулла ҲАМИДОВ. Навоийнинг мусикий атамаларга муносабати	182
Бекмурод ЙЎЛДОШЕВ. Навоийнинг тилшуносликка доир карашлари	191
Ирода БАКИРОВА. Навоий асарларида қўлланган хаттотликка оид баъзи сўзлар ҳакида	194

100 - буюртма. 500 нусха. Ҳажми 9,3 б.т.
2011 йил 8 январда босишга рухсат этилди.
Низомий номидаги ТДГУ Ризографида
нашр қилинди